

**Джураев Р.Х., Цой М.Н., Стыркас И.Н.,  
Гайер Т.В., Конева С.Х.**

**ПЕДАГОГИК ЖАМОАДА  
МАДАНИЙ-ИЖОДИЙ МУҲИТ  
ЯРАТИШ ЛОЙИҲАСИ**

**Ташкент- 2015**

**УЎК 371.241.1**

**КБК 30.2.74.04**

**П 243**

**Джураев Р.Х., Цой М.Н., Стыркас И.Н., Гайер Т.В., Конева С.Х.** Педагогик жамоада маданий-ижодий муҳит яратиш лойиҳаси. Педагоглар ва психологлар учун илмий-методик қўйлланма. – Ташкент, 2015. – 160 б.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Т.Н.Кори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий кенгаши (Қарор № 8; 2 октябр 2015 й.) томонидан нашрға тавсия этилган

*Илмий-методик қўйлланмада таълим муассасаларида педагогик жамоани тақомиллаштириши шароитида маданий-ижодий муҳит яратишга оид амалий тажрибалар ва илмий тадқиқот материаллари натижалари умумлаштирилиб, тизимлаштирилган ҳолда тақдим этилган.*

Мазкур материалларнинг асосий манбаларини муаммонинг ҳолатини ўрганини ва таҳсил этишига қаратилган ватаниниздо амалга оширилган ҳамда хорижий педагогик тажрибалар, тадқиқот мавзусига оид атамалар ва тушунчаларни ўрганини ҳамда изоҳлаш, ижтимоий-маданий муҳитни яратишга технологик ёндашув моҳиятини очиб берини ва уйибу мақсадда лойиҳа методидан фойдаланини ташкил этилади

Қўйлланмада таълим соҳасидаги интеллектуал-ижодий, маданиятишунослик ва ижтимоий-психологик заҳираларга эътибор қаратилиб, ушибу йўналишида инновацион жараёнларнинг таълим соҳасига татбиқи очиб берилади.

Мазкур қўйлланма таълим муассасалари раҳбарлари, психологлар, ўқитувчилар, шунингдек, барча даражалардаги таълимни бошқарув органлари хизматчилари, узлуксиз таълим тизими ўқитувчилари учун мўлжаллланган.

**Такризчилар:**

А.Авлоний номидаги ВПҚТМОИ проректори,

Педагогика фанлари доктори, профессор Раҳманқуловна Н.Х.,

Тошкент шаҳридаги 60- мактаб директори Некрасова Т.П.,

«Fizika, matematika va informatika» илмий-методик журнали редактор

ўринбосари, педагогика фанлари номзоди Мусурманов Р.М.

**Таржимон:**

педагогика фанлари номзоди М.Э.Иноятова

**ISBN 978-9943-982-06-2**

## **МУНДАРИЖА**

### **КИРИШ 4**

#### **I БОБ. ПЕДАГОГИК ЖАМОАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСЛАРИ**

1.1. «Педагогик жамоа» ҳамда унга ёндош тушунчаларнинг назарий таҳлили .....	6
1.2. Умумтъилим мактаблари шароитида педагогик жамоанинг ривожланиш қонуниятлари таҳлили .....	11
1.3. Педагогик ўзаро таъсир - ўқитувчининг ўз-ўзини ривожлантиришининг асоси сифатида .....	14
<b>II БОБ. ЛОЙИХАВИЙ ФАОЛИЯТ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ</b>	
2.1. бошлангич таълимда акт воситасида амалга ошириладиган лойиҳавий фаолият .....	18
2.2. Мактаб информатика дарсларида амалга ошириладиган лойиҳавий фаолият .....	21
2.3. Лойиҳавий фаолиятда предметлараро алоқа .....	23
2.4. Лойиҳавий фаолият ва маданий-ижодий мухитни ташкил этиш .....	26
2.5. Мактаб ахборот мухитини ташкил этишга маданиятшунослик ёндашуви .....	31

#### **III БОБ. МАДАНИЙ-ИЖОДИЙ МУХИТНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ**

3.1. “Мухит” тушунчасининг ижтимоий-маданий ва таълимиy аспектлари.....	33
3.2. Педагогик жамоанинг ривожланишига таъсир кўrsатувчи маданий-ижодий мухит табиитининг хусусиятлари .....	42
3.3. Маданий-ижодий мухитни технологиялаштиришга тарихий-мантикий ёндашув .....	44
3.4. Маданий-ижодий мухитни технологиялаштириш жараёнида педагогик жамоанинг роли .....	47
3.5. Медиасаводхонликни ривожлантириш жараёнида шахснинг маданий-ижодий такомиллашуви .....	48
3.6. Ўқитувчидаги компетентлик ва педагогик маданиятни шакллантиришнинг концептуал асослари .....	51
<b>ХУЛОСА .....</b>	
АТАМАЛАР ВА ҚИСҚАРТМАЛАР .....	59
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....	66
ИЛОВА (Физикани ўрганишда лойиҳалар методидан фойдаланиш) .....	73

## КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар шароитида муассаса ва ташкилотлар фаолиятининг турғун ва самарали бўлишининг асосий омили шаклланиб, ривожланиб бораётган меҳнат жамоалари ҳисобланади. Мазкур жараён бевосита таълим соҳасига ҳам тааллуклидир.

Маданий-ижодий фаолият жараёнида педагогик жамоа ривожланиш жараёнининг хусусияти ва моҳиятини билиш учун “педагогик жамоа” тушунчасининг мазмунини ўрганиш, лойиҳавий фаолиятнинг мавжуд турларини таҳлил этиш зарур.

Хозирги даврда “педагогик жамоа” тушунчасини аниқлашга нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. “Педагогик жамоа” тушунчасига оид мавжуд ёндашувлар ва турли фикрларни таҳлил этиш бизга мазкур тушунчанинг ишчи вариантини шакллантириш имконини берди. Педагогик жамоа таълим муассасаси педагогларининг ўз-ўзини бошқаришга асосланган ҳамкорлиги ҳисобланаб, ўз фаолиятини биргаликда кабул килинган ёки ишлаб чиқилган ягона мақсадни амалга оширишга каратеги ҳамда ўзаро алоқадор вазифадош ва маслакдош гуруҳ ҳамда алоҳида индивидларлардан ташкил топади.

Педагогик жамоани ривожланиш хусусиятига эга бўлган тизим сифатида ўрганган мутахассислар фикрига кўшилган ҳолда, таъкидлаш жоизки, педагогик жамоанинг такомиллашуви аввало педагогларнинг жамоавий фаолияти натижаларининг сифат жиҳатидан ўсишига боғлиқ. Мазкур омил айниқса хозирги таълим ислоҳоти шароитида янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таълим муассасасида маданий-ижодий муҳитни яратишнинг асосий шартларидан бири лойиҳа методини қўллашда ўз аксини топади. Шунга кўра, педагоглар ва ўқувчиларнинг лойиҳавий фаолиятини ўрганиш, унинг ўқув-тарбия жараёнига амалий татбиқини таҳлил этиш тадқиқот йўналишларимиздан бири бўлиб ҳисобланди (Илова. Физикани ўрганишда лойиҳалар методидан фойдаланиш).

Тадқиқ этилаётган муаммо бўйича илмий адабиётларнинг назарий таҳлили ҳамда педагогик жамоанинг амалий фаолиятини таҳлил этиш натижасида биз педагогик жамоа ривожланишининг асосий омилларини аниқлашга ҳамда таълим муассасаси жамоаси фаолиятинининг барча турларини ўзаро интегратив алоқадорликда таснифлашга муваффак бўлдик.

Педагогик жамоани ташкил этишида маданий-ижодий фаолият, гарчи ягона етакчи фаолият сифатида эътироф этилмаса ҳам, асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Маданий-ижодий фаолият асосий фаолият турларининг умумий каторида бўлмасада, субъектив фаолият тури сифатида алоҳида ўринга эга. Бундан ташқари, фикримизча, у педагогик жамоанинг ҳамкорликдаги фаолияти натижаси ўлароқ муайян ютукларга эришишнинг бир қадар самарали ва универсал воситаси ҳисобланади.

Педагогик жамоанинг маданий-ижодий фаолияти мазмунини таълим муассасасини ўраб турган муҳитни ижодий жиҳатдан тубдан ўзгаририш, унинг педагоглари ва тарбиячиларини маданий-ижодий фаолиятга жалб этиши ташкил қиласиди. Маданий-ижодий фаолият натижасида, хусусан, таълим муассасалари ва уларнинг педагогик жамоаларида ҳам ноёб, ягона, аввал мавжуд бўлмаган тажриба яратилади.

Агар педагогик жамоанинг тизимли, интегратив фаолияти натижаси хисобланган тарбия бола табиатига педагогик шакл, усул ва воситалар орқали таъсир кўрсатиб, уни ўзгартиришдан иборат бўлса, педагогик жамоанинг маданий-ижодий фаолияти натижасини таълим муассасасининг реал мавжуд бўлган муаммоларини адекват ҳал қилиш ёки аниқ иш йўналишини амалга ошириш; мавжуд ҳолатини яхшилаш ва бошқа фаолият турларини такомиллаштириш; жамоада аввал мавжуд бўлмаган тажрибани вужудга келтириш кабилар ташкил этади.

Биз педагогик жамоанинг маданий-ижодий фаолиятини аввалдан режалаштирилган ҳамкорликдаги фаолият натижаларининг бир қадар самарали амалга оширилишининг *воситаси* деб хисоблаймиз. Айни вактда, у айни маънода бу хил натижанинг шаклланиши ва ривожланишининг омили саналади.

Мазкур амалий тадқиқотнинг илмий янгилиги шунда ифодаланадики, унда педагогик жамоа ва таълим жараёни ҳар бир иштирокчисининг ўз-ўзини ривожлантириши учун, бевосита лойиха методи (ЛМ)ни кўллаган ҳолда, маданий-ижодий муҳит яратиши жараёни тадқиқ этилади, шунингдек, умумтаълим мактабларида маданий-ижодий муҳитни шакллантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чишиш ҳамда педагогик жамоанинг ўз-ўзини такомиллаштириши муаммосини ҳал этишга қаратилган қўлланма тайёрлаш назарда тутилади, бу эса таълим жараёни иштирокчиларини интеллектуал-ижодий ривожлантириш учун кўрсатма бўлиб хисобланиб, педагогик жамоанинг ўз-ўзини такомиллаштириши сари ўйлайди.

Юкорида қайд этилган умумий тушунчаларга асосланиб, биз маданий-ижодий фаолият асносида педагогик жамоанинг шаклланиш жараёнини унинг таркиби ва тузилишида янги сифат ўзгаришларига олиб келувчи, йўналтирилган, кайтарилмас, қонуний бошқариладиган, ўз-ўзини бошқарадиган жараён сифатида эътироф этамиз, зеро, қайд этилганлар натижасида педагогик жамоа янги натижаларга эришиш лаёкатига эга бўлади.

Педагогик жамоа ўз таркибидаги педагоглар гурухи ёки ҳар бир педагогнинг ўзига хос жихатлари сабабли ўзгариш хусусиятига эга. Бу хусусият унинг педагогик жамоа таркибida турли тизимости муносабатларни мувофиқлаштирувчилик (фаолиятни синхронлаш, жисплаштириш) хусусиятларида якъол ифодаланади. Натижада ўзаро ҳамкорлик, дўстона муносабат, бир-бирининг кечинмаларини англаш вазияти вужудга келади. Бошқача килиб айтганда, ташкилий тизимлашган макон ичida тизимости муносабатларнинг жисплашуви, ўзига хос “тизимли рух”, синергетик эффект юзага келади.

Педагогик жамоа фаолияти (жараёни ёки мазмунига кўра) қандай ташкил этилганлиги унинг қай тарзда шакллангани ва қанчалик ривожланганига бевосита боғлиқдир. Устига-устак маданий-ижодий фаолият даражаси қанчалик юкори бўлса, унинг аниқ бир таълим муассасаси педагогик жамоасининг шаклланишига таъсир этиш имконияти шунчалик катта бўлади. Айни вактда, педагогик жамоанинг ривожланиш даражаси қанчалик юкори бўлса, унда педагогик жамоа, алоҳида педагоглар ва умуман таълим муассасасининг доимий ривожланишига таъсир этувчи маданий-ижодий фаолият нисбатан самаралирек тарзда ташкил килинади.

# I БОБ. ПЕДАГОГИК ЖАМОАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСЛАРИ

## 1.1. «Педагогик жамоа» ҳамда унга ёндош тушунчаларнинг назарий таҳлили

Маълумки, дидактиканинг таянч категориялари таълим ва тарбиядир. Куйида, биринчи навбатда, уларнинг дефинициясини келтирамиз, шунингдек, «педагогик жамоа» ҳамда унга ёндош тушунчаларни аниқлаймиз.

Илмий-педагогик ва ўкув-педагогик адабиётлар, таълимга тааллуқли мөъёрий-хуҷуқий хужжатлар, илмий мақолалар мазмунини тадқиқ этиш шуни кўрсатади, ҳаттоқи анъанавий таълим жараёни тушунчасининг мазмуни ва моҳияти ҳакида ҳам ягона тавсиф мавжуд эмас экан. Изоҳимизни анъанавий таълимни бирмунча типик тавсифларидан бошлайлик.

1. Ўқитиш – касбий фаолиятни амалга ошириш учун илмий-амалий билимлар, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга, тафаккур, ижодий қобилият ва шахсий сифатларни ривожлантириш, фаол ўкув-билиув фаолиятини ташкил этиши ва рағбатлантириш мақсадига қаратилган педагогик жараён;

2. Ўқитиш – касбий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, ижодий қобилият ва дунёқарашни ўстириш, касбни мустакил ўзлаштириш учун шахсий сифатларни шакллантиришга қаратилиб, талабаларнинг фаол ўкув-билиув фаолиятини мақсадли бошқариш демакдир;

3. Ўқитиш – педагогик тизим қобигида амалга ошувчи ўқитувчи ва таълим олувчининг ўзаро алокадор фаолияти жараёни;

4. Ўқитиш – иккιёклама жараён хисобланиб, бунда билим берувчи ва ўкувчи ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатади, ушбу жараёнда таълим, тарбия, инсоннинг ривожланиши мақсадга қаратилиб, режали амалга ошади;

5. Ўқитиш – ўқитувчи ва ўкув фаолияти субъектларининг ҳамкорликдаги фаолияти бўлиб, унинг якуний мақсади келажақдаги касбий ва ўкув фаолиятини кўзлаб, ўкув фаолияти субъектларида билим, кўникма, малакалар ҳамда дунёқараш элементларини шакллантиришдир;

6. Ўқитиш – жанговор хизмат ва вазифаларни муваффақиятли адо этишлари учун жангчиларни билим, кўникма ва малакалар билан куроллантиришга қаратилган тизимли, мақсадли, ташкилий жараён.

Келтирилган ва бошқа тавсифларнинг таҳлилидан маълумки, уларда асосан учта таянч сўзлар иштирок этади: жараён, ўзаро таъсир (бошқариш) ва бирмунча камроқ учровчи педагогик тизим сўзлари. Бошқа сўз ва жумлалар таълим мақсадларининг турли изоҳларини тавсифлашга хизмат қиласди.

Тизимли таҳлил нуқтаи назаридан қаралганда, аксарият тавсифларга хос асосий камчилик шундаки, уларда жараён кечадиган тизим кўрсатилмаган, ёки янада ёмонроги, ўқитиш тизим сифатида тавсифланмаган. Шунга қарамай, бирмунча таниш тавсифлар “педагогик жамоа” (ПЖ) категориясини шакллантиришда ўйналирувчи нуқта бўлиб хизмат қиласди.

ПЖ ҳакидаги ўз тавсифимизни шакллантиришдан олдин ушбу категория мазмунини ташкил этувчи тушунчаларнинг таниш талкинини келтирамиз. “Педагогик жамоа” сўз шакли иккита семантик негиздан ташкил топади. Жамоа ўз мазмунида негиз “турух” категориясини ифодалайди. Педагогик жамоанинг

асосий хусусияти шундаки, у ўз субъектлари фаолиятининг касбий жиҳатдан йўналғанлигини ифодалайди. Демак, лойиҳани ишлаб чиқсан ижрочиларнинг тадқикот бўйича таҳлиллари мантиқига кўра, “педагогик жамоа” категорияси моҳияти унинг мазмуний категориясининг таркибий қисми сифатида учта категориянинг босқичма-босқич таҳлили негизига курилади:

- 1) гурух умумий қонуниятни очиб берувчи асос сифатида,
- 2) жамоа гуруҳнинг муайян тузилмаси сифатида,
- 3) педагогик жамоа мазмуний тавсифномага эга ўзига хос хусусият сифатида.

Шундай қилиб, жамоанинг ҳар қандай тавсифи мазмунан “гурух” тушунчаси билан чамбарчас алоқада бўлиб, бу тушунча у ёки бу тавсифга асос бўлиб хизмат қиласди. Гурух мавжудиятининг қонуниятлилиги ҳақида билимларга эга бўлмай туриб, “жамоа” тушунчасини, унинг ижтимоий ҳамжамиятнинг мураккаб тизимидағи ўрнини аниқлаб бўлмайди.

“Гурух” атамасининг аҳамиятини бирмунча тўликрок англаш учун куйида унинг тарихига мурожаат қилиб кўрайлик.

Ушбу масала бўйича Т.П. Галкина [14] бирмунча чукур ва кенқамровли тадқиқотларни амалга оширган: у “гурух” сўзининг лугавий маъносини аниқлашда учта асос тушунчаларга мурожаат қиласди. Гурух мавжудиятининг қонуниятлилиги ҳақида билимларга эга бўлмай туриб, “жамоа” тушунчасини, унинг ижтимоий ҳамжамиятнинг мураккаб тизимидағи ўрнини аниқлаб бўлмайди.

“Гурух” сўзи немисча “gruppe” сўзидан олинган. Россияда илк бор 1847-йилда чоп этилган рус тили атамаларининг изоҳи лугатида “гурух” сўзи келтирилган бўлиб, 1895-йилда нашр этилган “Рус тили лугати”да гурухга куйидагича таъриф берилади: “ийинди, мажмуа, айрим ҳолларда бир жинсли предметлар тизими”. Атаманинг қўлланиш соҳалари ҳам турли-туман: фигураналар, хайкаллар, дараҳтлар, ороллар, тоғлар гуруҳи каби. 1880-йилда В.И. Дал томонидан чоп килинган. “Жонли улуғ рус тилининг изоҳи лугати” (“Толковый словарь живого великорусского языка”)да илк бор “гурух” тушунчаси одамларнинг йиғиндинси (тўдаси) тарзида талқин этилади: “кўшалоқ, тўп, бир тўда; алоқа, боғлам, занжир; тўгарак, тўда” [18]. Агар ушбу тарихий тавсифга эътибор берилса, у ҳолда мазкур тушунчанинг аниқ белгилари ажралиб чиқади: бу ниманингdir бирлиги, ўзаро алоқадорлик, ўзаро боғлиқлик, яхлитлик. “Гурух” сўзининг замонавий талкини ҳамда С.И. Ожеговнинг “Рус тили лугати”да “гурух” сўзи икки хил маънони ифодалайди [68]:

1) ўзаро яқин масофани эгаллаган, биргалиқдаги бир нечта предметлар, кишилар ёки жониворлар;

2) фаолият тури, қасби, қизиқишлирига кўра бирлашган кишилар йиғиндинси, шунингдек, умумий белгиларига кўра бирлашган предметлар йиғиндинси.

Гурух – фаолиятнинг мустакил субъекти ҳисобланиб, ўз хусусиятлари, жараёнлари ва тузилмаси нуқтаи назаридан ўрганилади. [11]. М.Р. Битянова

гурухнинг параметрларига гурух композицияси, тузилмаси ва гурух жараёнларини киритади.

"Гурух" атамаси турли фанлар соҳаларига татбиқан ўрганилади: социология, психология, антропология, тарих ва б. Г.М. Андреева, гурух борасида умумэътироф этган тасаввурларга тўхталар экан: "Умуман, жамиятшунослик фанларининг яхлит циклида гурух дейилгандан қандайдир умумий белгиларига кўра бирлашган, ҳамкорликдаги турли фаолият асосида бир жойга тўплangan кишилар ёки қандайдир ўхшаш шарт-шароит, мұхит (реал жараёнларда хаётий фаолияти)га кўра йигилган кишилар, айнан шу тузилмага тааллукли эканини англовчи (гарчи англаш даражаси ва ҳажми турлича бўлсада) кишилар тўдаси тушунилади", - деб ёзди [4, с.137]. Келтирилган икктибосдан англаш мумкинки, "турух" тушунчаси социологиядаги энг мұхим тушунча хисобланади. Мазкур йўналишда гурухни ўрганиш ва таснифлаш мақсадида қандайдир объектив мезон белгиланади ва унинг жамият ҳамда ўз таркибиға кирган шахслар билан муносабати таҳжил қилинади. Диний, этник ва бошқа шу каби характеристикалар шундай мезон сифатида амал қилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, "турух" атамасини атрофлича тадқиқ этишга қаратилган яхлит фан йўналиши мавжуд бўлиб, ижтимоий психологияда мазкур категория етарлича синчковлик билан тадқиқ этилади.

Қандай илмий ракурсда тадқиқ этилишидан қатъий назар, гурух атамаси ҳакида аксарият олимлар томонидан эътироф этилган тушунчалар аппарати мавжуд. Шунга кўра, биз ушбу категория юзасидан Г.М. Андреева, Е.В. Андриенко, М.Р. Битянова, Т.П. Галкина, А.В. Петровский, Н.И. Шевандрина ва бошқаларнинг тизимли тадқиқотлари билан танишиб чиқдик. Ушбу ишлар бизга "турух" категориясини атрофлича ўрганиш учун керакли илмий-амалий асосларни аниқлаш имконини берди. Ҳар қандай гурухга хос асосий тавсифнома ўз ичига қуйидагиларни камраб олади:

- яхлит категория сифатида гурухнинг асосий параметрлари;
- гурух композицияси;
- гурух структураси;
- гурухли жараёнлар;
- гурухнинг меъёллари ва қадриятлари;
- санкция тизими.

Гурухнинг мұхим белгилари:

- индивидларнинг ҳамкорликдаги фаолияти;
  - психологик характеристиканинг мавжудлиги (жамоатчилик фикри, психологик иқлим);
  - ўзаро муносабатларнинг вужудга келиши (мулокот, коммуникация).
- Фаннинг турли соҳаларида гурухларнинг турли вариантлардаги таснифини учратиши мумкин, лекин уларнинг асосини қуйидаги мезонлар ташкил қиласи:
- ҳажмига кўра: катта, ўртача, кичик, микро-гурухлар;
  - ташкилий жиҳатларига кўра: ташкилий жиҳатдан уюшган, ташкилий жиҳатдан уюшмаган;
  - жамоатчилик статусига кўра: формал (расмий), ноформал (норасмий);

- ривожланганик даражасига кўра: суст ривожланган, юкори ривожланган;
- аҳамиятига кўра: референт, нореферент;
- ўзаро муносабатларига кўра: реал, шартли; бирламчи, иккиламчи.

Бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатувчи, ўзининг мазкур бирликка тегишилигини англовичи ва бошқаларнинг фикрига кўра унинг аъзоси деб эътироф килинувчи индивидлар тўдаси ҳамда турли ижтимоий бирлиги жамоа деб аталади.

Бошқа ижтимоий бирликлардан фарқли ўлароқ, жамоа қуидаги ўзига хос жиҳатлари билан улардан фарқ килади:

1) таркибнинг аниқ ифодаланган ҳамжинслилиги;

2) жамоа аъзоларининг нуктаи назари, йўналганилиги, карашларининг бир хилдалиги сабабли нисбатан юкори даражадаги уюшқоклилкка эгалиги;

3) вакт ва маконга кўра унинг мавжудлигини таъминловчи мустаҳкамлиги ва турғунлигига асос яратган барқарор ўзаро таъсирга эгалиги;

4) ташкилий жисплил, яъни, жамоанинг ўзаро биргаликда ҳаётий фаолиятни адо этишда муайян тартибларга бўйинсилиши;

5) тузилмавийлиги – жамоа аъзолари ўртасида бажариладиган вазифалар, хукуқ ва бурчлар, жавобгарликка кўра муайян даражадаги аниқ ва конкрет тақсимотнинг мавжудлиги;

6) очиқлиги – янги аъзоларни қабул қилишга тайёрлиги.

Жамоа – бу унинг ҳар бир аъзоси ва бутун жамоа учун аҳамиятли ягона фаолиятга оид умумий вазифалар, максадлар, кадриятлар асосида бирлашган гурух бўлиб, унда биргаликда фаолият олиб борувчи кишиларнинг ўзаро шахслараро муносабати бевосита ижтимоий қадрли ва шахслар учун аҳамиятли мазмунга эга бўлади [77].

Педагогик жамоа (ПЖ) кишиларнинг касбий бирлиги сифатида жамоага хос умумий белгиларга, шунингдек, худди у каби ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир.

*Кўпвазифалик.* Замонавий ўқитувчи муайян предметдан дарс бериш билан бирга, айни дамда синф ва тўғарар раҳбари, жамоатчилик арбоби вазифаларини ҳам бажаради. Алоҳида ўқитувчилар бажарадиган функцияларнинг бу хилда кўп бўлиши умуман ПЖнинг кўпфункцияйлигини келтириб чиқаради. Касбий вазифаларини бажара бориб, ПЖ мактаб қобигидан ташқарига чиқиб кетади: отаоналар, маҳалла ва умуман жамиятнинг педагогик маданиятини шакллантиради.

*Ўз-ўзини бошқарши.* ПЖнинг ҳаёти ва фаолиятига оид асосий масалалар бошқаришининг турии даражаларида муҳокама қилинади. Коллегиал бошқарув ташкилоти фаолияти ПЖ аъзоларида ташаббускорлик ва мустақилликни ривожлантиради. Яъни, педагогларнинг бажарадиган вазифалари аниқ тақсимланади, уларга бажариш масъулияти юклатилади, ўз-ўзини назорат ва умуман назорат шакллари ишлаб чиқилади.

*Мехнатнинг жамоавий характеристи ва фаолият натижалари учун жамоавий жавобгарлик.* Агар ўкувчининг билимлари сифати баҳоланмаса, мактаб кун тартибини ташкил этишга ягона талаблар юклатилмаса, алоҳида ўқитувчининг саъй-харакатлари бошқалариники билан уйғунлашмаса, унинг фаолияти ҳам самараисиз бўлади, албатта. ПЖ аъзоларининг бирлиги, ҳамфирклиги қадриятли йўналишларда, карашларда, эътиқодларда ўз ифодасини топиши лозим, лекин бу уларнинг ўз педагогик фаолиятида кўллайдиган технологиялари бир хил бўлиши керак дегани эмас.

*Ўқитувчи иши кунининг меъёrlашитирилмагани*, яъни педагогик меҳнатнинг бирор турини адо этиши учун вакт чегараси аниқ белгилаб кўйилмаганлиги. Бу ПЖнинг хоётий фаолиятига салбий таъсири кўрсатади, ўқитувчига ортиқча юкламаларнинг юклатилишига, касбий ўсиши учун бўш вақтининг бўлмаслигига, ўз навбатида, жисмоний ва руҳий зўрикишига сабаб бўлади.

*Аксарият аёллардан таркиб топганлиги*. Аёллар жамоаси таркибида эркаклар кўпчиликни ташкил қиласидаган ўзга жамоаларга нисбатан хиссиятчан, кайфияти ўзгарувчанликка мойил, нисбатан зиддиятли бўлади. Айни вақтда аёллар ўз табиитига кўра тарбиявий фаолиятга кўпроқ мослашган, педагогик таъсир кўрсатишнинг усул ва услубларини танлашда нисбатан кайишқօқ бўладилар.

Маълумки, кишилар турли жамоада ўзларини турлича намоён қиласидилар ва турлича кайфиятда бўладилар. Айрим жамоалар инсоннинг ижобий жиҳатлари намоён бўлишига шароит яратса, бошқалари аксинча унга ёмон таъсир кўрсатади.

ПЖнинг асосий ўзига хос хусусияти шундаки, унинг психологик ва шахсларо муносабатлари, бошқарув ва фаолият услуги албатта болалар жамоасига таъсир кўрсатади. Айнан шу сабабли амалий психолог ПЖнинг холати, ривожланиш даражаси ва динамикасини яхши билиши зарур. Бу ишда психолог консалтинг ёки менежмент психологияси муаммолари билан тўқнашади. Ҳозирги кунга келиб ушбу йўналишда икки хил ёндашув кузатилмоқда: ташкилий ва консультатив.

*Ташкилий ёндашув* жамоани, унда кечётган ижтимоий-психологик жараёнларни, кадрлар стратегисини режалаштиришни ўрганишга кўпроқ эътибор қаратади. Мазкур ёндашув тарафдорлари авваламбор раҳбар шахсига хос масалаларга, лидерлик хусусиятларига эътибор қиласидилар, кўйилган вазифаларни ишчи ва хизматчиларнинг имкониятларига мослигига диққатни қаратадилар. Уларни жамоада хукм суроётган ижтимоий-психологик иқлим, ишлаб чиқариш вазифаларини адо этишда унинг жисплиги ва ишчанлиги асосий омил сифатида жалб этади.

*Консультатив (индивидуал)* ёндашув жамоадаги аниқ шахслар билан ишлашга қаратилади. Ундан кадрларни танлаш ва жойига кўйиш, уларни жамоага мослашувини амалга ошириш, шахсларо муносабатларни такомиллаштириш ва ҳар бир шахснинг ўзлигини намоён этишига шароит яратиш кабиларда фойдаланилади.

Педагогларни танлаш принциплари турлича бўлиши мумкин: ёшига, стажига, компетентлик даражасига, шахсий хусусиятларига ва х.к. Ижтимоий психологияга оид билимларни кўллаб, психолог кадр танлашда иштирок этиши, уларнинг психологик уйғунлиги, муайян типдаги раҳбарлик услубини танлашга кўмаклашиши мумкин. Ушбу даврга хос жиҳатлардан яна бири яхши ўрнатилмаган алоқа ва муносабатлар, салбий ўзаро таъсир, ўз ортидан эргаштира оладиган лидернинг йўклиги, мазкур тузилмани бошқариш тажрибасининг камлиги, педагогларнинг индивидуал кобилиятларини билмаслик кабиладир. Бундай вазиятларда психологнинг диагностик ва консультатив ишлари хамда адаптацион тренинглар мухим аҳамият касб этади.

Жамоанинг гоявий бирлиги қадриятли йўналишларнинг уйғунлиги сабабли мақсад, вазифа ва илгари сурилаётган муаммоларда ўз ифодасини топади.

*Интеллектуал бирлик педагогларнинг психологик-педагогик билимларни ўзлаштиришга, конструктив, рефлексив тафаккурини ривожлантиришга, ўзгарувчан, стереотип фикрлашини такомиллаштиришга қаратилган ишларни ташкил килиш ҳисобига таъминланади.*

*Ташкилий бирлик жамоанинг барча аъзолари ўртасида вазифаларнинг оқилона тақсимланиши, уларнинг ўзаро бир-бирининг корига яраши, педагог қобилиятларининг кучли жиҳатлари туфайли уни бошқа ишларга вакил қилиб юборилиши кабилар сабабли вужудга келади.*

*Продавий бирлик жамоавий қарорларнинг қабул қилиниши, жамоа ҳаётига оид бирмунча мураккаб масалаларга нисбатан педагогик нұктаи назар шаклланиши, жамоанинг ҳар бир аъзосига талаблар кўйиш ва мухим жамоатчилик фикрининг вужудга келтирилиши ҳисобига юзага келади.*

*Юкорида кайд этилганлар, ўқитиш муаммоси юзасидан дидактик тузатмаларимиз, шунингдек, илмий методларга таяниб, мазкур тадқиқотимизда ПЖнинг асосий категория сифатида ўрганилаётганини эътироф этган ҳолда, унинг таърифини шакллантиришга ҳаракат қиласиз.*

*Педагогик жамоа – барча гуруҳ ва умуман унинг ҳар бир аъзоси учун аҳамиятли ҳисобланган умумий қадриялар, фаолият мақсади ва вазифаларига эга бўлиб, таълим муассасаси ягона жамоасининг органик марқибий қисми саналади, унда шахслараро муносабатлар ҳамкорликда бевосита ижтиёмиой қадри ва шахсий аҳамиятли мазмун касб этади ҳамда ўзаро алоқадорлик ва масъулиятнинг тенг тақсимланиши принципи асосига қўрилади.*

*Кўлламанинг навбатдаги бандида педагогик жамоа ривожланишининг мантикий қонунияти таҳлили ҳамда таълим муассасалари шароитида педагогик ўзаро таъсирнинг етакчи йўналишлари тавсифига тўхталамиз.*

## **1.2. Умумтаълим мактаблари шароитида педагогик жамоанинг ривожланиш қонуниятлари таҳлили**

Мазкур банднинг мақсади ривожланишнинг умумий қонуниятларига таяниб, педагогик жамоанинг ўз-ўзини ривожланириши ва унга доир ванимиздаги ҳамда хорижий олимларнинг ёндашувларини ўрганиш асосида белгиланган динамик жараёнларни кўриб чиқишидир.

Педагогик жамоа ривожланишининг хусусиятларини ўрганиш учун аввало "ривожланиш" категориясининг мазмунини аниқлаш ва тавсифлаш зарур.

"Ривожланиш" фалсафий категория сифатида "йўналтирилган ва қайтарилмас ходиса ҳисбланиб, моддий ва гоявий обьектларнинг сифат жиҳатидан ўзгариши" ни билдиради [92, с. 400].

"Ривожланиш" қадимги даврлардан бошлаб фалсафий категория сифатида диккатни жалб этиб келади. Хусусан, Зенон Элейский, Аристотел, Цицерон асарларида ривожланиш қонунлари ҳакида фикр юритилганлигини кўриш мумкин.

В.И Слободчиков ва Е.И. Исаевлар эса "ривожланиш" тушунчасининг тарихий контекстини бир қадар тўлиқ ва тузилмавий ҳолда ёритишган [84, с. 14-20].

"Ривожланиш" лотинча *evolutio* (очмоқ, ёзмоқ, ўстирмоқ, ривожлантирмоқ) сўзидан келиб чиқкан бўлиб, қадимги Римда ўкиш вактида (китобни) очиб

вараклаш билан мұкояса қилиниб, китобда ёзилган нарсалар ўқувчининг онгига “күчиши ва сочилиб кетиши” сифатида тасавур қилинган. Бундан “ривожланиш” сүзи ифодалаган илк маъно келиб чикади, яъни В.И Слободчиков ва Е.И. Исаевлар таъкидлагандек, “ривожланиш бу бор нарсани тўкиб-сочиш”dir. Цицерон, И. Кант, А. Августинлар ҳам бу сўзни айнан шу маънода ишлатадилар. 18- асрда «ривожланиш» категорияси илк бор немис файласуфи Г.В. Лейбниц томонидан ривожланиш, жараёнлик хусусиятидан келиб чиқиб, икки хил тушунча орқали ифодаланувчи ҳодиса сифатида фарқланди ва янги тушунчалар билан бойитилди. Буларнинг, биринчиси, “бир хиллилек”, иккинчиси, “ўзгарувчанлик”dir.

Такдим этилган фикр немис маърифатпарвар файласуфи И.Г. Гердернинг ишларида ривожлантирилди. “Ривожланиш” тушунчаси унинг ишларида кенгқамровлилик касб этди. “Барча нарса ривожланади: коинот, ер, табиат, одам, маданият”, - деб ёзади у. Лекин инсон келажакка ўзи асос яратиши зарур.

И.Г.Гердер ғояларини ривожлантирган И.В. Гёте биринчилардан бўлиб инсоннинг ривожланиш феноменини тавсифлаб берди. Айнан у ривожланиш моҳиятини ғоявий очиб берувчи: инсон ўзи такомиллашмас экан, ривожланишга хисса кўша олмайди, деган фикрни шакллантириди

Айниқса, Гегелнинг фалсафий карашларида ривожланиш категорияси ўзининг чукур инъикосини топди. Унинг фикрича, ҳар қандай органик тизим ўзининг ўзгариш босқичларида мавжуд бир хилдаликни сақлаш билан бирга, ривожланишга лаёқатли бўлади.

В.И. Слободчиков ва Е.И. Исаевларнинг ёзишича, “ривожланишнинг реаллиги, унга бўлган ишонч-эътиқод, унинг барча мавжудиятятга тааллуклиги оламинанг англашда ўзига хос рационал билимларни тушуниш сари йўллаб, изохловчи тамойил тусини олди” [84]. 19-20 асрларда табиий илмлар соҳасида эришилган ютуклар ривожланиш хусусиятини нафақат фалсафий, балки эмпирик кузатиши воситасида тасдиқлашга имкон яратди.

“Ривожланиш” ташунчаси моҳиятини идрок этишнинг бошланғич даври ушбу тушунча Ватанимиз илм-фанида фаол кўлланган 19-асрга тўғри келади. Бу ҳакида рус файласуф-идеалисти В.С. Соловьев шундай деб ёзади: “ривожланиш тушунчаси бизнинг асримизда нафақат фанга, балки кундалик тафаккур тарзимизга чукур кириб келди”. В.С. Соловьев “ривожланиш” тушунчасини қуидагича изоҳлади: “ривожланиш органик борликнинг шундай ичдан ўзгаришидирики, у таниш ибтиоддан бошланиб, маълум максадга томон ўйналирилади” [89, с. 311].

Хозирги илм-фан ва маданиятда ривожланиш категориясини изоҳлашда эволюцион принцип устуворлик қилмоқда. Буни В.И. Слободчиков ҳамда Е.И.Исаевлар ҳам тасдиқлайдилар ва таъкидлайдиларки, эволюция – бу нафақат бошланғич асоснинг ўсиши ва кенгайиши, балки тарихий “қандайдир бирор тизимнинг устуворлик қилиши” жараёни ҳамдир, бу ички ва ташки шарт-шароитлар таъсирида яралиш, табакалашиш, мураккаблашиш, такомиллашиш тарзida намоён бўлади. Тадқиқотчилар буни куйидагича далиллайдилар, “педагогик амалиётда ривожланиш дейилганда одатда ижтимоий ва табиий мухитни ҳисобга олиб, социумда шахсга хос фазилат сифатида қадрли саналадиган фойдали жиҳатларни тарбиялаш, керакли билим, кўникма ва малакаларни максадга кўра шакллантириш тушунилади ” [84].

Г.П. Щедровицкий ҳам худди шунга ўхшаш фикрни илгари суриб, ўз дикқатини қўйидагиларга қаратади: мавжуд педагогик адабиётларда ўкув фаолияти, ўйин технологиялари, бола қобилиятини ривожлантириш, ахлоқий ривожланиш, шахснинг ривожланиши, боланинг ривожланиши кабилар ҳакида мулоҳаза юритилади. У “ривожланиш” ва ўзгариш“ сўзларини киёслар экан, бу сўзларнинг ўзига хос маъноларини изоҳлашга ҳаракат киласди. Г.П. Щедровицкийнинг ишонч билан таъкидлашиб, “аксарият ҳолларда ривожланишининг ўзига хос мазмуни очиб берилмайди”. Г.П. Щедровицкийнинг мазкур хуносасидан маълум бўладики, “ривожланиш” тушунчаси “мантиқий ва умумметодогик жиҳатдан” етарлича тадқик килинмаган. Олим “ривожланиш” тушунчасини “мантиқий ва умумметодологик жиҳатдан ўрганиб: “ривожланиш ҳакида сўзлар эканмиз, биз уни доимо имманент (ички) жараён, яъни “белгиланган предмет ичида юз бераётган ҳаракат сифатида англашимиз лозим”, - деб таъкидлайди. Г.П. Щедровицкий “хар қандай ўзгаришни бошидан кечираётган обьектда шундай узвий алмашувчан ҳолат кузатилади, унинг фрагмент ёки элементларини гўёки ривожланишининг муайян занжири ёки муносабатлари тарзида тасаввур қилиш мумкин”, - деб уктиради. Бунинг учун факат “мазкур фрагментни нисбатан маҳдуд ва алоҳида яхлитликка нисбатан шундай ўзгарувчан тузилма ва механизмлар орқали тасаввур қилиш лозимки, улар ички ҳолатни қондириши зарур” [110, с.172-175]. “Ривожланиш” категориясига оид хуносаларни тақдим этар эканмиз, аввало мазкур тушунчанинг бизнинг давримиз ва албатта, тадқиқотимиз учун ҳам аҳамиятли бўлган тавсифини белгилаш зарур деб хисоблаймиз. Фикримизча, бунда Е.С. Рапацевичнинг нуктаи назари кўл келади, унинг уктиришича, ривожланиш – фалсафий категория, у яхлит тизимдаги ўзгаришлар ва ҳаракатдаги жараёнларни ифодалайди. Ушбу жараённинг нисбатан ҳаракетли жиҳатларига [87]. Е.С. Рапацевич қўйидагиларни киритади: сифат жиҳатидан янги обьектнинг вужудга келиши (ёки унинг ҳолати), унинг йўналганлиги, тақрорланмаслиги, конунийлиги, микдор ва сифат ўзгаришларининг бирлиги, прогресс ва регресснинг бирлиги, қарама-каршилиги, спиралсимонлиги, шаклан циклилиги, вакт ичидаги кўчуб юриши кабилар. Ривожланишининг асосий манбани Е.С. Рапацевич ички қарама-каршиликда деб билади. Чунки бу жараён моҳиятсан, ўз-ўзини ривожлантириш, ички ривожланиш хисобланади. Ривожланишининг кўчишини Е.С.Рапацевич “мураккаб, очик, ичдан ташкиллашадиган тизим” деб хисоблайди [87, с. 660].

“Ривожланиш” тушунчасининг замонавий психологик-педагогик талқини аввало шахс ривожланишига қаратилади. Бунда “ривожланиш” атамасининг изохи аввало инсонинг ички ва ташки имкониятлари хисобига физиологик, руҳий ва ижтимоий янгиланишини англатади: [82].

Бизнинг ишимизда педагогик жамоа айнан шундай тизим сифатида намоён бўлади, сабаби унинг тузилмаси очик ҳарактердаги шахслараро муносабатларнинг мураккаб тизими сифатида тақдим этилади. У социум ва болалар жамоасига нисбатан таҳжил этилади. Педагогик жамоа ички ташкилий тизим сифатида унинг фаолиятини белгилаб берадиган катор хусусиятларга эга бўлиб, булар унинг жамоа томонидан ишлаб чиқилган ташкилий тузилма ва фаолият йўналиши эканлиги билан боғлиқдир.

### **1.3. Педагогик ўзаро таъсир – ўқитувчининг ўз-ўзини ривожлантиришининг асоси сифатида**

Узлуксиз таълим тизимини олга томон ривожланиб боришига таъсир кўрсатувчи омиллар таркибида педагогик жамоанинг умумий тарзда ёки унинг таркибида хар бир педагогнинг ўзига хос яширин имкониятларини ривожлантириш омили етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мазкур параграфда таълим субъектларининг жамоа билан ҳамкорликда ўз-ўзини ривожлантириш шарт-шароитлари ва омиллари тавсифланади. Педагогларнинг фаоллиги ва мустақиллигини рагбатлантирувчи омиллардан бири сифатида таълим муассасасида маданий-ижодий мухит яратишнинг зарурлиги таъкидланади.

Таълимни модернизациялашнинг мақсади ўқитиш тизимини баркарор ривожлантириш механизмларини вужудга келтиришдан иборат. Буни амалга ошириш учун яхлит таълим жараёни таркибидаги компонентларни ўрганиш ва ислоҳ қилиш зарур. Модернизациялашнинг асосий таркибий қисми таълим муассасаси ҳисобланниб, унинг муваффакиятли ривожланиши ушбу жараённинг қандай амалга оширилишига боғлиқдир.

Замонавий таълим олдидағи вазифаларни бажаришда юкори самарага эришиш учун ягона мақсадга йўналтирилган жараён атрофида жисплашган ҳамда ўз қасбий фаолиятини ислоҳ қилишга интилаётган педагоглар биргаликда сабый-харакат қилишлари зарур.

Узлуксиз таълимнинг барча боскичларида – мактабгача таълимдан то педагог кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимиға қадар педагогик жамоанинг ўз-ўзини ривожлантиришини амалга ошириш масаласи долзарб саналади.

Англашилади, таълимнинг хар бир боскичида педагогик жамоани ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси, йўналиши ўзига хос хусусиятларга эга, лекин жамоа аъзоларини индивидуал ва комплекс ривожлантиришнинг моҳиятини бир хил жараён ташкил этади, яъни таълим муассасаси фаолияти самарадорлиги ягона “педагогик организм”нинг барча ташкил этувчилари муваффакияти ва ютукларига боғлиқ.

Лекин педагогик жамоа аввало ўқитувчи, раҳбар ва педагог ходимларнинг қасбий бирлашиши ва ҳамкорлигини ифодалайди. Шу сабабли педагогик жамоа потенциалининг ривожланиши масаласини таълим жараёни субъектларининг ўзаро бири-бирига таъсир кўрсатиши контекстида ўз-ўзини ривожлантириш сифатида ўрганиш мантиқан тўғри ҳисобланади.

Лойихамизнинг вазифаларидан бири ўқитувчининг педагогик фаолият ҳамда жамоа билан ўзаро таъсиралиши жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришининг шарт-шароитлари ва омилларини тадқик этишdir.

Инсоннинг ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти шахс ички интеллекти сифатида намоён бўлиб, ўзликни англашдан бошланади. Унинг такомиллашуви эса рефлексиянинг ўсишини талаб қиласи. Рефлексия – бу инсон ўзининг индивидуал онги мазмуни ҳақида қайтадан чукурроқ фикрлаши ва уни атрофлича таҳлил қилишидир.

Рефлексиянинг қўйидаги типларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

– интеллектуал (мантиқий) рефлексия – вазифани ҳал қилишининг предметли-операцион йўналишига каратилади;

- шахсий рефлексия – инсоннинг ўзига йўналтирилади;
- кооператив рефлексия – бу инсоннинг жамоавий ўзаро таъсирнинг шаклланиши ва унинг тузилмаси ҳакида мулоҳаза юритишидир;
- коммуникатив рефлексияда ўзликни англаш – бошқа бир инсоннинг ички дунёсига назар ташлаш бўлиб, бунда субъект бошқаларнинг ўзини қай тариқа тушунаётгандар, баҳолаётгандар, унга бўлган муносабатлари ҳакида маълумотларга эга бўлади [82].

Ўзаро педагогик таъсир иштирокчилари ўзи ва ўзгаларнинг хулк-атворини кузатибина колмай, ўзи ва ўзгаларнинг нимага, қай тариқа эришганларини ҳам аниклашга интиладилар. Биргина педагогик вазиятда иштирокчилар ўз ҳатти-харакатларининг натижалари ҳакида турлича мулоҳаза юритадилар. Ўзаро таъсир субъектигининг хулк-атвори гурухнинг бошқа аъзолари дикқатини жалб этади. Субъект ўз хис-туйғуларига асосланиб, килаётган ишининг ўзига ёкқани ёки ёкмагани, ўз “концепцияси” ва ҳатти-харакатида нималарни ўзгартириши кераклигини аниклаб олади.

Қатор умумтаълим мактаблари ва колледжлар тажрибасини ўрганиш муайян ўқитувчи ёки бутун педагогик жамоанинг ўз-ўзини ривожлантириши учун маданий-ижодий муҳит (МИМ)ни яратиш зарурятини, бу таълим жараёни иштирокчилари: ўқувчи, ўқитувчи, маъмурой ходимларнинг шахс сифатида ривожланишида асосий ўрин тутишини кўрсатди.

МИМ нинг асосий максади ва тавсифномаси кўйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- ўзликни англаш ва ўз-ўзини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;
- субъектлар фаоллиги ва мустақиллигини рафбатлантириш;
- шахс эркин фаолияти учун макон барпо этиш; маданий хаёт ва социумда ўз ўрнини эркин танлашига шароит яратиш;
- таълим жараёнида ўзаро маҳсулдор фаолият ва конструктив ўзаро таъсирни амалга ошириш;
- таълим жараёнини бошқариш имкониятини фаоллаштириш, унинг ривожланишини прогнозлаш, умумтаълим маконида ҳар бир педагогнинг ўрнини белгилаш;
- бошқа субъектлар билан ижодий муносабатини таркиб топтириш орқали шахсда борликни ўзгартириш мотивациясини уйғотиш;
- талкин, трансформация ва баҳолаш воситасида янги маданий қадрияларни яратишга қаратилган ўкув-билив ва инновацион фаолиятни уйғунлаштириш.

Таълим жараёни барча иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги ва ижодий бирлиги умумтаълим жараёнида уларнинг ўзаро муносабатларининг асоси сифатида кўриб чиқиласди.

Мазкур ёндашувнинг асосида шахснинг ўз шахсий ҳаётий фаолиятини амалий янгилаш ва ўз-ўзини ижодий татбиқ этиш лаёқати устуворлигига асосланган ўз-ўзини ривожлантириш принципи ётади. Буларнинг барчаси шахснинг ўз мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ва ижтимоий масъулиятини кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратилишини талаб қиласди.

Юкорида таъкидланганидек, педагогларнинг шахсий ва касбий ўз-ўзини татбиқ этиши педагогик жамоа таркибида амалга ошади. Педагогик жамоани яратишда қандай белгилар мухим хисобланади?

Мазкур бобнинг 1.1.-бандида педагогик жамоанинг тузилмавий-ташкилий тавсифдаги айрим белгилари тақдим этилди. Айнан шу ўринда педагогик жамоанинг таълим жараёни субъектлари сифатий хусусиятларига таянган шахсий мазмунга эга тавсифномаси келтирилади.

Қатор педагог олимларнинг тасдиқлашларича [19; 43; 44; 55], педагогик жамоа қўйидаги сифатларга эга бўлса, уни шаклланган тузилма деб хисоблаш мумкин:

- ижтимоий аҳамиятли йўналишга эга бўлса;
- субъектларнинг қадриятли йўналишлар бирлиги мавжуд бўлса;
- биргаликда (субъектив) мақсад ва вазифалар қабул қилинган бўлса;
- жипслик ва яхши ташкил қилинганлик;
- ташкилот негизини – педагогик бўйруклар тизими ташкил қилса;
- бошқарув тизими қайишқоқлик хусусиятига эга бўлса;
- субъектлар ўртасида жавобгарлик тақсимоти мавжуд бўлса;
- фаолиятда ўзаро боғлиқлик бўлса;
- психологияк ижобий иқлим таъминланса;
- толерантлик мавжуд бўлса;
- мустаҳкам ахлоқий негиз таъминланса;
- таълим муассасаси нуфузини кўтаришга интилиш кузатилса.

Эҳтимол, ушбу ўринда “идеал жамоа” модели тақдим этилаётгандек туюлар, лекин, аслида, бу талабларнинг аксарияти аниқ асосларга эгадир.

Албатта, ушбу ишимиизда бутун педагогик жамоа ҳамда алоҳида педагог шахсининг ўз-ўзини ривожлантириши учун ижодий мухит яратишнинг барча параметрларини кўриб чиқишининг имкони йўқ. Шу сабабдан, назаримизда, мухим аспект санаалган “педагогик команда тизими”ни ажратиб кўриб чиқамиз. Таълим муассасаларида бошқарув фаолияти ҳамда ўқув-тарбия ва ижодий фаолиятини ташкил этишида педагогик команда (ёки гурух, уюшма)лар мухим рол ўйнайди. Педагогик гурухлар муайян вазифаларни бажариш мақсадида яратилади. Масалан, методик уюшмалар, ижодий танловлар, спорт мусобақалари, ўқув фанлари бўйича олимпиадалар, синфдан ташқари ва мактабдан ташқари оммавий тадбирларга тайёрлаш бўйича ўқитувчилар гурухи шакллантирилиши кабилар. Ушбу гурухлар (методик бирлашмалар, «устоз-шогирд» мактаби, театр студияси) бирмунча узок муддатли ёки чекланган вакт оралиғида фаолият олиб бориши мумкин [41].

Таълим муассасаси жамоасининг ижодий потенциалининг намоён бўлиши ва ўсишида “Йил мактаби”, “Энг яхши педагогик жамоа” (туман, вилоят, республика бўйича), “Менинг янг яхши дарсим”, “Энг яхши фан ўқитувчиси” ва бошқа шу каби танловларга тайёргарлик ишлари беҳад мухим ўрин тутиб, одатда, мазкур барча танловлар қўйидагиларга йўналтирилади:

- педагогик жамоа ижодий фаолиятининг ўсиши;
- таълим мазмунини янгилаш;
- инновацион ишланма ва технологияларни кўллаб-кувватлаш;
- таълим муассасаси моддий-ўқув базасини мустаҳкамлаш;
- таълим устуворлигини тасдиқлаш;

– аниқ бир худуд бўйича таълим тизимини ўстиришга мактаб, коллеж, лицейнинг кўшган хиссасини оммавий равишида эътироф этиш.

Танловга тайёргарлик даврида педагогик жамоа (педагоглар гурухи) томонидан кўшимча материалларни ишлаб чикиш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилади. Бунга: ўқув даргоҳи хусусиятлари ҳамда танлов турига кўра таълим муассасасини ривожлантириш дастури, белгиланган муддат бўйича унинг фаолияти таҳлили, муассаса (ёки алоҳида ўқитувчи(лар) фаолияти, педагог ходимлар ёки ўқувчиларнинг ижодий ишлари ҳакида видеоматериаллар (имкониятга қараб – тақдимотли видеоролик кўринишида), экспозициялар, методик материаллар, дарс сценарийлари, синфдан ташқари тадбирлар, педагогларнинг нашр ишлари ва бошқа материаллар мажмуи киради.

Барча фаолият турлари инсон томонидан умумий ва шахсий мақсадларни амалга оширишга қаратилган йўл-йўриклиарни вужудга келтириш жараённида фаоллашади. Ижодий танловларга тайёргарлик жараённида иштирок этувчилик ўз-ўзини ривожлантиришнинг бир неча босқичидан ўтадилар. Маълумот йигадилар, уларни таҳлил қиласидилар, ўз “ижодий маҳсулот”ларини мазмунан ҳамда эстетик жиҳатдан талаб даражасида тақдим этишга ҳаракат қиласидилар, қандайдир янгиликлар киритишга, мазмунан оригинал тақдимотлар яратишга, барча чиқишиларни олдиндан машқ қилиш ва тегишли ўзгартеришлар киритишга интиладилар. Таъкидлаш жоизки, айнан шу хил вазиятларда қуидаги доираларда педагогнинг касбий такомиллашиши амалга ошади [44]:

- ҳиссий-эмоционал;
- фаолиятли ўйналишлар бўйича;
- гностик;
- эҳтиёж ва қизиқишилар соҳасида;
- қадриятли ўйналишлар соҳасида;
- яратувчиклик соҳаси бўйича.

Бундан ташқари, жамоа аъзоларининг ахлоқий сифатлари: ҳамкасларнинг кўллаб-куватлаш, ўз мақтаби, раҳбарлари, кўрик-танловнинг соғлом руҳда ўтиши (“жанговор” кайфият), кўйилган мақсадга эришишга қаратилган ватанпарварлик тўйгусини намойиш этиш, “устозлик рутба”сини саклаш кабилар ҳам намоён бўллади.

Юкоридаги фикрларга хulosса қилиб айтиш мумкинки, (шахс ёки жамоа томонидан) ўз-ўзини ривожлантириш – бу «ташки ва ички жиҳатларни камраб олувчи ўз шахсий муаллифлигини яратиш, жисмоний-рухий организмни вужудга келтириш ва ривожлантиришга тайёр бўлиш, фаолиятнинг янги турларини ўзлаштириш учун куч-куватни сафарбар этиши маҳсулидир” [60].

Ўз-ўзини ривожлантирувчи шахс факат ўзини ўзгартириб қолмай, балки ташки борлиқни ҳам ўзгартиради, чунки ўзидағи ўзгариш маҳсулини ташки таъсир натижасидан олиб, айни вақтда, унинг натижаларини кайтариш орқали ташки оламга таъсир кўрсатади.

## **П БОБ. ЛОЙИХАВИЙ ФАОЛИЯТ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

### **2.1. Бошлангич таълимда АКТ воситасида амалга оширилладиган лойиҳавий фаолият**

Қўлланманинг I бобида “педагогик жамоа” тушунчасининг мазмуни талқин этилиб, таълим сифатини ошириш учун педагоглар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг асосий шарт-шароитлари белгилаб берилди. Ўқувчиларда ўз-ўзини ривожлантириш лаёқатини шакллантиришга қаратилган замонавий педагогик технологиялар мазмунидан зарурларини танлаб, амалий фаолиятда уларни кўллаб кўрган холда, тадқиқотчилар (войиҳани ишлаб чиқсан ходимлар) лойиҳа фаолиятини ташкил этишини ажратиб олдилар. Қўлланманинг II боби педагог ва ўқувчиларнинг таълим муассасасида маданий-ижодий муҳит яратиш контекстидаги лойиҳавий фаолиятини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишга қаратилиди.

Замонавий мактаб таълимининг бош вазифаси – шахсни ривожлантириш, унда мавжуд вазиятни таҳлил қилиш лаёқатини, доимий равишда ўзгариб турган шарт-шароитларда мустакил равища, ўз ишига масъулият билан ёндашган холда қарорлар қабул қилиш қобилиятини шакллантиришдан иборат. Янги таълим стандартлари ва турли мактаб курслари дастурлари кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда олам ҳақида тизимли тасаввурларни шакллантиришга, уларда тафаккурни ўстиришга, ахборот лаёқатини ривожлантиришга қаратилиди.

Ушбу вазифаларни комплекс ҳал этишнинг варианatlаридан бири предметларро ва предмет ичидаги интеграцияни амалга ошириш, ўқувчиларнинг амалий фаолият юритиш лаёқатини ривожлантириш, уларни фаолият мақсадларини белгилашга ва унга эришиш йўлларини топишга, фаолият натижаларини таҳлил қилишга ўргатишдан иборат.

Ўқувчиларга таълим берисида лойиҳа методидан фойдаланиш соҳаси пионерлари, файласуф педагог Дж. Дьюи ва лойиҳа методи яратувчиси У.Х.Килпатрик каби pragmatik педагогика намоёндаларининг таъкидлашларича, ўкув фаолияти ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари ва қизиқишиларига асосланниб, уларнинг амалий фаолият тажрибаларини кенгайтиришга қаратилиши, ўқувчиларда мустакил билим олиш лаёқатини ўстириши зарур. XX аср бошларида уларнинг яратган тажрибалари рус педагоглари С.Т.Шацкий, В.Н.Шульгин, М.В.Крупенинлар томонидан ўрганилган ва тадқиқ этилган.

Унинг моҳияти шунда эдикни, болалар ўз амалий мақсадларини белгилашар, унга эришишнинг режасини тузишар, ушбу фаолиятни мустакил амалга оширишар, кейин эса, унинг натижаларини тақдим этишар эди. 1931-йилда ушбу метод аёвсиз танқид остига олинниб, совет мактабида уни қўллашдан воз кечилди. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб мазкур методга нисбатан яна янгидан қизиқишиш бошланди. Кўшимча таълим ва дарсдан ташқари ўкув фаолиятида лойиҳа методи фаол кўллана бошланди. Иккинчи бор кайта дунё юзини кўрган лойиҳа методи сезиларли ўзгаришга учради. Агар ўтган

аэрнинг бошларида у таълим жараённида кўулланилган ягона метод, ўқитишининг ягона усули бўлган бўлса, ҳозирги кунда унга ўқувчида маҳсулдор фаолиятни амалга ошириш тажрибаларини вужудга келтириш учун яратиладиган шартшароитлардан бири сифатида карабалмоқда. Лойиха методи мактаб ҳаётига таълимнинг анъанавий шакллари ўрнига қабул қилинмай, балки уларни фаоллаштирувчи қўшимча метод сифатида кириб келди.

Кичик мактаб ёши даври лойиха методида ишлашнинг бошлангич боскичи хисобланиб, бунда кейинчалик уни тўлиқ ўзлаштириш учун зарур пойдевор қўйилади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг лойихавий фаолияти мазмуни уларнинг билимлар дунёсига кирадиган мавжуд ўкув материалларини танлаш оркали таркиб топади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни лойихавий ўқитишининг асосий вазифаларини уларда олам ҳақида кўргазмали-образли тасаввурларни, эркинлик, коммуникатив малакалар ва рефлексияларни ривожлантириш кабилар ташкил этади.

Биринчи синфда ўқувчилар лойихавий фаолиятга тайёрланадилар. Ушбу боскичда болалар билимларни эгаллайдилар ва ўқитувчи билан биргаликда зарур маълумотларни излаб топишга қаратилган вазифаларни бажарадилар.

Болалар жамоавий вазифани ҳам, ўзлари ҳал этадиган топширикни ҳам мустақил равища шакллантирадилар. Лойиха таркибининг илк чизгилари ишлаб чиқилади.

Ижодий топшириқ алгоритми яратилади. Болалар мустақил равища ёки педагог билан биргаликда қайси гурух нимани чизишини аниқлаб олишади. Сўнгра қандай жиҳоз ва мосламалардан фойдаланишлари белгиланади.

Иккинчи синфдан бошлаб лойиха методини максадга қаратиб қўллаш мумкин. Саккиз ёшидан бошлаб ўқувчи руҳий жараёнларида бекарорликнинг кучайиши кузатилади, бу эса ундан фаолият йўналишларини иродавий бошқариши талаб этади. Унда ижодий тафаккур ривожланади. Болада яратиш иштиёки туғилади, ўқитувчи эса вактида унинг бу истагини рафбатлантира олиши зарур.

Учинчи ва тўртинчи синфларда математика, тасвирий санъат ва атрофимиздаги олам фанларидан лойихалар ишлаб чиқиш мумкин.

Куйида бошлангич мактабнинг турли боскичларида “Менинг шахрим” лойихасини яратиш мисолида ўқувчиларнинг лойихавий фаолиятини амалга ошириш методикасини кўриб чиқамиз.

### 1. Ташкилий боскич.

Лойихани амалга ошириш учун синф гурухларга ажратилади. Болаларни гурухларга ихтиёрий ёки уларнинг хошишларини хисобга олиб бўлиш мумкин. Лекин ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, гурухларда ўқувчи нафақат ўз дўстлари, балки синфдошлари билан ҳам муроса килишга ўрганиши лозим бўлиб, бу бирмунча мураккаб жараёндир.

### 2. Тайёрлов боскичи.

Мазкур боскичда болалар лойихани бажаришнинг максадларини аниқлайдилар ҳамда лойиха мавзуси бўйича бошлангич маълумот оладилар.

Математика дарсида шаҳар, уйлар, истироҳат боғлари ва шаҳар бош майдони худудининг геометрик шакллари ҳамда трамвай линияларининг кўлами аниқланади.

Тасвирий санъат дарсида болалар уйлар, мактаб биноси, магазин, транспорт турлари, боғлар, гуллар ва бошқаларнинг расмини чизадилар.

Атрофимииздаги олам дарсида улар уй, шаҳарнинг яшил манзарали худудлари, уларни куришда қандай материаллардан фойдаланилгани билан танишадилар.

### 3. Тадқиқот босқичи.

Тайёрлов босқичи яқунланиб, мақсад белгилангач, тадқиқот босқичи бошланади, мазкур босқичда маълумотлар воситасида қўллаб-қувватлаш усулидан фойдаланилади. Ўқитувчи маълумотнома-справочник, альбом ва буклетларни тақдим этади.

### 4. Татбиқ этиш босқичи.

Ушбу босқиччада амалий машқлар методидан фойдаланилади. Лойиха вазифаларини ҳал этиш учун хатти-харакатларни муайян изчилликда бажариб бориб, ўқувчилар кўйидагиларни ўрганадилар:

- қоғоз ўлчамини белгилаш;
- фон танлаш;
- файлдан манзарани жойлаштириш;
- олиб бошқа жойга ўтказиш усули воситасида деталлардан нусха кўчириш;
- график мухаррирда бошқа ишларни бажариш кабилар.

Барча чизилган шакллар “Формалар” папкасида сакланади. Ўқитувчининг вазифаси – барча шаклларни бир компьютердаги битта папкага йигиши ёки бу папкадан нусха кўчириб, уни синфдаги барча компьютерларга жойлашдан иборат.

### 5. Натижалар тақдимоти босқичи.

Барча гурухлар ўз шаклларини тайёрлашгач, уларга шаҳар куриш ва уни мухокама килиш топширилади. Анимация ва слайдлар яратишни ҳам машқ қилиб кўриш мумкин. Лойиха устида нафакат дарс вақтида, балки дарсдан ташқари вақтда ҳам ишлаш мумкин.

### 6. Баҳолаш босқичи.

Ижод маҳсулуни мактабда қўлланиладиган беш балли тизим асосида баҳолаб бўлмайди. Ишнинг ижобий ва салбий жиҳатларини жамоа бўлиб мухокама килиш керак. Бу истиқболда амалга ошириладиган лойихаларда янада яхши натижаларга эришиш истагини уйғотади.

Лойихаларни бажаришда компьютер технологияларидан фойдаланиши ўзининг ижобий натижаларини беради. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ПЖда ишлаша малакаларини самарали равишда ўзлаштирадилар, топширикни бажаришга ижодий ёндашадилар, маълумотлар билан ишлашга ўргандилар, ўзи ва бошқа синфдошларининг ишларини холис баҳолайдилар.

## **2.2. Мактаб информатика дарсларида амалга ошириладиган лойихавий фаолият**

Шахсда ижодий фаолликни ривожлантириш масаласи барча педагогик жараёнларда ўрганилади: эстетик тарбияда тасвирий санъат воситаларидан фойдаланиб, ўқув-билув мустақиллигини ривожлантириш, умуман, таълим-тарбиянинг турли-туман методларини кўллаш орқали амалга оширилади.

Лойихавий ўқув фаолияти ўқувчиларда ижодий фаолликни ривожлантиришда катта имкониятлар яратади. Лойиха фаолияти воситасида ўқув топшириғи тузилмаси, уни бажариш босқичлари ҳақида билим ва малакалар шаклланади; технологик занжирнинг асосий элементлари ўзлаштиради. Лойихавий фаолият ўқув жараёни элементи сифатида ўта самарали хисобланиб, топширикни бажаришда ўқувчиларга юкори даражадаги эркинликни таъминлаб беради, натижада болаларда ўқув фаолиятига нисбатан қизиқиш ортиб, ўқувчи шахсининг ижодий ривожланишига шарофт яратилади. Лойиха методи ўқув-билув лаёкатларини фаоллаштириади, ижодий имкониятларни оширади, ўқувчиларнинг қизиқишларини кучайтиради. Лекин ҳар бир дарсда бирдек эркинликни таъминлаб бўлмайди, сабаби ҳаддан ортиқ эркинлик ўқув жараёни тизимлилиқдан маҳрум килиб, самарасини сусайтиради. Лойиха методини синф-дарс тизими билан уйғунлаштириши – ўқитувчи ҳал этиши зарур бўлган қийин ва мураккаб вазифадир. Лекин одатдаги дарсга лойиха методи элементларини сингдириб, анъанавий ва шахсга йўналтирилган таълим тизимини оқилона уйғунлаштириш йўлидан бориши мумкин. Ва бундай мақсадни амалга оширишда Scratch дастурлаш мухити жуда кўй келади.

Ўқувчиларни ракамлар билан кўрсатиладиган технологиялар билан дастлабки таниширишни айнан Scratch орқали ташкил этиш мақсадга мувофиқидир, болалар буни “ўйин воситасида ўрганиш” деб қабул қиласидар (ўқув фаолияти самарасини таъминлашда бунинг аҳамияти катта). Scratch орқали мактаб информатика ўқув предметининг аксарият масалаларини ёритиш мумкин.

Scratch мухитидан информатика дарсларида моделлаштириш, алгоритмлаш, график ишлар, анимациялар билан боғлиқ мавзулар бўйича лойихавий фаолиятни кўллашда, шунингдек, бошқа предметларда (математикадан тортиб адабиёт, тасвирий санъат, мусиқагача) ҳодиса ва вазиятлар яратишнинг асоси сифатида фойдаланилади.

Scratchдан фойдаланишининг мақсад ва вазифалари таркибида унинг ривожлантирувчилик хусусиятлари кўйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- 1) XXI асрга мутаносиб кўнкимга ва сифатларни такомиллаштириш:
  - танқидий ва тизимли тафаккур;
  - ижодий топширикларни ечиш лаёқати;
  - команда таркибида ишлаш кўнкимлари;
  - мустақиллик;
  - ўзаро алоқадорлик кўнкимлари;
- 2) ўқув жараёни самарадорлигини ошириш;

3) маълумотларни сақлаш ва қайта ишлашда компьютер технологияларидан фойдаланиш ҳисобига таълим сифатини ошириш;

4) кўргазмали мультимедия воситаларидан фойдаланиш ҳисобига ўкувчилар томонидан ўқув материалларини самарали ўзлаштирилиши;

5) жамоавий лойиҳалар устида ишлашда компьютер технологияларидан фойдаланиш;

6) ўқитувчилар ва ўкувчилар ўртасида маълумотга оид алоқаларни ўрнатиш.

Scratch кичик мактаб ёшидаги ўкувчиларга алгоритмлаштириш ва дастурлаш асосларини ўргатишнинг дастлабки босқичида кўйидаги бир катор омилларга кўра аъло даражадаги инструмент вазифасини бажаради:

– ушбу дастурий мухитни ўзлаштириш жуда осон, ҳатто кичик ёшдаги ўкувчиларга ҳам тушунарли килиб ишланган, ва мухими, унинг ёрдамида биркадар мураккаб дастурларни ҳам тузиш мумкин;

– Scratch дастурлаш билан ҳам, ижодий лойиҳалар яратиш билан ҳам шуғулланиш имконини беради;

– Scratch мухити доирасида халқаро ҳамжамиятларнинг ижодий фаол алоқалари мавжуд.

Умуман, қўйилган мақсадга эришишга қаратилган фаолиятни ташкил қилишнинг усуллари сифатида кўйидагилардан фойдаланиш мумкин:

– Scratch дастурлаш мухитини тизимни ташкил этувчи элемент сифатида кўллаш;

– ижодий лойиҳаларни бажариш;

– турли ёш гурухларида лойиҳани бажаришга қаратилган ишларни ташкил килиш.

Натижада лойиҳавий илмий билув фаолиятида иштирок этаётган ўкувчи кўйидагиларни *билиб олади*:

– фаолиятни режалаштириш усуллари;

– лойиҳа режасини расм ёки схема кўринишида тузиш принциплари;

– лойиҳа режасини объектлар жадвали кўринишида тузиш принциплари, уларнинг хусусиятлари ва ўзаро алоқалари;

– топшириқларни кичик қисмларга бўлиш принциплари.

*Кўйидаги лаёқатларга эга бўлади:*

– лойиҳа режасини тузиш;

– хатоларни топиш ва тузатиш;

– иш хакида у қадар катта бўлмаган ҳисобот тайёрлаш;

– кўпчилик олдида маъруза қила олиш;

– лойиҳани ривожлантиришнинг истиқбол йўналишларини белгилаш.

Лойиҳа методи тадқиқотчилик методи ҳисобланниб, таълим олувчиларда ижодий фаолият тажрибаларини вужудга келтиради. Лойиҳа устида ишлаш натижасида ижодий изланишга нисбатан доимий эҳтиёж ҳамда баркарор қизиқишлилар таркиб топади. Лойиҳани тайёрлаш жараённида ўкувчилар турли манбалар билан ишлаб, ўз билимларини оширадилар, олган билимларидан амалий ва ўкув-билув топшириқларини ҳал қилишда фойдаланишга ўрганадилар. Жамоа таркибида ишлаш орқали уларда коммуникатив лаёқатлар,

хусусан, муаммони аниқлаш, маълумотлар йигиши, кузатиш ва таҳлил қилиш кабилар таркиб топади ва ривожланади.

Болалар ўз меҳнати натижаларидан ўқитувчиси ва синфдошлари фойдаланиши мумкинлигини кўрадилар. Бу уларни янги, кизиқарли маҳсулотларни яратишга илҳомлантиради, уларда каттароқ ҳажмдаги лойиҳаларни жорий этиши учун онгли равишида гурух яратиш имкониятлари вужудга келади.

Умуман олганда, лойиҳа методикаси самарали маданий-ижодий технология хисобланниб, компьютер саводхонлиги, ўқувчининг ички мотивацияси, толерантлилиги, шунингдек, умумий интеллектуал ривожланишини сезиларли даражада оширади.

Лекин ҳозирга кадар лойиҳа методи эмас, балки ўқув жараёнига анъанавий ёндашув устунлик қилмоқда. Бунга аксарият умумтаълим мактабларида хукм суроётган консерватив мухит, ўқувчиларнинг билимлари турли даражада экани, уларда мустакил фикрлаш лаёқатларининг етишмаслиги, болаларнинг ўз-ўзларини ташкил этиши ва мустакил ўқиб-ўрганишга қийналишлари сабаб бўймоқда. Шу сабабли лойиҳавий ишларни ташкил этиши аввало ўқув жараёнидаги лойиҳалаш методикасини кўллашнинг асосий назарий ва амалий асосларини тадқиқ этишни талаб қиласди.

### **2.3. Лойиҳавий фаолиятда предметлараро алоқа**

Лойиҳавий фаолият нафакат ёндош фанлар доирасида, балки ижтимоий-гуманитар ҳамда табиий-математик фанлар бўйича лойиҳа тайёрлашда предметлараро алоқани кенг кўллаш имконини беради. Ушбу бандда физика, математика, адабиёт ва тарихга оид билимларни уйғунликда кўллаш орқали турли ўқув предметларини ўрганиш жараёнидаги лойиҳалар ишлаб чиқишига оид тажрибалардан намуналар келтирилади.

Республикамида ўқувчиларни табиий-илмий фанлар билан таништириш максадида физика фани VI синфдан ўрганилади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, айнан VI-VII синфларда, гарчи муҳим тадқиқот ишлари учун билим ва малакалари етмаса ҳам, ўқувчилар физика фанига алоҳида қизиқиши билан ёндашадилар. VI-VII синфларда ўқувчиларнинг предметни ўрганишга нисбатан мотивациясини рағбатлантириш ҳамда уларга фанга оид дастлабки билимларни сингдириши максадида лойиҳавий фаолиятдан эрта фойдаланиш мақсаддага мувоффик хисобланади.


Кадрлар тайёрлаш миллий дастурнида лойиҳа методини мактаб таълимiga янада фаолроқ татбиқ этиши зарурлиги уқтирилади. Ўқувчиларда таълимнинг дастлабки босқичларидан бошлаб бошланғич мактабданоқ лойиҳавий компетенцияни таркиб топтириш масаласи кўйилади. Ва бу ажабланарли ҳол эмас, таълимнинг дастлабки босқичларидан лойиҳа методини татбиқ этиши орқали у ёки бу предметни ўрганишга нисбатан ўқувчиларнинг мотивацияси рағбатлантирилиб, уларда умумий ўқув ҳаракатлари таркиб топади, ўқувчиларнинг предметлараро тушунчалар аппаратини ўзлаштиришларига

эришилади, бу эса предметлараро таълимий натижаларнинг негизини ташкил қилади.

Типологик белгиларига кўра, лойихавий фаолият турли йўналишларда олиб борилиши мумкин.

Ўқув лойихалари методини жорий этишининг энг муҳим белгиси фаолият устуворлигидир. Турли лойихалар орасидан қўйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: булар амалий йўналтирилган, тадқиқотчилик йўналишидаги ҳамда ролли лойихавий методлардир.

VI-VII синф ўқувчилари амалий йўналтирилган (амалий), тадқиқотчилик, атроф-олам билан танишишга қаратилган, ролли ва ижодий лойихаларни айниқса самарали амалга ошира оладилар. Қуйида VII синфда “Ҳаракатдаги фаввора модели” амалий йўналтирилган лойихасини ишлаб чиқиши мисолида таълим натижаларига кўйиладиган метапредмет талаблардан айримларининг қандай татбиқ этилишини кўриб чиқамиз.



Ушбу лойихани бажаришда ўқувчи зарур маълумотлар манбани ва улар билан ишлаш методларини мустақил тарзда аниқлаб, фавворани яратишида таянилайдиган физик тамоилиларни ўрганиб чиқади, лойихага оид foяларни реал модел ҳолатида тақдим этиш учун муайян муаммоларни ҳал этади. Фаввора ҳовузчасидан сув тармоғини чиқариши зарурити ностандарт вазиятни вужудга келтириб, янги конструктив ечимларни талаб этади.

Лойиханинг мақсад ва вазифаларини оқилона шакллантириш, уларни ечиш йўлларини тўғри белгилаш лойиха фаолиятининг самарали якунланишини белгилаб беради. Предметлараро тушунчалар (вазифа кўйиш, маълумот манбаи, фараз, моделлаштириш ва б.)ни ўзлаштириш билан бирга ўқувчиларда умумий ўқув ҳаракатлари (УЎХ) ривожланиб боради.

Қуйида VI синфда «Мен парвозни истайман!» тадқиқотчилик лойихасининг қандай амалга оширилишини кўриб чиқамиз.

Ушбу вазиятда ўқувчи ўзини ҳаво шаридаги ҳамдай учиси мумкинлиги ҳакидаги фаразни ишлаб чиқади.

Билишга оид УЎХ соҳасида лойиха мақсадига эришиш амалий малакалар, режа тузишни билиш ва тажрибани моделлаштиришни талаб этди. Айниқса, изланиш жараёни, маълумот ва ахборотларни танлаш, улардан зарурини ажратиб олиш муҳим аҳамият касб этди. Асосий вазифани ҳал этишда мазкур парвознинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлишини таъминлаш учун математик ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишга тўғри келди.

Үйинли (ролли) лойиха. Бундай лойихалар бир қараңда бир-бираға мұтлако мутаносиб бұлмаган фанлар – физика ва адабиёт, физика ва тарих фанларини үйғуналаштириб ўзлаштиришда жуда күл келади. Масалан, физика ва лирикани үйғуналаштиришга қаратилған ва номи ҳам шундай “Физика ва лирика” деб аталаған лойиха ишини амалға ошириш үзининг самарали нағыжаларини күрсатди. Лойиха VII синф ўқувчиларидан тузилған гурұх томонидан амалға оширилди. Ижодий лойихада мұраккаб ўқув фани ҳисобланған физика “Мушук ва қүёнға физика фани қандай қилиб ёрдам берди” деб аталаувчи күғірчөк театри воситасида образлы театрлаштирилған ҳолда акс эттирилди.

Ушбу лойиханы синфдан ташқары тадбир ҳолида татбиқ этишда шахсий ва коммуникатив УҮХни шакллантириш устувор вазифа қилиб күйилди. Мазкур фаолият тури ўқувчиларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантиришига ижобий таъсир күрсатыб, уларни интеллектуал ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз-ўзини хиссий бөшқарыш ва күллаб-кувватлашиға олиб келди. Ўқувчиларни фаолият жараёни, фаол мұстакиллик, иш жараёнида атроф-оламны англаш, ўзлигини намоён этиш ва синаб күриш кабилар ўзига жалб этади. Ўқувчилар лойиханы тақдим этиш жараёнида турли роллар (лидер ёки ижрочи, биргаликдаги фаолият координатори ва ташкилотчиси, ғоялар генератори, биргаликдаги фаолият нағыжаларини жиҳозловчы кабилар) ижроси бүйіча бебақо малакаларни үзлаштирилди. Ушбу малакалар, шубхасиз, уларга хәйтда керак бўлади, чунки кичик гурӯхларда ҳамкорликда олиб борилған ишлар – бу шахсни ижтимоийлаштиришнинг йўналишларидан бири ҳисобланади.

«Космик эра тонгид» номдеги лойиха ҳам алоҳида диккәтга сазовор лойихалардан ҳисобланади. Лойиха фазогирлик (космонавтика) тарихига бағишланиб, синфдан ташқары машғулот тарзида ўтказилади, у айни вактда гурӯхли (15 ўқувчи иштирок этди), предметлараро (тарих, адабиёт, физика), мактаб ичида амалға ошириладиган (loyиха иштирокчилари - VII-IX синф ўқувчилари), танишишга йўналтирилған, ролли, үйинли, ижодий лойихадир. Лойиха синфдан ташқары машғулотлар циклида тарихий воқеаларни ёритишга қаратилади. Лойиханы бажарышнинг предметлараро характеристига кўра, ўқувчиларнинг ташки оламнинг илмий манзарасини үзлаштириш тажрибалари уларнинг коинотни умуминсоний нуқтai назардан билишдан то маданий мантикий англашгача бўлган тафаккур тарзини қамраб олади. Шахсий ва коммуникатив УҮХни таркиб топтириш иш жараёнидаги муносабатларни тўғри йўлга кўйишга қаратилған кўнинка ва малакалар, хусусан, ўз фикри ва нуқтai назарини шакллантира олиш, уни лойихадаги шеригининг фикри билан киёслай билиш ва фикрини инобатта олиш, гурӯхдаги биргаликдаги фаолиятида ўзаро келишган ҳолда, умумий қарорга кела билиш малакаси сабабли самарали амалга ошди.

Юкорида тақдим этилган лойихалар, барча лойихавий фаолият каби мұстакил ишлаш ва мұстакил қарор қабул қилиш малакасини ривожлантиради, лойихалашаша оид фикрий фаолият малакалари, максаддага эришиш йўлларини режалаштириш, вактни мұстакил назорат килиш ва бошқариш, иродавий куч-куватини сафарбар этиш ҳамда кўйилған максаддага эришиш йўлида

қийинчиликларни бартараф қилишга ўргатади, охир-окибатда ўкувчиларда регулятив УЎХни фаол тарзда шакллантириш имконини беради.

Лойиҳаларни ҳимоя қилиш жараёнида ўкувчилар тадқикот мавзуси бўйича мунозара қилишга, иш натижаларини маъруза ва мультимедиа тақдимоти тарзида жихозлашга ўрганадилар, бебаҳо амалий фаолият тажрибасига эга бўладилар. Шубҳасиз, лойиҳавий фаолият ўкув предметларини ўрганишнинг дастлабки босқичида предметлараро тушунчаларни ўзлаштириш билан уйғунликда таълимнинг метапредмет натижаларига эришиш имконини беради.

## **2.4. Лойиҳавий фаолият ва маданий-ижодий муҳитни ташкил этиш**

Маданият – жамият ва шахс маънавий тараккӣтининг муҳим омили. Тобора ўзгариб бораётган дунёда айнан мактаб узлуксиз таълимнинг кейинги босқичлари стратегик мақсадларига эришиш учун пойдевор қўяди. Шу сабабдан тарбияни ташкил этишнинг асосий йўналишларидан бири маданий-ижодий тарбия бўлиб хисобланади.

Илмий-техник тараккӣёт даврида ҳаётимиз биркадар ранг-баранг ва мураккаб тус олмоқда. У инсондан фаол тафаккурни, тез мўлжал олишни ва янги шароитларга мослашишни, ҳаётий масалаларни ҳал қилишга ижодий ёндашишини талаб этмоқда. Агар ақлий меҳнат улушининг тобора ўсиб бораётганини ҳисобга олсақ, шубҳасиз, инсон ижодий қобилияtlарини унинг интеллектидининг энг катта аҳамиятга эга бўлган қисми сифатида эътироф этишга тўғри келади, юқорида қайд этилган вазифаларни ҳал этиш эса замонавий инсонни тарбиялашнинг энг муҳим вазифалари таркибига киради. Кишилик жамиятининг қанчалик олға сийлашига қараб, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижодий-интеллектуал имкониятларини аниқлаш мумкин бўлади. [76, с. 61]

Ўсиб келаётган ёш авлод ҳакида кайгуриш, уларни одоб-ахлоқли ва маънавиятли инсон қилиб тарбиялашга интилиш Ўзбекистон халқи менталитетига хос фазилатлардан хисобланади.

Шу билан бирга, мактабдаги таълим жараёни холатини муаммога ўйналириб таҳлил этиш куйидаги педагогик тавсифдаги қарама-қаршиликлар мавжудлигини кўрсатди:

- таълим жараёнида таълим-тарбиянинг бирлиги ҳақидаги ёндашувга амал қилиш тамоили умумэътирофда бўлса-да педагогик амалиётда таълим ва тарбиянинг ўзаро таъсири механизмларининг мавжуд эмаслиги;

- замонавий таълимда шахсга йўналтирилган ёндашувни жорий этишига талабнинг кучлилиги билан унинг етарлича технологик ишлаб чиқилмаганлиги;

- ўкувчиларга таклиф этилаётган маълумотларнинг ҳажман тобора ортиб бораётганилиги билан педагогларнинг ўкув-білув ва дунёқарашга оид нуқтаи назарларини шакллантириш жараёнига ўкувчи шахсини жалб этиш заруриятининг етарлича англаб етилмаётганилиги;

- ўкувчиларни жамиятининг маданий дунёсига олиб кириш зарурияти билан таълим жараёнида буни амалга оширишга қаратилган ижобий муҳит мавжуд эмаслиги ўртасидаги зиддият;

— таълим жараённи фаолиятнинг ташки натижаларига йўналтирилганлиги билан ички ижодий фаоллик, ижодий ўсиш ва эмоционал хотиржамлик орқали ифодаланувчи шахснинг ўз-ўзини амалий татбик килишининг устуворлиги ўртасидаги карама-каршиликлар шулар жумласидандир.

Таълим жараёнининг юкорида келтирилган ижтимоий-маданий зиддиятларига асосланган холда, таъкидлаш мумкинки, маданий йўналиш жамият ва алоҳида шахснинг камолотини белгилаб берувчи муҳим омилдир. Шунга кўра, ўкувчилар тарбиясини ташкил этишнинг асосий йўналишларидан бири хисобланган – маданий-ижодий тарбия алоҳида долзарб аҳамият касб этиб, қуидагиларни ўз ичига қамраб олади:

— ўкувчиларни миллий ва умуминсоний характердаги маданий ютуқларга жалб этиш жараёнини фаоллаштириш учун уларда маданиятни ўзлаштириш ва маданиятни яратиш малакаларини таркиб топтириш;

— уларда маданий маҳсулот ва маданий ишлаб чиқаришда ўзининг тутган ўрни ва амалий тажрибалари ҳақида тасаввурларни таркиб топтириш;

— индивидуал ижодий қобилияtlарнинг намоён бўлиши ва ривожланиши учун шарт-шароитларни вужудга келтириш [20].

Ҳаётда ва таълим жараёнида маданиятни ўзлаштириши ва маданиятни яратиш жараёнлари ўзаро алоқадордир. Умуман олганда, мактаб ижтимоий-ижодий маконида тарбияни маданий-ижодий йўналтириш ўз ичига турли маданий қатламлар, бадний тафаккурнинг ранг-баранг усувлари, турли-туман ижодий фаолият, ўкувчиларнинг ўзаро мулоқот жараёнида такомиллашиши, оламга маънавий-ахлоқий ҳамда иродавий-фаолиятли муносабатнинг ривожланиб бориши кабиларни қамраб олади.

Мактаб ёшида маданий-ижодий масалаларга эътибор қаратилишининг сабаби шундаки, айнан шу ёшда кишилик маданиятининг пойдевори ҳақидаги асосий тушунчалар эгалланади. Маданий-ижодий жараёнларда ўкувчининг маҳсус ички нуктаи назари, устувор ижодий тасаввурлари ва кечинмаларининг умумлашуви каби шундай муҳим сифатлар шаклланадики, уларга таяниб ўкувчи ўзининг ташки олам билан мулоқот малакаларини шакллантиради, мақсадга қаратилган, маҳсулдор фаолияти туфайли уларни кенгайтиради, шу тарика ташки оламни бойитиши жараёни амалга ошади. Ўкувчининг маданиятга муайян қадриятли-мотивацион муносабати ҳам маданий ижод натижалари хисобланади.

Ўкувчилар ҳаётда муайян фаолият тури билан машғул бўлар экан, ўз эҳтиёжларини кондириш йўлларини ахтаради, ўзини синаб кўради ва ўз шахсиятини тасдиқлашга интилади. Ўкувчи шахсида маданиятни ўзлаштириши ва маданият яратиш малакаларини шакллантиришнинг асосий мақсадларидан бири шахснинг ўз-ўзини татбик этишига шарт-шароит яратишdir. Маданият ва ижоднинг ўзаро муносабати ўкувчининг маданият дунёсига ташриф буриши ва ижодий жараёнларга киришиши ўртасидаги қонуниятни очиб беришга имкон яратади: ўкувчилар ижодий фаолиятга қанчалик киришсалар, уларнинг маданий қадриятлар ва шахс сифатидаги маданиятлилик даражаси шунчалик юқори даражага кўтарилади.

Ҳақиқий маданий ижод инсоннинг чин маънодаги мавжудиятининг барча қатламларини қамраб олиб, унинг шахс сифатидаги эркинлигини таъмин этиш, ўзлигини англаш, нафакат ташқи, балки ички оламини ҳам ўзгартиришга имконият яратиб берувчи *гуманитар таълим мұхити* билан ўзаро боғлиқдир.

Бунда таълим мұассасасининг ўрни шундаки, у ўқувчига жамият, табиат, маданий дүнё, колаверса, ўзи учун ҳам ўз ўрнини аниқлаши, ўзлигини намоён этиши, татбиқ килиши учун педагогик шарт-шароитларни яратиб беради. Шундай шарт-шароитларни яратиш эса бу, демек, маданий ижодиёт учун мұхитни ташкилу этиши имкониятини вужудга келтириш, маданий ижодиёт учун мұхит яратышдир. *Маданий-ижодий мұхит* гўзаллик, уйғунлик, инсон маънавий олами, санъат ва ижод орқали ўзлигини намоён этиш каби қадриялти йўл-йўрикларни вужудга келтиради.

Педагогнинг маданий-ижодий мұхит яратишига қаратилган хатти-ҳаракатлари авваломбор ўқувчига ўзини ижодкор шахс сифатида намоён этиши учун қулай имконият туғдириб беради. Мактабда маданий-ижодий фаолиятни амалга ошира билувчи ва бунга тайёр турувчи ўқитувчи ўзини маҳоратли устоз деб ҳис қиласына, мавжуд инновациян тажрибаларни ўзлаштиришга ва ўз фаолиятини янгилашга ижодий жиҳатдан тайёр туради.

Мактаб ёшида кўнгилли мулоқотлар, ўйинлар, ҳаракатли машқлар, мусика, тасвирий санъат, амалий фаолият кабилар алоҳида аҳамият касб этади. *Маданий-ижодий таълим қобигида* амалга ошириладиган лойихавий фаолиятга мисол қилиб Интернетдан машҳур миллий ва рус картиналари галерияси, Ўзбекистон ва Россия маданияти ва анъаналарини намойиш этувчи бадиий асар сюжетларидан фойдаланишини келтириш мумкин. Бундай лойиханинг *методик гоёси* кўйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- табиат, меҳнат ва ижоддаги гўзалликни кўра билиш, гўзалликни ҳис этиш туйғусини ривожлантириш;
- санъат асарлари, кўргазмалар, музей, бадиий ижодий машғулотларга нисбатан қизиқишини ривожлантириш;
- она тили, рус тили, адабиёт ва тасвирий санъат фанларини интеграциялаш имконини беради;
- ахборот маданияти ва медиамаданиятни сингдиришга шароит яратади;
- биргаликда, жамоатчилик билан ҳамнафас гўзалликни ҳис этишига ўргатади.

Ўқувчидаги ахлоқий ва эстетик кечинмаларни вужудга келтириш учун ўқитувчи уларни “Ўзбекистон амалий санъати музейи” («Музей прикладного искусства Узбекистана») сайти [61] билан таништириши мумкин. “Йўрмадўзлик ва миллый либослар” («Ручная вышивка и национальная одежда») деб номланувчи залнинг номини чертиш орқали ўқувчилар дўйпиларнинг турлари, асосий саҳифадаги музейнинг схематик режасини билиб оладилар. Ўзбек дўпписи ҳақли равиша миллий амалий санъат туриларидан бири хисобланади: ҳатто компьютер мониторидан ҳам ипак толаларнинг жилваси ва қадимий нақшлар ёғдуси ўзига тортиб, кўнгилларни эркалагайди, ўзининг сирли гўзаллиги билан локайд бўлмаган инсон қалбини жўнбушга келтиради. Бекорга: «Дўппи самодан сенга хурсанд бокишлиари учун

ҳам керак» дейишимаган [64]. Музейда 7000 га яқин ноёб амалий санъат намуналари сақланади. Лекин уларни экспонат сифатида намойиш этишига музей майдончаси имкон бермайди. Мазкур сайт бой миллий маданий мерос билан танишиш имконини бериб, ўкувчиларда она Ватанимиз маданиятига нисбатан кatta қизиқиши уйғотади.

Сүнгра ўзбек рассомининг расмлар репродукцияси намойиш этилади [112]. Расмни томоша қилгач, ўкувчилар унда байрам тасвирлангани, рассом ушбу санъат асарини чизар экан, ўзининг асосий эътиборини ўйнаётган йигит-кизга, байрам тантанаси иштирокчиларига қаратмай, балки олдинги планда тасвирланган доирачининг дўпписига қаратганини таъкидлайдилар. Кекса доирачининг дўпписи, янги бўлмай, қора туси бирмунча ўчинқираб, мош ранг тусга кирган. Расм асосида “Бу дўппи тасвиридан қандай таассурот олдингиз? Дўппи Сизга нималар ҳакида сўзламокда?” деган савол билан мурожаат этилганда, ўкувчиларга тимсолларни мужассамлаштириш усулидан фойдаланиб, фантазия қилишга шаропт яратилади. Ҳар бир ўкувчи дўппининг тилидан сўзлаб, унинг кечинмаларидан энг таъсирилсини топишга интилади. Ўкувчиларнинг ҳиссий тажрибаларини бойитиши, атроф оламга маънавий-ахлоқий муносабатини шакллантириш учун театр тўғараги машғулотларида ўкувчилар томонидан матн кўринишида дўппининг жонли портрети яратилиб, рус тили дарсида эса ўкувчилар ўзларининг муаллифлик асарларини: эссе, иншо ва шеърларини ёздилар. Театр машғулотининг амалий қисмida “Дўппи” номли мини-этюд изжро этилади.

Бундай иасвирий санъат дарси маданий яратувчанликнинг дастлабки боскичи бўлади. Ўкувчилар ўзлари яратадиган дўппи орнаменти ва унинг тарихи устида ишлайдилар. Чунки расм чизиш учун ҳар бир ўкувчи унинг композициясини мустақил ўйлаб олиши, қандай ранглар қўллашини билиши, бадиий асар ижодкори сифатида ўзлигини кашф этиши зарур. Расм устидаги ишларини якунлагач, ўкувчилар ўз асарларини тақдим этадилар, синфдошлари унинг ўғил ёки қиз бола экани, ким чизгани, у қайси шаҳар ёки вилоятда тугилган бўлиши мумкинлиги, хатто ёшини аниқлашга харакат киласидилар.

Мактаб доирасида синф ўкувчилари ишлаган расмлар кўргазмасини ташкил этиб, синфдан ташқари фаолият жараённида “Дўппиларнинг бадиий-жўғрофий галерияси” экспурсиясини ўтказиши асносида ўкувчиларнинг маданий яратувчанлик фазилатлари намойиш этилади.

Технология дарсида ўкувчилар ўзларининг мустақил ижодий ечимлари ва хатти-харакатларига таяниб, нима қилсалар, ўзларининг бош кийимлари “маъюс” бўлиб қолмаслигининг йўлларини излайдилар. Ўкувчилар билан сухбатлашилганда маданий диалог, ўз нарсаларини аяб-асраси, бошқа кишиларга кўмаклашиш ҳакида сўз юритиш лозим. Ўкувчилар “Эски нарсаларимнинг янги ҳаёти” акциясини ташкил этиб, ўз гояларини ҳаётга татбиқ этишига харакат килиб кўрадилар.

Болалар ўйлаб топган тарихий воқеалар битилган китоб, улар чизган расм ва фоторасмлар, эски кийимларидан ишланган нарсалар уларнинг маданий-ижодий фаолият маҳсулига айланади. Маданий-ижодий фаолият жараённида

ўқувчи яратган ижод махсуси унинг эмоционал тажрибасини янги ахлоқий ва эстетик кечинмалар билан бойитади.

*Маданий ижод* – мажмуйи ҳодиса бўлиб, ўз ижод махсуси, шахсий натижа ва ютукларини жамоатчилик олдида, ўз синфида, ёндош синфларда, ота-оналар олдида тақдимот қилиш ўқувчидаги иш тажрибаларининг ортишига, маданий меъёрлар ва фаолият намуналарини ўзлаштиришига асос бўлади.

Маданий ижодиётни жорий этишда фаол кўпланиладиган турли методикалар ичизда лойиҳа методи, бизнинг фикримизча, бир қадар самарали метод хисобланниб, ўқувчиларда ижодий конструктив лаёқатларнинг ривожланишига шароит яратади.

Лойиҳа методи – ўқитишнинг мажмуавий методи бўлиб, ўқув жараёнини ўқувчиларнинг қизиқишиларига мутаносиб тарзда ташкил этиш, уларга ўз ўқув-билив фаолиятини мустақил режалаштириш, ташкил қилиш ва назорат этиш имконини беради, шунингдек, унинг натижаси сифатида муайян махсулот ёки ҳодиса вужудга келади: агар яратилаётган нарса- ҳодисанинг асоси назарий муаммога бориб тақалса, унинг аниқ ечимини топишга тўғри келади, агар у амалий характерга эга бўлса, эришилган аниқ натижа амалиётга жорий этилади.

Лойиҳалар методи асосида ўқувчиларнинг ўқув-билив малакалари, ижодий қизиқишилари, ўз билимларини мустақил конструкциялаш кўнникмалари, ахборот маконида мўлжал олиш лаёқатлари ҳамда танқидий тафаккури шакллантирилади. Лойиҳалар методи ҳамиша муайян вақт оралигига бажаришга мўлжалланиб, ўқувчиларнинг индивидуал, жуфтликда, гурухли ишлишига қаратилган мустақил фаолиятини амалга оширишга йўналтирилади.

Ушбу метод ҳамкорликдаги таълим методи билан органик уйғунликка эгадир. Лойиҳа устида биргаликда фаолиятни ташкил этиши шакллари мавзунинг хусусиятлари, биргаликдаги фаолиятдан кўзланган мақсад ва лойиҳа иштирокчиларининг қизиқишиларидан келиб чиқиб белгиланади.

Лойиҳалар методи технологияси ўз ичига кўйидагиларни камраб олади:

а) ўқувчилар ўзлари муаммолар кўйиши ва ҳал этиши назарда тутилган таълимий вазиятларни ташкил этиш,

б) ўқувчиларнинг мустақил фаолияти педагог томонидан кузатилиши ва назорат килиниши.

Лойиҳавий фаолият (*ижодий лойиҳа*) ўқувчиларни ўзига жалб қиласи, уларнинг ижодий тафаккури, тасаввuri, фантазияси, ўқув мотивларини ривожлантиради, янги билимлар эгаллаш иштиёқи, яъни ўқиши истагини оширади. Таълим максади ва ўзининг қизиқишилари асосида ўқувчи танлаган ижодий фаолият тарбияловчи ва ривожлантирувчи органик мухитни вужудга келтиради.

Ўқувчи ўзаро муносабатлар, мулокотлар, фаолият ва умуман ҳаётнинг яратувчиси сифатида маданий-ижодий тарбиянинг натижасига айланади. Эришилган маданият даражасига таянган ҳолда, у янги хатти-харакатлар ва хуљк-атвор усусларини, мулокот шаклини вужудга келтиради, ўзини шахс сифатида кашф этади.

Лойиҳа тематикаси ўқувчи учун аҳамиятли, турли фан соҳалари бўйича билимлар, ижодий тафаккур ва тадқиқотчилик малакаларини талаб этадиган ва

амалий ҳаётда долзарб ҳисобланган аниқ бир масалага қаратиласи. Шу тарика билимларнинг табиий интеграцияси ва компетенциянинг ривожланишига эришилади.

Ўқитувчи тайёр билимларнинг курук етказиб берувчиси эмас, ўқувчи билиш фаолиятининг ташкилотчиси сифатида майдонга чиқади. Ўқувчилар лойиҳавий фаолиятининг ютуғи аксарият ишнинг саводли ташкил этилишига ҳамда ўқувчиларнинг мустакил фаолиятида маҳорат билан ҳамкорлик қилинишига боғлиқ. Лойиха методидан фойдаланиши билиш педагогнинг юкори малакага эгалигининг кўрсаткичи, унинг прогрессив (илгор) методикага эгалиги ва ўқувчиларни ривожлантира билиши белгисидир. Лойиха технологияларини бекорга XXI аср технологиялари таркибига киритишмайди, у инсонда ҳаёт шароитлари шиддат билан ўзгараётган ахборот жамиятига тез мослашиш лаёқатларини таркиб топтиради.

Тобора ўзгариб бораётган ижтимоий-маданий дунёда айнан мактаб таълимни нафакат умумий ўрта, балки таълимнинг кейинги босқичларида ҳам инсоннинг мустакил таълим олишига қаратилган стратегик мақсадларга эришиш учун пойдевор бўлади.

## **2.5. Мактаб ахборот муҳитини ташкил этишга маданиятшунослик ёндашуви**

Таълим муассасалари ахборот муҳитининг оптималь вариантини замонавий, имлий асосланган бошқарув жараёнларига кўра ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир, улардан бири лойиҳалаш ҳисобланади [49].

Ахборот муҳитини лойиҳалашга нисбатан маданиятшунослик ёндашуви дейилганда таълим субъектларида ахборот маданиятини шакллантириш вазифасининг ҳал этилиши тушунилади, бунга ахборотларни узатиш ва ўзлаштириш, қайта ишлаш, саклаш, ахборотларни танлаш меъёrlарини ўзлаштириш, ахборотларни сифат жиҳатидан баҳолаш, ахборот оқимларига нисбатан саводли муносабат, зарур ахборотларни ажратса билиш кўнимкаси, салбий, бузгунчи ахборотлар таъсирини тўхтатиш кабилар киради.

Лойиҳавий фаолиятга нисбатан муҳитли ёндашув [57] лойиҳалаштирилган таълим маконида таълим субъектларининг шаклланиши ва ривожланишига имконият ва шарт-шароит яратувчи моддий муҳитнинг эътироф этилишинигина англатмайди. Муҳитли ёндашув доирасида лойиҳавий фаолият унинг эгаларининг ривожланиши учун аниқ образга мўлжалланиб, биринчи навбатда, муҳит компонентларини лойиҳалаштиришга йўналтирилади. Бунда иккита ўзаро бир-бирини тўлдириувчи стратегияни мўлжаллаш зарур бўлади. Бир томондан, лойиҳалашда инсоннинг табиий-ландшафт ва ижтимоий-маданий муҳит доирасида муайян даражадаги бандлик ҳолати назарда тутилса, бошқа томондан эса, инсоннинг турли муҳит билан ўзаро муносабати натижасида тажрибасининг ортиб бориши уларга нисбатан муайян муносабатларнинг таркиб топишига асос яратади. [91]

Ишлаб чиқилган мұхитли ёндашув версияси (Ю.С.Мануйлов ва б.) бүйіча маълум бўладики, мұхит:

– шахса таъсир кўрсатади (бой мұхит бойитади, қашшоқ мұхит – қашшоклантириди, соғлом мұхит – соғломлаштириди, чекланган мұхит – чегаралайди ва х.к.);

– инсонни, авваломбор, ҳодисалар билан боғлиқ мавжуд имкониятларнинг спектри бўлишини тъминлайди (таъкидлаш жоизки, айнан у бирор нимани эгаллаш ёки билишга шарт-шароит яратади);

– ўз-ўзидан юз бергандек кўринган ҳаёт тарзини белгилайди, турмуш йўсунларига бақамти имкониятлар сўқмоғидан эргашишга ундаиди;

– тарбия воситасига айланади.

Ахборот мұхитини лойихалаш нұктай назаридан албатта аниқ бир имкониятлар маконини тақдим этадиган ҳамда мұхит субъектларининг тегишли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ахборотлар манбаини кўриб чиқиш зарур. Ушбу манбалар моддий, маънавий ёки ижтимоий бўлиши мумкин. Мисол учун таълим муассасасидаги ахборот ташувчи манбалардан бири сифатида дарсни кўриб чиқишимиз мумкин, бунда ўқув предмети “билимлар дунёсига дарича” вазифасини ўтайди; ахборотлар оқимидан мўлжал олган мактаб кутубхонаси уларни “тарқатувчи, ёювчи” вазифасини бажаради, мактаб компьютер тармоги – ўз-ўзини ифодалаш макони сифатида юзага чиқади. Ёндашув мантиқимиздан келиб чиққан ҳолда, тегишли хусусиятларига кўра, манбалар таркибининг куйидаги йўналишларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин [57];

– илгари мавжуд бўлган, лекин баъзи сабаблар важидан ўз аҳамияти, ички имкониятларини йўқотган кемтикларни тўлдириш ёки тиклаш;

– илгари ўз долзарблиги ёки кучини йўқотган, эндиликда ўзини тўлдириш сари ўта бошлаган кемтикларнинг мұхим жиҳатларига нисбатан талабнинг мавжудлигини эътиборга олиш;

–унинг мавжуд аҳамиятини қайта тиклаш;

– мавжуд тахламларнинг адекват ва ноадекват аҳамиятининг пайдо бўлишига каршилик килиш.

Масалан, лойиханинг ахборот мұхити максадини белгиловчи йўналишларига кўра куйидагиларни кўриб чиқиш мумкин:

– мактаб кутубхонасида ички имкониятлари сарфланган манбаларни тўлдириш учун уни оптималлаштириш (ахборот ресурслари мажмууни яратиш ва тўлдириш – электрон дарсликлар, мультимедиа энциклопедиялари, турил ўқув предметлари бўйича билимлар базаси ва б.);

– билимларни тегишли манбалар билан тўлдириш учун кутубхонани медиатекага айлантириш;

– назарда тутилган манбаларни ишлаб чиқувчиси сифатида мактаб интернет-сайтини яратиш ( виртуал мулокот имконияти, мактаб муаммолари ва истиқболига тегишли масалаларни мухокама қилиш, мактаб ҳаётiga ижтимоий атроф мұхитни кенг жалб этиш ва б.) ва х.к.

## **ІІ БОБ. МАДАНИЙ-ИЖОДИЙ МУХИТНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ**

### **3.1. “Мухит” тушунчасининг ижтимоий-маданий ва таълимий аспектлари**

Мазкур бандда “таълим мухити” ва “таълим макони” тушунчалари ёритилади, уларнинг ўзаро муносабати таҳлил қилинади, шунингдек, таълимни ташкил этишининг маконий-мухитли имкониятлари аниқланади.

Таълим макони биз томонимиздан учта компонент: ўкувчи, педагог, мухитининг фаол ўзаро таъсири кечадиган майдон сифатида таҳлил этилади.

Таълим мухити таълим муассасаси ахборот ресурсларининг мажмуми сифатида таҳлил этилиб, бунда, жумладан, ўкув фаолиятининг тўлиқ циклини қамраб олувчи ўқитиш технологиялари ва ўкув жараёнини таъминлаш назарда тутилади.

Бола ривожланишига таъсири кўрсатишнинг икки хил омили мавжуд. Биринчи омил – биологик, – у генотип билан боғлиқ. Биз инсоннинг тугма белги ва хусусиятларини ўзгартира олмаймиз. Иккинчи омил – бу атроф мухит омили, у бизни ўраб турган мавжудиятни англатади. Биологик омил болани муайян яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган имкониятларини ифодалайди, атроф мухит омили эса болага уларни ривожлантиришга ёрдам беради. Шу сабабли, бола учун унинг атрофида атроф мухитни ўзгартира олувчи ота-онаси, педагоглар ва бошқа кишилар бўлишининг аҳамияти жуда катта. Ўқитувчилар ўкувчи шахсини ривожлантиришга жавобгар кишилар сифатида барча масъулиятни хис этишлари лозим. Шахс ривожланишини ўкувчини ўраб турган мухит (предметли-маконий, маданий-ижодий, интеллектуал) орқали, муайян мухит шарт-шароитларини яратиш орқали бошқариш мумкин.

«Мухит» сўзма-сўз маъносига кўра «оралиқ»ни англатиб, кўриб чиқилаётган обьектларнинг оралиқ ҳолатини билдиради ва улар ўртасида ўйғунлаштирувчи, битиштирувчи вазифасини бажаради.

Замонавий фалсафа мухитга индивидуал ривожланишининг ҳал қилувчи, лекин ягона бўлмаган омили сифатида қарайди; умумий тавсифга кўра, мухит тушунчаси муайян субстанцияни англатиб, у вакуумдан фарқли равища, мазкур обьектлар ўртасидаги ўзаро таъсирининг узатилишига таъсири кўрсатиш хусусиятига эга. [74, с. 119].

Янги педагогик лугатда “мухит” тушунчаси умумий маънода инсонни ўраб турган ва у билан тирик организм ва шахс сифатида алокадор бўлган шарт-шароитлар мажмуми сифатида тавсифланади [48].

Таълим инсон ривожланишини белгилаб берувчи мухит билан бевосита боғлиқдир, у аксарият инсоннинг дунёни англашининг индивидуал контекстини аниқлаб беради.

Мухитни идрок этиш – бу мураккаб билиш жараёни бўлиб, ўз ичига тафаккур ва қарорлар қабул қилишни қамраб олади. Атроф мухитни биз шакллар, сиртлар, ранглар, хидлардан иборат қандайдир обьектлар коллекцияси сифатида эмас, балки ўз фонида алоҳида деталлар аниқ ажralиб турдиган борлик сифатида идрок этамиз. Мухитни идрок этиш доимо

мақсадли ва айни вақтда сайланған холда бўлади. Бу билиш жараёни психологияси ва физиологияси билан боғлиқдир. [106]

Хозирги болалар ўн йил олдинги тенгдошларидан ҳайратли даражада фарқ қиласидилар. Улар нисбатан мулокотга тез киришадилар, кўпроқ нарсаларни биладилар, ўзларини эркин тутадилар, лекин саломатликлари заифрок бўлиб, шу сабабли динамик равишда ўзгарувчан таълим мухитини истайдилар. Масалан, улар оламни визуал идрок этиш ва образли тасаввур қилишини хоҳлашади, бу демак, ўқув ва билув фаолиятида аниқ кўргазмали ва назарий идрок масаласи бирмунж мураккаблашади. Бола ўзлигини хис этаётган оламда глобал мулокот доираси бирданига ер шари қадар кенгайиб кетмоқда. Қадриятлар тизимида фундаментал олға силжиш юзага келди. Ушбу контекстда ўкувчиларни ҳайратланишга ва ўз-ўзини ривожлантиришга ундаидиган: хавфисиз, ахлоқ-одоб меъёрларини эгаллашта йўналтирилган, эътироф ва меҳр-муҳаббатга йўғрилган, меҳнат ва муҳим фаолиятда атрофидагилар ва, умуман, жамиятнинг эътирофи ва қўллаб-қувватлашига асосланган, ўзлигини англаш ва билиш эҳтиёжларини қондиришга қаратилган шахсга йўналтирилган таълим мухитининг барпо этилиши ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Таълим тизимида шахсни шакллантирувчи мухитни вужудга келтириш педагогик жараёнларнинг барча босқичларига нисбатан таълимнинг инсонпарварлик концепциясини жорий этиш, унинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш демакдир. [56, с. 65-67].

Маданий-ижодий таълим мухитини технологиялаштиришнинг моҳиятини белгилаш учун тадқиқ этилаётган муаммога оид таянч атамалар мазмунини изоҳлаш лозим.

Кўйида уларнинг хозирги фалсафий ва ижтимоий-педагогик тавсифлари талкиниҳи ҳавола этамиз.

Ижтимоий мухит – инсоннинг мавжудлиги ва фаолиятини белгилаб берувчи ижтимоий, моддий, маънавий шарт-шароитлардир. Ижтимоий мухит кенг маънода иқтисодий, ижтимоий институтлар, жамият тафаккури ҳамда маданиятни қамраб олади (макромухит).

Ижтимоийлаштириш – индивиднинг ҳаёт фаолияти давомида уни ўз-ўзини татбиқ этувчи шахс сифатида ижтимоий-маданий мухит билан алоқадорликда ривожланиб бориши демакдир.

Маданият – инсониятнинг ижтимоий ахборотлар кўринишида ифодаланувчи турмушни ва тафаккурининг барча соҳаларига тегишли ижтимоий-прогрессив фаолияти хисобланаби, у жамиятда кишилар томонидан ҳартиялган тимсоллар воситасида сақланади.

Мазкур тавсифда тушунча тавсифига нисбатан икки хил: аксиологик ва фаолиятли ёндашув интеграциялашган. Бу ёндашувлар “маданият” тушунчасини аниқлаш нуқтаи назаридан қарама-карши бўлса-да, ўз моҳиятига кўра, кўйидаги кўринишларда акс этувчи диалектик уйгуниликни ифодалайди: қадриятлар маданий фаолиятни белгилаб беради, маданий фаолият эса янги қадриятларнинг вужудга келишига асос яратади.

Маданиятшунослик таълими – таълим фалсафаси, педагогика ва маданиятшуносликка бориб тақалиб, педагогик ва маданий антропологиянинг

ягона негизини изохлаш орқали таълимга хос маданий масалаларнинг бутун мажмумини қамраб олади [49]. Бунга куйидаги предметлар блоки ва муаммолар доирасини киритиш мумкин:

– яхлит маданий таълим мазмунни (кадриятлар, функциялар, мақсадлар, вазифалар, йўналиш, маданият сифими, предмет мазмунни) ва шакллари (маданиятга мувофик бўлган методлар сифати, воситалари, методикалар ва усуллар);

– бола (ўспирин, ўсмир)ни умуминсоний ва миллий маданиятга жалб этиш механизмлари;

– болалар ва ўсмирлар бирлашмаларининг миллий ва умуминсоний маданий ривожланиши хусусиятлари;

– бола шахсига хос маданий хусусиятларнинг қарор топиши;

– муайян таълим тизими ва таълим соҳасида маданий мухитнинг таркиб топиш ва намоён бўлиши механизмлари;

– таълим соҳасида сифатни ташкил этиш ва бошқариш, таълимда бошқариш маданияти.

Инкультрация – инсоннинг маданиятга мос тарзда оламни англаш ва ахлоқ-одобни ўзлаштириш жараёни, бунинг натижасида унда мазкур маданият намоёндадарига хос когнитив, эмоционал ва ахлоқий жиҳатларнинг шаклланишидир.

Ижтимоий-маданий мухит – бевосита мавжуд бўлган ижтимоий макон, унинг воситасида инсон жамият билан маданий муносабатларга киришади ... бу унинг хаёти ва ижтимоий хулқ-авторига, унинг ўзгарувчан қизиқишлирига, социумнинг муайян қисми билан мuloқotнинг юзага келиши сифатида кабул қилинадиган бошка кишилар билан тасодифий алокалари ва чукур муносабатларига мос тури (макро- ва микро-) шарт-шароитлар мажмуи, аниқ табиий, предметли атроф-мухит демакдир [49].

Ижтимоий-маданий мухит – муайян худудга тегишли ижтимоий иқтисодий ва маданий-таълимий макон, унинг кўмагида таълимнинг инсонпарварлик концепциясини жорий этишда таълим жараёнида шахснинг ижтимоийлашиши ва инкультрацияси амалга ошади.

Маданий-ижодий мухит – таълим жараёни барча катнашчиларининг шахсий потенциалини интеллектуал, бадиий ва амалий ривожлантиришига қаратилган моддий ва маънавий омиллар, шарт-шароит ва воситалардир.

Маданий-ижодий мухитни яратишда таълим муассасаси раҳбарлари хамда педагоглар ўқувчиларнинг фаол иштирокида конструктор ва ташкилотчи вазифасини бажарадилар.

Маданий-ижодий мухитнинг муайян қисми: туғилиб ўсган хонадони, қўшимча таълим муассасалари кабилар мактабдан ташқарида амал қилиши мумкин.

Биз бу мухитни таълим муассасаси (ТМ)га нисбатан олиб қараб, уни ташки мухит деб хисоблаймиз. Ташки мухитнинг функцияси ташки рефлексивлик, ўзлигини намоён этиш ва ўқувчини ижтимоийлаштиришдан иборат. Ташки мухит хулқ-автор стереотиплари, моделлари ва ташки жиҳатлари намуналарини тақдим қиласди. Қиёслаш ва рефлексия натижасида

инсон ўз қобилияти ва имкониятлари хақида фикрлайди ҳамда муайян ҳаёттй ечимга келади.

“Таълим мұхити” тушунчаси ўз ғоясининг лойиҳасиси ва амалга оширувчиси хисобланган таълим олувчиларнинг унда иштирок этиб, турли фаолиятни амалға ошириши ҳамда ўз талабларини қондиришининг ифодаси [17] сифатида, инсоннан куршаб турған фаоллик худуди, ўқув муассасасидаги яқин ривожланиш зонаси [95]; ривожлантирувчи таъсир күрсатувчи, қонуният ва принципларга таянилиб, турли фаолият турлари амалға ошириладиган, педагогик технологиялар жорий этиладиган «майдон»даги уни вужудға келтирувчи омилларни камраб олади [42] шунингдек, у шахсни ривожлантиришининг шарт-шароитлари ва унга күрсатиладиган таъсирлар мажмұи ҳамда ижтимоий, маконлы-предметли борлықтың таълим субъектлары томонидан такомиллаштирилишини англатади. [29].

Таъкидлаш жоизки, таълим маконининг дидактик потенциали инсоннинг мұхитлии ва шахсий имкониятлари, ички ва ташқи мөслик [91], мавжуд қуввати ва маданиятининг ўзаро мәксадға мувофиқлиги ва кесишиши кабилар натижасида фаоллашиши мүмкін [83].

Аксарият таникли педагогик адабиётларда таълим макони компонентлари тизимлаштирилмай, таълим мұхити тизимлаштирилади ва экоантропологик ёки маданиятшунослик ёндашуви асосида унинг тузилмаси ажратыб күрсатилади (Дридзе Т.М., Крылова Н.Б., Песоцкий Ю.С. ва б.). Лекин “таълим мұхити” тушунчаси аниқ субъект билан унга таъсир күрсатувчи шарт-шароити ва имкониятларнинг объектив педагогик реаллик билан ўзаро мұносабати сифатида ўрганилиши мүмкін. “Таълим макони” тушунчаси эса субъектлар ва уларнинг таълим маконидаги турмушларини “хәқиқаттан ҳаракатдаги” таълим мұхити контекстининг педагогик борлық билан ўзаро мұносабатларини ифодалайди. Ушбу маңнода субъекттинг хулқ-атвори биз томонимиздан шахсега хос омилларнинг ўзаро ҳаракати ва мұхиттинг қабул этилган хусусиятлари тарзда ўрганилади.

Предметли таълим берувчи мұхит дейилгандан синф ва күргазмали куроллар интерьерины ташкил этувчи статик объектлар мажмұи тушунилади. Бирмунча нисбатан кенгрок планда таълим мұхитининг предметли қисми таълим муассасаси биноси ва ўқув фаолияти шарт-шароитларини ҳам ўз ичига олиши таъкидланади. [49], ва макон ва предметларни танлашда, қысман мотор, сенсор, манипулятив, билишга оид, ўйинли ва ўкувчиларнинг бадий фаолигини таъминлаб, объектларни бирлаштирувчи таълим мұхитининг предметли маконий қисмиина ташкил этади. Ўқув муассасасининг предметли-жихозли параметрлари бу ўқув муассасаси, синфлар, устахоналар, рекреация зонасининг жиһозланишидир. [49].

Мұхитли ёндашув доирасидан четда таълим шароитларини тизимлаштириш бирмунча ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бунда мактабнинг моддий-техника базаси, ўқув жиһозлари ва ўқитиш воситалари тушунчаларидан фойдаланилади.

Ўқув муассасасининг юқори технологияларга асосланган таълим мұхити ўзига бошқа мұхим компонентларни камраб олган ўқув-тарбия жараёни

субъектлари шароитлари яхлит тизимининг тизим остиларидан бирини ташкил қиласи. Шу билан бирга, техника ва технологиялар жамият ривожланишининг боришига, постиндустриализация жараёнлари, ташкилий усууллар ва педагогик фаолиятнинг амалга оширилишига катта таъсир кўрсатган ва кўрсатишда давом этади.

Таълим соҳасига таъсир кўрсатган технологияга оид ютуклар ҳақиқатан ундаги инқилобий қайта янгиланишларнинг манбаи хисобланади. Техника ва технологиялардан фойдаланиш сифати билимларнинг бирмунча оғзаки шаклларидан ўқиши ва ёзишига асосланган ўқитишига ўтишга сабаб бўлдики, бу ўз навбатида, таълим олувчиларга ўкув материалини мустақил ўзлаштиришига, муҳокамаларда тенгҳукукли рагиб ва шерик сифатида иштирок этишига, креатив тафаккурнинг таркиб топишига имконият яратди. Таълимдаги иккичи инқилоб университетлар, лицейлар ва коллежлар, яъни таълимнинг янги ижтимоий-маданий шакллари доирасида олимлар ва таълим олувчилар ўзаро таъсири кооператив шаклларининг эътироф этилишига олиб келган барча фойдалана биладиган кутубхона, лаборатория жиҳозлари ва маъруза ўқиладиган аудиторияларнинг пайдо бўлишидан бошланди [72].

Хозирги кунга келиб, биз учинчи таълим инқилобининг гувоҳи бўлиб турибмизки, у микропроцессорлар ва телекоммуникацияларнинг яратилганлиги ва таълим соҳасида кўлланилаётгани билан боғлиқ. Янги технологиялар тақдим этаётган имкониятлар мухим аҳамиятга молик бўлиб, улар таълим фаолияти характерини тубдан ўзгартиришига кодирдир. Мутахассислар бундай янгиликлар жумласига нафакат аҳборотлар билан мулокотнинг янги усуулларини, балки виртуал университетлар, конференциялар, семинарлар ва лабораториялар кўринишидаги таълимнинг инновацион тузилмалари ва модификация шаклларини киритишиган. [72]

Таълим жараёнини таъминловчи янги техник, аҳборот, полиграфик, аудиовизуал воситалар ўзида таълим мухити ва у билан алоқадор бошқа ижтимоий тузилмалар курилмасини моҳиятан ўзгартириш имкониятларини ифодалайди.

“Таълим мухити” тушунчаси аксарият хорижий тадқиқотларда “мактаб самарадорлиги” атамаси орқали баҳоланиб, у ижтимоий тизим сифатида ўз ичига ҳиссий-эмоционал иқлим, шахсий хотиржамлик, микромаданиятнинг ўзига хос хусусиятлари, таълим-тарбия жараёнининг сифати кабиларни олади [83, с. 177].

Таълим мухити ТМнинг ўз фаолияти давомида илгари сурадиган ва бажарадиган аниқ вазифалари натижаси хисобланмиш ички ҳаётининг яхлит сифат тавсифи сифатида намоён бўлади. У мазкур вазифаларни бажариша кўлланиладиган воситаларни танлашда акс этади; ўкувчиларнинг улар орқали эришилган шахсий, ижтимоий, интеллектуал ривожланиши самарасининг мазмунан баҳоланишини камраб олади. ТМ таълими мухити аҳборот ресурслари мажмуи, таълим технологиялари, унинг тузилишига оид ягона принциплар доирасида жорий этилган ўкув жараёни мантикий тугалланган қисмини таъминловчиси сифатида ҳам ўрганилади. Таълим мухити технологик даражада унинг ривожланиш самараси, унинг

жорий этилиши ва баҳоланиши билан боғлиқдир [53, с. 26-30]. Педагогнинг роли билим, кўнишка ва малакаларни узатишида эмас, балки ўқувчининг шахсий потенциалига таяниб, мутаносиб технологиялар ва ўқитиш методикаларини кўллаб, тегишли таълим мухитини ташкил этишида намоён бўлади. «шахста таълим бериш иккита бир вақтда таъсир кўрсатаётган омиллар: ўқувчи атрофидаги кишиларнинг хулқ-автори ва тажрибаси ҳамда ўқувчиларнинг ўз шахсий тафқурининг машқлантирилишини бир-бирига органик биректириб ўйғунлаштириши талаб этади. Лекин ушбу таълимнинг икки яхлит методи атроф мухит мантиқи ва шарт-шароитларидан келиб чиқсангина, эътиroz этиб бўлмайдиган фойдали восита бўла олади», – деб хисоблайди Б.М. Бим-Бад [10, с. 28].

Мухит билан ўзаро таъсир жараёнида мактаб ўқувчисининг индивидуал тажрибаси унинг камолотининг асоси бўла олади: у ўқувчининг шахс сифатида ўсиши ва эътиқодининг манбаи хисобланиб, унда шахснинг ўзгалардан фарқланувчи маҳсус яхлитлиги акс этади. Бу камолотнинг нисбатан юқори даражасига эришишга интилишин вужудга келтиради. Ўқувчининг тажрибаси буткул ижтимоий мухит орқали белгиланади, ўқитувчи ўқувчига ижтимоий мухит орқалигина таъсир кўрсатиши мумкин. Тарбия ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари (у эса тамоман мухит таъсиридагина вужудга келади) орқали амалга ошади, бунда ўқитувчининг роли мухитни ташкил этиш ва созлашдан иборат. [13, с. 82]

“Таълим мухити” тушунчасининг мазмуни худди “мактаб таълим мухити” тушунчаси каби таълим жараёнининг мақсад ва вазифалари ҳақидаги тасаввурлар, таълимни изоҳловчи ёндашувлар воситасида аниқланади:

– *маданий-ижтимоий ёндашув*: таълим мухити – бола камолотининг механизми. Унинг манбаи – маданият ва жамиятнинг предметлилиги;

– *ижтимоий ёндашув*: таълим мухити – ижтимоий тизим, унинг унсурлари эмоционал иқлим, шахсий хотиржамлик ва бардамлик, микромаданиятнинг ўзига хос хусусиятлари, тарбивий жараён сифати;

– *ташкилий ёндашув*: ўқитувчиларнинг ўз касбий бурчлари ҳақидаги тасаввурларининг яқдиллиги, уларнинг ўз педагогик фалсафаларини ҳамкаслари ва ўқувчиларники билан мувофиқлаштириш кобилияти, мактаб маъмурияти томонидан ўқитувчининг алоҳида ташаббусини кўллаб-куватланиши;

– *ахборотли ёндашув*: таълим мухитининг психолого-педагогик шарт-шароитлари – инсоний билимлар билан мулоқот воситалари тизими, жумладан, уларни саклаш, йигилган билимлар мазмунини ташкил этувчи ахборотларни тузиш ва тақдим этиш, узатиш, кайта ишлаш ва бойитиш;

– *экологик-психологик ёндашув*: маълум намунага кўра, шахсни шакллантириш шарт-шароитлари ва таъсиirlари тизими, шунингдек, ижтимоий ва маконий-предметли борликда мавжуд бўлган унинг камолотини таъминлаш имкониятлари;

– *тизимли-синергетик ёндашув*: таълим мухити – таълим жараёни иштирокчиларининг ижтимоий-маданий ва ижтимоий-табиий борлик билан

ўзаро таъсирига асосланган маконнинг яхлит равища тизимли-синергетик ташкил этилиши, унинг инсон индивидуаллигини таъминлаши.

Ўқув муҳити (ёки таълим муҳити) ҳақида сўз борар экан, тадқиқотчилар ўқиши ва ўқитишнинг ўзаро алоқадорлигини назарда тутадилар (қайд этилган муҳитда ҳар икки жараён бирдек мавжуддир). “Ўқув муҳити” тушунчаси “таълим муҳити” тушунчасини янада аниқрок акс этириди, чунки кейингиси кўплаб ўқув муҳитларида мавжуд бўлиши мумкин, лекин таълим муҳитидан фарқли ўлароқ, у ташкилий равища, шунингдек, стихияли амалга ошиши мумкин, ўқув муҳити эса хамиша маҳсус ташкил этилади.

Шу тарзда, ўқув муҳити тушунчаси орқали ўқитиш ва ўқув жараёнларининг самародорлигини таъминловчи аниқ моддий, коммуникатив ва ижтимоий шарт-шароитлар тушунилади.

Бундай холатда, албатта, атроф борликнинг ўқувчилар билан ўзаро таъсири, биргаликдаги ҳаракати, умуман олганда, ўқувчининг муҳитаро фаолияти назарда тутилади. Фикримизча, ўқув муҳити – бу маҳсус ташкил этиладиган муҳит бўлиб, ўқувчиларнинг муайян билим, кўнишка ва малакаларни эгаллашларига қаратилади, ўқитишнинг мақсади, мазмуни, методи ва ташкилий шакллари муайян ўқув муассасаси доирасида ҳаракатчан ва ўзгартирилиши мумкин бўлган холатда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бу таълим жараёнларини талаб даражасида ўзгартириш ва ривожлантириш учун ташки ташкилий қувват манбай ва жиҳоз-буюмлардан иборат муҳитидир. Таълимнинг педагогик муҳити остида ўқув жараёни иштирокчилари томонидан ишлаб чиқиладиган тизимли таълим англашилади [8, с. 23-29]. Бу хил ёндашувда муҳит ичидаги коммуникация олдинги планга ўтади.

Биз ўқув муҳити дейилганда ТМнинг ички муҳитини тушунамиз. Бундан ташкири: «Муҳит қандайдир котиб колган, бетаъсир, ўзгармайдиган, ўзгаришга ноқобил нарса эмас. Аксинча, реал борлиқда яхлит муҳит ўзича айри ва ажралган холатда мавжуд бўлмайди. У нисбатан гёё кўпроқ ёки озрок даражада мустакил бўлган ва бир-биридан алоҳида қисмлардан ташкил топади, улар инсоннинг онгли таъсири предмети сифатида мавжуд бўладилар» [13, с. 88]. Ички муҳит кўпкомпонентлидир.

“Таълим муҳити” тушунчасини аниқлаштириш учун уни “таълим макони” тушунчаси билан қиёслаш зарур. “Макон” тушунчаси умумфалсафий категория ҳисобланади. Геометрик нуктаи назардан “макон” тушунчаси қўшимча изоҳларсиз учўлчамли евклид маконини англатади. Физик макон дейилганда физик жараёнлар кечадиган ўзига хос майдонни тушуниш мумкин. Шунга кўра, миқдор нуктаи назаридан, макон тушунчаси, яна ҳам аниқроғи маконий координат физик моддий ўлчам ёки масофага нисбатан “Кўпроқ-камрок” иборасини кўллаш, шунингдек, унинг шакли ва конфигурациясини ҳамда моддалар ўртасидаги оралиқ масофани тавсифлаш имконини беради.

Биз яшаётган олам кўпўлчамлидир. Қайд этилган категорияларни тавсифлаш учун учта мустакил координатлардан фойдаланилади. Макон ҳақидаги умумий тасаввурлар бир вактда мавжуд бўлган объектларнинг ўзаро жойлашуви билан боғланади. “Макон” ҳақида гапирилар экан, айнан макон тушунчасида инсоннинг у билан муносабати назарда тутилмаслигини

таъкидлаш жоиз: макон инсоннинг бор-йўклигидан қаты назар мавжуддир. “Мухит” тушунчаси ҳам инсоннинг камолотини таъминлаб берувчи шарт-шароитларнинг ўзаро алоқадорлигини ифодалайди, лекин ушбу ҳолатда унинг макон ичидаги мавжудияти, атроф борлиқ ва субъектнинг биргаликдаги харакати, ўзаро таъсири назарда тутилади.

Илк бор “Таълим макони” тушунчаси француз социологи Пьер Бурдье ишларида қўлланилиб, ишнинг каттагина қисми ижтимоий макон тушунчасини тавсифлашга каратилган эди. 1970-йилларда чиққан ишларида у ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги рамзий ҳукмфармонлик ҳакида ёзган эди. Таълим макони тушунчасини қўлламаса-да, Бурдье муайян ижтимоий позициялар тузилмаси ва турли нұктаги назарлар ўртасидаги муносабатлар тизимини ижтимоий макон деб атаган эди.

1990-йилларда И. Фрумин ва Б. Эльконинларнинг таълим макони тушунчаси ҳакида фикр юритилган ишлари пайдо бўлди. Лекин кейинчалик Б.Д. Эльконин мазкур тушунчани янгидан тавсифлаш лозимлиги, чунки дастлабки ишларда улар таълим маконини эмас, балки таълим мухитини назарда тутганилигини ёзган эди.

Таълим мухитидан фарқли ўлароқ, таълим макони дейилганда кенг маънода таълим институтлари, таълим жараёнлари ва таълим мухити мажмуи тушунилadi. 1998-1999 йилларда чоп этилган баъзи ишларда (Е.А. Ракитина, В.Ю. Лыскова) “макон” ва “мухит” тушунчаларининг мазмунан яқинлиги, лекин синоним эмаслиги қайд этилган эди [78, с. 19-25].

Ўзбекистон Республикасининг таълим макони дейилганда ундаги турли типдаги мавжуд таълим муассасалари мажмуи, улар билан хамкорликдаги ижтимоий ва давлат ташкилотлари ҳамда ўқув-тарбия ва таълим жараёнлари тушунилadi. Улар биргаликда инсонни ижтимоийлаштиради, унинг шахсини ривожлантиради, муайян маълумотлилигини таъминлайди, шунингдек, жамият маданияти, интеллекти, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, ахлоқий, шахслар ўртасидаги ва бошқа муносабат дарражасини вужудга келтиради.

Таълим макони кўпўлчамлидир. У ўз ичига яшаш мухитини, бўлиш мухитини ҳамда ривожлантирувчи-таълимий жараёнлар ва бошқа кўрсаткичларни қамраб олади. Мазкур макон эгаларининг гармоник ривожланиши уларни ўраб турган ижтимоий ва табиий мухит билан яқиндан алоқадорликда, оила ва кўчадаги ҳаёт шароитлари таъсирида кечади. Мазкур маконда маданият етакчи ижтимоий омил хисобланиб, дастлабки ҳаёт укладини ташкил этади ва тартибга солади, инсоний ресурсларни вужудга келтиради ва саклайди, саломатлик маданияти, соғлом турмуш тарзи, турмушдаги зиддиятларни англаш ва ҳал этиш маданиятини шакллантиради.

Таълим макони (educational space) – социумдаги мавжуд «макон» бўлиб, унда кўплаб муносабат ва алоқалар субъектив йўналишда амалга оширилади, индивидни ривожлантириш ва ижтимоийлаштириш бўйича турли (давлат, ижтимоий ва аралаш) тизимларнинг махсус фаолияти йўлга кўйилади. Худди шу каби ичдан шаклланувчи, индивидуал таълим таълим мухити ҳам мавжуд бўлиши мумкин, унинг таркиб топиши ҳар бир шахс тажрибасидан ўтган.

Таълим макони тушунчаси орқали инсоннинг максадга каратилган ижтимоий-маданий шаклланиши, шахснинг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда индивидуаллиги намоён бўлувчи ижтимоий фаолият соҳаси тушунилади. Таълим макони доирасида инсон капитали етиштирилиб, янги жамиятнинг ижтимоий-маънавий, интеллектуал, иқтисодий потенциали шаклланади. Шу тариқа, таълим макони ижтимоий-маданий мухит учун муайян ўзига хос имконият, яширин куч-кувват манбаи сифатида намоён бўлади. Таълим макони худудий принципга кўра фарқланади:

- халқаро таълим макони;
- Болония шартномаси асосида бошқариладиган Европа таълим макони;
- “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва бошқа меъёрий хужжатлар воситасида бошқариладиган Ўзбекистон таълим макони;
- вилоят/худудий таълим макони, у ўз худудий қонунлари ва меъёрий актлари воситасида бошқарилади;
- ўқув муассасалари таълим макони.

Инсон учун макон – уни курсаб турадиган психологияк, маънавий, маданий, ижтимоий ва бошқа ҳодисотлардан иборат бўлиб, бунда инсоннинг мухит ичидаги мавжудияти талаб этилади. Ташки мухит (географик, экологик, ижтимоий, маданий-ижодий, таълим) кабилардан бошқа, ички (ўқув) мухити ҳам мавжуд, у педагогик таъсиринг табиий омили хисобланади. Таълим мухитида кўплаб ўқув мухитлари мавжуд бўлиши мумкин, улар ташкилий равишда ёки стихияли вужудга келадиган таълим мухитидан фарқ қилиб, ўқув мухити маҳсус ташкил қилинади.

### **3.2. Педагогик жамоанинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи маданий-ижодий мухит табиатининг хусусиятлари**

Ушбу параграфнинг максади маданий ижод табиатини аниглаш, субъектларнинг маданий-ижодий мухитни яратиш лаёқатларини, педагогик жамоанинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёнида уларнинг намоён бўлиш характерининг ўзаро алокадорлигини ўрганишдан иборат.

Педагогик жамоа субъектлари томонидан маданий-ижодий мухитни яратиш механизmlарини аниглаш учун маданий ижод табиатини ўрганиш зарур. Ушбу тушунча моҳиятини аниглаш максадида сўз тузилиши хусусиятлари асосида унинг таркибий тузилмасини таҳлил қилиб, “маданият” ва “ижодиёт” тушунчаларини уйғулаштиришга ҳаракат қилиб кўрайлик. “Маданий ижод” тушунчасида мазкур феноменга хос жиҳатлар акс этиб, уни инсоннинг дунёдаги ҳаёт тарзи, ҳаётий маконни ўзгартиришга каратилган фаолияти сифатида тақдим этиш мумкин.

Маданий ижод фалсафий категория сифатида Е.А. Лаврухина томонидан ўрганилган. Унинг фикрича, мазкур ҳодиса феномени қадимдан ўрганиш обьекти хисобланаб, Платон, Аристотель, А. Августин, Ж.Ж. Руссо, И. Кант, Г. Гегель, Герберт, В. Гумбольдт, Я.А. Коменский каби алломалар томонидан тадқиқ этилган. Улар таълимнинг маданий, ижтимоий ва тарихий қадриятларини англатиш билан инсониятга буюк мерос қолдирганлар. Е.А.

Лаврухинанинг таъкидлашича, таълим маданий ижод таркибига киради. Е.А. Лаврухинанинг образли қилиб тасвирашича, биринчи босқич (қадимги дунё)да умумий тасаввурлар билан сугорилган инсониятнинг болалиги ўз ҳаётини бошлаган; у тақлидчи, бошқарилувчан бўлиб, унга йўналтирилмаган (мифологик) тафаккур тарзи хос бўлган. Одатда боланинг дунёни идрок этиши ва ижодкорлиги унинг тил билиш даражаси билан боғлиқ бўлади. Таълимнинг бу хил мақсади – уни қадимги дунёга хос фикр ифодалаш ва тимсолларга таяниб, тил вазиятларида тўғри мўлжал олишга ўргатиш бўлган. Иккинчи босқичда тушуниш тафаккурининг таркиб топиши (Ислоҳотлар даври) амалга ошган, гоядан тимсолларни киёсий таҳлилидан билиш маданиятига ўтиш, ундан мулоҳаза қилишга ўтиш [52]. Ушбу погонанинг муҳим компоненти – сухбатлаши бўлиб, унинг асосида инсон ўзининг онгли фаолиятида таянадиган мантикий тафаккур шаклланган. Учинчи босқичда Мен ва олам ўргасидаги бўлишиш амалга ошган. Замонавий маданиятда чалкаш мозаикадан тўғри мўлжал олишини ўрганиш лозим. Ва, энг сўнгтиси – ўзликни англашга тайёрланиши ва мактаб таълими маконидан ҳақиқий дунёга, маданиятнинг реал ҳолатига ўтишга тайёрланишдир. Е.А. Лаврухина уч хил режани ажратиб кўрсатади: инсон “логос”и (антропология режаси – инсоннинг тушунчаси, унинг табиатини фаҳмлаш, ушбу тушунчани қандайдир таълимотда ифодалаш); инсон “номо”си (антропонимика режаси – инсоннинг образ излаши, унга ишлов бериши, инсон табиати, тугма шахсий сифатларининг таркиб топиши,); инсон “техне”си (антропотехника режаси – инсоннинг инсонийлашиши учун қандай, нимадан, қайси техникадан, воситалардан, куроллардан фойдаланиш). Е.А. Лаврухина ушбу триадани макон деб ҳисоблади [52].

Шундай қилиб, маданий ижод инсониятнинг ривожланиш мантиқи билан органик алоқадор бўлиб, унинг маданий таркиб топишини белгилаб беради. Инсоннинг индивидуаллиги маданиятни идрок этиши жараёнлари, хусусан, инкульпация, идентификация ва маданий фаолияти билан якндан алоқадордир. Интуитив ёки онгли ижтимоий-маданий тажрибаси важдидан инсоннинг маданиятга “уйғуллашиб кетиши” унга “берилувчан” лигининг зарур шарт-шароити бўлиб ҳисобланади. Индивид муайян маданий маконда туғилади ва ҳаётининг или лаҳзаларидан яхлит маданий оламнинг таъсирини ҳис эта бошлайди. Ушбу мантиқка амал қилиб, инсон бошиданоқ (ўз табиатидан келиб чиқиб) маданий ижодга қобилият ҳосил қиласди.

Е.А. Лаврухина “маданий ижод” тушунчаси билан ижтимоий индивидуал турмуш маданий фаолияти бирлигини ифодалаши – маданиятдаги турмуш ва узвийликнинг механизми инсоннинг мавжуд ижодий кучларни объектлаш қобилиятига асосланиши, янги маданият шакллар, фикрлар, қадриятларининг, мавжуд маданий моҳиятнинг шаклланишига олиб келиши – уларнинг намоён бўлиши, интерпретацияси ва баҳоланиши орқали ўз маънавий фазосига эришишини таъкидлайди [52].

Мазкур нуқтаи назарга кўшилган ҳолда, маданий ижод, аслида, шахснинг яратиш ва билишга каратилган фаолиятининг ўзаро алоқадорлигини ифодалайди деб ҳисоблаймиз, бу мавжуд маданият мазмунини ўзлаштиришда

хамда талкин, трансформированива баҳо воситасида янги маданият мазмунни, шакли, қадриятларининг очилишида кўринади.

Маданий ижод, фикримизча, шахснинг унга нисбатан лаёқатига асосланади. “Маданий ижод қилиш лаёқати (қобилияти)” тушунчалик мазмунини тадқик этишдан аввал “лаёқат, қобилия” тушунчасининг таркибини аниклаб кўрайлик. Аристотел давридан бошлиб лаёқат ва қобилиягта бирмунча яширип “сифат”, “куват”, “моҳият” ва б. шу кабилар деб карашган. В.Д. Шадриков ўз ишларида “лаёқат, қобилия” категорияси масалаларини ўрганган [107, с. 175], у мазкур тушунчанинг умумий концептуал коидаларини ишлаб чиқсан. Биринчидан, “лаёқат, қобилият” дейилганда “мазунан чукур сифат хусусиятлари тушунилади, унинг натижаси ўлароқ аник бир руҳий функция” татбиқ этилади; иккинчидан, у психикани ақлнинг хусусияти деб билишга асосланиб, атроф олам билан ўзаро таъсир асносида намоён бўладиган шахснинг онтологик аспекти сифатини ўрганади” [107, с. 178]. В.Д. Шадриковнинг ёзишича, одатий хаётда қобилияларни биз учун аник бир инсоннинг характеристикасини белгиловчи хусусият деб биламиз.

Маданий ижодиёт (МИ) муҳити (МИМ) – таълим жараёни барча иштирокчиларининг интеллектуал, бадиий ва амалий ривожланишини таъминловчи моддий ва маънавий омиллар, шарт-шароит ва воситалар мажмуудир. МИМнинг асосий мақсади ва характеристикаси қуидагилардан иборат:

- ўзликни англаш ва ўз-ўзини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;
- субъектларнинг мустакиллиги ва фаоллигини рағбатлантириш;
- шахснинг мустакил фаолият юритиши, социум ва маданият бўйича ўз ўрнини эркин танлаши учун макон яратиш;
- конструктив ўзаро таъсир ва биргаликдаги маҳсулдор фаолиятни амалга ошириш;
- таълим жараёнини бошкариш имкониятларини фаоллаштириш, унинг ривожланишини прогнозлаш, умумий таълим маконида ҳар бир педагог томонидан унинг ўрнининг аникланиши;
- бошка субъектлар билан ижодий муносабатга киришиш орқали шахсда борликини ўзгартириш мотивациясини ошириш;
- талкин, трансформация ва баҳо воситасида янги маданий қадриятларни кашф этиш ва яратишига йўналтирилган ўқув-билув хамда инновацион фаолиятларни ўйғунлаштириш.

МИ – бу маданий компонентларининг ўйғунлашуви бўлиб, шахснинг инкультурация, маданий идентификация ва маҳсулдор маданий фаолият жараёнида вазифалар билан таъминланишига таъсир кўрсатади.

МИ – шахснинг маданий ва яратувчилик фаолиятининг ўйғунлашуви бўлиб, талкин, трансформация ва баҳо воситасида янги маданий шакл, қадрият ва мазмуннинг ўзлаштирилишида намоён бўлади.

“Маданий ижод қилиш қобилияти” қатор тадқиқотчилар томонидан маданий ижодиёт жараёнларини ўрганишига қаратилган тадқиқт ишларида қўлланилган. Шунинг билан бирга, бугунги кунда ушбу тушунчанинг аник бир

тавсифи ва ушбу муаммога бағишиланған ишлари мавжуд эмас. Лекин, маданиятшунослиқда ушбу масаланинг айрим кирралари ўрганилмоқда, шахснинг маданиятга ва уни ривожлантиришга таъсири феномени ҳақида гап борганда, биз томонимиздан мазкур тушунчанинг қўлланилиш зарурияти ўкув муассасаси таълим маконида маданий-ижодий мухит яратиш жараённида субъектларнинг муҳим сифатларини шакллантириш муаммосининг тадқиқ этилаётгани билан изохланади.

### **3.3. Маданий-ижодий мухитни технологиялаштиришга тарихий-мантикий ёндашув**

Мутахассисларни шахс сифатида ва қасбий тайёрлашга юкландиган ижтимоий буюртма жамият ва давлат томонидан ижтимоий таракқиётнинг ички ва жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади. Ўзбекистон таълим министрлик инсоний маданиятнинг миллий тарих, ҳалқ анъаналари ва урф-одатлари кабилар асосида бойитилиши ҳамда аср-авайланиши билан боғлиқ бўлиб, миллий таълим министрлик ривожланишини таъминловчи ютуқлардан бири ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади – баркамол шахсни шакллантириш, ўз умрини ўтаб бўлган ижтимоий хулқ-атвор ва тафаккур стереотиплари ўрнига шахс эҳтиёжлари ва қизиқишлиарини амалга татбиқ этувчи ҳаракатчан механизмлар ва шарт-шароитларни яратишидир. Умуминсоний қадриятлар, ҳалқимизнинг бой интеллектуал мероси, замонавий маданий, иқтисодий, илм-фан, техника ва технологиялар ҳамда педагогика фани ютуқлари асосида кадрлар тайёрлаш тизими шакллантирилиб, таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш имкониятлари таъминланади, педагог кадрлар қасбий ва илмий салоҳияти оширилади.

Таълим муассасаларида зарур ҳажмдаги фундаментал ва маҳсус билимларни уйғунлиқда изчил равиша ўзлаштириш ҳамда маънавий- ахлоқий тарбиянинг сингдирилиши ушбу жараённинг юкори даражадаги маданий мухит бағрида кечишига имконият яратади, яъни ижодий-маданий мухитни вужудга келтиради.

Тарбиянинг мухит билан алокадорлигига оид педагогик фикр таракқиётida И.Песталоццининг тарбия ҳамда табиат томонидан тақдим этилган инсон лаёқати ва салоҳияти унсурларининг ривожланиш ҳусусиятлари ҳақида қарашлари алоҳида ўрин тутади. Уларнинг доимий такомиллаштириб борилиши аниқ натижани кафолатлайди – инсоний куч-кувват ва лаёқатлар уйғун тарзда ривожланиб боради. И.Кант тарбиянинг максадини “эртанги кунга тайёргарлик”да кўрган эди. Э.Кей, К.Н.Вентцель, М.Монтессори ва бошқалар эса тарбиянинг мақсадли концепциясини боланинг фавқулодда қизиқиши ва майилликларини ривожлантириш, чекламмаган эркинлик билан таъминлаш ҳамда уларнинг шаклланишига ҳалал бермаслиқда деб билдилар. Ушбу назариянинг негизида Руссонинг “эркин тарбия” ҳақидағи гоялари ётади. Эдвард Торндайкнинг таъкидлашича, «Тарбия яхлит маънода, – инсонда инсониятга нисбатан хайриҳоҳлик ва меҳр туйгусини ривожлантириши

зарур...». Шарқ мутафаккирлари ўз қарашларидагы тарбия масаласини интеллектуал ва ахлоқий сифатлар билан уйғунликта күрдилар. Масалан, Форобий шахсни идеал жамиятга мутаносиб тарбиялашғоясина илгари сурди. Абу Райхон Беруний ахлоқий тарбияни устувор хисоблаб, инсонда тенглик, дұстлик ва вижданойлык түйгуларини тарбиялаша зарурлигини уқтиради. Билим инсоннин олийжаноб қиласы, унда олийхимматлилік түйгуларини уйғотади: «билимлар ғазабдан тийилишга ўргатып, ундан халос этади»; меңнатсевар бўлиш «истагингга фақат меҳнат орқали эришасан» («Минералогия»). Инсоннинг кадр-киммати унинг ўз ишини “кай даражада афзал бажаришидадир” («Геодезия»). Абу Али Ибн Сино (Авиценна) бола тарбиясида “атроф мұхит”нинг етакчи рол ўйнашини таъкидлайды, унинг фикрича, «Тарбия – бир кунлик иш эмас, шу сабабли болани тарбиялашда сабр даркор». Улар томонидан боланинг ички дунёсини, яъни ўзлигини саклашга каратылган дидактик принциплар ишлаб чиқилган. Жумладан, Жалолиддин Давоний «Психология ҳақида китоб», «Қалб истаги ҳақида китоб», «Болаларни тарбиялаш усууллари» каби таълим-тарбияга оид асарлар муаллифи бўлиб, унинг энг йирик асари «Ахлоқи Жалолий»да ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-ахлоқий ва педагогик масалалар ҳақида фикр юритилган. Унинг бу асари Ўрга Осиёда педагогик фикр тараққиетига сезиларли таъсир кўрсатган. Бола қалбини у “хар қандай тасвирни акс этириш мумкин бўлган тоза тахта”га ўхшатади. Орадан роса 200 йил ўтгач, Джон Локк тарбиянинг аҳамиятини уқтирад экан, айнан мана шу қиёсдан фойдаланган.

Алишер Навоий эса ўз асарларыда таълим-тарбияда мухитнинг тутган ўрнига алоҳида эътибор каратиб: «Болага кичиклигидан түғри тарбия бериш зарур, фанларни ўргатишни ҳам мумкин қадар эртароқ бошлаш лозим», - деб таъкидлаган. У зодагонлар таълимини ёқлаган ҳолда, тан жазосига қарши туриб, асосийси, болаларга нисбатан меҳр-муҳаббатни тарбиялаш лозимлигини уқтиради. Навоийнинг педагогик қарашлари чуқур инсонпарварларлик мөхиятига эга: у ўз ишларыда нодон муаллимлар ҳақида фикр юритиб, улар мактаб ишининг катта нуксони эканини уқтиради. Махмудхўжа Бехбудий 1908-йилда А.Шакурийники каби янги усул мактабини ташкил этиб, ушбу мактаб учун маҳсус «Умумий жўғрофиянинг қисқача курси» жўғрофия дарслиги ва «Қисқача ислом тарихи» китобини, шунингдек, “Болалар учун рисола” китобларини ёзган. 1918 йилда у таълим түғрисидаги Қонунни ишлаб чиқиша иштирок этган ва ўкув дастурларини яратган. М. Бехбудий узлуксиз таълимни амалга оширишда жонбозлик кўрсатган. Туркистаннинг порлок истиқболи ҳақида сўзлаб, буни аҳолининг саводхонлигини таъминлаш, мутахассислар етишириш, таълим-тарбияда мактаб ва оиласнинг ўрнига эътибор қаратишда деб билган. Абдулла Авлоний 1908-йилда камбағалларнинг фарзандлари учун мактаб очиб, унга янги усууллар ва таълим шарт-шароитларини татбиқ этди. Ижтимоий-маданий мухитни шакллантириб, «Жамиятия хайрия» ташкилотини тузди (1909 й.), «Нашриёт» матбаасини очди, «Мактаб кутубхонаси»ни ташкил қилди. Ўзининг «Биринчи муаллим» дарслигига Сайдрасул Азизийнинг «Устози аввал» янги усул таълими асари мазмунини сингдириди. Унинг «Иккинчи муаллим» дарслиги масал, шеър ва ахлоқий ҳикоялардан ташкил

топган: «Мактабга даъват», «Мактаб», «Саводсизлик балоси», «Мактаб ва оила» кабилар. Абдурауф Фитрат ҳам янги усул мактаби ташкилотчиларидан биридир. У «Ўқиши», «Она тили», «Адабиёт қоидалари» дарсликларининг муаллифи. У бир вактнинг ўзида ёзувчи, файласуф, давлат ва жамоат арбоби, тарихчи олим, адабиётшунос ҳамдир, Москва Шарқшунослик институтида ҳамда Самарканд педагогика академиясида ишлаш билан бирга, у Туркистанда мактаб таълимини ривожлантиришга ўзининг улкан ҳиссасини кўшган. Ҳамза Хакимзода Ниёзий 1911-15 йилларда 1-синф учун «Енгил адабиёт», 2-синф учун «Ўқиши китоби», «Қироат китоби» дарсликларини ёзди. Фарғонада саводсизлик тугатиш бўлими министри бошқариб, таълим-тарбияда асосий эътиборни ўқитувчининг билимлари ва ахлоқий қиёфасига қаратди, уларни таълим-тарбия мухитининг бевосита иштирокчилари деб хисоблади. У ўзининг «Муаллим ҳакида» хикоясида янги типдаги – юксак билимларга эга бўлган, болаларнинг устози ва чинакам дўсти бўлмиш муаллимнинг ўрни ҳакида фикр юритган.

1959-йил 20-ноябрда қабул қилинган “10 принцип” халқаро бола ҳукуклари Декларациясида болаларни ўзаро бирордадарлик, тинчлик, халклар дўстлиги, ўзаро бири-бирини тушуниш руҳида тарбиялашга қаратилган тарбиянинг замонавий шарт-шароитлари санаб ўтилган. «7-принцип»да уқтирилишича: боланинг умумий маданий ривожланишини таъминлаш учун унга таълим бериш зарур, жумладан, ушбу таълим натижасида у ўзаро тенгхукуклик асосида ўз қобилияти ва шахсий дунёкарашини ўстира олсин, шунингдек, онгли ахлоқий ва ижтимоий жавобгарликни хис этишни ўргансин, жамиятнинг фойдали аъзосига айлансан.

Бола ҳукуклари Конвенциясида (20 ноябр 1989 й.) қўйидаги қоидалар ишлаб чиқилган бўлиб, улар унда иштирок этган давлатларнинг вакиллари томонидан бир овоздан маъкулланган. Боланинг таълим-тарбияси: шахсини шакллантиришга, боланинг салоҳияти, ақлий ва жисмоний лаёқатларининг ҳар тарафламиа ўстирилишига; уларда инсон ҳукуклари ва эркинлигини хурматлаш ҳиссини шакллантиришга қаратилиши зарур. БМТ Уставида эълон қилинган принциплардан бирида болаларда ота-онасига, тугилиб ўсаётган юртининг маданий ўзига хослиги, тили, умуминсоний ва миллий қадриятлари ҳамда тарихига хурматни тарбиялаш; болани озод жамиятда онгли ҳаёт кечиришга тайёрлаш, унда атроф табиятга хурматни шакллантириш, сабр-тоқатли, тинчликсевар, инсонларни англайдиган қилиб тарбиялаш масаласи кўйилган.

Барча маданий дунё мамлакатларида замонавий таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳакида сўз борар экан, унинг гуманистик устувор мухити сифати: тинчлик, инсон, табиат, ҳамкорлик кабиларга эътибор қаратиласди.

Қайд этилган педагогик ғоялар ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Таълим-тарбияни уйғунликда амалга ошириш жараёнларини тадқиқ этиш шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши, ўз-ўзини такомиллаштириши, таълим муассасасида маданий-ижодий мухит яратиш масаласига эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади.

### **3.4. Маданий-ижодий мұхитни технологиялаштириш жараёнида педагогик жамоанинг роли**

Ўзбекистонда таълим ислоҳоти шахсни шакллантиришга қаратилади. Кадрлар тайёрлаш миllий дастури қабул қилингач, таълим-тарбия жараёнида шахснинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда (таълим жараёнини яхлит ҳолда технологиялаштириш).

Унинг фаол иштирокчилари таълим хизмати ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари, обьектлари ва субъектлари хисобланган педагоглардир (педагогик жамоа), улар технологиялаштириш жараёнида кўйилган амалий вазифаларни, шунингдек, таълим муассасаси (ТМ) олдига кўйилган топширикларни ҳам этиш, таълим-тарбия сифатини таъминлаш баробарида таълим-тарбия жараёнини бошқарип борадилар. Аммо, таълим тизими (тузилмаси)ни бошқаришнинг янги шакл ва методларини ишлаб чиқмай, изланмай, фаол вазифадорликка танлов асосида ёндашмай, шунингдек, ТМ педагогик жамоасини янги компетенциялар билан таъминлаш тизими (бошқариш технологияси)ни ривожлантирумай туриб, ТМда кўйилган вазифаларни ҳал этиш жуда кийин. Шу сабабли педагоглар иштироқида мактабда ижодий атмосферани ривожлантиришга қаратилган фаол ўқитиш жараёнини таъминлаш маданий-ижодий мұхит (МИМ)ни ривожлантириш билан мутаносиб тарзда амалга оширилади.

В.А.Сухомлинский педагогик жамоани таълим муассасасининг “устунлари” деб атаган эди. Ҳақиқатан, таълимни ривожлантиришнинг самараси фәқатгина уларнинг фаолиятига боғлиқ. Унинг фикрича, педагогик жамоа – бу ўқувчи учун таълим майдонини шакллантириш тизимининг таркибий қисмидир. У мазкур тизимнинг асосий мақсади ҳамда ушбу жараённинг умумий йўналишини аниқлаб берди. Унинг ўзига хос ҳусусиятини таъкидлаб, жамият талабларига мувофикаштириди. А.С.Макаренко илмий ишларida агар педагогик жамоани такомилаштириш жараёни тўхтаб колгундай бўлса, жамоа сўниб қолишини уқтириди ҳамда мазкур ғояни ҳар томонлама ривожлантиришга ҳаракат килди.

Доимий ижодий ривожланиш, янгилик яратиш, маданий-ижодий (МИ) таълим мұхитини ўзгартириш шароитида педагогик жамоа муайян лаёқатларга эга бўлади. Шу сабабли маданий-ижодий жараёnda педагогларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ўз-ўзини такомиллаштириш ва ривожлантиришга йўналтирилиши зарур. Педагогик жамоа потенциалига фаол таъсир кўрсатиш ТМ ичida МИМни ташкил этиш вазифасининг ҳал этилишига шарт-шароит яратади.

Маданий-ижодий макон яратиш шахснинг фаол ижодий фаолиятида катта ижтимоий аҳамиятга эга. Маданий интеграция олинган ижодий натижаларни кейинчалик ҳаётга татбиқ этиш, ўзгартириш, синтезлаш, комбинациялашнинг яширин имкониятларини очиб беради. Лекин, таълим муассасалари хизматчилари етарли даражада юкори ижодий потенциалга эга бўлмасалар, педагогик жамоа аъзолари ўртасида салбий ўзаро таъсир ва мулоқот вазияти вужудга келади. Ҳар бир жамоада салбий мулоқотнинг натижалари ҳам турлича бўлиши мумкин, бу ТМнинг ҳусусиятига боғлиқ. Масалан, ўқитувчининг

малакаси, маҳорати, қасбий фазилатларида ўсиш динамикасининг кузатилмаслиги; ТМда илмий-методик бирлашмалар, ёш мутахассислар учун “устоз-шогирд” мактаби кабиларнинг номига фаолият юритиши; маҳоратли педагоглар ва ўз ишининг усталалри ўргасида соғлом ракобатнинг бўлмаслиги; узок муддат давомида “Йил ўқитувчиси”, “Энг яхши мактаб” ва шу қаби танловлардан четда туриш; мустақил таълим олишга қизиқмаслик (қўшимча таълим олишга мотивациянинг бўлмаслиги); бесабаб дарсга кечикиш, дарс қолдириш кабиларнинг кўпайиши; юкори инстанциялар томонидан норозиликнинг ортиши; кадрлар кўнимсизлиги ва ҳ.к., муаммоли, зиддиятли “зона”ларнинг вужудга келиши кабилар шулар жумласидандир.

Н.Б.Крылованинг ишларида қайд этилишича, таълим тизимидағи ўзгаришлар аввало “педагогик жамоа, таълим жараёнлари ва мактаб ҳаётини фоалиятининг умумий маданият даражасининг ўсиши” асосига курилиши зарур [49, с. 13].

Таълим маконини педагогик жамоа аъзолари маданий ривож-ланишининг мұхитли асоси сифатида ўрганиш, унинг ўзгаришга мойил компонентлари, уларнинг самаралы педагогик жамоани шакллантиришга таъсири хар бир шахснинг ривожланишини ўрганишни талаб қиласди.

Жамият ижтимоий түзилмасидаги ўзгаришлар, глобаллашув тенденциялари инсонни маданий *идентификациялаши масаласини вужудуга келтирди*. Маданий *идентификациялашнинг моҳияти индивид томонидан жамиятда кабул қилинган маданий тавсифномалар нуктаи назаридан мутаносиб маданий меъёрлар, хулк-автор намуналари ва кадриятли йўналишларни онгли кабул килиш кабиларда акс этади*.

Бугунги кунга келиб таълим муассасасида МИМ яратиш жараёнини унификациялаш ва технологиялаштириш ҳақида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, тамойиллар ишлаб чиқилмоқда. Бунда педагогик жамоада ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган мотивацияларни таркиб топтиришда педагогик жамоа аъзоларининг фаол иштироки асосий шарт-шароитлардан хисобланади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, педагогик жамоанинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёнини таъминлашга ёндашувларни ишлаб чиқишида унинг хар бир аъзосига хос ички яширин имкониятлар намоён этилиши зарур. Бундай ресурс МИМ учун асос бўлиб хисобланади, бунда педагогик жамоанинг хар бир аъзоси турли ижодий вазифаларни ечиш ва уларни амалиётга жорий этиш мумкин.

### **3.5. Медиасаводхонликни ривожлантириш жараёнида шахснинг маданий-ижодий тақомиллашуви**

Замонавий дунё инсоният ҳаёт соҳаларининг барчасида тубдан ўзгаришлар кузатилаётгани билан характерланади. Илмий-техник тараққиётда олдинги ўринларни эгаллаб турган давлатларни иқтисодий глобаллаштириш шиори остида кудратли ахборот тизими орқали, бошқа ҳақлар учун ёт бўлган ўз қадриятлари, ахлоқий меъёрлари, улкан маданий кенгайишларни ёяётганлиги, шубҳасиз, ижтимоий-маданий бирлик ва ўзликин саклаб қолишига хавф солиши

мумкин. Ўзининг ёш авлодга ёркин ифодаланган эмоционал, психофизиологик таъсир эта олиш хусусиятига кўра, медиатаълим бундай хавф-хатарга карши тура олади. У атроф-борликка нисбатан янгича хиссий-эмоционал муносабат моделининг яратади ҳамда бу билан маънавий тажриба ҳамда кечинмаларга мойилликини кучайтириб, ахлоқий турмушнинг мухим компонентига айланади.

Медиатаълим оммавий коммуникациялар (медиа) воситаси орқали ва унинг ёрдамида таълим жараёни ва шахсни ривожлантирувчи, шахснинг шахсий ва танқидий тафаккурини ўстирувчи, унда талқин этиш лаёкатини шакллантирувчи, уни таҳлил, баҳолаш ва медиаматнини мустақил яратишга ўргатиш омили сифатида ўрганилмоқда [40, с. 289].

“Мактаб педагогик жамоасини ўз-ўзини ривожлантириш учун маданий-ижодий мухит яратиш ва лойиха методидан фойдаланиш” Илмий техник Давлат дастури лойиҳаси доираси Т.Н.Кори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти томонидан Тошкент шаҳридаги катор мактабларда маданий-ижодий педагогик мухит яратиш бўйича тажриба-синов ишларини амалга ошириш назарда тутилган бўлиб, унга кўра, маданий-ижодий мухит концепцияси таълимга татбикан психологик-педагогик, маданий-ижодий, фалсафий-эстетик ёндашувларни синтезлаш педагогик таъсирининг репродуктив типидан аввало ўқувчи шахсига, унинг шаклланиш қонуниятларига йўналтирилган янги типига ўтишининг асоси сифатида қаралади.

Медиамаданиятни биз қандайдир мавжуд субстрат (бирор ҳодиса ёки холатнинг асосини ташкил этадиган нарса) сифатида эмас, балки ижодий субъектларгина кабул кила оладиган органик яхлитликдаги тирик ижодий субстанция сифатида тушунамиз. Ўқитувчи – маданиятни узатувчи эмас, балки бизгача яратилган таълим мазмунини ташувчи ворис ва унинг сакловчисидир. Агар ташкилий шакллар ҳакида сўзлайдиган бўлсақ, у холда интеграция таянч ғоя сифатида майдонга чиқади. Бунда фақат предметлараро интеграция ҳакида фикр юритилмай, балки умуман таълим жараёнларини вужудга келтиришга нисбатан интегратив ёндашув тўғрисида фикр юритилади, янада анирок килиб айтганда, мегапредмет интеграцияси маданий ижодийлик механизми ролини бажаради.

Бизнинг лойиҳамиизда таълим-тарбия вазифаларини ҳал этишининг мухим имконияти сифатида мавжуд ўкув фанлари бўйича дастурларга таянувчи эстетик йўналтирилган таълим тизими эътироф этилади, у таълим мазмунини бойитади ва чукурлаштиради. Медиасаводхонлик инсонга телевидения, радио, видео, кинематография, нашрлар, Интернет кабиларнинг ахборот майдонларидан фаол фойдаланишга, экран санъати тилини яхшиrok англашга кўмаклашади, ўзида яратиш ва ижодни уйғунлаштиради, атроф борликни ранг, товуш ва сўз кўмагида ифодалашга ёрдам беради. Санъат кўмагида ўзлигини ифодалаш ва оламни кашф этиш кичик мактаб ёшидаги болаларга айниқса хосидир. Моделлаштириш ва конструкциялаш кенг бадиий-техник контекстда ютукларни оқилона ташкил этиш воситасида амалга ошади. Фаолиятнинг асосий босқичлари ўз ичига муаммоларни илғаб олиш ва унинг ечимларини топишни камраб олади. Фикрий фаолият тизими апробацияси уни ишга туширишнинг механизми вазифасини бажаради, унинг натижаси эса – кўшимича бадиий-техник маҳсулотлар мажмуuidир. Бунда турли мультимедиа технологияларидан фойдаланилади. Хусусан, медиасаводхонликни

компьютер саводхонлиги билан уйғунлаштириш зарур, чунки бу жараёнда компьютер коммуникатив восита сифатида кабул этилади [9, с. 138-139].

Компьютер технологияларидаги ижодий тошириклар доирасини кенгайтириш күйидаги шарт-шароитларга боғлиқ; бунда моделлаштириш ва ўхшатиб ишлашга доир вазифаларни уйғунлаштириб бажариш хамда янги тиңдаги (масалан, иштирокчиларнинг ўз фаолиятини рефлексиялаши, “ижтимоий мұхит”га “шўнғиши” каби вазиятларни кўллашдан фойдаланилади. Ўқув жараённанда компьютерни эпизодик тарзда кўллашдан тизимли кўллашга, жумладан, топширикларни ечиш жараённанда ўқув фаолиятини бошқаришга, ўқув жараённини кенг диалоглаштиришга ўтилади. Катвий бошқарув тизими иштирокчиларнинг фаол эркинлигини намоён этишининг катта имкониятларини вужудга келтирувчи тизимга алмашади. Ахборот технологияларининг янги воситалари хизматидан фойдаланилади: ўйин мұхити, экспер特 тизими, гиперматни когнитив тизим.

Компьютер техникаси виртуал оламда ижодий ғояларни татбиқ этиши имконини беради. Ҳажмдор тасвир ва товуш хотирани, интеллект, мантиқ, диккәт, идрок ва тасаввурни ривожлантиришга кўмаклашади. Замонавий технологиилар ҳар қандай фойдаланувчига компьютер фильмлари, энциклопедиялар, журналлар, интернет-сайтлар яратиш имконини беради. Мультимедиа тизими фаолиятининг мазмуни күйидаги ижтимоий маданият фаолиятида фаол татбиқ этишга шароит тугдиради:

- ахборот-қидируд;
- коммуникатив (диалог);
- рекреатив (дам олиш ва кўнгил очиш);
- ўрнини босиши (маъзуза, экскурсия, семинар машгулот кабилар);
- ижодий жараённинг бевосита техник фаолияти билан уйғунлашуви;
- хизмат кўрсатиш стратегиясининг индивидуаллашуви;
- ижодий тажрибанинг мустаҳкамланиши;
- тренинг;
- билимларни эгаллаш жараённинг тезлашуви;
- назорат ва олинган натижаларни коррекциялаш сифати;
- ижодий жараённи хисобга олиш ва мониторинг килиш;
- ижтимоий-маданий интеграция тизимини бошқариш;
- индивидуал рағбатлантириш мұхити, таҳлил ва тажриба-синовдан ўтказишни амалга ошириш.

Ўқувчиларнинг ўзлигини намоён қилиши билан бевосита боғлиқ бўлган шахс сифатидаги маданий-ижодий шаклланиши жараённанда аудиовизуал тараққиёт уларда маданий-ижодий сифатларнинг такомиллашувига йўналтирилади. Бу эса медиамаданиянинг шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, аудиовизуал воситалар когнитив, тарғибот ва муаммоли-тадқиқот вазифаларини татбиқ этишга хизмат килади. Фаолият мазмуни ўз ичига мулоқот, диалог орқали ахборот мадниятини шакллантиришни қамраб олади. [58, с. 272].

Медиатълим медианинг барча турлари (чоп этилувчи, график, товушли, экранга оид ва х.к.) ва турли-туман технологиялари билан боғлиқдир; у кишиларга коммуникациянинг социумда қандай кўлланилишини тушуниш ва коммуникация жараённанда медиани кўллаш лаёқатларини ўзлаштириш имконини беради. Медиатълимни бошка билим соҳаларини ўргатиш, масалан, математика, физика

ёки географияни ўқитишида медиани ёрдамчи восита сифатида күлланилишидан фарқлаш лозим [65, с. 112].

Медиатаълимни куйидаги асосий йўналишларга бўлиш мумкин: 1) оммавий нашрлар, радио, телевидение, Интернет ва б. соҳа мутахассислари медиатаълими; 2) таълим муассасаси бўлгувси педагоглари медиатаълими; 3) одатдаги мактаблар, ўрга маҳсус касб-хунар таълими, олий таълимда билим олаётган ўқувчи-талабалар медиатаълими; 4) юшимча таълим муассасалари ва хизмат кўрсатиш марказлари медиатаълими; 5) телевидение, радио, Интернет кўмагида ўқувчи, талаба ва катта ёшлиларнинг масофадан медиатаълими; 6) мустақил/узлуксиз медиатаълим (инсоннинг бутун хаёти давомида амалга оширилади). Бунда барча қайд этилган йўналишларда медиатанқид мухим рол ўйнайди. [96, с. 29-30]

Замонавий ОАВлари орқали жамиятга улкан таъсир кўрсатиш потенциалининг мавжудлиги туфайли демократияни амалий жихатдан амалга ошириш ва ривожлантириш инструменти ҳамда антидемократик қизиқишилар борасида манипулятив матрица каби таъсир кўрсатиш мумкин. Сиёсий ижтимоий ҳаёт медиалашган ҳозирги шароитда ҳар бир фукаронинг оммавий мулокотларда ўз медиаматнлари билан шахсан иштирок этиши демократиянинг ўсиши ва такомиллашувига хизмат қиласи. Оммавий медиа ахборотларининг танқидий таҳлили, уни оқилона баҳолаш, ўз медиаматнларини мустақил яратиш ва тарқатиш лаёкатига эга бўлиш, бу билан медиадискурсни демократлаштириш ва бойитиш – буларнинг барчаси ахборот асрида ҳар бир фукаронинг бурчига айланади. Медиадискурс демократлашувининг кузатиласетган бундай сезиларли тенденцияси медиа орқали ижтимоий диалоглар воситасида оммавий мулокотларда тўлиқ хукук асосида онгли иштирок этиши ҳамда ахоли аудиторияси тайёргарлигининг ўсиши билан бақамит амалга ошиши зарур.

Бутунги кунга келиб медиатаълимни ривожлантириш умумдемократик ҳамда гуманистик вазифалардан бири хисобланади. Ватанимизда медиапедагогиканинг назарий ва методик жихатдан уйғунлашуви бизни ушбу вазифани ҳал килишга йўналтиради.

### **3.6. Ўқитувчида компетентлик ва педагогик маданиятни шакллантиришининг концептуал асослари**

Аввалги параграфларда маданият тушунчаси биз томонимиздан инсоният ёки алоҳида кишиларнинг ижтимоий-прогрессив фаолияти сифатида ўрганилди. Шу билан бирга, маданият бу – ижтимоий тажрибани трансляция қалиш ва саклашга қаратилган белгили тизимларнинг мураккаб ташкилий мажмуи ҳамдир. Ижтимоий тажрибани мустаҳкам килиб, аждодлардан авлодларга узатувчи белгилар тизими субъектлар хулқ-атвори, мулокоти ва фаолиятида амал килиши мумкин. Ўқувчисига иш услублари ва йўлларини, шунингдек, хулқ-атвори ва ҳаётга муносабатини намойиш этаётган педагог хулқ-атвор, фаолият ва муносабатларни трансляция қилиш вазифасини адо этади. Демак, биз педагогга мухим ахборот кодлари (маданиятлар) тизимининг бир қисми сифатида караб, уни жамиятнинг вужудга келиши ва ривожланишининг таъминловчиси деб билишимиз мумкин. Педагогик энциклопедияларда маданият жамият ҳамда кишилар фаолияти ва ҳаёт тарзида акс этувчи инсон ижодий кучи ва қобилияти тараққиётининг муайян

ривожланиши даражаси, кишиларнинг ўзаро муносабатлари хамда улар томонидан бунёд этилган моддий ва маънавий қадриятлар сифатида тақдим этилади [71]. Келтирилган таърифдан маълум бўладики, маданият муайян ҳаётий соҳада ва тарихий давр мухитидаги кишиларнинг фаолияти, хулқ-автори хамда тафаккурининг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

Педагогик маданият – таълим-тарбияга оид қадриятлар (моддий ва маънавий) хамда натижалар, шунингдек, шахсни ижтимоийлаштириш, авлодлар алмашинувининг тарихий жараёнларига таъсир кўрсатувчи педагогик фаолият услубларида ифодаланган умуминсоний маданиятнинг бир қисмидир. Бугун жамиятимизда таълими қадриятларнинг мақсадга қаратилган йўналишларида катта ўзгаришлар кузатилмоқда, демак, педагогларнинг фаолият услублари хам ўзгариши зарур. Бунинг учун эса педагогик жамоа маданий-ижодий мухитининг мухим аспекти сифатида педагогик маданиятни ўзgartiriш зарур. Куйида педагогик маданиятнинг асосий аспектларини қайд этиб, унинг соҳиби бўлмиш педагог шахсида буларнинг намоён бўлишига тўхталамиз. Инсоний маданиятнинг бешта асосий таркибий қисмига тўхталиб ўтиш мумкин. У куйидагилардан ташкил топади:

- жамият меъёрлари;
- дунёқараш шахс идеали ва қадриятлар тизими сифатида;
- билим ва кўнинмалар, инсон ўз фаолиятида уларни татбиқ этади;
- интеллектуал, ахлоқий ва эстетик ривожланишнинг муайян даражаси;
- мулокот шакли ва усуслари.

Агар ушбу таркибий қисмларни педагогик тушунча ва мазмун билан тўлдирсак, у ҳолда, замонавий ўқитувчининг педагогик маданияти қуйидаги компонентларни ўз ичига олиши маълум бўлади:

- бугунги жамиятнинг меъёрий асоси сифатида таълим-тарбиянинг инсонпарварлик фалсафасини англашни;
- қасбий компетентликни, ўз навбатида, у предметлар, маданиятшунослик хамда фалсафий жиҳатдан тайёргарликни ва педагогик технологияларни билишни камраб олади;
- қасбий маҳоратга хос ижодий динамиканинг асоси сифатида ижодий ва рефлексив қобилияtlарга эга бўлишни;
- мулокотда очиқлик ва ҳамсұхбат бўлишга тайёрликни.

Қайд этилган педагогик маданият тавсифлари ва педагогларда уларни шакллантириш хусусиятларини назарда тутиб, таълимга инсонпарварлик ёндашувига алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз деб хисоблаймиз, зеро, устувор инсоний қадриятларни эътироф этган ҳолда, у таълим мухитида дунёқарашнинг олға босишини таъминлайди. Инсон, бир томондан, муайян стандартга мослашишга интилувчи “ижтимоий мавжудот” хисобланса, иккинчи томондан, у ҳар қандай стандартлардан устун турадиган ўзига хос индивидуаллик хисобланади.

Айнан шу диалектик зиддиятнинг ҳал этилиш – инсон ривожланиши ва мавжудлигининг асосий шарти бўлиб хизмат қиласди.

Гуманистик педагогиканинг асосий қоидаси қуйидагича – тафаккурда инсоннинг табиий мавжудотдан маданий мавжудотга, сўнгра “ижтимоий” затга айлангани ҳақидаги ғоянинг илдиз отиши.

Ўзининг “ижтимоий мавжудот” сифатида шаклланиши жараёнида инсон ўз биологик материаллари (индивидуумида - **А. Бердяев**) турли қобилиятлар тизимини вужудга келтиришга қодир бўлиб, бу эса айни вақтда унга ўзини ижтимоий индивид, фаолият субъекти ва шахс сифатида ифодалаш имконини беради.

Сўнгра инсонга ўз индивидуаллигини кўрсатиш имконининг берувчи қандайдир фундаментал таълим кўринишидаги маданиятнинг умумий шаклларини кўрсатиш мумкин.

Ушбу фундаментал таркиблар мустакил равища умумий (маданиятнинг умумий шакллари) ва хусусий (инсоний холатлар –хукукий холат) ни тасарруф этиш оркали амалга ошиди..

Хар қандай инсон, агар тегишли рағбат ва эҳтиёж мавжуд бўлса, ўзида ноёб ва умумий ўзига хосликни шакллантиришга кодирдир. Катталарнинг вазифаси – болани ўз ҳатти-харакатлари ва қилмиши учун жавобгарликни ҳис этишига ўргатиш, шунингдек, уни зарур индивидуалликнинг қарор топтириш ва такомиллаштириш техникаси билан таъминлашдан иборат, унга қўйидагиларни киритиш мумкин: ноёб кадриятларни мўлжал олиш, фаолиятни шакллантириш ва амалга оширишнинг умумий кўнкимлари, инсоннинг умумий лаёкати – яъни, интеллект.

Ушбу маданият шаклининг асосий хусусияти белгиланган ҳак-хукукларда ўз ифодасини топади, бунда инсон нидивидуаллигининг карор топиши педагогикада чекланмаган, чегарасиз имконият сифатида каралади. Инсонга чекланмаган, чегарасиз имконият сифатида караш ғояси остида “таълим тизимини инсонни ривожлантириш вазифасига йўналтириш” ғояси ётади, яъни таълим тизми доирасида ҳар бир инсоннинг мустакил равища ўз кадриятлари, тафаккури, идроки, фаолияти ва мулоқот воситаларини ўтириб ривожлантириб бориши; ҳар бир инсоннинг таълим тизимидан ўз-ўзини ривожлантириш мақсадида фойдаланиши ётади.

Педагог ва ўкувчиларнинг ўзаро муносабати қўйидагиларга шарт-шароит яратади:

- ўз эҳтиёжларини англаш;
- қизиқишиларини идрок этиш;
- билимларнинг ўзи учун муҳимлигини кашф этиш;
- ўзликни англаш ва ривожлантиришга сафарбарлик, бу ўкувчига ўзининг чексиз имкониятларидан самарали фойдаланишга йўл очади.

Ўзида замонга мутаносиб педагогик нұктай назарни шакллантириш таълим-тарбияга инсонпарварлик ёндашувига доир билимларни эгаллаш билан уйғунлашиб, устозларда ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзгаришишга нисбатан эҳтиёжни фаоллаштиради.

Касбий компетентликка эга бўлган инсон ўз-ўзидан фаолият субъектига айланади, чунки у ўқитувчининг касбий тайёргарлиги ҳамда иш натижалари билан тўғридан-тўғри боғлиқдир, унда авваломбор фаолият натижалари ҳакида идеал тасаввурларининг шаклланиш жараёни кечади, кейин эса ушбу мақсадга эришиш тузилмаси ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Замонавий педагогнинг билимлари таркибига аввало маданиятшуносликка доир тайёргарлик киритилиши зарур. Маданиятга киришиш маданий инсоний

ютуқларни ишлаб чиқиши ва яратишида иштирок этишдан иборат. Бугунги кунга келиб, ўқитувчининг маданияти бўлиши етарли бўлмай колди, у маданиятшунослик динамикаси шаклларини қайд этиб, маданият феноменини ўрганиши, унинг динамикасини кузатиши, мазмунини англаши зарур.

Тафаккур маданияти – бу мураккаб ва серқирра хусусият ҳисобланаб, умуммаданий ва касбий тайёргарлик асосида вужудга келади ҳамда қуйидаги ўзаро боғлиқ элементлардан ташкил топади:

– кўплаб тушунча, назария ва концепциялар моҳиятини кўра билиш ва уларни ўзаро ўйғуллаштириш;

– эгалланиши зарур бўлган кўникмалар таркибида коммуникатив кўникма етакчи мавқени эгаллайдиган (унинг 200га яқин компонентлари мавжуд) касбий фаолияти, дунёкараши ва билимларида ўзи учун зарур маъно ва мазмунни кашф этиш лаёкатига эга бўлиш;

– танлаган таълим парадигмасига мувофиқ ўз педагогик фаолияти мақсади, вазифалари, мазмуни ва методларини асослай билиш кўникмасига эга бўлиш.

Бугунги кунга келиб, замонавий илмий методология асосларини билиш, синергетика тушунчасини англаш, оламнинг ҳозирги манзарасини билиш, унинг инсон ижтимоий, шахсий ҳаётидаги ўрни ва илмий аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлиш, жаҳон моддий ва маданий ривожланишининг муайян босқичлари ва таълим жараённада уларнинг акс этиш характерининг асосий тенденциялари ва конуниятлари ҳақидаги билимларга эга бўлиш педагогик компетентликнинг мухим белгиларидан ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб педагог шунчаки ташкилотчи, маълумотлар берувчи, назоратчи эмас, у асосий фикр берувчи, ҳар қандай муносабатда кувонч ўйғутувчи, ибрат обьекти, одамнинг ички дунёсини таркиб топтирувчи, баркамол шахсни шакллантирувчи инсондир.

Маданиятшунослик бўйича тайёргарлик педагогга боланинг маданий ҳаёти фонини ташкил этиш, унинг маданий фаолияти мазмунини белгилаш имконини беради, шу сабабли у маданий мулокот фаолияти ва маданият билан мулокот доирасида ижтимоий масъуль карорлар қабул қилиш ва саъй-харакатларни амалга ошириш маданиятини эгаллаши зарур. Педагогик тафаккур ўзида турли даврлар маданиятига оид билимларни ифодалаши зарур. Ҳар бир мадният ўзича ноёб, ўзига хос ва ўзича ҳақ ҳисобланниб, улар ҳақида мунозаралар ташкил қилиш, тарихий тажрибалардан керакли билимларни эгаллаш, ўзини жаҳон маданиятининг бир қисми сифатида хис этиш – маданиятшуносликка тайёргарлик методикасининг мақсади ҳам ана шундадир. Маданий тажрибаларни кенгайтириб, кайта ишлаб чиқишига доир кўпкомплектлилик ва вариативликка лаёкатлилик педагогни маданий жараёнлар мазмунидаги ўзгаришларга мутаносиб тарзда ўз фаолиятини тўғри йўлга солишига йўналтиради, уни қотиб қолган, турғун ижтимоий турмуш тарзини рад этишига олиб келади. Ўқитувчи педагогик фаолияти орқали ўзини узлуксиз равишда ривожлантириб, ўз фаолияти жараёнларини ахлоқий саъй-харакатлар билан бойитиб боради. Айнан маданият унинг тафаккури ва хулқ-атворини ўйғуллаштиради.

Педагогик технология – педагог эгаллаши зарур ҳисобланган операциялар мажмуудир, вариативлик ва мобиликдан боҳабар бўлиш, шахс сифатида юкори даражадаги креативликка эга бўлиш педагогга исталган натижани қўлга киритиши

имконини беради. Субъект ўзаро хамкорлик қилибгина қолмай, ўзи ғоялар яратувчиси бўлса, маданий-ижодий муҳит яратсагина, педагогик жараёнларда субъет-субъект муносабатларига асосланган мўттадил психологик иклим вужудга келади.

Ўқитувчининг маданий даражаси ва касбий компетентлилигини ошириш учун уни ўз устида ишлашга, мустақил билимларини ошириб боришга, шахсиятини такомиллаштиришга йўналтириш зарур. Бунда унинг касбий фаолиятни ташкил этишнинг психологик-педагогик, методик асослари кўриб чиқиладиган психологик-педагогик, илмий-методик семинарларда иштирок этишигина назарда тутилмай, балки фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш усууллари ўрганиладиган турли машғулотлар (тренинглар, фикр техникаси, гурухли иш шаклларидан фойдаланиладиган ўкув машғулотлари), турли муассасалар (қизиқишлирига кўра, турли курслар, секциялар, клубларга катнаши ва б.) кўзда тутилади.

Ўқитувчини маданият ёювчи ва ижодий-маданий муҳит яратувчи инсон сифатида аксептолигик йўналтиришнинг негизини тегишили асосий қадриятлар тизими ташкил қилиб, бунда асосий эътибор турли қадриятлар орасидан тўғри мўлжал олиш ва улардан кераклиларини эркин танлаш кўникмасига эга бўлишга каратилади.

Қадриятларли йўналиш – индивидуал ўзига хосликнинг ички элементларидан бўлиб, инсон хаётий тажрибалари асосида шаклланади ва мустаҳкамланади, бу инсоннинг муайян маъно-мазмун ва хаётий масадлар ҳамда уларни амалга татбик этиши учун керакли воситаларни белгилашидан келиб чиқиб, муайян қадриятларни кабул этиши орқали зарурни нозарурдан ажратиши билан боғлиқидир.

Қадриятили йўналиш фаолиятни мотивацион фаолият соҳаси ва инструментал йўналишини индивидуаллик мақсадига эришиш воситаси билан таъминлайди.



Психологларнинг таъкидлашича, инсон максимал даражада рўёбга чиқиши учун юкорида кайд этилган уч қадрият ўзаро ўйғунлашиши зарур. Педагог учун бу эътирофга сазовор бўлиш, шахс сифатида хурмат-эҳтиром қозониш, ўзининг инсоний моҳиятини ўзгартиришга кодирлик бўлиб, булар янгилик излаш, ижодий фаолият ва субъектив нуткай назарда акс этади.

Замонавий дунёда таълим асосий дикқат-эътиборни шахсий креативлик ва рефлексив қобилияtlарга каратган холда, фаолият ва маданият асослари ҳамда базасини таркиб топтириш функцияси сифатида тушунилади. Замонавий таълимнинг мақсади – олам ҳақидаги билимларни ўргатиш эмас, балки ўқиб-ўрганишга, ҳар қандай билимларни эгаллашга ўргатишdir.

## ХУЛОСА

Таълим-тарбия жараёнларининг тадқиқ этилиши ўз-ўзини ривожлантиришнинг узлуксизлиги, шахснинг ўз-ўзини такомиллаштириши, таълим муассасасида маданий-ижодий мухит яратиш зарурияти билан узвий алоқадорликда амалга оширилади. Зеро, замонавий таълим мухитига инсонпарварлик ғояларининг татбиқ этилиши қўйидаги тушунчаларнинг умрбокий устуворлигига боғлиқ: тинчлик, инсон, табиат, ҳамкорлик. Шу тарика, педагогик фикр тараққиётни хозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотган эмас. Мазкур контекстда амалий тадқиқотимизнинг обьекти ва предмети белгиланган бўлиб, унга кўра: маданий-ижодий мухит (МИМ) яхлит таълим жараённинг таркибий қисми сифатида, маданий-ижодий мухит ва педагогик жамоанинг ўз-ўзини ривожлантириши эса ўзаро алоқадор жараён тарзида ўрганилди.

Тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бири сифатида кўп ийллик анъана ва ўқитувчилар тажрибасини камраб олувчи Ўзбекистон умумтаълим мактаблари фаолиятини таҳлил этиш, педагогик жамоанинг ўз-ўзини ривожлантириши билан мухит ҳолатининг ўзаро боғликлигини тадқиқ этиш, шунингдек, педагогик жамоанинг ўз-ўзини ривожлантиришига лойиҳалар методини қўллашнинг таъсир этиш конуниятларини очиб бериш кабилардан иборат этиб белгиланди.

1. Тадқиқот доирасида “педагогик жамоа” ва унга ёндош тушунчалар назарий таҳлил этилиб, педагогик жамоа (ПЖ) тушунчасининг асосий параметрлари ҳамда белгилари аникланди, унинг етакчи фаолият йўналишлари қайд этилди. ПЖнинг умумий қоидаси шакллантирилди: педагогик жамоа – таълим муассасаси ягона жамоасининг таркибий органик қисмини ташқил этувчи педагогларнинг умумий кадриятлар, фаолият максадлари ва вазифаларига эга бўлган, яхлит гуруҳ ва уни ташкил этувчи иштирокчиларнинг ҳар бири учун бирдек аҳамиятли ва мухим бўлган мустақил таълим ҳисобланиб, унда шахслараро ҳамкорликдаги муносабатлар ижтимоий кадрли ва шахсий аҳамиятли, ўзаро мажбурият ва масъулиятларни адо этишда тенгҳукукли ҳамкорликдаги фаолият мазмунига эга бўлади.

2. Педагогик жамоанинг ўз-ўзини ривожлантириши муаммоси узлуксиз таълимнинг барча боскичларида – мактабгача таълимдан то педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оишриш тизимига қадар бирдек долзарб ҳисобланади. Таълимнинг ҳар бир боскичида унинг максади, вазифалари, йўналиши ҳамда методлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлади, лекин жамоа аъзоларини индивидуал ва комплекс ривожлантиришнинг мазмун-моҳияти бир хилдалигича колади, яъни таълим муассасаси фаолиятининг самарадорлиги “ягона педагогик организм”нинг барча таркибий қисмларининг муваффакиятига боғлиқ бўлади.

3. Педагогик жамоанинг ўз-ўзини ривожлантириши учун уларда зарур мотивацияларни шакллантиришда педагогик жамоа аъзоларининг фаол иштироқи асосий шарт-шароит ҳисобланади. Педагогик жамоанинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёнини таъминлашга ёндашувни ишлаб чиқиша жамоа

аъзоларининг хар бирининг ички потенциалини рўёбга чикариш зарур ҳисобланади. Педагогик жамоанинг ҳар бир аъзоси турли ижодий топширикларни ечиши ва уларни амалиётга татбиқ этиши мумкин бўлган МИМда бу хил ресурс асос бўлиб хизмат киласди.

4. Тадқиқотчилар ўкувчиларда амалий фаолиятни такомиллаштириш ва ўз-ўзини ривожлантириш лаёқатларини ўстиришга қаратилган замонавий педагогик технологиялар таркибида лойиха фаолиятини ташкил этишини алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Мазкур қўлланмада таълим муассасаларида МИМни яратиш шароитида педагоголар ва ўкувчилар лойиха фаолиятининг назарий ва амалий аспектлари кўриб чиқлган

5. Лойиха методига қараганда ўкув жараёнига нисбатан анъанавий ёндашув ҳозирга қадар устувор ўрин тутмоқда. Бу аксарият умумтаълим мактабларидаги ҳукм сурʼетган консерватив мухит билан, шунингдек, лойиха методикасидан фойдаланилганда ўкувчилар учрайдиган мавжуд қийинчиликлар, хусусан, улар билимларининг турли даражада бўлиши, мустақил фикрлашга, ўз-ўзини ташкил этиши ва мустақил ўқиб-ўрганишга етварлика лаёқатли бўлмасликлари билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли лойиха ишини ташкил этиши авваламбор лойиха методикасини ўкув жараёнинда қўллашнинг назарий ва амалий асосларини тадқиқ этишини талаб киласди.

6. Лойиха фаолияти лойихалаш жараёниниа фикрий фаолият малакаларини ўстиради, мустақил ишлаш, қарорлар қабул қилиш, мақсадга эришиш йўлларини режалаштириш, ўз вақтини оқилона назорат қилиш ҳамда бошқариш, мақсадга эришишда учрайдиган қийинчиликларни бартараф этиши учун иродани сафарбар қилиш каби малакаларининг шиддат билан такомиллашувига, олиб келади.

Лойиха фаолияти шахсга ўйналирилган ўқитиш тизими билан органик бирлашиб, ўқитишнинг анъанавий методикаси билан оқилона уйғунлашиб кетади. Мазкур холат қўлланмада бир қанча ўкув предметларидан намунавий дарслардан мисол келтириш орқали тақдим этилди.

7. Таълим субъектлари – педагоголар ва ўкувчилар бўлиб, улар яхлит маданий-ижодий таълим мухитининг асосий таркибий компоненти ҳисобланадилар ҳамда унинг етакчи хусусиятларини белгилаб берадилар.

Таълим маданиятшунослиги – таълим фалсафаси, маданиятшунослик ва педагогиканинг ўзаро кесишуви орқали шаклланган ҳамда таълимнинг барча маданий масалалари мажмунини уйғунлаштирган илмий йўналиш. Унга қуйидаги предмет блоклари ва муаммолар доираси киради:

- таълимнинг яхлит маданий мазмунни (кадриялари, функциялари, мақсадлари, вазифалари, йўналиши, маданиятга бардошлилик, предмет мазмунни) ва шакллари (методикалар, методлар, усуслар ва воситаларнинг маданий йўтиргиланлиги);

- бола (ўсмир)ни маданият ва субмаданиятга жалб этиш механизmlари;

- аниқ таълим соҳаси ва таълим тизимида маданий мухитнинг шаклланиш ва намоён бўлиш механизмлари;

- таълим соҳасини ташкил этиши ва бошқариш сифати, таълимни бошқариш маданияти.

8. Атроф мухит оркали кўрсатиладиган таълимий таъсирлар мажмуи барча маданий-таълимий ташкил этувчи «резонанс»нинг ўзаро алоқадорлигига боғлиқ. Таълим муассасасида бу хил таъсир (мактаб жиҳозларининг модификацияси ва интеръерларининг вужудга келтирилиши туфайли), ўқитувчи ёки ўқувчиларнинг қандайдир алоҳида мухитида ўз-ўзидан содир бўлмай, таълим жараёни субъектларини ўраб турувчи барча компонентлар уйғунлигига, болалар ва катталарнинг ўзаро фаолияти оркали вужудга келади.

9. Педагогик маданият – бу умуминсоний маданиятнинг бир қисми бўлиб, унда таълим-тарбияга оид (маънавий ва моддий) кадриятлар ва натижалар, шунингдек, авлодлар алмашинувига хос тарихий жараёнларга бевосита яқиндан таъсир кўрсатувчи, шахсни ижтимоийлаштирувчи педагогик фаолият усуслари ўз аксини топади. Бугунги кунда жамиятимизда таълим ва қадриятларнинг мақсадли йўналишлари янгиланмокда, демак, педагогларнинг фаолият усуслари хам ўзгариши зарур. Бунинг учун эса педагогик жамоа маданий-ижодий мухитида энг мухим аспект сифатида педагогик маданиятни шакллантириш лозим.

## АТАМА ВА ҚИСҚАРТМАЛАР РҮЙХАТИ

1. Аксиология – қадриятларни инсон ҳаётига муайян йўналиш ва ўзига хос мотив бағишлиовчи, кишилик турмушининг мазмун-моҳиятини белгиловчи категория сифатида тадқиқ этувчи фалсафий фан.
2. Шахс фаоллиги – изжодий, иродавий саъй-ҳаракатлар ҳамда мулокот аснода намоён бўлиб, инсоннинг моддий-маънавий маданий бойликларни ўзлаштириш асосида оламга ижтимоий фойдалари ўзгартишлар киритиш лаёкати. [108].
3. Аккультурация – турли ижтимоий-маданий тизимларнинг ўзаро таъсири ва бевосита муносабати орқали кечувчи моддий маданиятнинг ўзгариш жараёни.
4. Ўзаро таъсир (interaction) – иштирокчиларнинг карорига кўра, улар учун муҳим муаммо ёки вазифани ҳал этиш жараённида ягона мақсад ва натижаларга эришиш учун амалга ошириладиган ўзаро келишилган фаолият. Ўзаро таъсир шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши ва фаоллаштиришининг асосий усулларидан хисобланади.
5. Ўзаро муносабат – кишиларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келувчи, индивидларнинг шахсий эмоционал кечинмалари билан бирга кечувчи субъектив алоқалар.
6. Мухитни идрок этиш – тафаккур ва қарор қабул қилишни қамраб олган мураккаб билиш жараёни.
7. Танлаш – муаммони ечишнинг мумкин бўлган йўллари, унга эришишнинг мақсад ва воситаларини аниқлашга қаратилиб, муайян фаолият ва хулиқ-автор актида иорда эркинлигини онгли намоён этишга нисбатан психолого-тадқиқатни тайёрлек ва ахлоқий ҳақ-хукуқ.
8. Қайишқоқлик, тез ўзгарувчанлик, мослашувчанлик – таълим жараёнининг барча таркибий қисмлари: тузилмалари, таълим дастурлари мазмуни, ўқув-методик таъминоти, ўқув машғулотларининг шакллари, аттестациялар, ўқитувчилар таркиби, шунингдек, ўқитиш муддати ва суръатига хос мутаносиблик ва вариативлик.
9. Ўзбекистоннинг давлат ахборот сиёсати – Ўзбекистонда ахборот жамиятини шакллантириш, ягона ахборот маконини таркиб топтириш ва уни жаҳон ахборот маконига киришини таъминлашга қаратилган давлат хокимияти органлари фаолияти ва уларнинг жорий этилиш механизmlари.
10. Гурух – ўз хусусияти, жараёнлари ва тузилмаси нуктаи назаридан мустакил хисобланган фаолият субъекти [11].
11. Иккиласми чархи гурух ўзаро таъсири орқали муайян мақсадга эришишга интиладиган кишилардан иборат бўлиб, улар ўзаро эмоционал алоқадор бўлмайдилар ёки улар ўргасидаги бундай муносабат анча суст тарзда намоён бўлади.
12. Юксак ривожланган гурух – жамоа – вужудга келганига узок вакт бўлган, мақсадининг бирлиги, умумий қизиқишиларга эгалиги, муносабатлар тизимининг баркарорлиги, жипслиги ва бошқаларга кўра ажralиб турадиган гурух.
13. Ташкилий гурух – аниқ ташкилий тузилмага эга бўлиб, вужудга келганига узок вакт бўлган гурух.
14. Гуманистик педагогика – гуманистик психология ғояларнинг педагогик талкини сифатида АҚШда XX а.нинг 60-йилларида қарор топган замонавий

тарбия назарияси ва амалиётидаги йўналиш. Г. п.нинг асосий диккати – турли ҳаётий вазиятларда онгли ва масъулиятли қарорлар кабул кила оладиган, янги тажрибаларни ўзлаштиришга интиладиган, ўз имкониятларини максимал даражада амалиётга татбиқ эта биладиган яхлит ноёб шахсни тарбиялашга қаратилади. тарбияланувчига ажоддлардан авлодларга ўтувчи муайян формал билимлар тизимини ўзлаштирувчиси сифатида қаровчи, унда ижтимоий меъёлларни таркиб топтиришга интилувчи анъанавий педагогикадан фарқли ўлароқ, Г.п. шахсада юкорида қайд этилган сифатларни тарбиялашни бош мақсади сифатида такдим этади.

15. Тарбиянинг инсонпарварлик (гуманистик) принциплари:

- ўкувчи педагогик мақсадга эришув йўлидаги восита бўлиши мумкин эмас;
- болани ижодий рўёбга чиқариш орқали педагог ўзлигини намоён қилиши;
- болани қандай бўлса, шундайлигича, доимий ўзгариш ҳолатида кабул қилиш керак;
- барча мураккабликларни ахлоқий воситалар кўмагида ҳал қилиш лозим;
- болалар – жўшқин маданият тарқатувчилари; катталар ўз маданий даражасини ўсиб келаётган ёш авлод маданияти билан қиёслаб баҳолashi керч қаҷон ҳеч кимни бирор билан таққосламаслик лозим, факат ҳатти-харакатларнинг натижаларининг қиёслашу мумкин;
- ишон – лекин текширишни ҳам унутма! – хато қилиш хуқуқини эътироф эт ва болани ўйл кўйган хатоси учун айблаб ўтирма;
- ўз камчилигингни эътироф этишини ўрган;
- болани ҳимоя кила туриб, уни ўз-ўзини ҳимоя қилишга ўргат.

16. Фаолият – инсоннинг атроф борлиқка муносабатининг фаол намоён бўлиш шакли. Унда инсон турли эҳтиёжлари, қизиқишлари, мойилликлари, ҳис-туйгулари, қарздорлик хисси, жавобгарлик туйгуси, мотивлари орқали ўзлигини намоён этади; фаолиятни амалга ошириш воситалари кўмагида аниқ тавсифга эга бўлади. Ф. инсонда муайян билим, кўнікма ва малакалар мавжуд бўлишини талаб килади.

17. Индивидуаллик – (лот. *individuum* – бўлинмас, буткул ўзгача, бошкacha) – онтогенез(организмнинг вужудга келганидан то умрининг охиригача бўлган индивидуал ривожланиш йўли)да субъект сифатида ўз ҳаётий фаолиятини амалга ошириш шароитида ҳар бир инсон шахсининг ўзига хос бетакрорлиги. Алоҳида инсон шахсининг антропосоциогенез (инсоннинг ижтимоий келиб чикиши) омиллари таъсири остида шаклланувчи ўзига хослиги унинг психикасига оид хусусият ва кирралар мажмуи орқали аниқланади.

18. Инкультурация – бу инсоннинг назарда тутилаётган маданиятга хос оламни англаш ва хулк-атворни ўзлаштириши бўлиб, унинг натижасида инсонда кўриб чиқилаётган маданият намоёндаларига хос эмоционал, хулкий, когнитив ўхаш жиҳатлар шаклланади.

19. Ахборот муҳити –ахборот ресурслари ва тизимлари, шунингдек, ахборот жараёнларидага юзага келувчи муносабатлар мажмуи.

20. Ахборот технологиялари – ахборот ресурсларининг ишончлилиги ва оперативлигини оширадиган, ундан фойдаланишдаги қийинчиликларни камайтириш мақсадида ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиши ва

ифодалашни таъминлайдиган технологик занжирни бирлаштирувчи, дастурий-техник воситалар ва ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда методлар мажмуи.

21. Ахборот жамияти – бу шундай жамиятки, унинг асосий маҳсулни билим бўлиб, унинг ҳар кандай аъзоси зарур ахборотларга эришиш имконига эга бўлади, бундай ахборот жамияти ўзининг ҳар бир аъзосини технологик, техник инструментлар ва воситалар билан таъминлай олади.

22. Ахборот макони – ахборот ресурслари ва тизимлари, телекоммуникацион тизим ва тармоқлар мажмуи.

23. Ахборот-таълим мухити – фойдаланувчининг таълимга оид эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилган маълумотларни узатиш воситалари, ахборот ресурслари, ўзаро таъсир баённомалари, дастурий аппарат ва ташкилий-методик таъминотнинг ташкилий-тизимли мажмуидир.

24. Ахборот жараёнлари –ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, йиғиш, саклаш, излаш ва тарқатиш жараёнлари.

25. Илмий тадқиқот – билиш фаолияти кўринишларидан бири, у янги илмий билимлар ишлаб чиқиши жараёни, объективлик, далилланганлик ва аниқлик каби хусусиятларга эга.

26. Жамоа – ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатувчи, ўзининг мазкур бирликка тааллукли эканини англовчи ва ўзгаларнинг нуқтаи назарларини эътироф этувчи турли индивидларнинг ижтимоий бирлиги.

27. Жамоа – гурух, унинг аъзолари бутун гурух ва унинг алоҳида аъзолари учун аҳамиятили бўлган умумий қадриятлар, фаолият максадлари ва вазифалари оркали бирлашадилар, бунда шахслараро муносабатлар ижтимоий аҳамиятили ва шахсий қадрли биргаликдаги фаолият мазмуни билан бевосита алоқадор бўлади [77].

28. Команда мезонлари:

– ўзаро боғлиқлик (команда ҳар бир аъзосининг бошқасига боғлиқлиги, умумий ишга индивидуал ҳисса қўшиш);

– ўзаро тақсимланган масъулият (мақсад учун жавобгарлик барча аъзолар ўртасида бирдек тақсимланади);

– натижка (натижка учун барча гурух аъзолари бирдек жавобгар бўладилар ва у гурух фаоллигини йўналтиради).

29. Креативлик – ижодкорликка, ноодатий ва кутилмаган қарорларга лаёқатлилик, янги ғояларни кабул қила билиш, эскирган стереотипларни бартараф этиш; ностандарт вазиятларда ечимлар топиш кўнимкаси ва ҳайратланиш кобилияти.

30. Маданият – онг ва турмушнинг барча соҳаларида инсониятнинг ижтимоий прогрессив фаолияти бўлиб, у ижтимоий ахборот кўринишида ифодаланади ҳамда жамиятда кишилар томонидан яратилган белгили воситалар ёрдамида сакланади.

31. Маданий мухит – узлуксиз ўзгарувчи ўзаро таъсир ва муносабатлар жараёни мажмуи, белги ва қадриятлар йиғиндиси.

32. Таълимий маданиятшунослик – таълим фалсафаси, маданиятшунослик ва педагогиканинг ўзаро кесишуви оқибатида шаклланган ҳамда таълимнинг барча маданий масалалари мажмууни уйғунлаштирган илмий йўналиш. [49].

33. Маданий-ижодий (МИ) мухит (МИМ) – таълим жараёни барча иштирокчиларининг интеллектуал, бадиий ва амалий ривожланишини

таъминловчи моддий ва маънавий омиллар, шарт-шароит ва воситалар мажмуудир. МИМ нинг асосий мақсади ва характеристикаси қуидагилардан иборат:

– ўзликни англаш ва ўз-ўзини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;

– субъектларнинг мустақиллиги ва фаоллигини рағбатлантириш;

– шахснинг мустақил фаолият юритиши, социум ва маданият бўйича ўз ўрнини эркин танлаши учун макон яратиш;

– конструктив ўзаро таъсир ва биргаликдаги маҳсулдор фаолиятни амалга ошириш;

– таълим жараёнини бошкариш имкониятларини фаоллаштириш, унинг ривожланишини прогнозлаш, умумий таълим маконида ҳар бир педагог томонидан унинг ўрни аникланиши;

– бошқа субъектлар билан ижодий муносабатга киришиш орқали шахсда борлиқни ўзгартирish мотивациясини ошириш;

– талқин, трансформация ва баҳо воситасида янги маданий кадриятларни кашф этиш ва яратишига йўналтирилган ўкув-билив ҳамда инновацион фаолиятларни бирлаштириш.

34. Маданий ижодкорлик – шахснинг маданий ва яратувчилик фаолиятининг уйғунлашуви бўлиб, талқин, трансформация ва баҳо воситасида янги маданий шакл, кадрият ва мазмунни ўзлаштиришида намоён бўлади.

35. Шахста йўналтирилган ёндашув – ўкувчини ўзини шахс сифатида эътироф этиши, ўзликни англашни таркиб топиши, ўзлик фиодалашнинг жамият эътироф этадиган шакллари ва шахсий аҳамиятли жиҳатларининг амалга ошиши, ўзини намоён этиш ва эътироф этишиш.

36. Метод – у ёки бу фаолият, назарий ёки амалий билимларнинг муайян соҳаларини ўзлаштириш опрециялари ва усуслари йигиндиши.

37. Тадқиқот методи – янги билимларни егаллаш учун эски билимлардан фойдаланиш усули; илмий далилларни кўлга киритиш куроли.

38. Лойиха методи (ЛМ) – технология: а) ўкувчилар ўз муаммоларини кўядиган ва ҳал қиласидиган таълим вазиятларининг ташкил этилиши, б) ўкувчиларнинг мустақил фаолиятининг вужудга келтирилиши.

39. Методика – таълим амалиётида кўлланиладиган методлар тизими.

40. Методология – методлар, усуслар ва предмет тадқиқот стратегиясининг назарий жиҳатдан ўрганилиши, улар хакидаги фан.

41. Модель – объекtlар ёки белгилар тизими, тизимнинг айrim мавжуд белгиларидан – оригиналдан қайта тиклаш.

42. Моделлаштириш – (франц. modèle) – педагогик ва психологик ҳодиса ва жараёнларни қайтадан вужудга келтириш.

43. Мотив – эҳтиёжни қондиришига алокадор бўлган фаолиятга нисбатан истак-майл; хатти-харакатлардан келиб чиқиб англанган сабаб.

44. Мотивация – фаолият мазмуни, вазифалари ва характерини белгилайдиган баркарор мотивлар ва майл-истаклар йигиндиши.

45. Шахснинг йўналгандиги – шахснинг борлиқса муносабати, жамоа аъзоси сифатида бошқа кишиларга муносабат, меҳнат ва унинг натижаларига муносабат, ўз-ўзига муносабат тизими.

46. Амалий тадқиқотнинг илмий янгилиги – ушбу амалий тадқиқотнинг илмий янгилиги шунда ифодаланади, унда педагогик жамоа ва таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчиси ўз-ўзини ривожлантириши учун, лойиха методи (ЛМ)ни кўуллаган ҳолда, маданий-ижодий муҳит яратиш жараёни тадқиқ этилади, шунингдек, умумтаълим мактабларида маданий-ижодий муҳитни шакллантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда педагогик жамоанинг ўз-ўзини такомиллаштириши муаммосини ҳал этишга қаратилган қўлланма тайёрлаш назарда тутилади, бу эса таълим жараёни иштирокчиларини интеллектуал-ижодий ривожлантириш учун йўлланма хисобланаб, педагогик жамоани ўз-ўзини такомиллаштириши сари йўллади.

47. Таълим макони - социумдаги мавжуд ижтимоий фаолият бўлиб, унда шахс ва жамиятнинг ижтимоий-маънавий, интеллектуал, иктисадий потенциали шаклланиши амалга ошади.

48. Таълим жараёни – ижтимоий-маданий тажрибаларни узатиш ва ўзлаштириш, шунингдек, уни бойитиш кобилиятини шакллантириш.

49. Педагогик технология – таълим концепциясига мувофиқ ўқувтарбия жараёнларини амалга оширилишини таъминлайдиган ўқитишининг метод ва усуслари ийғиндиши.

50. Педагогик жамоа (ПЖ) — барча гурӯҳ ва умуман унинг ҳар бир аъзоси учун аҳамиятли хисобланган умумий қадриятлар, фаолият мақсади ва вазифаларига эга бўлган ҳолда, таълим муассасаси ягона жамоасининг органик таркибий қисми саналиб, унда шахслараро муносабатлар ҳамкорликдаги бевосита ижтимоий қадрли ва шахсий аҳамиятли мазмун касб этади ҳамда ўзаро алоқадорлик ва масъулиятнинг тенг тақсимланиши принципи асосига курилади.

51. Лойиха (педагогик аспект) – ўқитувчи томонидан маҳсус уюштирилган ва ўқувчилар учун муҳим масалаларни ҳал этишида улар томонидан қўлланиладиган аник, амалий натижа билан якунланадиган мустақил ҳатти-харакатлар мажмуи.

52. Ривожланиш – фалсафий категория, у яхлит тизимдаги ўзгаришлар ва харакатдаги жараёнларни ифодалайди. Ушбу жараённинг характерли жиҳатларига: сифат жиҳатидан янги объектнинг вужудга келиши (ёки унинг холати), унинг йўналганилиги, тақрорланмаслиги, қонунийлиги, миқдор ва сифат ўзгаришларининг бирлиги, прогресс ва регресс бирлиги, қарама-қаршилиги, спиралсимонлиги, шаклан циклилиги, вақт ичидаги кўчуб юриши киради.

53. Шахснинг ривожланиши – тарбия ва индивиднинг ижтимоийлаштирилиши натижасида унинг ижтимоий сифатларини такомиллаштириш асосида шахсни ривожлантириш жараёни.

54. Педагогик жамоанинг ривожланиши – имманент (ички хусусиятларига хос бўлган, унинг табиатидан келиб чиқадиган) характердаги динамик жараён, у яхлит жамоанинг барча таркибий қисмлари: хусусиятлари, жараёнлари ва тузилмасига бирдек тегишли хисобланади.

55. Ўз-ўзини ривожлантириш – шахс (гурух, жамоа)га хос психологик нуфусдаги, фаол, изчил, прогрессив, сифат жиҳатидан аввалги холатига қайтмайдиган жараён. Ўз-ўзини ривожлантириш – камолоттга интилиш, олга босишга интилиш, ўзини шахс сифатида такомиллаштиришдир. Ўз-ўзини такомиллаштиришнинг харакатлантирувчи кучлари: мен-идеал билан мен-аслият орасидаги номутаносибликни англаш; мотивлар кураши, хулк-авторин ташкил

этиш оркали ўз камчиликларини йўқотиш, шунингдек, инсон ҳаётида содир бўладиган ички қарама-каршиликлардан иборат. Ижодий фаолият имконияти оркали ўзлигини намоён қилиш ўз-ўзини ривожлантиришга шарт-шароит яратади. Шахснинг фаоллиги ўз-ўзини ривожлантиришнинг асосини ташкил этади.

56. Педагогик жамоанинг ўз-ўзини ривожлантириши – педагогик жамоанинг ўз ички табиатига мувофиқ тарзда кечадиган гуманистик парадигмага томон харакатини белгиловчи жараён.

57. Ҳамкорликдаги фаолият – мақсадга мувофиқ тарзда моддий ва маънавий маданият объексларини ишлаб чиқишига қаратилган ўзаро таъсиридаги индивидлар фаоллигининг ташкиллашган тизими.

58. Ижтимоийлашиш – ижтимоий-маданий муҳитдаги ҳаётий фаолияти давомида индивидни ўзлигини намоён этаётган шахс сифатида камолотга эришиб боришини таъминлайдиган ривожланиш жараёни.

59. Ижтимоий-психологик иклим – шахсларро муносабатларнинг сифатий тавсифномаси, у субъектнинг ривожланишига имконият яратиши, ҳамкорлик фаолияти жараёнларида педагогик жамоанинг ривожланиши (ёки аксинча ривожланишдан ортда қолиши мумкин).

60. Қобилият (лаёкат) – бу шундай мазмун-моҳиятга эга сифатки, у туфайли индивидуал ифода мезонига эга бўлган, фаолиятни ўзлаштириш ва амалга оширишнинг ютуғи ва ўзига хослигини ифолайдиган, у ёки бу маҳсулдор фаолиятни муввафқият билан бажаришнинг шарт-шароити ҳисобланган аниқ руҳий вазифалар татбиқ этилади. У шахснинг у ёки бу фаолият турига нисбатан канчалик барқарор мойилликка эгалигини кўрсатувчи умумий ўйналиш билан яқиндан алоқадордир. Қобилият (лаёкат) даражаси ва савиасининг ўсиши унинг зўр иктидорга эга бўлишини белгилайди.

61. Маданий ижодкорликка лаёкатли шахснинг кўнікмалари:

1) ўз маданий тажрибасини маданиятини англаш усули сифатида қўллаш,  
2) маданий ғояларни янги қадрияти ўйналишларда англай билиш, трансформациялаш, қайта тикилаш ва ривожлантириш, бошқа субъектлар билан биргаликда маданий муҳитга таъсириш ва уни ўзгартириш.

62. Муҳит – инсонни ўраб турган ва у билан ўзаро алоқада бўлган шарт-шароитлар мажмуи.

63. Маданий муҳит (аниқ таълим муассасаси нуқтаи назаридан) – бу болалар ушумларида боланинг маданий ривожланишига қаратилган макон, ушбу муҳитнинг асосий параметрлари – мулокот, қадриялар, белгилар, жиҳозлар, предметлардир. Илгари маданий ривожлантириш учун мазкур маконга жуда кам эътибор қаратилган, унинг мультимаданий шаклларига деярли эътибор берилмаган.

64. Ижтимоий муҳит – инсоннинг мавжудлиги ва фаолиятини белгилаб берувчи ижтимоий, моддий, маънавий шарт-шароитлардир. Ижтимоий муҳит кенг маънода иктиносидой, ижтимоий институтлар, жамият тафаккури ҳамда маданиятни камраб олади (макромуҳит)

65. Ижтимоий-маданий муҳит – муайян ҳудудга тегишли ижтимоий – иктиносидой ва маданий-таълимий макон, унинг кўмагида таълимнинг гуманистик концепциясини жорий этишда таълим жараённида шахснинг ижтимоийлашиши ва инкульпацияси амалга ошади.

66. Ўқув мухити - ўқутиш ва ўқув жараёнларини таъминловчи аниқ моддий, коммуникатив ва ижтимоий шарт-шароитлардир.

67. Субмаданият – анъанавий маданиятга хос хулк-автор стереотиплари, қадриятлари, меъёрлари ва тасаввурлар йигиндиси, у нисбатан чекланган уюшмага эгалиги билан изохланади; бу хил уюшмага хос маданий хаёт ва мулоқотнинг ўз-ўзини ташкиллаштирилиш шакли; ижтимоий маданий меъёрлар ва қадриятлар ҳақидаги тушунчалари бир хил бўлган нисбатан чекланган уюшмадаги кишилар йигиндиси.

68. Ижод – мавжуд билимлар ва тушунчаларни янгилаш йўли билан янгилик яратишга қаратилган узлуксиз фаолият жараёни, назарий, амалий, шахсий ва ижтимоий масалаларни мустақил, ностандарт йўл билан ҳал этиш лаёкати. Ижоднинг натижаси янги моддий ва маънавий қадриятларнинг яратилишида намоён бўлади.

69. Шаклланиш – шахсий фаоллик, мақсадга қаратилган тарбия, мухит ва аждодлар мероси таъсирида инсон шахсиннинг таркиб топиш жараёни.

70. Қадриятли йўналишлар (ижтимоий психология нуқтаи назаридан) – (франц. orientation – йўналтириш, йўл тутиш, йўл-йўрик) субъектнинг атроф борликни баҳолашида таянадиган мағкуравий, сиёсий, ахлоқий, эстетик ва бошқа асослар; индивиднинг обьектларни аҳамиятига кўра табакалаштириш усули.

71. Шахснинг қадриятли йўналишлари – ҳаётий мақсад сифатида майдонга чиқиб, айни масадларга эришишнинг асосий воситаси вазифасини бажарувчи, мазкур вазифаларни адо этишда индивид хулк-авторини мувоффиклаштирувчи шахс томонидан ажратиб олинган ижтимоий қадриятлар

72. Эксперт баҳоси – бевосита ўлчаш имкони бўлмаган ҳодиса ва жараёнларни тартиби ёки микдорий жиҳатдан баҳолаш; у мутахассисларнинг индивидуал ёки жамоавий тарзда билдирилган мулоҳазаларига асосланади. Эксперт баҳоси – микдорий ёки сифатий шаклда (яхши, ёмон, кўп, кам каби) ифодаланган эксперт мулоҳазасидир. Унинг индивидуал, гурухли ва жамоавий турлари мавжуд. Индивидуал баҳолар муайян тартиб-коида асосида олинниб, балли, жуфтликдаги баҳолар бўлиши мумкин.

73. Самарадорлик – натижаларнинг баҳоланиш даражаси. Таълимга нисбатан олинганда ижтимоий ва иктисодий самарадорлик ўзаро фаркланади. Ижтимоий самарадорлик ёшларни таълимий, маданий, қасбий даражасининг ошиши, жамият ҳаётидаги салбий ҳодисаларнинг бартараф этилиши, фойдали малака ва одатларнинг шакллантирилиши билан изохланади. Иктиносий самарадорликка таълим мuddатининг қисқартилиши, сифат жиҳатидан ўсиши, мактаб тармогининг оқилона жойлаштирилиши, ўзлаштировчилар сонининг камайиши кабилар хисобига эришиш мумкин, шунингдек, бунда таълимга янги методларнинг татбиқ этилиши хамда илғор педагогик тажрибалардан фойдаланиш хам муҳим ўрин тутади.

74. Мен-концепция – индивиднинг ўзи ҳақидаги нисбатан барқарор, бирмунча оз ёки кўп даражада англанган тасаввурларининг бетакрор тизими, уларга асосланаб индивид ўз-ўзига баҳо беради ва бошқа кишилар билан муайян муносабатларини шакллантиради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Конституция Республики Узбекистан. – Т.: Адолат, 1998. – 152 с.
2. Закон Республики Узбекистан «Об образовании». // Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. – Т.: Главная редакция издательско-полиграфического концерна «Шарк», 1997. – 20-30 с.
3. Национальная программа по подготовке кадров. // Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. – Ташкент: Шарк, 1997. – 63 с.
4. Андреева Г.М. Социальная психология: Учебник для высших уч. заведений. – М.: Аспект Пресс, 2000. – 376 с.
5. Андриенко Е.В. Социальная психология: Учеб. пособ. для студ. высш. пед. учеб. заведений. / Под ред. В.А. Сластенина. – М.: Издательский центр «Академия», 2000. – 264 с.
6. Афонин С. Планирование информатики в 5-6 классах. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://edugalaxy.intel.ru/>.
7. Баранов О.А. Культуротворческая модель школы и медиаобразование [Электронный ресурс]. – URL: <http://media-journal.franko.lviv.ua/>.
8. Бессонов Р.В., Околелов О.П. Специфика обучения в профильной школе: содержание и процесс. // Педагогика. – 2006. – №7. 23-29 с.
9. Бим-Бад Б.М. Педагогический энциклопедический словарь. – М., 2008. – 528 с.
10. Бим-Бад Б.М. Щит и оборона детства. – М.: Изд-во Российского открытого университета, 1995. – 68 с.
11. Битянова М.Р. Социальная психология: наука, практика и образ мыслей. – Москва: ЭКСМО-Пресс, 2001. – 575 с.
12. Бошлангич таълим жараёнида хорижий тилларни ўқитишнинг инновацион технологиялари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ЎЗПФИТИ, 2015. I-II китоб.
13. Выготский Л. С. Педагогическая психология. / Под. ред. В.В. Давыдова. – М.: Педагогика, 1991. – 480 с.
14. Галкина Т.П. Социология управления. От группы к команде. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 224 с.
15. Гончаров А.И. Реализация методов активного обучения на базе создания компьютерного учебника. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.nntu.ru>.
16. Гребенюк О.С. Педагогика индивидуальности. – Калининград, 1995. – 132 с.
17. Громыко Ю.В. Мыследеятельностная педагогика. – Минск: Техно-принт, 2000. – 376 с.
18. Даъл В.И. Толковый словарь живого великорусского языка: В 4 т. – СПб., 1863-1866. / Полный текст «Толкового словаря живого великорусского языка» Владимира Ивановича Даля (тт. 1-4, 1863-66) в соответствии с современными правилами орфографии. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://slovari.yandex.ru/>.

19. Дежникова Н.С. Педагогический коллектив средней общеобразовательной школы как субъект воспитания. Автореф. дис. ... докт. пед. наук. – М., 1989. – 32 с.
20. Департамент общего образования Томской области. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.gpntb.ru/win/search/help/el-cat.html>.
21. Джураев Р.Х. Мультимедийные технологии и реализация дидактического принципа наглядности // Maktab va hayot. – 2005. – № 1. 24-27 б.
22. Джураев Р.Х. Образование как фактор государственной безопасности // Мир образования – образование в мире. – 2002. – № 3. 52-71 с.
23. Джураев Р.Х. Создание информационного пространства на основе применения проектного способа обучения с использованием информационных технологий // Uzluksiz ta`lim. – 2005. – №б. 3-23 б.
24. Джураев Р.Х Сущность и значение проектной деятельности школьников. // Uzluksiz ta`lim. – 2015. – №1. 48-55 б.
25. Джураев Р.Х., Афанасьева И.В. Роль руководителя в создании культуротворческой среды в образовательном учреждении. // Ж. Uzluksiz ta`lim. – 2015. – № 1. 88-91 б.
26. Джураев Р.Х., Цой М.Н. Непрерывное образование и реформы в системе образования Республики Узбекистан // Збірник наукових праць Кременецького обласного гуманітарно-педагогічного інституту ім. Тараса Шевченка. – Випуск 1. Серія: Педагогічні науки. – Кременець, 2007. 19-26 с.
27. Джураев Р.Х., Цой М.Н. О достижениях современной педагогической науки и подготовке профессиональных кадров. // «Глобал олий таълимизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари» мавзуусидаги халқаро илмий конференция материаллари 9 апрел 2015 й. – Навоий: Навоий давлат педагогика институти, 2015. – 43-48 б.
28. Джураев Р.Х., Цой М.Н., Гайер Т.В. Метод проектов при изучении тепловых явлений в VI классе. // Fizika, matematika va informatika. – 2015. – № 3. 90-96 б.
29. Дридзе Т.М. На пороге экоантропоцентрической социологии. // Общественные науки и современность. – 1994. – № 4. 97-103 с.
30. Дубова М. В. Организация проектной деятельности младших школьников: Практическое пособие для учителей начальных классов. – М.: Баласс, 2011. – 80 с.
31. Дудин С.М. Компьютеризация учебного процесса // Физика в школе. – 2004. – № 2. 59-63 с.
32. Дудин С.М. Компьютеризация учебного процесса // Физика в школе. – 2004. – № 4. 65-67 с.
33. Ежова Н.М. Визуальная организация информации в компьютерных средствах обучения (на примере математики): Дисс. ... канд. пед. наук. – М.: МГТУ, 2004. – 132 с.
34. Жариков Е.С. Психология управления. – М., 2002. – 510 с.
35. Зелинский М.М. Целеполагание при реализации новых информационных технологий в образовании // Роль и значение

телекоммуникаций и информационных технологий в современном обществе: Труды международной науч. конф. 27-30 сентября 2005. В 3-х т. – Ташкент, 2005. Т.2. – 100-102 с.

36. Зинченко В.П. Размышления о душе и ее воспитании. // Вопросы философии. – 2002. – № 2. 119-136 с.

37. Каракозов С.Д. Развитие содержания обучения в области информационно-образовательных систем: подготовка учителя информатики в контексте информатизации образования / Под ред. Н.И.Рыжовой: Монография. – Барнаул, 2005. – 300 с.

38. Качество образования и информационные технологии / Бегалов Б.А., Инамов У., Кудратов С.Р., Бобожонов А. // Ахборот-коммуникациялар технологиялари асосида электрон ўкув адабиётларини яратиш: тажриба, муаммо ва истиқболлар: Тез. докл. респ. научн. конф. 28 апреля 2004. – Ташкент, 2004. – 10-13 с.

39. Кирпиченко Е. В. Творческая активность учащихся в процессе проектной деятельности на уроках информатики. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://festival.lseptember.ru/articles/573668/>.

40. Кичева И.В. Обогащение педагогической терминологии в 90-е годы XX века. – Пятигорск: Изд-во ПГЛУ, 2004. – 404 с.

41. Козырев Ю.В. Организация командной работы учителей в условиях развития школы. Дисс. ... канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2002. – 175 с.

42. Колесников И.А., Горчаков-Сибирская М.П. Педагогическое проектирование: Учеб.пособие для высш. учеб. заведений. /Под ред. И.А.Колесниковой. –М.: Изд.центр. «Академия», 2005. – 288 с.

43. Конаржевский Ю.А. Формирование педагогического коллектива для директоров, заместителей директоров школ. – М.: Обр. центр «Педагогический поиск», 1998. – 60 с.

44. Коротаева В. Педагогическое взаимодействие как научная категория. // Понятийный аппарат педагогики и образования: Сб. науч. трудов. Вып. № 3. – Екатеринбург: Изд. «СВ-96», 1998. – 352 с.

45. Коротков А.М. Компьютерное образование с позиций системно-деятельностного подхода. // Педагогика. – 2004. – № 2. 3-10 с.

46. Коротков А.М. Компьютерное обучение: система и среда. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.infojournal.ru>.

47. Коротков А.М. Подготовка школьников к обучению в дидактических компьютерных средах: Учебное пособие. – Волгоград: ВГУ, 2002. – 136 с.

48. Краткий педагогический словарь. / Под ред. Г.М. Андреевой и др. – М., 2005. – 68 с.

49. Крылова Н. Культурология образования. – М.: Народное образование, 2000. – 272 с.

50. Курбаналиев А.У. Роль новых информационных технологий в преподавании естественных дисциплин // Стратегия развития системы общего среднего образования: Респ. научно-практическая конф. 20-21 октября 2006. – Ташкент, 2006. – 30-32 с.

51. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Управление качеством образования. – Т.: Шарк, 2004. – 592 с.
52. Лаврухина Е.А. библиография Адаптация и развитие личности в контексте образования. // Credo. – 1998. – № 4 (10). – 49-56 с.
53. Лебедева В.П., Орлова В.А., Панов В.И. Психодидактические аспекты развивающего образования. // Педагогика. – 1996. – №6. 26-30 с.
54. Лихолетов В.В. Теория и технология интенсификации творчества в профессиональном образовании: Автореф. дис. ... доктора пед. наук. – Екатеринбург: РГППУ, 2002. – 39 с.
55. Макаренко А.С. Пед. соч. в 8 томах. – М.: Педагогика, 1984.
56. Макареня А.А. Культуротворческая среда: статус, структура, функционирование. – Тюмень: Изд-во ТОГИРРО, 1997. – 66 с.
57. Мануйлов Ю.С. Средовий подход в воспитании. // Педагогика. – 2000. – № 7. 36-41 с.
58. Марков О.В. Сценарная культура режиссеров: художественно-педагогические аспекты: Дис. ... докт. педагог. наук. – СПб, 2003. – 365 с.
59. Матрос Д.Ш. Педагогический мониторинг. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.cdo.susu.ac.ru>.
60. Михайлова Л.И. Социология культуры. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 1999. – 275 с.
61. Музей прикладного искусства Узбекистана [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.artmuseum.uz/tubeteyki.html>.
62. Мухина С.А., Соловьева А.А. Нетрадиционные педагогические технологии. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2004. – 384 с.
63. Назаров А.И. Моделирование образовательного процесса с применением информационных технологий. // Роль и значение телекоммуникаций и информационных технологий в современном обществе: Труды международной науч. конф. 27-30 сентября 2005. В 3-х т. – Ташкент, 2005. Т. 3. – 31-33 с.
64. Николенко Л. Тюбетейка нужна для того, чтобы с неба было радостно на тебя смотреть. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://iqmena.livejournal.com/298039.html>.
65. Новикова А.А. Медиаобразование в России и Европе в контексте глобализации. – Таганрог: Изд-во Кучма, 2004. – 168 с.
66. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учеб. пособие для студ. пед. вузов и системы повыш. квалиф. пед. кадров / Е.С. Полат, М.Ю. Бухаркина, М.В. Моисеева, А. Е. Петров. – М.: Издательский центр "Академия", 2001. – 252 с.
67. Овчарова Р.В. Технологии практического психолога образования. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: URL- <http://psyera.ru/5>.
68. Ожегов С.И. Словарь русского языка. / Онлайн-версия толкового словаря С.Ожегова). [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.ozhegov.org/>.

69. Пахомова Н. Ю. Метод учебного проекта в образовательном учреждении: пособие для учителей и студентов пед. вузов. – М.: АРКТИ, 2008. – 112 с.
70. Педагогика. Педагогические теории, системы, технологии / С.А.Смирнов, И.Б.Котова, Е.Н.Шиянов и др.; под ред. С.А.Смирнова. – М.: Академия, 2000. – 510 с.
71. Педагогическая энциклопедия. В 2-х томах. – М.: Научное издательство «Большая Российская энциклопедия», 1999.
72. Песоцкий Ю.С. Структурно-функциональные особенности высокотехнологической образовательной среды. // Адукацыя і выхаванне. – 2002. – № 10. 33-41 с.
73. Плахотник О.В., Толипов У.К., Цой М.Н. Формирование культуры межнационального общения – социально-педагогическая проблема // Опыт, проблемы, перспективы формирования культуры межнационального общения: Материалы респ. научно-практической конф. 23-24 января 2008. – Шымкент, 2008. – С. 198-202.
74. Полонский В.М. Словарь по образованию и педагогике – М.: Высшая школа, 2004. – 512 с.
75. Проект национальной стратегии внедрения ИКТ в общее образование Республики Узбекистан // Международная конф. по вопросам ИКТ в общем образовании Узбекистана 11-12 ноября 2005. Ташкент, 2005. 32-54 с.
76. Прокуряков С.А. Развитие творческих способностей обучающихся на уроках истории и обществознания. // Педагогические науки. – 2014. – № 6. 61 с.
77. Психологическая теория коллектива. / Под ред. А.В. Петровского. – М: Просвещение, 1979. – 239 с.
78. Ракитина Е.А., Лыскова В.Ю. Информационные поля в учебной деятельности. // Ж. Информатика и образование. – 1999. – №1. – 19-25 с.
79. Роберт И.В. Современные информационные технологии в образовании. – М.: Школа-Пресс, 1994. – 205 с.
80. Рожкова С. Проектно-исследовательская деятельность учащихся на уроках информатики. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://pedsovet.org/forum/topic6177.html>.
81. Романовская М. Б. Метод проектов в учебном процессе: метод. пособие. – М.: Центр «Педагогический поиск», 2006. – 160 с.
82. Сейтхалилов Э.А., Раҳимов Б.Х., Маджидов И.У. Педагогический словарь-справочник. / Под общ. ред. Б.Ю. Ходиева. – Т., 2011. – 704 с.
83. Слободчиков В.И. Образовательная среда: реализация целей образования в пространстве культуры. // Новые ценности образования: культурные модели школ. – Вып. 7. – М., 1997. – 177-184 с.
84. Слободчиков В.И., Исаев Е.И. Основы психологической антропологии. Психология развития человека: Развитие субъективной реальности в онтогенезе: Уч. пособие для вузов. – М.: Школьная пресса, 2000. – 416 с.
85. Словарь иностранных слов. / Под. ред. Ф.Н. Петрова. – М., 1964. – 626 с.

86. Смирнов В.И. Общая педагогика в тезисах, дефинициях, иллюстрациях. – М., 1999. – 288 с.
87. Современный словарь по педагогике. / Сост. Е.С. Рапацевич. – Мн.: Современное слово, 2001. – 928 с.
88. Созонова Н.П., Сазонов С.Ю. Улучшенная социальная среда как система и возможности ее проектирования. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://encycl.yandex.ru>.
89. Соловьев В.С. Философские начала цельного знания. / В сб. "Мир философии" в 2-х ч., т. 1. – М.: Политиздат, 1991. – 672 с.
90. Спиркин А.Г. Философия. Учебник. – М.: Гардарики, 2004. – 729 с.
91. Сулейманов В.З. Нормативная модель деятельности по проектированию информационной среды образовательного учреждения // Адеквація і виховання. – 2004. – № 11. 46-53 с.
92. Сухомлинский В.А. Избранные педагогические сочинения. В 3-х т. Т. 3. – М.: Педагогика, 1981. – 640 с.
93. Тайлаков Н.И., Цой М.Н. Дистанционное обучение в подготовке научно-педагогических кадров в системе непрерывного профессионального образования. // Актуальные проблемы подготовки научных, научно-педагогических кадров на этапе модернизации содержания образования: Материалы респ. научно-практической конф. 3-4 мая 2006. – Ташкент, 2006. – С. 168-170.
94. Таълим-тарбия жараённида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ЎзПФТИ, 2015. I-IV китоб.
95. Торхова А.В. Персональное образовательное пространство будущего учителя. // Народная асвета. – 2004. – № 4. 21-23 с.
96. Фёдоров А.В. Медиаобразование: вчера и сегодня. – М.: Изд-во МОО МПП ЮНЕСКО «Образование для всех», 2009. – 234 с.
97. Цой М.Н. Культуротворчество при изучении орнаментальных мотивов художественного промысла узбекского и русского народов. // Актуальные проблемы российско-монгольского сотрудничества: языковой, культурно-исторический и экономический аспекты: Сб. материалов XI Междунар. научно-практич. конф. 25 мая 2015. – Улан-Батор, 2015. – 242-251 с.
98. Цой М.Н. Мультимедийные технологии в личностно ориентированном обучении // Вісник прикарпатського університету: Педагогіка. Випуск XXI. Івано-Франківськ – Горлівка, 2008. Частина 2. – с. 322-328.
99. Цой М.Н. Потенциал средств новых информационных технологий в развитии образовательной системы в Узбекистане // Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию: Сборник научно-методических статей в 11 частях. – Ташкент, 2007. Часть 2. – С. 221-224.
100. Цой М.Н. Современные технологии на пути к информационному обществу // Наукові записки Ніжинського державного університету імені Миколи Гоголя. Серія: Психологіко-педагогічні науки. Збірник наукових праць. – № 2. – Ніжин, 2007. – с. 21-23.

101. Цой М.Н. Соединение новых информационных технологий и инновационных педагогических методик // Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию: Сборник научно-методических статей в 11 частях. – Ташкент, 2007. Часть 3. – С. 85-88.
102. Цой М.Н., Джураев Р.Х., Доттоев С.Х., Выборнов С.А. Свидетельство № DGU 02704. Программная оболочка для разработки учебно-методических ресурсов. / Агентство по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан. Дата поступления заявки № DGU 2013 0012 22.01.2013; зарегистрировано 15.02.2013. // Расмий ахборотнома. – 2013. – № 3 (143). – С. 144.
103. Цой М.Н., Стыркас И.Н. О формировании информационной культуры учащихся. // Шаг в будущее: интеграция науки и практики в современных условиях: Материалы международной научно-практической конф. 14-15 апреля 2015 г. II том. – Шымкент: Университет «Мирас», 2015. – 138-142 с.
104. Цой М.Н., Стыркас И.Н. Формирование информационной культуры посредством диалога культур. // Гуманитарный вестник Горловского института иностранных языков: сб. науч. тр. / Редкол.: Н.И. Иванова и др. – Вып 1. – Горловка: изд-во ГИИЯ ДНР, 2015.– 166-174 с.
105. Чернобай Е.В. Проектирование учебного процесса учителем в современной информационной образовательной среде. – М.: УЦ «Перспектива», 2011. – 112 с.
106. Черноушек М. Психология жизненной среды. / Пер. с чеш. И.И. Попа. – М.: Мысль, 1989. – 46 с.
107. Шадриков В.Д. Психология деятельности и способности человека: Учебное пособие. 2-е изд. – М: Издательская корпорация «Логос», 1996. – 320 с.
108. Шевандрин Н.И. Социальная психология в образовании: Уч. пособие. – М.: Владос, 1995. – 544 с.
109. Шпет Г.Г. Введение в этническую психологию. – СПб: Изд. дом "П.Э.Т.", изд-во "Алетейя", 1996. – 154 с.
110. Щедровицкий Г.П. Система педагогических исследований (методологический анализ). / В кн. "Педагогика и логика" – М.: Кастанъ, 1992. – 416 с.
111. Dzhuraev R., Tsoy M.N. From development of pedagogical program products to creation of scientific educational complex. // The Advanced Science Journal. Issue 3. – United State, 2015. 13-16 с.
112. Olpictures. [Electronic resource]. – URL: <http://olpictures.ru/kartinki-uzbekskih-hudojnikov.html#2>.

## Физикани ўрганишда лойихалар методидан фойдаланиш

«Ким қизиқтириб ўқита олсагина, у ўргата олади»  
A. Эйнштейн

Табиий фанлар орасида физика фани етакчилардан бири ҳисобланади. Физика табиат конунларини ўрганиб, улар асосида аник жараёнларнинг кандай кечишини изохлаб беради. Ушбу конунларни англаш, табиат ҳодисаларининг ўзаро алокадорлиги ва сабабларини аниқлаш инсониятнинг ҳаёт кечиришига имкон беради.

Аммо ҳозирги кунга келиб мактабларда физикани ўқитишида катор муаммолар юзага келмоқда. Бу аввало кўргазмали ва лаборатория жиҳозларининг етишмаслиги, ўқитишининг эски методикалари кўлланаётгани, энг муҳими, ушбу ўкув предметини ўргатишга ажратилган дарс соатларининг камлиги билан боғлиқ [22].

Физикани ўрганишга нисбатан «ҳоҳиш уйғотиши ва дидни тарбиялаши» мақсадида таникли олим, ўкув кўлланмалар муаллифи Я.И. Перельман ўқитувчиларга қўйидаги усуулларни тавсия этади:

1. Фан тамойилларини замонавий ҳодисалар иллюстрацияси оркали тақдим этиш.
2. Техникадан мисоллар келтириш.
3. Бадий асар, афсона ва эртаклардан фойдаланиш.
4. Парадокслардан фойдаланиш.
5. Хурофотга оид фикрларни таҳлил этиш.
6. Фавқулодда қиёслашлар қилиш.
7. Кундалик ҳаётдан олинган мисолларни кўриб чиқиш.
8. Математик фокуслар, харакатли стол ўйинлари, кўриш билан боғлиқ соҳта тасавурларни таҳлил этиш.
9. Фан-техника тарихи соҳаси бўйича экспурсиялар ташкил этиш.

Бу усууллар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас; замонавий компьютер технологиялари ва ўқитиши воситаларидан фойдаланиш ўқитувчига уларни чуқурлаштириш ва тўлдириш имконини беради [23].

Физикани ўқитиши лойихалар методидан фойдаланишда кенг имкониятларни яратиб беради:

- I. Лойиҳа методи технологияси** (Б.: 75-99),
- II. 6-синф учун физикадан лойиҳалар** (Б. 99-114),
- III. 7-синф учун физикадан лойиҳалар** (Б.: 114-130),
- IV. 8-синф учун физикадан лойиҳалар** (Б.: 130-143),
- V. 9-синф учун физикадан лойиҳалар** (Б.: 143-158).

Ўқитиши тажрибасининг кўрсатишича, мавзу кундалик ҳаёт билан боғланса, ўкувчилар ёрқин мисоллар ва тажриба-синов ишлари кўмагида қизиқтирилса, уларга муаммоли саволларга мустакил жавоб топиш имкони берилса, у холда ушбу ўкув предметини ўрганишга қизиқиш ортади ҳамда назарий ва амалий малакалар тез ўзлаштирилади.

Физикани ўқитишида кўлланиладиган лойиха методи – бу билиш фаолиятини фаоллаштириш, креативликни ривожлантириш бўлиб, айни вактда, у ўқитувчи ва ўқувчиларда шахсни сифатларни шакллантиришнинг самарали воситасидир. Хар қандай билим Физика курсининг «Кузатиш – фикр – тажриба – билим» алгоритми бўйича ўзлаштирилади. Шунга кўра, лойиҳалар методи қўйидаги асосий боскичларни камраб олади:

1. Лойиҳа топширигини ишлаб чиқиш;
2. Лойиҳани ишлаб чиқиш;
3. Натижаларни жиҳозлаш;
4. Тақдимот;
5. Рефлексия.

Лойиҳа технологияси билан танишириш учун лойиҳа устида ишлаш жараёнида ишнинг турли боскичларида ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан амалга ошириладиган харакатларга тўхталамиз [13] (жадвал №1).

Жадвал №1

Боскичлар	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчилар фаолияти
<b>1. Лойиҳа топширигини ишлаб чиқиш</b>		
<b>1.1. Лойиҳа мавзусини танлаш</b>	Ўқитувчи умумий мавзууларни ажратиб олади, уларни ўқувчилар эътиборига хавола киласди, шунингдек, мухокамаларда иштирок этади	Ўқувчилар мухокама киласдилар ва мавзу бўйича умумий карор кабул киласдилар ёки мустакил равишда мавзу танлайдилар ва синф мухокамасига хавола киласдилар.
<b>1.2. Лойиҳа мавзуси ва йўналишини ажратиш</b>	Ўқитувчи ўқувчиларга танлаб олиш учун мавзу бўйича мавзучаларнинг тахминий рўйхатини хавола киласди ва уларнинг мухокамаларида иштирок этади.	Таклиф этилган рўйхатдан хар бир ўқувчи ўзининг умумий мавзу йўналишига таалуски мавзучасини танлайди ёки янгисини таклиф киласди. Хар бир ўқувчи биттадан мавзуча танлайди (яъни, ўзининг ролини белгилайди).
<b>1.3. Ижодий гурухни шакллантириш</b>	Ўқитувчи мавзу ва фаолият турини танлаган ўқувчиларни бирлаштириш учун ташкилий ишларни амалга оширади.	Ўқувчилар ўз ролларини бегилаб олишгани сабабли унга мувофиқ кичик командаларга бўлинадилар.
<b>1.4. Тақдикот ишига материал тайёрлаш.</b>	Агар лойиҳа ҳажмдор бўлса, ўқитувчи топширикни олдиндан ишлаб чиқади, изланувчаник фаолияти учун саволлар, сайтлар рўйхати ва адабиётларни белгилаб олади.	Алоҳида ўқувчилар топширикларни ишлаб чиқишида катнашадилар. Жавобни излаш учун берилган саволлар синф мухокамасига қўйилиб, командада ишлаб чиқилади.
<b>1.5. Лойиҳа фаолияти натижаларини ифодалаш шаклларини аниклаш</b>	Ўқитувчи мухокамада иштирок этади.	Ўқувчилар аввал гурухда, сўнг синфда тадқикот фаолияти натижаларини қандай шаклда тақдим этишини мухокама киласдилар: видеофильм, репортаж, альбом, тақдимот, табиий обьектлар, театр постановкаси ...
<b>2. Лойиҳани ишлаб чиқиш</b>	Ўқитувчи маслаҳат беради, ўқувчиларнинг ишларини мувофиқлаштиради, уларнинг фаолиятини рагбатлантиради.	Ўқувчилар изланиш фаолиятини олиб борадилар.

<b>3. Натижаларни жиҳозлаш</b>	Ўқитувчи маслаҳат беради, ўқувчиларнинг ишларини мувофиқлантириди, уларнинг фаолиятини рағбатлантириди.	Ўқувчилар бошида гурухларга бўлиниб, сўнг бошка гурухлар билан бирга кабул килинган кондалар асосида натижаларни жиҳозлайдилар
<b>4. Лойихани химоялаш</b>	Ўқитувчи экспертизани ташкиллаштириди (масалан, эксперт сифатида юкори ёки ёндош синф ўқувчилари, ота-оналарни таклиф килади ).	Ўз иш натижалари ҳакида маъзуза килади
<b>5. Рефлексия</b>	Ўз иш фаолиятини баҳолар ва ўқувчилар фаолиги нуктаи назаридан баҳолайди.	Иш натижаларини келтириди, истак билдиради, иш учун кўйилган баҳони муҳокама килади

## **I. Лойиҳалар методи технологияси**

### **1 -босқич. Лойиҳа топширигини ишлаб чиқиши. Муаммонинг қўйилиши**

Мазкур босқичда ишлар буткул ўқитувчининг тажрибасига, унинг муаммоли вазиятларни очиб бериш маҳоратига, лойиҳа мавзусини ўқувчилар улардан нималар талаб килинишини тушундиган тарзда шакллантира олишига боғлиқ. Лойиҳалар методи қўлланиладиган машғулотларга тайёрланишида ўқитувчи қўйидаги методик тавсиялардан фойдаланиши мумкин:

1) лойиҳа фаолияти бўйича муаммоли топширик билан таништириш учун дастлабки тайёргарлик машғулотини ўтказинг, унда лойиҳа тематикаси ва бажарилиш муддатини аниклаб олинг:

2) ўқувчиларга лойиҳалаш учун зарур материалларни беринг. Имкон қадар, ўқувчиларнинг ўзлари мустақил равишда лойиҳа мавзусини танласалар ва шакллантирсалар мақсаддага мувофиқ бўлади. Бунда ўқитувчининг вазифаси – мавзу ўқувчиларнинг имкониятлари ва майлларига мутаносиб бўлиши учун уларнинг мавзу танлашларига сезидирмай таъсир кўрсатишдан иборат;

3) ўқувчиларни гурухларга шундай бўлингки, ҳар бир гурухга турлича малакаларга эга бўлган ўқувчилар тенг тақсимлансин. Бу уларга лойиҳа устида ишлаш давомида бир-бирларидан ўрганишга кўмаклашади. Агар гурухда жамоа ишларини амалга оширишда ташкилотчи лидер (албатта, ўқитувчининг муйян ёрдами остида ишлайдиган) мавжуд бўлса, унда ўқитувчининг вазифалари сезиларли даражада енгиллашади. Лекин иш жараённи гурухнинг ҳар кандай иштироқчисининг ташаббуси бўғилмаслигига кўз-кулоп бўлиб туриш зарур;

4) ўқувчиларда кизиқиши ва тажрибалар ортиши учун уларга ўзингиз ва ўқувчиларнинг кўллайдиган баҳолаш методикасини, ўқув вазифасининг қўйилишини, уларнинг ютуқларини кузатишингизни, қилинган ишларни кандай таҳлил этилишини, лойиҳада ишлаш давомида юкори даражадаги фикрлаш кўнкималари ва рефлексияларининг кандай назорат қилинишини тавсифлаб беринг;

5) дарсдан ёки дарсдан ташқари машғулотдан 5-10 дакиқани оралиқ назорат ишлари ва лойиҳанинг бориши юзасидан зарур маслаҳатлар бериш учун ажратинг;

6) зарурнят түгилганды, ўкувчиларга топширикларнинг нусхалари, кўшимча адабиётлар, сайтлар рўйхати ва компьютерда ишлаш учун ажратиладиган вақт чегараси ҳакида маълумот беринг;

7) уларга мисол тариқасида лойихаларда яратилган маҳсулотларни намуна сифатида кўрсатинг, шунда ўзлари маҳсулот яратишда ундан фойдаланадилар;

8) баҳо мезонлари ва ҳисобот машғулоти (умумлаштирувчи дарс, семинар, пресс-конференция, жамоатчилик билан учрашув, марокли физика кечаси, китоб киоскаси ва б.) мазмуни ҳакида сўзлаб беринг.

Одатда, лойиха устида ишлаш мақсад қўйишдан бошланади. Айнан мақсад ҳар қандай лойиханинг ҳаракатлантирувчи кучидир, чунки иштирокчиларнинг куч-куввати унга эришишга сарфланади. Мақсад – бир қанча муддат талаб этадиган фаолиятнинг исталган натижасидир. Мақсадга қўйиладиган талаблар аниқ бўлиши зарур; улар кичик таркибий қисмларга ажратилиши; ташхисланиши, ва фаолият характеристерини белгилаши (аниклаштириши, шакллантириши, белгилаши) лозим. Сўнгра мавзуу ва лойиха типи танланади.

Ўкув лойихалари бажарилиш муддатига кўра таснифланади:

- мини-войихалар – дарс давомида ишлаб чиқилади;

- қисқа муддатли лойихалар – 2-6 дарсга мўлжалланади;

- ўртача муддатли лойихалар – муайян бўлимнинг тугашига кадар давом этади (войиха топшириги мазкур мавзуни ўрганишнинг ilk босқичида топширилиши лозим);

- индивидуал ёки гурӯхли узоқ муддатли (ийиллик) лойихалар дарсдан ташқари вактда бажарилади. Топширик йил бошида берилади, тайёргарлик имконияти даражасида ҳимоя амалга оширилади. Йил охирида (ўкув предмети ойлиги вакти бўйича) энг яхши ишларни намойиш этиш учун тадбир ўтказилади.

Лойиха мавзусини шакллантиришда ўқитувчи ўкувчиларга мақсаддан келиб чиқиб, ишлаб чиқиладиган лойиха типини танлашни таклиф этиши зарур (2-жадвалга к.);

Жадвал № 2

Лойиха типи	Лойиха мақсади	Лойиха маҳсулоти	Ўкувчиларнинг фаолият тиiplari	Шаклланадиган компетентлик
Амалий ўйналтирилган	Лойиха буюргичиси топшириклирнинг амалий ҳал этилиши	Ўкув кўлланма, макетлар ва моделлар, инструкциялар, эслатмалар, тавсиялар	Муайян ўкув предмети соҳаси бўйича амалий фаолият	Фаолиятга қаратилган малакалар
Тадқиқотчилик	Бирор фаразни исботлаш ёки рад этиш	Ўрнатилган усуулларга кўра жиҳозланган тадқиқот натижаси	Тажрибадан ўтказилган, мантикий, фикрий операциялар билан боғлик фаолият	Фикрлашга қаратилган малакалар
Ахборотли	Қандайдир обьект ёки ходиса ҳакида	Муайян масала бўйинча статистик маълумотлар,	Турли манбалардан олинган ахборотларни ранжировкалаш,	Ахборот соҳасига оид малакалар

	ахборот тўплаш	ижтимоий фикр сўрвономаси натижалари, турли муаллифлар фикрларини умумлаштириш	текшириш кабилар билан боғлик фаолият; кницилар ва ахборот ташувчилар билан мулокот	
Ижодий	Аудитория-нинг кизиқишини лойиха муаммосига йўналтириш	Бадиий, тасвирий, амалий-декоратив асарлар, видеофильмлар ва б.	Аудиторияда тескари алоқа ўрнатиш билан боғлик ижодий фаолият	Коммуникатив
Ўйинли ёки ролли	Аудиторияга иштирокчи-ларнинг лойиха муаммосини ечишга оид тажрибасини тақдим этиш	Тадбир (ўйин, мусобака, викторина, экспурсия ва б.)	Гурухли коммуникациялар билан боғлик фаолият	Коммуникатив

Ўқув йилининг бошиданоқ лойиха мавзусини тақвимий режага киритиб қўйиш зарур. Ҳимоя ўтказиладиган дарс ва машгулотларга тайёрланиш учун кетадиган вақтни хисобга олиб, унга зарур тузатишлар киритиш лозим. Лойиха химояси учун ўқув предмети ойлигини ўтказиши бўйича тадбирлар билан кўсан даредан ташкари вақтни хам режалаштириш мумкин. Интегратив дарсларни ишлаб чикиш ва унга турли предметдан дарс берадиган ўқитувчиларни жалб этиши максадга мувофиқидир.

6-синф учун тақвимий режалаштириш намунасини келтирамиз (*loyiixa mavzulari tўyўk shriftida ajratib kўrsatiladi*). Жадвал №3:

## 6-синф

### 1 чорак

Дарс №	Дарс мавзулари	Соатлар	Ўтказилиш муддати	сана	Эслатма Изоҳ
1-дарс	Кириш. Физика нимани ўргатади? Физик ҳодисалар. <b>Физиканинг ривожланинг тарихи хакида маълумот</b>	1			Киска муддатли ва узук муддатли лойихалар учун топширик
2-дарс	Жамият ривожланишида физиканинг ахамияти. <b>Ўзбекистандаги физика тараккиёти</b>	1			Информацион лойихалар
3-дарс	Демокрит, Розий, Беруний ва Ибн Синонинг модданинг тузилиши хакидаги таълимоти	1			Лойихалар учун мавзу

4-дарс	Молекулалар ва уларнинг хажмлари	1			Амалий йўналтирилган лойиха
5- дарс	<b>Молекулаларнинг харакати ва ўзаро таъсири</b> Броун харакати	1			
6-дарс	Турли мухитдаги диффузиялар	1			
7-дарс	Қаттиқ жисмлар, газлар ва суюқликларнинг молекуляр тузилиши. Лаборатория иши <b>Суюқликларда диффузия ходисасини ўрганиш</b> (ўйда бажарилади)	1			Тадқикот лойихаси
«Жисмнинг тузилиши хақидаги таълимот»	лойихаси химояси бўйича синфдан ташкари тадбир	2			Лойихаларнинг химояси
8-дарс	Назорат иши – 1	1			
9-дарс	Жисмларнинг механик харакати. Траектория. Жисмларнинг ўтган йўллари ва унга сарфланган вакт. Ўтган йўл ва вакт бирликлари	1			
10-дарс	Текис ва нотекис харакат хақида тушунча. Уни ўлчаш тезлиги ва бирлиги	1			<b>«Мактабдан ўйгача ўртача харакат тезлигини хисоблаш»</b> мини лойихаси учун топширик
11-дарс	Жисм массаси. Масса бирликлари	1			
12-дарс	Лаборатория иши. Ричаг вазнида жисм массасининг ўлчами	1			
13-дарс	Зичлик ва каттиқ жисм зичлиги бирликлари. Беруний ва Хазиний таълимотига кўра, зичликни аниқлаш усуслари	1			<b>«Масса ва зичлик»</b> лойихаси учун топширик
14-дарс	Лаборатория иши. Қаттиқ жисм зичлигини аниқлаш	1			
15-дарс	Жисмларнинг ўзаро таъсири хақида маълумот. Куч	1			
16-дарс	Лаборатория иши. <b>Мустақил ясалган динамометрда кучни ўлчаш</b>	1			Мини-loyihxa Амалий йўналтирилган

17-дарс	Масала ечиш	1			
18-дарс	Назорат иши -2	1			

**II чорак**

Дарс №	Дарс мавзулари	Соат-лар	Ўтказилиш муддати	Сана	Эслатма изоҳ
19-дарс	Босим. Ўлчов бирликлари. <b>Паскал қонуни ва унинг кўлланилиши</b>	1			Информацион лойиха учун топширик
20-дарс	Суюклик ва газларда босим	1			
21-дарс	<b>Атмосфера босими ва инсон.</b> Торричелли тажрибаси	1			Тадқикот лойихаси
22-дарс	<b>Архимед қонуни ва унинг кўлланилиши</b>	1			Лойиха учун топширик
23-дарс	Суюклик ва газларда харакатланувчи жисмга таъсир этувчи кучлар	1			
24-дарс	Масала ечиш	1			Лойиҳалар химояси
25-дарс	Назорат иши -3	1			
26-дарс	Иш ва энергия ҳакида тасаввур	1			Лойиха учун топширик
27-дарс	Энергия турлари.Кувват. «Энергиянинг бир меъёрда ишлатилиши»	1			Лойиха учун топширик
28-дарс	Масса оғирлиги маркази ва унинг аникланиши. Мувозанат турлари	1			
29-дарс	Куч моменти. Ричаг, ричагда кучнинг мувозанати	1			
30-дарс	Лаборатория иши. Оддий механизмларниң фойдали харакатлари коэффициентини аниклаш	1			Амалий йўналтирилган лойиха учун топширик
31-дарс	<b>Инсон хаётида оддий механизмларнинг тутган ўрини.</b> Блок, кия текислик, винт ва пона ва чигирик	1			
32-дарс	Назорат иши – 4	1			
Синфдан ташкари тадбирлар	<b>Инсон хаётида оддий механизмларнинг тутган ўрини.</b>	2			Лойиҳалар химояси

**III чорак**

Дарс №	Дарс мавзулари	Соат-лар	Ўтказилиш муддати	Сана	Эслатма изоҳ
33-дарс	Механизмларни кўллашда иш тенглиги	1			
34-дарс	Механиканинг олтин коидаси. Механизмнинг фойдали иш коэффициенти	1			

35-дарс	Масала ечиш	1			
36-дарс	Иссикликни хосил килувчи манбалар. Иссикликни қабул килиш	1			Амалий йўналтирилган лойиха учун топширик
37-дарс	Жисмларнинг иссиқликдан кенгайиши	1			
38-дарс	Каттиқ жисм ва суюкликларда иссиқликнинг узатилиши. Иссиқлик ўтказувчанилик. Конвекция	1			
39-дарс	Нурланиш. Нурланишдан сакланиш. <b>Техника, табият ва турмушда иссиқлик ўтказувчаниликдан фойдаланиш</b>	1			Лойихалар химояси
40-дарс	Иссиклик ходисалари ҳакида Фаробий, Беруний ва Ибн Синонинг фикрлари	1			Ижодий лойиха учун топширик
41-дарс	Температура. <b>Термометрлар.</b> Жисм ҳароратини ўлчаш	1			Лойихалар химояси
42-урок	Лаборатория иши. Термометр ёрдамида ҳаво ва суюклик ҳароратини ўлчаш	1			
43-дарс	Назорат иши – 5	1			
44-дарс	Ички энергия ва ўзгартириш усуслари	1			
45-дарс	Ички ёнув двигатели. Буг трубинаси	1			Тадқиқот (информацион) лойиха учун топширик
46-дарс	Реактив двигател. <b>Иссиқлик машиналари ва табиятни муҳофаза қилиш</b>	1			Лойихалар химояси
47-дарс	Ёргулкнинг табиий ва сунъий манбалари	1			«Табиятда ёргулк ходисалари» лойихаси учун топширик
48-дарс	Ёргулкнинг тўғри чизик бўйлаб тарқалиши. Соя ва яримсоя	1			
49-дарс	<b>Қўёш ва ой тутилиши.</b> Ёргулк тезлиги. Ёргулкнинг кайтиши ва синиши	1			Лойихалар химояси
50-дарс	Ёргулк ходисалари ҳакида Беруний ва Ибн Синонинг фикрлари	1			Лойихалар химояси
51-дарс	Масала ечиш	1			Лойихалар химояси

52-дарс	Назорат иши – 6	1		
---------	-----------------	---	--	--

#### IV чорак

Дарс №	Дарс мавзулари	Соат-лар	Ўтказилиш муддати	Сана	Эслатма изоҳ
53-дарс	Ясси кўзгу	1			
54-урок	Линза ҳакида тушунча	1			Лойиха учун тоопширик
55-дарс	Шиша призмада ёргуликнинг таркибий қисмларга ажралиши. Камалак	1			
56-дарс	Лаборатория иши. Ясси кўзгу ёрдамида ёргуликнинг кайтишини ўрганиш	1			
57-дарс	Лаборатория иши. Шиша призма ёрдамида ёргуликнинг спектрга ажралишини ўрганиш	1			
58-дарс	Масала ечиш. «Ёргуликнинг кайтишини, синини ва ажралишини ўрганиш»	1			Лойихалар химояси
59-дарс	Назорат иши – 7	1			
60-дарс	Товуш манбалари ва уни қабул қилгичлар	1			“Товуш нима қила олади?” лойихаси учун топширик
61-дарс	Товушларнинг турли мухитларда тарқалиши.	1			
62-дарс	Товуш ўлчамлари. <b>Уяли телефон.</b>	1			Лойихалар химояси
63-дарс	Товушнинг қайтиши. Акс садо.	1			
64-дарс	Мусикий товушлар ва мусика асблоблари. Товуш ва саломатлик. <b>Шовқиннинг инсон саломатлигига таъсири.</b>	1			Зашита проектов
65-дарс	Масала ечиш	1			
66-дарс + Дарсдан ташкири тадбир	Якуний сухбат «Эртак, фольклор ва бадиий асрларда физика»	2			Узоқ муддатли лойихалар химояси
67-дарс	Назорат иши - 8	1			
68-дарс	Экскурсия	1			

Биз ҳавола этаётган лойиҳа мавзулари физика курси дастурига кирувчи умумий мавзулар бўлгани сабабли, ўқувчилар ўзлари учун умумий мавзуга алоқадор бошқа қизикарли ва мароқли мавзулардан танлашлари мумкин.

## Ўкувчилар учун мавзулар [3]

Лекин у барибир айланаверади!  
Товуқнинг тухуми мутаҳкамми?  
Товуш нима?  
Истиқбол *автоси*: қандай бўлиши мумкин?  
Желенинг агрегат ҳолати  
\*<sup>1</sup> Архимед кучи ва сувдаги инсон  
Ҳайратдан кочиш ёки тирик ва ўлик сувларни излаш  
Катта адрон колладайдер – апокалипсиси ёки тараққиётга йўлми?  
Абадий двигател  
Соатларнинг турлари  
Голограмма ва унинг кўлланилиши  
Гравитация. Бутун жаҳон тортишиши  
Кор иситадими?  
Мўйна иситадими?  
Чақмоқ ва момақалдироқ  
\*Денгиз тубларининг босими  
Менинг полга босимим  
\*Итарувчи куч харакати  
Тафаккур дарахти  
Қаттиқ жисм деформацияси  
\*Уйда бажариладиган лаборатория ишлари  
Физика қонунлари нуқтаи назаридан нафас олиш ва чекиш ҳақида  
Микротўлқинли печка ва таом: фойдалими ёки заарли?  
Шоколод эриши ва совушини унинг таркибига боғлиқлиги  
\*Хаво шари тилсими  
Рақс харакатлари ва физик қонунлар  
Кизиқарли физика  
"Lego" кизиқарли моделлар  
Атрофимиздаги олам дарсida марокли тажрибалар  
\*Физикадан кизиқарли тажрибалар  
Кичик мақтаб ёшидаги ўкувчилар учун физикадан қизиқарли тажрибалар  
Гироскопик эффект асосидаги ўйинчоқлар («Йо-йо» мисолида)  
Бино баландлигини турли усууллар билан ўлчаш  
Резина шар ичидаги оптика ҳаво босимини ўлчаш  
Қаттиқ жисмлар зичлигини ўлчашнинг турли усууллари  
Инсон жисмлари зичлигини ўлчаш  
Үлчов асбоблари — бизнинг кўмакчиларимиз  
Турли дарахтларга хос товуш ютиш хусусиятларини ўрганиш  
Осмоннинг рангини ўрганиш ва изохлаш  
Варрак мисолида учувчи аппаратларни ўрганиш  
Товук тухумининг айrim хусусиятларини ўрганиш

<sup>1</sup>\* - подтемы проектов, выбранные учащимися для рассматриваемого проекта

Кўпприклар курилиши асосларини ўрганиш  
Музлаткичнинг ишлашини ўрганиш ва унинг тавсифномасини аниглаш  
Аралашмада метал туз кристаллари кўпайишини ўрганиш  
Лаборатория иши элементи сифатида коғозларнинг хусусиятларини ўрганиш  
Курилишда ишлатиладиган материалларнинг хусусиятларини ўрганиш  
Полиэтилен пленкалар (целлофан, файл, мукова)ларнинг хусусиятларини  
ўрганиш.  
Турли иссиқлик ўтказувчи матоларни ўрганиш  
Идиш-товор ювиши воситаларининг физик хусусиятларини ўрганиш  
Квартиralар электр таъминотини ўрганиш  
Кўришиллюзияси ва парадокслари  
Кўришиллюзиялари, сароб ёки парадокслар  
Физикадан иллюстрацияли лугат  
Ўт ўчириш бўйича инновацион технологиялар  
Кизикарли механизмлар  
Ахборот берувчи сувлар  
Информацион-иллюстритив топшириқлар  
Ҳавони ионлаш — узоқ умр сари йўл  
Ўсимликлардан парланиш  
Парник эффективини ўрганишда моделлардан фойдаланиш  
Физикадан оддий тажрибалarda пластик бутилкалардан фойдаланиш  
Табиатда реактив ҳаракатлардан фойдаланиш  
Үй шароитида Қуёш энергияси хисобига ишловчи курилмалардан фойдаланиш  
Турмушда электр асбобларни кўллаш ва электроэнергияни қийматини  
хисоблаш  
Чойнакнинг шакли, ранги ва ҳажмининг унда сувнинг совушига таъсирини  
тадқиқ этиш  
Идишда қайноқ ичимликнинг совушига кетадиган вактни тадқиқ этиш  
\* Жисм суюқлиги юкламасига таъсири кўрсатишнинг Архимед кучи билан  
боғлиқлигини тадқиқ этиш  
Нотаниш нарсаларни идентификациялаш ва тадқиқ этиш  
Ошхона салфеткаларининг капилляр хусусиятларини тадқиқ этиш  
Турли баландликка эга бўлган оёқ кийимлари ишқаланиш коэффициентини  
тадқиқ килиш  
Турли қоғоз самолетлар моделларининг хусусиятларини ўрганиш  
Товук тухумини пишириш жараёнларини тадқиқ этиш  
Дазмолнинг кизиш хусусиятини ўрганиш  
Турли курилиш материалларининг иссиқлик ўтказувчалигини ўрганиш  
Резинанинг таранглик хусусиятини ўрганиш  
Темир йўллар якинидаги шовқинларни ўрганиш  
Компас тарихи  
Лампочкалар тарихи  
Камалакни қандай килиб “ўзига ўргатиш” мумкин?  
Тирик организмлар қандай килиб совуқдан химояланади?  
Қандай килиб кўришиллюзиялари қоматдаги камчиликларни “тўғирлаб

кўрсатади”?

Шудринг, кирор, ёмғир ва қор қандай қилиб пайдо бўлади?

Кор парчалари қандай пайдо бўлади?

Дастёр воситалар оркали дарахтнинг баландлигини қандай қилиб аниглаш мумкин?

\*Қандай қилиб сув ости қайиклари сув остида ботиб туради ва юзага сузиб чиқади?

Камалак қандай қилиб пайдо бўлади? Камалакни уй шароитида вужудга келтириш

Шамолни кўлга ўргатиш мумкинми?

Калейдоскоп қандай ясалади?

Пирамидаларни қандай қилиб куришган?

Ўйни қандай қилиб иситиш мумкин?

Осмон қандай мовий! Нима учун у шундай?

Қайноқ юзага томчи

Картошка электр энергияси манбаи сифатида

Радио билан бошқариладиган автомоделлар конструкцияси

Кристаллар ва уларни вужудга келтириш усуллари

Физикадан кроссвордлар

Табиатда сувнинг айланиши

Ёмғирдан сўнг кўлмаклар кайга ғойиб бўлади?

“Архимед кўлмаклари” афсонами ёки ҳақиқат?

\* Архимед конунининг кашф этилиши ҳақида ривоят

Муз ва унинг хусусиятлари

Инсон жисмидаги металлар

Сароблар

Физикадан миф ва афсоналар

Шамол электростанцияси модели

Роботларга ишониш мумкинми?

\*Физикадан менинг дастлабки тажрибаларим

Совун кўпиклари – изжобий ҳиссиятлар денгизи

Копток. Ўзаро таъсир. Энергия

Нанороботлар

Оддий томчининг гайриоддий ҳаёти

Оддий нарсалардаги гайриоддийлик

Ғаройиб нарсалар ёнимизда. Физика фотографияларда

Энергиянинг ғаройиб манбалари - "мазали" батарейкалар

Металларни қайта ишлаш. Қўйма усул воситасида нишон ясаш

Оптика санъат (оп-арт) фан ва санъатнинг уйғунлашуви сифатида

Мушук кўзларида ёруғликнинг акс этиши

Иситиш асбобининг ишлаш самардорлигини баҳолаш

Елканлар: тарих, ҳаракат принциплари

Кўринимас плашч – афсона ёки ҳақиқат?

Физика қонунларини кўл остимизда мавжуд бўлган нарсалар ёрдамида англаш

Фойдали энергияни тежаш одатлари  
Персонал компьютернинг фойдаси ва зарари  
Пластик ойналар нима учун “ийглайди”?  
Нима учун челақдан сув тўкилади?  
Нима учун сувўлчагич сувда юради?  
Инструментлар нима учун овоз чикаради?  
Нима учун конъки сирғанади?  
Нима учун ой ерга кулаб тушмайди?  
\*Нима учун ёғ сувда чўкмайди?  
Нима учун куёш нуридан тери кораяди?  
Нима учун кўпик оппок?  
Нега пластинка кўйлайди?  
\*Нима учун байрам хаво шарлари кўкка учишга шошади?  
Нега нарсалар пастга турли тезлиқда тушади?  
Чифанок нима учун шовкин солади?  
Куйловчи бокаллар  
Атрофимиздаги оддий механизмлар  
Киринддининг хосил бўлиш жараёни  
Коғоз арконнинг мустахкамлиги  
Иссиклик шкаласи бўйлаб саёҳат  
Үй шароитида камалак ясаш: хайрат ёнимизда  
Тирик табиатдаги реактив ҳаракат  
Буғдоизордаги расмлар  
Роботлар (андроидлар). Янги технологиялар  
Қўлбола лазер шоу  
Қўлбола асбоблар  
Иқлимини айтиб берувчи қўлбола асбоблар  
Қўлбола термос  
Ёруғлик мусиқаси. Уни ўзинг яса  
Қаҳрабонинг хусусиятлари  
3D-фильмлар самарасининг сири  
Замонавий мониторлар. Афзаллиги ва камчилиги  
Замонавий термометрлар  
Үй шароитида ҳаракли катталаштирувчи асбоблар ясаш  
Кўёш сув иситгич  
Физика ва бир стакан чой  
Вақирлаб овоз чикарадиган чавгумнинг сферик шакли – модами ёки асосланган танлов?  
Пирамидаларнинг сирли энергетикаси  
Гугурт чўпининг исисиги  
Оҳанграбо (магнит) ёстиқда транспорт  
Совун кўпиги билан ҳайраланарли тажрибалар  
Ақлли светильник  
\*Боғдаги фаввора курилмаси  
Ҳаммомдаги физика

Ошпаз касбининг физика билан алоқаси  
Ребусларда физика  
Расмларда физика  
Эртакларда физика  
Спортда физика  
Циркда физика  
Самовар ичидағи физика  
Кофе тайёрлаш физикаси  
Рақс ва физика  
Физик фокуслар  
Қор хусусиятларининг физик характеристикаси  
Булутлар ичидә нима ҳосил бўлади?  
Камалак – табиат ажойиботи  
Озиқ-овқатлар тайёрлашда электр энергияни тежаш  
Тароқдаги электр куввати  
Юлдуз энергияси  
Энергия сақловчи мактаб

Масалан, ўқитувчи 6-синфда лойиҳавий фаолиятни амалга ошириш учун "Суюқликда босим. Архимед кучи. Жисмнинг сузиши шарт-шароитлари" мавзусини танлади дейлил:

Ушбу лойиҳанинг **мақсадини** белгилаб оламиз:

**Билишга қаратилган:** – «Суюқликда босим. Архимед Қонуни ва унинг кўлланилиши» мавзуси бўйича фикрлаш, ўзлаштириш ва асосий билимларни умумлаштириш – ўқувчиларнинг архимед кучи, жисмнинг сузиши шарт-шароитлари ва уларнинг техника ва турмуш шароитларида кўлланилиши ҳакидаги билимларини чуқурлаштириш.

**Ривожлантирувчи:** ўрганилаётган мавзуга нисбатан қизиқшини ҳамда лойиҳавий ва коммуникатив қўнікмаларни ривожлантириши;

**тарбиявий:** гурухда олиб бориладиган ишга нисбатан масъулиятни тарбиялаш, топширилган ишга ижодий, масъулияти муносабатни таркиб топтириш, лойиҳага материал танлашда ахборот маданиятини шакллантириш.

**Методлар:** лойиҳалар методи (информацион, тадқиқотчилик, амалий йўналитилган ёки ижодий лойиҳалар).

**Техник воситалар, ўқитиши воситалари, қўшимча материаллар:** компьютер, мультимедиа проектор; видеоматериаллар, фотографиялар, плакатлар ва б.

**Ташкилий шакли:** Ўқувчилар гурух таркибида биргаликда ишлайдилар. Лойиҳанинг бажарилиш муддати - 1 ҳафта. Чунки мавзуни ўрганишга 2 соат ажратиган (3-жадвалга к.), мавзу болалар учун жуда қизиқарли бўлиб, бундай лойиҳалар қиска муддатли хисобланади. Лойиҳалаш топшириги 22-дарсда берилади (3-жадвалга к.), кейин (23 ва 24-дарсларда) лойиҳа ҳимоя қилинади. Якуний машғулотнинг ўтказилиш шакли – умумлаштирувчи дарс.

**Ўқитувчи лойиҳанинг мақсади ва вазифасини белгилаб беради:**

1. Итарувчи куч формуласини чиқариш;
2. Итарувчи кучнинг мавжудлигини тажриба орқали исботлаш;

3. Итарувчи куч билан алоқадор бўлган ёки алоқаси бўлмаган омилларни аниклаш;

4. Итарувчи кучни аниклаш усууларини кўрсатиш;
5. Жисмлар сузишининг шарт-шароитларини яниклаш;
6. Архимед кучининг амалий қўлланилишини тушунтириш;
7. Архимед кучининг кашф этилиши тарихини ўрганиш.

#### **Ўқувчилар кўйидаги муаммоли саволларга жавоб беришлари зарур:**

- 1) Нима сабабдан оғир предметлар сувда енгил бўлиб қолади?
- 2) Итарувчи кучни аникловчи қандай усууллар мавжуд?
- 3) Итарувчи кучнинг вужудга келиши қайси омилларга боғлиқ ёки уларга боғлиқ эмас?

4) Нима сабабдан айрим жисмлар суюклиқда чўкадилар, айримлари эса юзага чикадилар?

- 5) Ким биринч бўлиб суюкликнинг итарувчи кучини аниклаган?
- 6) Қандай шароитда?
- 7) Архимед кучининг мавжудлиги ҳақидаги билимларнинг амалий қўлланилиши қандай?

Ўқитувчи жавоб қайтариш зарур бўлган асосий муаммоли саволлар келтирилган кўйидаги схемани кўрсатиши мумкин.



#### **2-босқич. Ташкилий фаолият. Лойихани ишлаб чиқиши**

Мазкур босқичда ўқувчилар ёки 5-6 та гурӯхга бўлинниб ишлайдилар ёки индивидуал ишлайдилар, улар лойихалар мавзусини мустақил шакллантирадилар ёки ўқитувчи таклиф этган рўйхатдан бирор мавзуни танлаб оладилар. Ўқитувчи ўқувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи

координатор вазифасини бажаради: у тадқикотчиларни керакли томонга йўналтириди, яъни бевосита консультант (масалаҳатчи) ролини бажаради.

Ишлаб чикувчилар керакли маълумотларни топишлари ва улардан лойиҳада қандай фойдаланиш кераклигини маслаҳатлашиб олишлари зарур. Топилган маълумотлар қайта ишланади ва мулоҳазадан ўтказилади. Биргаликдаги мунозарадан сўнг база вариант танланади. Маълумотларни излашда Интернет ресурслар катта ўрин тутади. Ахборот технологиялари ва Интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланиш лойиҳа юзасидан кўшимча иллюстратив ва фикрлашга ундовчи материалларни жалб этиш имконини беради. Устига-устак ўқитувчи лойиҳада фойдаланиш учун зарур кўшимча адабиётлар, мультимедиа ресурслар ва Интернет сайтларига иқтиобслар бериш билан бирга бир оз методик тавсия ва йўл-йўриклар хам берса, нур устига аъло нур бўлади:

#### **Мультимедиа ресурслар (СД-диск).**

1. «Образовательная коллекция. Открытая физика 1.1»
2. «Открытая физика. Часть 1 и 2»
3. «От плуга до лазера 2.0 (Интерактивная энциклопедия науки и техники)»
4. «Физика 7 – 11 классы: практикум. Диск 1 и 2 (Учебное электронное издание)»
5. «Физика 7 – 11 классы (Электронная библиотека наглядных пособий.КиМ)»
6. «Физика 7 – 11 классы (Электронная библиотека наглядных пособий. 1С:Образование)»
7. «Физика (1С:Репетитор)»
8. «Открытая астрономия»
9. «Астрономия. 9 – 10 классы (Электронная библиотека наглядных пособий)»
10. «Фестиваль педагогических идей «Открытый урок» (Материалы участников)

**Методик материаллар ва виртуал лаборатория ишларига ҳаволалар [Электронные ресурсы]. - URL:**

1. <http://school-collection.edu.ru> (Единая коллекция цифровых образовательных ресурсов)
2. <http://www.ict.edu.ru> (Портал «Информационно-коммуникативные технологии в образовании»)
3. <http://www.microsoft.com/Rus/Education/PiL/Default.mspx> (Партнерство в образовании. Информационный портал Microsoft для образовательных учреждений)
4. <http://fiz.1september.ru/> (Электронная версия газеты «Физика»)
5. <http://archive.1september.ru/fiz/> (Газета “1 сентября”: материалы по физике. Подборка публикаций по преподаванию физики в школе. Архив с 1997 г.)
6. <http://www.physbook.ru/> (Электронный учебник по физике)
7. <http://www.physics.ru/> (Открытая физика. Физикон)

8. <http://www.fizika.ru/index.htm> (Сайт Физика.ру)
9. <http://astronom-ntl.narod.ru> (Сборник материалов по физике и астрономии)
10. <http://physics.nad.ru/> (Физика в анимациях)
11. <http://pandia.ru/text/tema/alf/p/physics/> (Готовые проекты учащихся)
12. <http://www.uroki.net> (Все для учителя)
13. <http://www.twirpx.com> (Сайт для студентов, аспирантов и преподавателей)
14. <http://www.ucheba.com> (Образовательный портал «УЧЕБА»)
15. <http://www.curator.ru/e-books/physics.html> (Обзор электронных учебников на CD-ROM)
16. <http://www.n-t.org/> (Наука и техника: электронная библиотека)
17. <http://phdep.ifmo.ru/labor/common/> (Виртуальные лабораторные работы по физике для 10 и 11 классов)
18. <http://www.gomulina.orc.ru> (Физика и астрономия: виртуальный методический кабинет)
19. <http://n-t.ru/nl/fz/> (Лауреаты Нобелевской премии по физике)
20. <http://www.phizik.cjb.net/> (Школьный курс физики)
21. <http://class-fizika.narod.ru/> (Классная физика)

Үрганилган лойиха учун қуйидаги ресурслар ва сайтларни тавсия этиш мүмкін:

1. Энциклопедия Кирилла и Мефодия [Электронный ресурс]. – URL: <http://vellisa.ru/multimediyнная-megaentsiklopediya-kirilla-i-mefodiya-onlayn>
2. Класс!ная физика [Электронный ресурс]. – URL: <http://class-fizika.narod.ru/>
3. Веб-микс по проекту Архимед [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.symbaloo.com/mix/arhimed>
4. Формулы [Электронный ресурс]. - URL: <http://www.fxyz.ru/>
5. Энциклопедия Кругосвет [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.krugosvet.ru/>
6. Компьютерная модель Сила Архимеда [Электронный ресурс]. – URL: <http://files.school-collection.edu.ru/>

Лойиханы бажариш жараёнида ўкувчилар жисм юкландынган суюқлик ва газнинг ҳаракати билан танишадилар. Үрганилган материалнинг амалий қўлланилишига алоҳида эътибор қаратилади: назария ва эксперимент асосида ҳаво шари, сувости қайиги, балиқнинг сузишига оид шарт-шароитлар изоҳланади. Архимед кучининг кашф этилиш тарихи, аллома Архимед ҳакидаги тарихий маълумотлар ўрганилади.

Лойиханинг турили босқичларида ўкувчилар гурух таркибида ва индивидуал иш олиб борадилар, бу эса кичик гурухларда ўзаро алоқадорлик, гурухли рефлексияда таҳлил ва ўз-ўзини таҳлил ҳамда мулоқот қўйникмаларининг шаклланишига сабаб бўлади, ҳамкорлик мухитини вужудга

келтиради. Гурухнинг барча ишлари муайян алгоритмга кўра олиб борилиши зарур (4-жадвал):

### Лойиха бўйича ишлаш алгоритми:

4-жадвал

Лойиха устида ишлаш босқичлари		Гурухдаги фаолият
1. Лойиха мақсадининг бажарилиши		Мавзу танлаш ва аниклаштириш
2. Муаммолаштириш:		Иштирокчилар томонидан муаммони ажратиш, шакллантириш ва “ўзлаштириш”
3. Максад кўйиш ва кутилаётган натижা (мақсадга эришиш ва лойиха ечими ўзаро мувофиқ келиши керак)		Максад ва кутилаётган натижанинг шакллантирилиши
4. Режалаштириш	а) мақсаддан келиб чикиб, вазифа кўйиш	Нима килиш керак, якуний мақсадга эришишда қандай қадай кўйиш лозим?
	б) қадамлар изчиллигини белгилаш	Қачон килиш керак: бу қадамлар қандай кетма-кетлида амалга оширилади
	в) иш ўсул (технология)ларини танлаш	Қандай килиш керак? (Кузатиш, ахборот излаш, тажриба-синов оркали тасдиқлаш ва б.)
5. Режани татбиқ этиш		Белгиланган қадамларни ўрнатилган тартибида амалга ошириш. Олдиндан ўйланган режага асосли ўзгартиришларни киритиб бориш
6. Рефлексия		Баҳолаш: мақсадга эришиш учун мавжуд муаммони ечишга муваффак бўлиндими; олинган маҳсулотни кутилган натижага билан таққослаш; ишнинг боришини таҳлил килиш (қандай форялар туғилди, нимага улардан воз кечилди, нимани кила олинмади, нега?, истикболда нималарни килиш мумкин); ўз-ўзини баҳолаш (loyihha иштирокчилари ўз фазилатларини қандай кўрсатдилар, қандай хиссиётларни бошдан кечирдилар, қандай янги билим ва кўнкималарни эгалладилар?)
7. Тақдимот		Лойиха маҳсулотини намойиш этиш ва лойиха ўз мақсадига эришгани, муаммо ечишганини исботлаш. Иштирокчилар томонидан эгалланган янги тажрибаларнинг тақдим этилиши

**“Суюқликларда босим. Архимед кучи. Жисмнинг сузиши шарт-шароитлари”** мавзуси бўйича ўқитувчи томонидан белгиланган муаммо ва вазифаларни ҳал этиш учун ўқувчилар куйидаги фаолият турларидан бирини танлайдилар (loydihha мавзусини ўқувчилар ўзлари танлашларини таъкидлаган холда, куйида ўзимиз тахминан танлаган мавзумиз асосида фикр юритамиз):

## ***Лойиха №1 “Суюқликларда ҳаракатланувчи жисм”***

**Вазифа:** Итариғидан кучнинг мавжудлигини аниқлаш ва исботлаш.

**Тавсиф:** Ўқувчилар қўйидаги саволларга жавоб берадилар. Ҳодисанинг моҳияти нимада, нима учун жисм сузади? Ўқувчилар итариғидан кучнинг мавжудлигини исботлаш учун тажриба-синов ўтказишлари мумкин, шунингдек, видеофильм, тақдимот, фото ёки видеорепортаж тайёрлашлари мумкин.

## ***Лойиха №2 “Архимед кучи”***

**Вазифа:** Итариғидан куч формуласидан чиқадиган хulosани белгилаш, Архимед кучи нималарга боғлиқлиги (боғлиқ эмаслиги) хақидаги омилларни аниқлаш, итариғидан кучни аниқлаш усусларини излаш.

**Тавсиф:** Ўқувчилар топган маълумотлари ҳамда тажриба-синов асосида итариғидан кучнинг мавжудлиги ва унинг тобелигини исботлайдилар. Кўргазмали тажриба-синов, видеофильм, тақдимот, таҳлил, фото ёки видеорепортаж фаолиятнинг маҳсулни бўлиши мумкин.

## ***Лойиха №3 «Суюқликда жисм ҳаракатидаги итарувчи кучни аниқлаш»***

**Вазифа:** экспериментал йўл билан суюқликда жисм ҳаракатидаги итарувчи кучни аниқлаш.

**Тавсиф:** Ўқувчилар экспериментал йўл билан итарувчи кучнинг аҳамиятини белгилайдилар. Ўқитувчи тарқатган варақани тўлдирадилар (1-иловага қ.). Фаолият маҳсулни кўргазмали тажриба-синов, тақдимот ёки таҳлил бўлиши мумкин.

1-илова

Варақа – топширик \_\_\_\_\_ Синф \_\_\_\_\_

Ўқувчининг ФИО \_\_\_\_\_

## ***Архимед кучини тақдик этиши***

**Тажриба-синовнинг максади:** Суюқликдаги жисм ҳаракатидан архимед кучининг аҳамиятини аниқлаш.

Жиҳозлаш: динамометр, каттиқ жисм, сув тўла стакан, ип.

**Техника ҳавфисизлиги қоидаси:** Қоидани дикқат билан ўқинг, унга амал қилишингизни тасдиқлаб имзо чекинг.

Эҳтиёт бўлинг! Шиша! Шиша идии билан ишлаганде эҳтиёт бўлинг.  
Шиша – нозик материал эканлигини, зарб туписа, осонгина синиб кетишини ёдда тутинг. Сувни тўқманг!

Қоидалар билан танишидим, бажаршига сўз бераман. \_\_\_\_\_ ўқувчининг имзоси

## ***Ишнинг бориши:***

1.Динамометрнинг бўлиниш қийматини аниқланг. **П. д. = ..... Н**

2.Диномометрга жисмни осинг. Унинг ҳаводаги оғирлигини **Р** аниқланг.

Хисобот жадвалингизга ёзинг.

3. Жисмни тұлғыгына сувга солинг, лекин идишнинг тубигача туширманг (солинган жисмни ипга осиб ушлаб туринг). Динамометр күрсаткичини жадвалга ёзинг. Бу сувдаги жисмнинг оғирлигі (вазни)  $P_1$  дир.

5.  $F_A$  нинг жисм вазнига боғлиқлигини аникланг. Сувдаги жисм оғирлигини аникланг, итарадиган кучни  $F_A = P - P_1$  формуласи күмагида аникланг ва ўлчаш натижалары хамда хисоб натижаларини жадвалга ёзинг:

Тажриба №	Тажриба шартлари	P, Н	P <sub>1</sub> , Н	F <sub>A</sub> , Н
1	Жисм тұлғыгына сувга туширилмаган (идишнинг юза кисміда)			
2	Жисм тұлғыгына сувга туширилған (идишнинг марказий кисміда)			
3	Жисм тұлғыгына сувга туширилған (идишнинг тағ кисміда)			

6. Хулосаларни ёзинг.

#### **Лойиха №4 “Жисмнинг сузиши. Кемаларнинг сузиши. Ҳавода сузиш”**

*Вазифа:* жисм сузиши шарт-шароитларини экспериментал йўл билан аниклаш, кемалар сузиши ва ҳавода сузиш назарияси ҳақидаги маълумотни топиш.

*Тавсиф:* Ўқувчилар жисмлар сузишининг шартларини экспериментал йўл билан аникладилар. Кема, ҳаво обьекти, балиқ кабиларнинг сузиши ҳақидаги маълумотларни йигадилар. Фаолият маҳсули кўргазмали эксперимент, буклет, тақдимот, фото ёки видеорепортаж, модель ёки кема чизмаси кабилар бўлиши мумкин.

#### **Лойиха №5 «Архимед қонунининг кашф этилиш тарихи»**

*Вазифа:* Архимед қонунининг кашф этилиш тарихи билан алокадор тарихий воеа-ходисалар ҳақида маълумот йиғиши.

*Тавсиф:* ўқувчилар Архимед қонунининг кашф этилиш тарихи билан алокадор тарихий воеа-ходисалар ҳақида маълумот йигадилар.

Ушбу лойиханинг маҳсулоти тарихий маълумотнома, инсценировка, тақдимот, фото ёки видеорепортаж бўлиши мумкин.

### **З-босқич. Лойиха натижаларини жихозлаш**

Ушбу босқичда ўқувчилар ўзларининг лойихавий фаолиятлари якуний маҳсулуни яратадилар. Улар натижанинг шаклини танлашлари лозим бўлади. Бажарилаётган лойиха натижалари сезиларли бўлиши зарур. Агар у назарий муаммога оид бўлса, унинг ечими аник бўлиши ва илмий асосланиши, агар амалий муаммога таалуклуки бўлса – аник маҳсулот яратиш ва уни қўллаш билан якунланиши лозим. Бу ўринда ўқувчилар назарда тутиладиган натижанинг қўйидаги рўйхатда берилган шаклларидан бирортасини танлашлари ўринли бўлади:

Веб-сайт (предметли, мавзуй)	Күргазма
*Видеоклип	Харакатдаги фирма
Газета	Журнал
Үйин	*Макет
Костюм	Байрам
Мусиций асар	Картина
Спектакл	Социологик сўров
*Таҳлил	Репортаж
Нашр	Сценарий
Маълумотнома	*Чизма
Топширикнома	Кабинетни жиҳозлаш
Ўқув кўлланма	Мактабни бошқариш тизими
Бизнес-режа	Дарс
*Тақдимот	Атлас ва б.

«Суюклилар босими. Архимед кучи. Жисмларнинг сузишига оид шартшаройитлар» мавзусида ишлаб чиқилаётган лойиха учун ўкувчилик юлдузча (\*) билан белгиланган якуний маҳсулот турларини танлашлари мумкин). Шунингдек, “Лойиха фаолияти бурчаги”ни ташкил этиш учун синфдан жой ажратишни тавсия этамиз, унда ўқитувчи лойихалар методини кўллашга оид барча зарур ахборотлар, натижаларни жиҳозлашнинг намунавий нусхалари кабиларни йиғиши мумкин, мисол учун:

### I. Лойихани жиҳозлашга қўйиладиган талаблар

1. Титул вараги (таълим муассасасининг номи, синф, муаллиф, бажарувчининг исм-шарифи, раҳбар, бажарилаётган жойи, йили)
2. Мундарижа
3. Қисқачча аннотация
4. Кириш
5. Лойихани яратишдан ёки тадқиқот ўтказишдан мақсад .
6. Тадқиқот вазифалари
7. Лойиха маҳсулотини қандай қилиб кўллаш мумкин (loydixa учун).
8. Асосий қисм
9. Ишнинг режаси ва тавсифномаси.
10. Тадқиқот ва таҳлил натижалари, гоялар, фаразлар;
11. Юзага келган барча муаммолар тавсифи ва уларнинг ечимлари;
12. Йигилган материаллар бўйича қисқачча обзор.
13. Хуласа.
14. Кўйилган мақсадга эришишга муваффақ бўлиндими? Агар мумкин бўлмаган бўлса – сабаблари.
15. Иш кимга тақдим этилди, ким уни баҳолади?
16. Мен лойиха ёки тадқиқот жараённада ишлаб нимани ўргандим?
17. Мен лойиха ёки тадқиқотни қандай қилиб ривожлантироқчиман?

18. Маълуютларнинг манбалари рўйхати. Китобларнинг муаллифлари, нашр этилган йили, нашриёти, чоп этилган шаҳар номи кўрсатилади.

## II. Лойиҳани жиҳозлаш намунаси

<b>Номи:</b>		
<b>Лойиҳа тезислари</b>		
<b>Лойиҳанинг асосий гояси</b>		
<b>Предмет</b>		
<b>Мақсад ва вазифалар</b>	1. _____ 2. _____ 3. _____	
<b>Лойиҳани татбик этиш хусусиятлари</b>		
<b>Муддатлар</b>		
<b>Воситалар (жиҳозлар)</b>		
<b>Тадқиқот методлари</b>		
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b>		
<b>Асосий масала (фараз)</b>		
<b>Натижা</b>		
<b>Маҳсулот</b>		
<b>Бахо</b>		

## III. Лойиҳа матрицаси

Лойиҳа мавзуси: \_\_\_\_\_  
 Лойиҳа муаллифлари: \_\_\_\_\_  
 Лойиҳа муммоси: \_\_\_\_\_  
 Лойиҳа максади: \_\_\_\_\_  
 Лойиҳа вазифаси: \_\_\_\_\_  
 Кўйилган максадга эришиш методлари ва усуслари ҳамда лойиҳанинг жорий килиниши  
 Кутугаётган натижса: \_\_\_\_\_

<b>Боскичлар, уларнинг муддатлари</b>	<b>Яхуний маҳсулот</b>	<b>Харакатлар</b>		<b>Вазифалари</b>	<b>Зарур ма-териаллар</b>	<b>Маълумот-лар манои</b>	<b>Катталарни жизб этиш</b>
		<b>Мактабда</b>	<b>Мактабдан ташқарида</b>				
<b>I боскич Маълуютлар йигиш Муддат</b>							

<b>II босқич</b> Лойиха эскизини яратиш Муддат						
<b>III босқич</b> Лойиҳанинг бажарилиши Муддат						
<b>IV босқич</b> Лойиҳанинг такдимоти Муддат						

Бу материаллар намуна сифатида ўқувчиларга лойиҳани жиҳозлаш (расмийлаштириш) учун берилади.

#### **4-босқич. Лойиҳанинг ҳимояси**

Лойиҳа ҳимояси умумлашган дарс, семинар, конференция кабиларда амалга оширилади. Агар лойиҳа ўқувчилар гурӯҳи томонидан бажарилган бўлса, улар ўзларига нотиқлик фазилатига эга бўлган, саволларга жавоб бера оладиган, лойиҳани яхши биладиган лидер танлашлари лозим.

Ҳимояга ўқувчилар фаолиятини баҳолаш учун холис эксперктлар тақлиф этилади. Ўқитувчи лойиҳа ҳимояси бўйича тавсияларни олдиндан тайёрлаб қўяди:

##### **1. Умумий тавсиялар [19]:**

1) вақтни кўп олмай(15 минутдан ортиқ бўлмаслиги керак), материалларни мисоллар келтириб, ҳиссиёт билан изоҳланиши тингловчилар томонидан яхши қабул қилинади;

2) баённинг мантиқий бўлиши сўзловчини яхшироқ тушунишга ёрдам беради;

3) факат тушунарли атамаларни қўллаш лозим;

4) ўқиб эмас, сўзлаб берилгани маъқул;

5) агар кўргазмали материал юқори даражада қўлланилса, чиқиш марокли бўлади;

6) берилиши мумкин бўлган саволларга иложи борича тайёр туринг.

##### **2. Тайёргарлик техникаси:**

1) чиқишингизнинг тахминий хронометражини тузиб олинг ва унинг давомийлигини якунига етказинг;

2) сўзлайдиган гапларингизни алоҳида карточкаларга ёзинг ва уларни тартиблаб чиқинг;

3) сўзлайдиган жойингизни нималар билан жиҳозлашни аввалдан ўйлаб қўйинг;

- 4) аник ва чиройли кўргазмали материал тайёрланг;
- 5) дўйстларингиз ва кариндошларингиз олдида чиқишингизни машқ қилиб кўринг.

**3. Сўз билан чикувчига тавсиялар:**

- 1) чиқишингизни саломлашишдан бошланг;
- 2) лойиҳангизнинг қандай номланишини айтинг, асосий жиҳатларини таъкидланг
- 3) мавзуғояси ва уни танлашингизнинг сабабларини изоҳланг;
- 4) тингловчиларга хурмат сақлаш кераклигини ёдда тутинг
- 5) аник-равшан сўзланг;
- 6) тингловчиларга эътиборлари учун, раҳбарингизга эса берган ёрдами учун миннатдорчилик билдиринг;
- 7) барча саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

**4. «Суюқликлар босими. Архимед кучи. Жисмларнинг сузишига оид шарт-шароитлар» мавзуси бўйича ўқитувчи кўллаган ва берилши мумкин бўлган саволлар [20].**

1. Иттарувчи кучнинг мавжудлиги ким томонидан қачон аниқланган?
2. Архимед конунини келтиринг.
3. Архимед оғирлик кучи Ерга нисбатан 8 марта кам бўлган Ойда кучнинг ўлчами ҳакида қандай хуносага келиш мумкин?
4. Суюқликка жисм солинганда қандай куч вужудга келади?  
*(Жавоб: Архимед кучи).*
5. Бу куч қаёқка қаратилади?  
*(Жавоб: Вертикал юкорига).*
6. Архимед кучи нима билан боғлик?  
*(Жавоб: Архимед кучи жисмнинг ҳажми ва суюқликнинг зичлигига боғлик).*

7. Тажрибада қандай усул билан архимед кучини аниқлаш мумкин?  
*(Жавоб: Жисм билан сикилган суюқлик вазнини ўлчаш керак, ушбу оғирлик вазни архимед кучига тенг бўлади. Динамометрда жисмни ҳавога осилган ва суюқликдаги оғирлиги бўйича турли кўрсаткичларидаги фарқни аниқлаш керак, ушбу фарқ архимед кучи билан тенг бўлади. Чизгич ёки мензурка билан жисмнинг ҳажмини аниқлаш керак. Суюқлик зичлиги ва жисм ҳажми билиб олингач, архимед кучини хисоблаш мумкин).*

8. Қайси сувда, нима сабабли сузиш осон: денгиздами ёки кўлдами? Нима учун?

*(Жавоб: Денгизда. У ерда зичлик кўпроқ. Суюқлик ичida зичлик қанча юкори бўлса, итариш кучи ҳам шунча юкори бўлади).*

9. Биринчи синф ўқувчиси ва тўққизинчи синф ўқувчиси баравар сувга шўнғишиди. Сув кимни кучлироқ итариради? Нима учун?

*(Жавоб: Тўққизинчи синф ўқувчинини. Унинг ҳажми каттароқ. Ҳажм қанча катта бўлса, куч шунча кўпроқ итариади).*

10. Нима учун тошни ҳаводан кўра сувда кўтариб туриш осонроқ?

*(Жавоб: Сувнинг итариш кучи кўпроқ).*

## **5-босқич. Рефлексия**

Мазкур босқичда ўқувчилар ўтказилған тадқиқот иши орқали ўз-ўзини баҳолаш, қўйилған вазифалар билан лойиха натижаларини солиштириш имконига эга бўлишлари учун катор саволларга жавоб берадилар. Рефлексия саволларини тузишда ўқувчилар лойихани бажаришда тўқнаш келган муаммоларни хисобга олишлари лозим. Ҳимояга кетадиган вақтни тежаш учун саволларни олдиндан бериб қўйиш ёки бўлмаса лойиха ҳимоясидан сўнг бериш мумкин:

### **Анкета 1**

**Ишда ўз-ўзини таҳдил (ўқувчилар учун анкета)**

**1. Сенга гурухда ишлаш кулай бўлдими (маъқул жавобни тагига чиз)?**  
Ха Муаммо туғилди Йўқ

**2. Гурухдаги ўз ўрнинг (ролинг) Сени қаноатлантиздими (маъқул жавобни тагига чиз), агар қаноатлантирган бўлса, унда қандай ролни бажаришни хоҳлайсан?**

Ха Унчалик эмас Йўқ

**3. Ўлашибингча, ўзингга топширилган ролни қай даражада бажардинг (маъқул жавобни тагига чиз)?**

Жуда яхши Ўртача Унчалик яхши эмас Мендан нима талаб қилинаётганини билмаганим сабабли ҳеч нарса қилмадим

**4. Лойиха устида ишлашда ва унга тайёрланиш вақтида қандай туйгуларни хис қилдинг («+» ишорасини қўй):**

- кувонч
- хафсаланинг пир бўлиши
- янгиликка интилиш
- ўз ишидан қониқмаслик
- ишни яхши бажаришга интилиш
- бепарволик
- ўртоқларимга ёрдам бериш истаги
- алам
- дўйстлар билан мулокотдан қониқиш
- тутақиш
- жиҳозлар билан ишлаш ва эксперимент ўтказиш истаги
- бу менга қизиқ эмас
- ўзимнинг кераклигимни англадим

**5. Ишнинг қайси тури ва шакли сенга ёқди («+» белгисини қўй):**

- Ролларни таҳсилаш
- Фаразни илгари суриш
- Лойиҳани режалаштириш

- Натижаларни қайта ишләш
- Хулосани шакллантириш
- Маъруза тайёрлаш
- Такдимотни жихозлаш
- Ўртоқлар билан мулокотда бўлиш

Сўнгра баҳолаш мезонларига мувофиқ, ёзма анкета ишлари ва мутахассис экспертлар ишини баҳолаш амалга оширилади.

### **Лойиҳани баҳолаш мезонлари рўйхати [13]**

1. Максад кўйиш, унга эришиш йўлларини режалаштириш.
2. Лойиҳа муаммосини кўйиш ва асослаш.
3. Лойиҳа мавзусини кенгқамровли қилиб очиб бериш.
4. Маълумотлар манбаининг турли-туманлиги, ундан фойдаланишининг максадга мувофиқлиги.
5. Танланган усулларнинг лойиҳа мазмуни ва максадига мослиги.
6. Ишнинг бориши, хулосаси ва истиқболи таҳлили.
7. Муаллифнинг шахсан қизиқканлиги, ишга ижодий ёндашув.
8. Ёзма қисмини расмийлаштиришининг талабларга мувофиқлиги.
9. Такдимотни ўтказиш сифати.
10. Лойиҳа маҳсулотининг сифати.

Экспертлар ва ўқувчиларга лойиҳа фаолиятини баҳолаш жадвалини тўлдиришни таклиф килиш мумкин [4]

#### **Мавзуга оид лойиҳа**

---



---

Экспертлар	Эрнишлган нафиска (максалининг татбиқи) (15 б.дан)	Расмийлаштириш (жихозлаш) (15 б.гача)	ХИМОЯ		ЛОЙИҲАЛАШ ЖАРАЁНИ		Тўлланган баллар микдори
			Тасаввур (15 б.гача)	Саводларга жавоблар (15 б.гача)	Интелектуал фаоллик (10 б.гача)	Ижодкорлик (10 б. гача)	
Ўз-ўзини баҳолаш							
Педагог							
Эксперт (мех-мон)							
Команда-даги шериклар (синфдаги)							

«Конвертлаш» күйидаги тарзда амалга оширилади:

85 – 100 бал – «5»;

70 – 85 бал – «4»;

50 – 70 бал – «3»;

50 балдан кам бўлса, «кониқарсиз» ҳисобланади.

Лойиха фаолияти ижодкорлик билан боғлиқ бўлиб, мавжуд бўлганидан ўзгача янги нарсани вужудга келтиради. Ижодий ўқув фаолияти – муайян ўқувчи учун олдин номаълум бўлган ниманингдир яратилиши, кашф қилинишидир. Лойихалар ўқув жараёни билан уйғуналашиб кетади. Физика дарсида лойиха методини қўллашда шундай муаммоли вазият яратилади, натижада ўқувчи мустакил равишда тадқиқотчилик муаммоларини шакллантира олади. Ўқувчилар ўз гоялари ва фикрларини ўрготказадилар, гурухда ўзаро, ўқитувчилари ва ҳатто ота-оналари билан ҳам мулоқотда бўладилар. Иш жараёнида болалар одатдан ташқари муаммолар билан тўқнашадилар, уларни бартараф этадилар, кўплаб янгиликларни билиб оладилар, ўз билимларидан фойдаланадилар.

Лойихалар методи мустакил ва масъулиятли шахсни тарбиялаш имконини беради, ривожланган интеллект учун зарур ҳисобланган ижодий имкониятлар ва ақлий лаёқатларни ривожлантиради. Агар битирувчи шу хил сифатларга эга бўлса, у шарт-шароитлари тобора ўзгариб бораётган хаётга кўпроқ тайёр бўлади ва турли вазиятларда тури жамоалар билан ишлашга тезроқ мослаша олади. Ўқувчини ўйлашга ўргатиш муайян билимларни сингдиришдан кўра бир қадар мухимроқдир.

Ўқувчидаги бугунги замон талаби даражасидаги сифатларни тарбиялаш, унда билимларни эгаллаш ва шу каби бошқа лаёқатларни ривожлантиришга шарт-шароит яратиш учун аввало дарсда лойиха методини самарали қўллаш зарур. Албатта, лойихавий фаолият ўқувчиларда кизиқиши уйғотиши керак. Юқорида айтилганлардан ўқитувчиларда катор саволлар туғилиши мумкин: Лойихаларнинг мазмунни қандай? Унинг эгаллайдиган вақти қанчага чўзилади? Улар қандай ташкил қилиниши лозим? Лойихалар методи қўлланадиган дарс ишланмасини қандай тузиш керак? каби. Лойихалар методидан фойдалана билиш – ўқитувчининг юқори малакага, прогрессив методикага, ўқитиш маҳоратига эвалиги, шахс сифатида ривожланганлигини кўрсатади. Ушбу қўлланмада биз 6 – 9 синф физика дарсларидан ишланмаларни, шунингдек, лойиха методини қўллаш назарда тутилган намунавий таквимий режани намуна сифатида келтирамиз.

## II. 6 -СИНФ УЧУН ФИЗИКАДАН ЛОЙИҲАЛАР

### 1. мавзуу: «Диффузия ҳодисаси»

(киска муддатли)

#### **Мақсад:**

Билишга доир: диффузия ҳодисасининг моҳиятини фикрлаш ва ўзлаштириш, жисмларнинг тузилишига оид билимларни умумлаштириш.

*Ривожлантирувчи:* ўрганилаётган ҳодисаны билишга нисбатан кизиқишиңи үстириш.

*Тарбияловчи:* инсон ҳаётий фаолияты хавфсизлигини таъминлаш, олинган билимларни кундалик ҳаётда, турмушда қўллашга ўргатиш.

*Түшунчанинг мазмуни:* тури жисмларда диффузия, диффузия тезлиги, диффузиянинг фойдаси ва зарари

*Методлар:* лойиҳалар методи (информацион ва тадкиқотчилик лойиҳалари), моделлаштириш.

*Техник воситалар, ўқитиши воситалари, қўшимча материаллар:* компьютер; лаборатория жиҳозлари, плакатлар ва б.

*Ташкилий шакли:* ўқувчиларнинг гурухда биргаликда ишлаши. Лойиҳани бажариш учун вақт – топширик берилган машғулот билан биргаликда 2 та машғулот. Якунловчи машғулот умумлаштирилган дарс кўрининшида амалга оширилади.

### **Лойиҳанинг вазифалари:**

Ўқувчиларни мини-лоиҳани тайёрлаш асосида билимларни умумлаштириш жараёнига жалб этиш;

Уларда мантикий тафаккурни, табиат ҳодисаларини тушунтира билиш, вазиятни баҳолаш ва кузатилаётган ҳодисага нисбатан ўрганилган қонунларни татбик этиш лаёкатларини шакллантиришни давом этириш;

Ўқувчиларда дикқат, кузатувчанлик, физикани ўрганишга қизиқиши ва бизни ўраб турган атроф борлиқ ҳодисаларини тўғри тушуниш учун физик билимларнинг зарурлигини англашни таркиб топтириш;

Мактабда ва уйда дарсдан ташқари вактда қўшимча таълим ресурслари билан мустакил ишлашга нисбатан истакни рагбатлантириш.

Тадқиқот натижаларини ифодаловчи маҳсулот яратиш.

### **Кириш**

Бундан 2500 минг йиллар илгари, жуда қадимги замонларданоқ бизни ўраб турган жисмлар биз кўра олмайдиган кичик зарралардан ташкил топғанлиги ҳакидаги тасаввурлар вужудга келган. Кейинги 150 йил ичida молекула ва атомлар ҳакидаги янги таълимот - молекуляр назария ривожланиб, тажрибасинов асосида исботлаб берилган. Молекуляр назариянинг илк асосчиларидан бири Демокрит эди.

Демокрит таълимотига кўра, барча моддалар атомлардан ташкил топиб, атомлардан молекулалар вужудга келиши маълум бўлди. Молекула деб турли моддалардан ташкил топган ва ушбу моддалар хусусиятларига эга бўлган ўта майда зарраларга айтилади. Барча зарралар узлуксиз ҳаракатда бўладилар. Иссиклик ҳаракатининг кўринишларидан бири диффузия жараёнидир. Диффузия – бир модда молекулаларининг бошқа модда молекулалари ўртасидаги оралиқка сукилиб киришидир.

**Ишлаб чиқиладиган муаммо тематикаси** ва мазкур муаммони ёритадиган ўқувчилар гурухи таркиби ўқитувчи томонидан таклиф этилади:

1. Диффузия нима? (ахборот ўйинли лойиха) *Вазифа*: ўкувчиларга (масалан, бошланғич синф ўкувчиларига) диффузия ҳодисасини уларга тушунарли қилиб баён қилиш;

2. диффузиянинг амал қилиш тезлигинининг жисм турига боғликлиги. *Вазифа*: фараз (тадқиқот)ни тажриба-синов йўли билан тасдиқлаш;

3. Диффузиянинг амал килишини температура (ҳарорат)га боғликлиги. *Вазифа*: фаразни тажриба-синов орқали тасдиқлаш (тадқиқотчилик);

4. Табиатда, техникада ва майний турмушда диффузия ҳодисаси (информациян, ижодий). *Вазифа*: Табиатда, техникада ва майний турмушда диффузия ҳодисасининг юзага келишини били олиш;

5. Диффузиянинг фойдаси ва зарари (информациян). *Вазифа*: атроф-мухитга диффузиянинг фойдаси ва зарарини исботлаш.

### **Тавсия қилинадиган ахборот манбалари:**

1. Крот Ю.Э. Физика и информатика в таблицах и схемах: лучше, чем учебник! / Ю.Е.Крот, С.Н.Малярчук. – Р/н/Д: Феникс, 2006. – 221 с.

2. Перельман Я.И. Большая книга занимательных наук: Алгебра, геометрия, физика, головоломки, задачи, опыты. Сборник. – М.: АСТ: Астрель, 2009. – 541 с.

3. Хребтов В.А. Физика. – СПб: ИД «Литера», 2006. – 160 с.

4. Энциклопедия Кирилла и Мефодия [Электронный ресурс]. – URL: <http://vellisa.ru/multimediyay-a-megaentsiklopediya-kirilla-i-mefodiya-onlayn-fizika.narod.ru/>

5. Класс!ная физика [Электронный ресурс]. – URL: <http://class-fizika.narod.ru/>

6. Диффузия в жидкостях [Электронный ресурс – URL: <http://files.school-collection.edu.ru/>

4. Теория [Электронный ресурс]. – URL: <http://interneturok.ru/ru/school/physics/7-klass>

8. Диффузия [Электронный ресурс]. – URL: [/pervonachalnye-svedeniya-o-stroenii-vewestva/diffuziya](http://pervonachalnye-svedeniya-o-stroenii-vewestva/diffuziya)

9. Роль диффузии [Электронный ресурс]. – URL: <http://wiki.iteach.ru>

### **Ўкувчилар лойиҳавий фаолияти тавсифи**

#### **Лойиҳа №1 «Диффузия нима?»**

*Вазифа*: Диффузия ҳодисасини тушунириш ва унинг турли моддаларда қандай кечишини картина ёки тақдимот асосида мисоллар билан ўйин шаклида кўрсатиш.

*Тавсиф*: ўкувчилар мавзу бўйича дарсликда бўлмаган қизикарли ахборотларни танлайдилар, шунингдек, турли жисм молекулалари ролини ўйнаб, қўғирчоқ театри ва диффузия пантомимасини кўйиб беришлари, диффузия ҳодисасини тавсифловчи фото ёки видеорепортаж тайёрлашлари мумкин ва х.к.

#### **Лойиҳа №2 «Диффузия кечиши тезлигининг модда турига боғлиқлиги»**

*Вазифа*: тажриба-синов йўли билан диффузиянинг кечиши тезлигининг модда турига боғлиқлигини кўрсатиш, тегишли хуласалар чиқариш.

*Тавсиф*: Турли моддалар (сув, ёғ, мис купороси аралашмаси, марганцовка ва б.)ни кўллаб, уларни аралаштириш йўли билан, ўкувчилар уларни

аралаштирганда диффузиянинг қандай кечишини ўрганадилар, аралаштириш вақтини белгилайдилар, хulosалар чиқарадилар, тайёр ахборотлардан фойдаланадилар ва х.к. Тахлил, тақдимот, фото ёки видеорепортаж кабилар натижага маҳсул бўлиши мумкин.

#### **Лойиха №3 «Диффузия кечиш тезлигининг температурага боғлиқлиги»**

**Вазифа:** тажриба-синов йўли билан диффузиянинг кечиш тезлигининг температурага боғлиқлигини кўрсатиш, тегишли хulosалар чиқариш.

**Тавсиф:** турли суюқликлар (сув, ёғ, марганцовка ва б.)дан фойдаланиб, уларни аралаштириш йўли билан ўкувчилар тажриба-синов йўли билан диффузиянинг кечиш тезлигининг температурага боғлиқлигини (аралашмани музлаткичда аралаштириб, куёш ва соядаги фаркини кузатиб) ўрганадилар, вақтини белгилайдилар ва аралаштириш чегарасининг қалинлигини ўлчайдилар, тайёр ахборотлардан фойдаланиб, хulosалар чиқарадилар ва х.к.. Натижалар тахлили, тақдимот, фото ёки видеорепортаж ва бошқалар натижага масули бўлиши мумкин.

#### **Лойиха №4 «Табиатда, техникада ва турмушда диффузия»**

**Вазифа:** табиатда диффузиянинг намоён бўлиши ва турмушда диффузиянинг кўлланилиши ҳақида маълумотлар топиши.

**Тавсиф:** ўкувчилар, кўшимча манбалар, фото ва видеоматериални қўллаб, берилган мавзу бўйича маълумотлар тўплайдилар. Масалан, мурабони қайнатиш, бодринг тузлаш, атмосфера ҳавоси таркибини ёдга олиб, турли оқизиши жараёнларининг вазифаси ва қандай ҳосил бўлиши билан танишишлари мумкин ва х.к.

#### **Лойиха №5 «Диффузиянинг фойдаси ва зарари»**

**Вазифа:** Турмушда, техника ва табиатда рўй берадиган диффузия жараёнларининг фойдали ва зарарли натижалари, унинг инсоният ҳаётидаги аҳамияти ҳақида ахборот тўплаш.

**Тавсиф:** Ўкувчилар кўшимча манбалардан фойдаланиб, фото- ва видеоматериалларни қўллаб, берилган мавзу бўйича маълумотлар тўплайдилар, турмушда, техника ва табиатда рўй берадиган диффузия жараёнларининг фойдали ва зарарли жиҳатларини исботлаб берадилар.

#### **Лойиха химоясида ўқитувчи бериши мумкин бўлган саволлар:**

1. Молекулалар харакатини ким биринччи бўлиб тажриба-синов йўли билан аниқлаган?

*(Жавоб: 1827-йилда британиялик ботаник Роберт Броун, гулларига қўнган чангларни микроскопда кузатиб, сувда сузиб юрган чанг зарралари узлуксиз равишда тартибсиз ҳаракатда бўлишини аниқлаган. Броун ҳақиқий олим эди, у бундай тушунарсиз ҳодисани кузатар экан, уни синчковлик билан тадқиқ этди. Шу тарзда зарралар қайноқ сувда соvuқ сувга нисбатан тезроқ сакрашларини аниқлади. Уларнинг сакрашлари тасодифийлиги, унга кўпrik остида тинмай шарақлаб ўтиб турган извошларининг мутлақо алоқаси йўқлигига ишонч ҳосил қилиди...)*

2. Бир хил ҳароратдаги сув ва ёғ томчиларининг қайси бирида броун харакати тезроқ амалга ошади?

*(Жавоб: Сувда, унда ётишиқоқлик хусусияти камроқ).*

3. Бензин, атир, лак ва бошқа хұшбүй мөддәларнинг ҳидлари ҳавога тарқалишини нима билан изохлаш мүмкін?

(Жағоб: Ҳид таратадиган мөддәларнинг бүйлари конвекция туфайли тарқалады, мұтлақ тиң атмосферада ҳиднинг тарқалиши диффузия билан болғып бўлиб, молекулаларнинг тартибсиз ҳаракатига алоқадордор).

4. Ҳаво ва вакуумдаги бир хил молекулаларнинг ҳаракати нимаси билан фарқланади?

(Жағоб: Вакуумда молекула бир хил ўлчамда, тұғри қизиқ бўйлаб ҳаракатланади. Ҳавода эса бошқа молекулалар билан тұқнашиб кетшии сабабли, әгри-бұгри, синиқ қизиқ бўйлаб ўзгарувчан тезликда ҳаракатланади).

5. Нима учун совуқ үйда иссиқ үйдагига қараганда сутнинг қаймоги тезрок қотади?

(Жағоб: наст ҳароратда ёғ зарралари атрофидағы молекулаларнинг таъсиріга камроқ берилади, чунки молекулаларнинг тезлиги озроқ бўлиб, улар осонгина бир-бираға қўшилиб кетади).

6. Нима учун тўқ рангга бўялган хўл матони оч мато билан узоқроқ вақтга бирга кўйиш мүмкін эмас?

(Жағоб: Бўёқ молекулалари таъсир қилиб оқ матонинг тўқ рангли хўл мато теккан қисми бўялиб қолади).

7. Сувга марганцовка кристалларини ташланг. Бир мунча вақт ўтиб сувда сиёх ранг қоплам ҳосил бўлади. Қандай ҳодиса юз берганини тушунтиринг.

(Жағоб: Модда эриб, сувга таъсир кўрсатади ва уни сиёх рангга бўяйди).

8. Нима учун гулхандан кўтарилаётган тутун муайян баландликка етгач, ҳатто шамол бўлмагандага ҳам кўринмай қолади?

(Жағоб: конвекция ва диффузия ҳодисаси сабабли тутун зарралари ва ҳаво молекулалари аралашыб кетади. Бу жараёнда тутун зарралари концентрацияси узлуксиз кичрайиб, кўринмас ҳолга келади).

9. Болалар ҳаво шари одатда гел билан тўлдирилади. Нима учун бир суткадан сўнг шарлар таранглигини йўқотиб, буришиб қолади ва юқорига кўтарила олмайди?

(Жағоб: Гел шар қобиги орасидан диффундирацияга киришиади).

10. Ўзаро тегиб турувчи сиртлардаги ишқаланиш кучини камайтириш учун уларни ишлов берип силлиқлаб пардозлайдилар ва сайқаллайдилар. Лекин обдон сайқаллангач, ишқаланиш кучи орта бошлайди. Ушбу ҳодисанинг сабабини изохланг.

## 2. Мавзу: Иисиқлик ҳаракати

(ўртача тезликда ишланадиган лойиха)

### Мақсадлар:

1. Билишга доир: “Иисиқлик узатиш турлари” мавзуси бўйича таянч билимларни умумлаштириш, ўзлаштириш ва чукурлаштириш, иисиқлик алмашинуви, унинг табиат, техника ва турмушдаги роли ҳақидаги билимларни чукурлаштириш

2. Ривожлантирувчи: ўрганилаётган мавзуга нисбатан қизиқишини ҳамда коммуникатив кўнинмаларни ўстириш;

**3. Тарбиявий:** топширилган ишга масъулият билан ижодий ёндашиш, лойиха учун материал йигишга қаратылған ахборот маданияттін шакллантириш;

**Методлар:** лойихалар методи (ахборот, тадқиқот ёки ижодий лойихалар).

**Техник вазифалар, ўқитуші вазифалари, күшимчә материаллар:** компьютер, мультимедиа проектор; видеоматериаллар, фотография, плакатлар.

**Таркилий шакли:** ўкувчиларнинг гурух таркибида биргаликда ишлешлери. Лойихаларни бажаришга сарфланадиган муддат - 2-3 ҳафта. Якуний машгұлутни ўтказып шакли – умумлаштырувчи дарс.

### **Кириш**

“Иссиклик ҳаракаты” бўлими политехник ва оламни англаш билан боғлиқ мұхым хусусиятларни шакллантиришга кўмаклашувчи тушунчалар тизимини ўз ичига олади. Унга иссиқлик ҳаракати, ички энергия, ички энергияни ўзгартыриш усууллари, иссиқлик миқдори, энергиянинг механик ва иссиқлик жараёнларига ўтиши кабилар киради. Уларнинг аксариети билан Сиз бевосита тўқнаш келгансиз, аксарият маиший приборларнинг ҳаракатланиш принципи ўрганилаётган ҳодисаларнинг кўлланилишига асосланади. Шу сабабли бугунги кунда бизнинг вазифамиз олган билимларимизни амалда кўллашдан иборат.

### **Лойиханинг вазифалари:**

1. Лойихага тайёргарлик асосида ўкувчиларни билимларни умумлаштириш жараёнига жайл этиши;

2. Мантикий тафаккур асосида табиат ҳодисаларни изоҳлаш, вазиятларни баҳолаш, турли ҳодисаларга нисбатан ўрганилган конуниятларни қўллаш кўнимкаларини шакллантиришда давом этиши;

3. Ўкувчиларда диккат, кузатувчанликни такиб топтириш, физикани ўрганиш ва атрофимиздаги ҳодисаларни тўғри изоҳлаш учун билимларнинг зарур эканлигини англашни шакллантириш;

4. Мактабда ва ўйда дарсдан ташқари вактда қўшимча таълим ресурслари билан мустакил ишлашга нисбатан истаскан рагбатлантириш.

5. Тадқиқот натижаларини ифодаловчи маҳсулот яратиши.

### **Ўкувчиларга лойиха вазифаларини тақдим этиши**

Мотивацияни ошириш ва тадқиқоғчилик тафаккури малакаларини ўстириш учун ўкувчиларга иссиқлик узатиши ҳодисасига асосан ишлайдиган маиший ёки техник курилмаларни тадқиқ этишни ёки ўзлари шундай курилма моделини яратишларини таклиф қилиш, уларнинг қандай ишлашини тушунтириш лозим. Куйидаги масалалар тадқиқ этилади:

a) Кундалик ҳаётда юз берадиган иссиқлик ҳодисалари.

b) Табиатда юз берадиган иссиқлик ҳодисалари.

c) Техникадаги иссиқлик ҳодисалари.

Ўкувчилар уч гурухга бўлинниб, лойиханинг мавзусини аниқлайдилар. Ўқитувчи улар олдига турли ҳодисаларни кўргазмали изоҳлаш вазифасини кўяди. Тадқиқот вазифаларини бажариш учун ўкувчилар мустакил равишада ўз фаолиятларини режалаштирадилар: модел тайёрлаш, мультимедиали тақдимот, газета чикариш, рисола тайёрлаш каби.

Тайёрланиш учун 1 – 2 ҳафта муддат берилади.

## **Таввсия этиладиган маълумотлар манбай:**

1. Крот Ю.Э. Физика и информатика в таблицах и схемах: лучше, чем учебник! / Ю.Е.Крот, С.Н.Малярчук. – Р/н/Д: Феникс, 2006. – 221 с.
2. Перельман Я.И. Большая книга занимательных наук: Алгебра, геометрия, физика, головоломки, задачи, опыты. Сборник. – М.: АСТ: Астрель, 2009. – 541 с.
3. Хребтов В.А. Физика. – СПб: ИД «Литера», 2006. – 160 с.
4. CD Современная универсальная Российская энциклопедия «БЭ Кирилла и Мефодия»
5. Класс!ная физика [Электронный ресурс]. – URL: <http://class-fizika.narod.ru/>

6. Учебный проект «Тепловые явления в твоем доме» [Электронный ресурс]. – URL: <http://festival.1september.ru/articles/616958/>

7. [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.openclass.ru/node/175345>

8. [Электронный ресурс]. – URL: <http://termopower.ru/main/3-post3.html>

**Ўқувчилик лойиҳавий фаолияти тавсифи** (мавзуни ўқувчиликнинг ўзлари танлайдилар)

**Лойиҳа №1 «Кундалик (машиний) турмушида иссиқлик узатишдан фойдаланиши»**

**Вазифа:** машиний асбобларнинг курилиши ва уларни эксплуатация қилиш қоидалари билан танишиш

**Тавсиф:** ўқувчилик тўқ ва оқиши рангли чавгумларнинг фарки, мўйна билан ёпилганда музнинг эришини намойиш қилишлари, қайнок сувни шиша стаканга қандай қуиши кераклигини тушунтиришлари мумкин. Иссиқ асбоблардан фойдаланиши ҳакида маслаҳатлар ёзилган эслатмалар, шунингдек, видеофильм ва тақдимот тайёрлашлари, фото ёки видеорепортаж ишлаб чиқишилари мумкин ва ҳ.к..

**Лойиҳа №2 «Техникада иссиқлик узатишдан фойдаланиши»**

**Вазифа:** иссиқлик узатиш ҳодисасига асосланган турли техник курилмалар ва уларнинг ишлаш принциплари ҳамда бажарадиган вазифалари билан танишиш.

**Тавсиф:** ўқувчилик турли иссиқлик асбоблари, уларнинг курилиши ва фойдаланилиши ҳакида маълумот йигадилар. Лойиҳанинг натижага тақдимот, буклет, фото ёки видеорепортаж, шунингдек, курилманинг модели ёки макети бўлиши мумкин.

**Лойиҳа №3 «Табиатда иссиқлик узатиш ҳодисаси»**

**Вазифа:** Табиий иссиқлик узатиш ҳодисаси ва унинг инсон томонидан кўлланиши имкониятларини тадқик этиши.

**Тавсиф:** Ўқувчилик иссиқлик узатиш билан аллокадор табиат ҳодисалари ҳакида маълумот тўплайдилар, уларнинг вужудга келиш сабаблирини ва инсоният эктиёжи йўлида ундан фойдаланиши имкониятларини таҳлил этадилар. Тақдимот, буклет, маъруза, модел ёки схема чизмаси кабилар фаолият натижаси сифатида тақдим этилиши мумкин.

**Гурухларга химоя пайтида берилиши мумкин бўлган саволлар**

1. Машинани эрта тонгда юргизган маъқулми ёки кун давомида юргизган маъқулми?  
*Жавоб: Эрта тонгда, чунки эрта тонгда ҳаво салқин бўлади, бензин совуқда кучлироқ сиқиласди ва бакка қўпроқ кетади.*
2. Автомобилларнинг радиаторига кишда нима сабабдан иссиқ ғилоф кийдирилади? (*Жавоб: Ғилоф иссиқлик изолятори ҳисобланди. У двигателни совуб ва музлаб қолишдан сақлайди.*)
3. Пастқам жойда нимага боғ яратиб бўлмайди?  
*(Жавоб: Совуқ ҳаво асосан пастда тўпланаади. Пастликларда совуқ аёз бўлади).*
4. Қизиган плитага сув томчиси тушганда сакраб-сачрай бошлайди. Нега?  
*(Жавоб: Қизиган плита, томчининг юқори қисмини қиздирив, атрофида буг қобиги ҳосил қиласди. Мана шу буг томчини юқорига сакратади).*
5. Кастрюлда бакирлаб сув қайнамоқда ва унда макарон пишмоқда.  
Макарон трубкасида сув қайнайдими? (*Жавоб: Йўқ. Макаронда сув қайнавши учун, уни янада қайноқ моддалар билан тўлдириш керак. Кострюлдаги сувнинг иссиқлиги қайнави ҳароратидан юқори бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли макарон говак тешикларидаги ҳарорат кострюлдаги сув ҳарорати билангина тенг кела олиши мумкин.*)
6. Картошкани тезроқ пишириш учун сувнинг юзаси қисмiga сариёғ бўлакласини ташлаш лозим. Нега? (*Жавоб: Ёғ қайноқ сувнинг юзасида оқиб, юпта плёнка ҳосил қиласди, у сувнинг бусланишини камайтиради, шу сабабли сув ҳарорати тезроқ қайнави ҳолатига ўтади.*)
7. Нима учун кишида оёқ остидаги қорлар ғичирлайди? (*Жавоб: Оёқ остида қор парчалари-кристаллар синади.*)
8. Нега кафтингизга куфласангиз, исигандек бўласиз, пуфласангиз, совуқотгандек бўлади. (*Жавоб: Нафасдан чиқсан ҳаво кафтдан иссиқроқ бўлиб, уни исита олади. Агар ҳаво тўлқини тезлашча, у ҳолда кафтнинг юза қисмida бусланин кучаяди, натижада у совугандек бўлади.*)
9. Темир ёки кўргошинда иссиқка чидамлилик мисга нисбатан анча кучли бўлсада, нега кавшарлагич мисдан ясалади? (*Жавоб: Мис темир ёки кўргошинга нисбатан аъло даражада иссиқлик ўтказши хусусиятига эга. Шунинг учун у кавшарлаш учун ишлатиладиган яхши металл қотишма ҳисобланиб, тез қизийди. Мис шунингдек қотишма билан яхши хўлланади ва иш жараёни енгил кўчади.*)
10. Нима учун дарахтга михни қоқаётганда унинг юзаси камрок исиди, лекин мих ичкирига киргач, у бир-икки ургандаёқ қизиб кетади? (*Жавоб: Мих суқилганда, болға кинетик энергиясининг кичик қисми мих ички энергиясига кўчади, шундан дарахт ва михнинг юза қисми суст исиди. Мих қоқилгач, болға кинетик энергиясининг катта қисми мих ички энергиясига кўчади. Шу сабабли ҳарорат анча кучаяди.*)
11. Биз ўқитувчи ўқувчилар олдига муаммолар кўйиб, лойиҳавий фаолиятни бошлаш учун кўрсатма берадиган машгулотдан намуна келтирдик. Лойиҳа химояси қоидага кўра якуний ёки умумлаштирувчи машгулотда амалга оширилади. Бундай машгулотлар ишланмаси – ўқитувчининг ижодий

тафаккури маҳсули бўлиб ҳисобланади. Кўйида 6-синфда “Иссиқлик узатиш турлари” мавзуси бўйича умумлаштирувчи машғулот намунасини келтирамиз.

### **Мавзу: «Иссиқлик узатиш турлари».**

**Дарс типи:** Материални умумлаштириш.

**Мақсадлар:**

1. «Иссиқлик узатиш турлари» мавзуси бўйича асосий билимларни умумлаштириш;
2. Ўкувчиларнинг иссиқлик алмашинуви турлари ва улардан майший турмушда, табиат ва техникада фойдаланишга оид билимларни чукурлаштириш;
3. Ўрганилаётган физик ҳодисани тушунтириш учун шароит яратиш;
4. Лойихавий, коммуникатив кўнижмаларни ривожлантириш, ишга ижодий ёндашишни амалга ошириш.

**Вазифалар:**

- 1) Лойихани тайёрлаш орқали ўкувчиларни билимларни умумлаштиришга жалб этиш;
- 2) Ўкувчиларнинг лойихалар тақдимотига тайёрлаш;
- 3) Уларда мантикий тафаккурни шакллантиришда давом этиш, табиат ҳодисаларини тушунтира олиш кўнижмаларини ўстириш, вазиятни баҳолаб, кузатилаётган жараёнга нисбатан ўзлаштирган қонунларини татбиқ этишга ўргатиш;
- 4) Ўкувчиларда диккат ва кузатувчанликни ривожлантириш, уларнинг физика фанига кизиқшини ошириш ва атроф оламда юз берәётган ҳодисаларни тўғри англаш ва изоҳлаш учун бу фаннинг зарурлигига ишонч уйғотиши;
- 5) Лойиха учун материал танлашга қаратилган ахборот маданиятини ўстириш;
- 6) Тақдим этилган лойихалар юзасидан мунозаралар ташкил этиш;
- 7) Кўшимча таълим ресурслари билан мактабда ва уйда дарсдан ташкари вактларда мустакил ишлаш истагини рагбатлантириш.

**Дарсга тайёргарлик:**

Мазкур мавзуни ўрганишга қаратилган илк дарсда ўқитувчи лойиха учун мавзуларни таклиф этади ва ўкувчilar олдига муаммоли саволлар кўяди. Муаммо кўйилгач, ўкувчilar уч гурухга бўлинниб, лойиха мавзусини танлаш учун кўръя ташлайдилар.

Ўқитувчи уларга турли ҳодисалар ҳақида унчалик катта бўлмаган намойишларни изоҳи билан бирга тайёрлашни вазифа килиб топширади. Тадқикот ишини бажариш учун ўкувчиларнинг ўзлари мустакил равишида модел тайёрлаш, мультимедиа тақдимот, газета чиқариш, брошюра тайёрлаш каби фаолият туриларидан бирини танлайдилар.

Кейин ўкувчilar ўзларига юклатиладиган вазифаларни ўзаро келишиб бўлишиб оладилар, лойиха матрицасини тузадилар, ахборотларни излайдилар ва йигадилар, уни тахлил килиб, муайян тасаввур хосил қиладилар, тажрибасинов режасини мунозарадан ўтказадилар, лойихани бажариш учун керакли жиҳозларни тайёрлайдилар. Тайёрланиш учун 2 – 3 хафта ажратилади.

**Жиҳозлар:** дарслик, дафтар, компьютер, мультимедиа проектор, модел ва тажриба-синовни намойиш этиш учун зарур жиҳозлар.

**Дарснинг тузилиши:**

- I. Кириш қисми
- II. Ўқувчиларнинг чиқишилари.
- III. Чиқишиларни таҳлил этиш ва муҳокама килиш.
- IV. Дарсдан хулоса чиқариш.
- V. Дарс натижаларини тақдим этиш ва баҳолаш.

**I. Кириш қисми.**

Ўқитувчи: Салом, болалар. Курсни бошлашда биз “Моддаларнинг тузилиши” мавзусини кўриб чиқсан эдик. Ушбу билимлар сизга турли физик ҳодисаларни тушунишга кўмаклашган эди. Шунингдек, кўплаб физик ҳодисаларни тушунтириш учун физикада энергетик ёндашув кенг тарқалган. Маълум бўлишиба, энергияни хисоблаб, унинг ўзгаришини кузатиш орқали турли зарра ва жисмлар, ҳатто тузилиши маълум бўлмаган жисмлар (юлдузлар, сайдералар, атомлар ва б.) тизимида юз берастган ҳодисаларни олдиндан айтиб бериш имконияти вужудга келади. Энергия фойдали ва заарарли бўлиши мумкин. Шу сабабли сиз ушбу мавзуга жуда жиддий ёндашишингиз лозим.

Биласизки, жисм ички энергиясини икки хил йўл билан ўзгартириш мумкин. Қандай йўллар билан?

Ўқувчилар: жисм ёки иссиқлик узатиш устида иш олиб бориш билан.

Ўқитувчи: Биз сиз билан иссиқлик узатишнинг қайси турларини ўргангандик?

Ўқувчилар: Иссиқлик ўтказиш, конвекция ва нурланиш.

Бугун биз сиз билан бирга иссиқлик узатишнинг салбий таъсиридан химояланishi ҳамда уларни фойдали мақсадда кўллашни муҳокама қиласиз. Бунинг учун биз гурухларга бўлинниб, иссиқлик узатишнинг машший турмушда, техникада ва табиатда қандай намоён бўлишини кўриб чиқамиз. Гурухларнинг чиқишидан олдин, келинг, ўтилган мавзуни бир эслаб олайлик.

**II. Ўтилганларни тақорлаш.**

1) Доскада ҳодисаларга мисоллар кўрсатилади. Ўқувчилар қандай вазиятда ишни амалга оширишда жисм энергияси(1) ёки иссиқлик узатиш(2)нинг ўзгаришини аниқлашлари лозим

- A. Газ горелкасида сув иситилганда (2);
- B. Тез юриш натижасида автомобил покришкасининг қизиши(1);
- C. Ҳавода учаётган юлдузнинг ёруғлик сочиши (1);
- D. Автомобил корпусининг куёшда исиши (2);
- E. Дискда пичоқ чархланганда учкун сачраши (1);
- F. Қайнок чойга солинган кошиқчанинг исиб кетиши (2).

2) Тушунтириш методи. Гурухларга ҳодисалар картинаси акс этган жадваллар тарқатилади. Топширик: берилган ҳодисани аниқлаб тавсифини ёзиш.

Ўқитувчи: Дарсимизнинг энг мароқли қисмига етиб келдик, навбат ижодий гурухларнинг тақдимотларига.

### **III. Ўқувчиларнинг тайёрлаган лойиҳалари билан чиқишилари.**

1) Маиший турмушда юз берадиган иссиқлик узатиш ҳодисасини намойиш этувчи **1-гурухнинг чиқиши**. Ўқувчилар оқиши ва тўқ рангли чойнакларнинг қизиши, пўстин ёпилгач, музнинг эриши мисолида ҳодисани тақдим этишлари, шиша стаканга қайнок сувни қандай килиб кўйиш мумкинлигини кўрсатишлари мумкин.

Хулоса сифатида маиший турмушда иссиқлик узатишнинг турли салбий таъсириларидан қандай химояланиш мумкинлиги ҳақидаги эслатмани намойиш этадилар.

**Эслатма** (намуна сифатида):

- I. Кўйиб қолмаслик учун чойни металл идишда эмас, чинни идишда ичинг;
- II. Кострюлканинг пластмасса тутқичлисини танланг ёки ушлагичдан фойдаланинг;
- III. Шиша идишга қайнок сув кўйишдан олдин унга металл қошикни солинг;
- IV. Компотни тезроқ совутишини истасангиз, кастрюлкани музнинг устига эмас, остига кўйинг;
- V. Овқатингиз тагига олмасин десангиз, чўян қозон ёки сковородка ишлатинг;
- VI. Чойни қайнок, ичимликни эса совук сақлашни истасангиз, термосдан фойдаланинг!

**Ўқитувчи:** 1-гурухга раҳмат, саволингиз бўлса, марҳамат (мунозара учун 5-7 мин. вакт ажратиш мумкин).

**Ўқитувчи:** Энди табиатда иссиқлик узатиш турларининг намоён бўлишини изоҳлаш учун 2-гурухни таклиф этамиз.

2) **2-гурухнинг чиқиши.** Ўқувчилар фаолият натижаларини денгизда шамолнинг, сувости оқимининг пайдо бўлишини мисол қилиб келтириш ёки теплицадан фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар орқали тақдимот килишлари мумкин. Шунингдек, турли юнглар билан қопланган ҳайвонлар ҳақида сўзлаб беришлари хам мумкин.

Мисол учун, «Ўз боғингизда иссиқхонани қандай қуришингиз мумкин» лойиҳасини келтирамиз.



Эртапишар сабзвотларни еб мазза қилиш учун күёш энегиясидан фойдаланиш ёки «ердан тараладиган буғни консервалаш» мумкин. Теплицалар шунинг учун курилади. Теплица ва парниклар куриш учун биринчи навбатда

каркас ясалади. Уни тол, терак, ёнгок, каноп новдасидан, эски водопровод трубасидан, бурчакли металлар ёки 40x50 мм. қиркимли ёғоч рейкалардан ясаш мумкин. Металл кисмини занглашдан саклаш учун мой бўёдан фойдаланилади. Кейин уни хўжалик моллари дўконида сотиладиган теплицалар учун маҳусусларни кўлланиладиган полистилен пленкалар билан ўраб чиқилади. Шиша (пленка) қўёш нурини яхши ўтказади, у кора тупроқка тушиб, уни қиздиради, Ернинг юзасини қиздирувчи кўринмас нурларни ёмон ўтказади. Шунингдек, пленка (шиша) иссиқ ҳавонинг юқорига ҳаракатланишига қаршилик кўрсатади, яъни конвекцияни амалга оширади. Шу тарзда, теплицанинг ойналари энергияни ушлаб олувчи “тузоқ” вазифасини бажаради. Теплица ичидаги иссиқлик ҳарорати ташқаридаги заминга қарагандан тахминан 10° С даражада юқорирок бўлади (шунингдек, теплицани лампа ёрдамида иситиб, ташқаридан ва ичкаридан ҳарорат ўлчаб борилади, шу сабабли ҳарорат турличи бўлиши мумкин).


Пленка остидаги эрта пишар сабзвотлар қўёш нуридан тўликроқ фойдаланиши учун ҳар тарафлама яхши ёритилиши керак. Бундан ташқари, уларга баҳорги совуклар, муздек шамол ва ёнингарчиликлар таъсир килмаслиги зарур. Шу сабабли парник ёруғлик яхши тушадиган ялангликка курилади. Унинг куйи қисми жанубга, юқори қисми шимолга қаратилади. Парникни пастқамликка куриб бўлмайди, уни баландроқ жойга куриш мақсадга мувофиқиди.

Чиқишдан сўнг, мунозара ёки муҳокама ўтказилади, бунинг учун 5- 7 минут вақт ажратилади.

**Ўқитувчи:** Энди техникада иссиқлик узатиш турларини изохлаш учун З-гурухга сўз берамиз.

**3-З-гурухнинг чиқиши.** Ушбу лойихада иситиши тизими, иссиқни сакловчи материаллар, термоснинг курилиши каби мисоллардан фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, тортишишнинг вужудга келишини кўрсатиш учун трубали печка моделини ҳам тақдим этиш мумкин.

Буғ трубада тортишиш юқорига интилувчи иссиқ ҳавонинг(конвекция) кенгайиши ҳисобига юзага келади. Тортишиш труба курилмаси ва ўлчамининг тўғрилиги билан боғлиқ равишда турличи бўлиши мумкин. Лекин ортиқча тортишиш ҳам бефойда бўлиб, ўтина тез ёнади-ю, ундан келадиган иссиқлик трубага сўрилади. Ўтин керагидан ортиқ даражада кўп сарфланади. Шу сабабли буларнинг барчаси: труба баландлигининг юқорида келтирилган оптималь параметрларга мувофиқлиги ва киркимлари олдиндан ҳисобга олиниши лозим. Печканни иситишида тортишишни ҳавонинг келишини ўзгартириш ҳисобига тўғрилаш мумкин: бунинг учун шамол кирадиган эшикча ёки тўсикни беркитиш ёки очиш лозим.



Такдимотдан сўнг ўқитувчи кўрсатилган курилма ҳакида саволлар беришни таклиф килади. Мухокама ва мунозарага 5-7 минут вакт ажратилади.

#### **IV. Чиқишлиарни мухокама қилиш.**

**Ўқитувчи:** Шундай килиб, биз иссиқлик узатишнинг техникада, маший турмушда ва табиатда қандай амалга ошишини кузатдик, ишимизни баҳолаш учун ўз-ўзини таҳлил этиш анкеталарини тўлдирамиз. Анкетани дарсга таклиф этилган меҳмонлар хам тўлдиришлари мумкин.

#### **V. Дарсни яқунлаш ва баҳолаш.**

Ва, ниҳоят, узок муддатли яна бир лойихани кўриб чиқамиз. Ушбу лойиха бўйича топширикларни ўқитувчи ўкув йилининг бошида топширади. У орқали ўқувчиларни бадий асарларда акс этган физик ҳодисаларни йил давомида ўрганиш ва мустақил равишда уларни англашга ўргатади. Бу, айни вактда, ўрганилаётган предметга нисбатан ўқувчиларда қизиқишининг ортишига олиб келади.

#### **3-мавзу: «Эртаклардаги физика»**

Физикадан узок муддатли лойиха (индивидуал)

«...физика...нафақат техника сари қўйилган илк қадам, балки инсон фикри қатламларига йўл ҳамоид»  
М. Борн

#### **Мақсадлар:**

**Билишга оид:** ўрганилган физик жараёнларга оид билимларни умумлаштириш, бадий асарлардаги физик ҳодисаларни англаш ва уларни амалиётга татбиқ этиш кўнкимларини ривожлантириш;

**Ривожлантирувчи:** ўрганилаётган предметга нисбатан қизиқиши ошириш;

**Тарбиявий:** эстетик тарбия, фаол фуқаролик нуктаи назари, санъатга ва бадий адабиётга муҳаббатни тарбиялаш.

**Тушунчанинг мазмуни:** 6-синфда физика бўлимлари бўйича ўрганиладиган физик ҳодисалар:

- 1) модданинг тузилиши;
- 2) механик ҳодисаси;
- 3) оддий механизмлар;
- 4) иссиқлик ҳодисалари;

- 5) ёргулук ҳодисалари;
- 6) товуш ҳодисалари

**Методлар:** лойихалар методи (ахборот, ижодий ва тадкиқотчилик лойихалари)

**Техник воситалар, ўқитши воситалари, кўшимча материаллар:** компютер, плакатлар, бадий адабиёт.

**Ташкилий шакли:** ўкувчиларнинг индивидуал ёки жуфтлиқда ишлаши. Лойихани бажаришга кетадиган вақт – йил давомида, бажарилган ишлар бўйича химоялар, ўтилаётган мавзу бўйича умумлаштирилган дарсларда. Якунин машғулот ўкув ийилининг охирида физика кечасида ўтказилиб, энг яхши ишлар тақдим этилади. Оралиқ химоялар умумлаштирувчи машғулотларда йил давомида ўтказилади.

#### **Лойиханинг вазифалари:**

1. Ўкувчиларни физикадан билимлар олиш ва ўзлаштиришга жалб этиш;
2. Мантикий тафаккурни шакллантириш, табиат ҳодисаларини тушунтириш, вазиятни баҳолаб, кузатилган ҳодиса ёки илгари сурилган муаммога нисбатан ўрганилган конунларни татбиқ этиш;
3. Ўкувчиларда дикқат, кузатувчанлик, физикани ўрганишга қизиқиш ва атрофимизни ўраб турган оламда юз бераётган ҳодисаларни тўғри англаш учун билимнинг заруриятини тушуниш кўнимкамларини шакллантириш;
4. Мактабда ва уйда дарсдан ташқари вақтда кўшимча ресурслар билан мустақил ишлашга нисбатан истакни рағбатлантириш;
5. Тадқиқот натижаларини акс эттирувчи маҳсулот яратиш.

#### **Кириш**

Аксарият эртак ўқиганда унда учрайдиган физик ҳодисаларга эътибор бермаймиз. Аслида бундай ҳодисалар эртакда бирмунча муҳим ўринга эга бўлладилар: ким табиат конунларини билса, ғалабага эришади, билмаса – ютқазади. Айрим эртакларда физик ҳодисалар аниқ ва ҳақиқатга яқин килиб тасвирланса, бошқаларида бадий муболага билан фантастик тарзда ифодаланади. Маълумки, эртаклар жуда катта тарбиявий кучга эга, уларда инсон учун зарур бўлган донолик, кўнгилчанлик хамда гўзаллик акс этади. Эртак тўкиши вақтида ижодий тасаввур ривожланади. Ўқитувчининг максади – ўкувчиларни табиат ҳодисаларини англашга ва уларни ҳаётда қўллашга ўргатишдан иборат.

#### **Ушбу лойиха бир қанча йўналиш (муаммолар)га эга:**

1. Ўрганилаётган обьект ёки ҳодисанинг образига асосланниб, ўрганилаётган обьект ёки ҳодиса ҳақида асосий физик маълумотларни ўзида акс эттирувчи кичикроқ эртак ёзиш. Эртакни расмлар орқали намойиш килиш, чунки болалар ўзлари ёзган эртакларини кўргазмали ҳолда анча обьектив тарзда ифодалайдилар, уларнинг образли тафаккури ривожланади. Эртакни китобча шаклига келтириш ҳам мумкин.

2. Ўрганилаётган ҳодиса ҳақида муаллифлар томонидан яратилган эртакларни ёки мавжуд халқ эртакларини топиш ва уларни мавзулар бўйича белгилаш;

3. Физик ходисалар акс этган барча матал ва мақолларни йиғиш ҳамда мавзулар бўйича таксимлаб чиқиши;

4. Эртак сюжетлари ва бошқа бадиий адабиётлардан фойдаланиб, физик топшириклар ва кизикарли саволлар ўйлаб топиш;

5. Физик ходиса эртак қаҳрамонига кўмакка келиши акс этган кизикарли эртакни саҳналаштириш.

#### **Тавсия этиладиган ахборот манбалари:**

1. Электронная библиотека сказок [Электронный ресурс]. – URL: <http://lib.pravmir.ru/library/book/>

2. Денисов С. Указатель физических явлений и эффектов [Электронный ресурс]. – URL: <http://read.newlibrary.ru/t>

3. Центральная городская детская библиотека г. Москвы [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.gaidarovka.ru/i>

4. Национальная библиотека им. А. Навои [Электронный ресурс]. – URL: <http://pr.uz/nashe-vse/8098>

5. Проект физика в литературных произведениях [Электронный ресурс]. – URL: <http://nsportal.ru/shkola/fizika/library/2014/02/20/fizicheskie-yavleniya-v-literaturnykh-proizvedeniyakh>

#### **Ўқувчилар лойиҳавий фаолияти тавсифи**

##### **Лойиҳа №1 «Муаллифлик эртаги»**

*Вазифа:* Ўрганилаётган физик ходисани акс эттирувчи эртак ёки бошқа бирор бадиий асар ёзиши.

*Тавсиф:* Ўқувчилар бадиий асар ёзиш учун материал йигадилар, уни расмли китоб шаклига келтирадилар, шунингдек, унинг асосида саҳна тайёрлашлари мумкин.

##### **Лойиҳа №2 «Эртаклардаги физика»**

*Вазифа:* Физик ходиса ва конунлар акс этган эртак сюжетларини топиб, уларни тушуниришга ҳаракат қилинг.

*Тавсиф:* Ўқувчилар физик ходиса ва конунлар акс этган эртак сюжетларини топиб, уни расмли китоб шаклига келтирадилар ёки унинг асосида тақдимот тайёрлайдилар. Шунингдек, унинг асосида саҳна тайёрлашлари мумкин.

##### **Лойиҳа №3 «Матал ва мақолларда физика»**

*Вазифа:* Физик ходиса ва конунлар акс этган матал ва мақолларни топиши.

*Тавсиф:* Ўқувчилар фольклор намуналарини топадилар, уни мавзулар бўйича таксимлайдилар, тақдимот, ўз иллюстрациялари билан безатилган буклет ёки китобча тайёрлайдилар.

##### **Лойиҳа №4 «Физикадан эртак топшириқлар тўплами»**

*Вазифа:* Эртак сюжетлари ёки қаҳрамонлари иштирок этадиган топшириклар тўпламини тузиши.

*Тавсиф:* Ўқувчилар кўшимча манбалардан фойдаланиб, берилган мавзу бўйича маълумотлар тўплайдилар ёки эртак персонажларидан фойдаланиб, ўзлари мустакил равишда топшириклар тузадилар.

##### **Лойиҳа №5 «Teatr постановкаси»**

**Вазифа:** Физик ходиса бош қаҳрамонга кўмак берадиган эртакни танлаш ва уни саҳналаштириш.

**Тавсиф:** Ўқувчилар ўзларига маъқул келган эртак асосида театр постановкасини тайёрлайдилар, унга костюм ва декорацияларни ишлайдилар.

**Лойиҳа ҳимоя қилингандага ўқитувчи бериши мумкин бўлган саволлар:**  
Физикадан ўрганилган бўлимлар бўйича барча саволлар.

### III. 7-СИНФ УЧУН ФИЗИКАДАН ЛОЙИҲАЛАР

#### Тақвимий режалаштириш

##### I чорак

Жадвал № 5

Дарс №	Дарс мавзулари	Соат-лар	Ўтказилиши муддати	Сана	Изоҳ
1-дарс	Кириш. Жисм ҳаракати.	1			Лойиҳа учун топширик
2-дарс	Макон ва вакт	1			
3-дарс	Кинематиканинг асосий тушунчалари	1			
4-дарс	Вектор катталиклар ва уларнинг ҳусусиятлари	1			
5-дарс	Тўғри чизикли текис ҳаракат хакида тушунча	1			Лойиҳа учун топширик
6-дарс	Тўғри чизикли текис ҳаракат тезлиги	1			
7-дарс	Тўғри чизикли текис ҳаракатнинг <b>график тасвири</b>	1			Лойиҳа ҳимояси
8-дарс	Масала ечиш. <b>Кинематик катталилкка нисбийликнинг таъсири</b>	1			Лойиҳа ҳимояси
9-дарс	Назорат иши	1			
10-дарс	Нотекис ҳаракатда тезлик.				
11- дарс	Текис ўзгарувчан ҳаракатда тезлик	1			
12- дарс	Масала ечиш	1			
13- дарс	Текис ўзгарувчан ҳаракат тезланиши	1			
14-дарс	Текис ўзгарувчан ҳаракат вактида ўтилган йўл	1			Лойиҳа учун топширик
15-дарс	Топширикларни ҳал этиш	1			
16-дарс	Лаборатория иши Текис тезланувчи ҳаракатланаётган жисм тезланишини аниқлаш	1			Лойиҳалар ҳимояси Лойиҳа учун топширик
17-дарс	Жисмларнинг эркин тушиши. Юқоридан вертикал ташланган жисмлар ҳаракати. <b>Галилео Галилей тажрибаси</b>	1			Лойиҳалар ҳимояси

18-дарс	Назорат иши-2	1		
---------	---------------	---	--	--

**II чорак**

Дарс №	Дарслар мавзуси	Соат-лар	Ўтказилиш муддати	Сана	Изоҳ
19-дарс	Айлана бўйлаб тексис харакатланувчи жисм	1			
20-дарс	Айлана харакатдаги катталиклар ўртасидаги ўзаро муносабат	1			Лойиха учун топширик
21-дарс	Марказга интилма тезланиш	1			
22-дарс	Топширикни ҳал этиш. <b>Уйдан мактабга йўл</b>	1			Лойихалар химояси
23-дарс	Ньютоннинг биринчи қонуни –инерция қонуни	1			Лойихалар учун топширик
24-дарс	<b>Жисмларнинг ўзаро таъсири. Куч</b>	1			
25-дарс	Назорат иши -3	1			
26-дарс	<b>Жисм массаси</b>	1			Лойихалар химояси
27-дарс	Ньютоннинг иккинчи қонуни				
28-дарс	Лаборатория иши. Сарфланган куч ва масса билан боғлиқ ҳолда жисм тезлашишини ўрганиш	1			
29-дарс	Ньютоннинг учинчи қонуни	1			
30-дарс	Харакат қонунларининг айлана ҳаракатта татбиқи	1			
31-дарс	Масала ечиш. <b>Ньютон қонуилари ва улардан фойдаланиш</b>	1			Лойихалар химояси
32-дарс	Назорат иши -4	1			

**III чорак**

Дарс №	Дарс мавзулари	Соат-лар	Ўтказилиш муддати	Сана	Изоҳ
33-дарс	Эластиклик кучи	1			Ўртacha тезликда бажаришга мўлжалланган лойиха «Табиатдаги кучлар»
34-дарс	Лаборатория иши: Пружина таранглигининг аникланиши	1			
35-дарс	<b>Бутун олам тортишиши қонуни</b>	1			Лойихалар учун мавзулар
36-дарс	Оғирлик кучи	1			
37-дарс	Жисм оғирлиги	1			
38-дарс	Масала ечиш	1			
39-дарс	Вазнисизлик ва ортиқча	1			Лойихалар

	юкламалар. Жисм оғирлиги. <b>Вазисизлик. Күндалик ҳаёт ва экстремал вазиятларда жисм оғирлиги</b>			химояси
40-дарс	Ернинг тортишиш кучи таъсирида жисмнинг харакатланиши	1		
41-дарс	<b>Ернинг сунъий йўлдоши</b>	1		Лойиҳалар химояси
42-дарс	Масала ечиш	1		
43-дарс	Назорат иши -5	1		
44-дарс	Ишқаланиш кучи. Тинч ҳолатдаги ишқаланиш	1		Лойиҳа учун топширик
45-дарс	Сирпаниш ишқаланиш. Тебранишдаги ишқаланиш	1		
46-дарс	Масала ечиш	1		
47-дарс	Лаборатория иши: Сирпаниш ишқаланиш коэффициентини аниклаш	1		
48-дарс	<b>Табиат ва техникада ишқаланиш.</b> <b>Табиатдаги кучлар</b>	1		Лойиҳалар химояси
49-дарс	Импульс	1		
50-дарс	Импульснинг сакланиш конуни	1		Лойиҳалар учун топширик
51-дарс	Топширикни ҳал этиш	1		
52-дарс	Назорат иши -6	1		

**IV чорак**  
**(хафтасига 2 соат, ҳаммаси бўлиб 68 соат)**

Дарс №	Дарслар мавзуси	Соатлар	Ўтказилиш муддати	Сана	Изоҳ
53-дарс	<b>Табиат ва техникадаги реактив ҳаракат</b>	1			Лойиҳалар химояси
54-дарс	Механик ҳаракат	1			
55-дарс	Лаборатория иши: Жисмни кўтариш ва горизонтал жойлаштиришга оид хисоблаш ишлари	1			
56-дарс	Кинетик энергия	1			Ўрта тезликда бажаришга мўлжалланган лойиҳа “Энергия каердан келади?”
57-дарс	Потенциал энергия	1			
58-дарс	Потенциал ва кинетик энергиянинг айланиши	1			
59-дарс	Масала ечиш	1			

60-дарс	Назорат иши – 7	1			
61-дарс	Механик энергиянинг сакланиши конуни. Энергия сакланиш конуни кашф этилишининг тарихи.	1			Лойиҳалар химояси
62-дарс	Лаборатория иши: Механик энергиянинг сакланиши конунини ўрганиш	1			
63-дарс	Кувват. Масала ечиш	1			
64-дарс	Табиатда энергиянинг сакланиши. Фойдали характер коэффициенти	1			Лойиҳалар химояси
65-дарс	Масала ечиш	1			
66-дарс	Умумлаштирувчи дарс	1			Лойиҳалар химояси
67-дарс	Назорат иши – 8	1			
68-дарс	Экскурсия. «Механика ва инсон»	1			Узок муддатда бажарига мўлжалланган лойиҳа

### Мавзу №1. «Ўйдан мактабгача йўл»

(мини - проект)

#### *Мақсадлар:*

**билишга оид:** кинематик тушунчалар ва катталикларни ўрганиш, ўзининг характерини тадқиқ этиш учун амалий билимларни қўллаш;

**ривожлантирувчи:** ўрганилган формулаларни қўллашга оид амалий малакаларни мустахкамлаш;

**тарбиявий:** инсон ҳаётий фаолияти хавфсизлигини таъминлаш учун ўзлаштирилган билимларни кундалик ҳаётда ва майший турмушда қўллаш

**Физик жараёнларни тавсифлаша қўлланиладиган моделлар:** моддий нукта, бир текисдаги тўғри чизиқли характер, тўғри чизиқли текис тезланувчи характер, атроф бўйлаб бир ўлчами текис характер.

**Методлар:** лойиҳалар методи (индивидуал тадқиқот лойиҳалари), моделлаш.

**Техник воситалар, ўқитиш воситалари, қўшимча материаллар:** компьютер, хариталар, қаламлар, чизгичлар, қофоз.

**Таркилий шакли:** ўқувчиларнинг индивидуал ишлари. Лойиҳанинг бажарилиш муддати – таркибига топшириқ берилган машғулот ҳам кирадиган 2 та машғулот.

#### *Лойиҳанинг вазифаси:*

- апохида йўл учаскаларида ўз характерини белгилаш;
- ўз характерининг оптималь тезлигини баҳолаш;
- харакатнинг оптималь вактини ҳисоблаш;
- тезлик, тезлашибишил ва характер графигини ишлаб чиқиш;
- тадқиқот натижаларини ифодаловчи маҳсулотни яратиш.

**Асосий түшүнчалар:** 1) механик харакат, саноқ тизими, моддий нүкта, траектория, йўл ва жисмнинг фазода кўчиб юриши, лаҳзалик тезлик, ўртача тезлик, бир маромдаги тезлик, тезлик, текис харакат тезлиги, эгри чизикли харакат, тезлик модули бўйича доимий айланма харакат, бурчак тезлиги, марказга интилиш тезлиги;

2) конун ва конуниятлар:


$$s = \frac{v^2 - v_0^2}{2a}, \quad s = v \cdot t, \quad v_{cp} = s/t, \quad s = v_0 \cdot t + a \cdot t^2 / 2, \quad v = v_0 + a \cdot t, \quad a_{ii} = v^2/R, \quad v = \omega \cdot R.$$

### Лойихани бажаришни режалаштириши:

- 1) муайян масштабда харакат траекториясини тавсифлаш,
- 2) механик харакат моделларини танлаш ва алоҳида траектория участкаларидан улардан фойдаланиш имкониятларини асослаш,
- 3) ажратилган участкаларда харакатланиш тавсифномасини белгилаш, траекториялар
- 4) ҳар бир участкадаги харакатни миқдорий тавсифлаш,
- 5) ҳар бир участкада харакатнинг оптималь тезлигини белгилаш ва унга эришиш шарт-шароитлари,
- 6) харакатнинг тўлиқ вақтини ҳисоблаш ва оптимальлик шароитида олинган натижалар таҳлили.

### Лойиханинг бажарилиши (намуна):

Харакат траекториясини схематик ифодалаймиз (Интернетдан харитани принтерда чиқариб олишимиз мумкин ва унда маршрутимизни белгилаб оламиз):



- 1 – коридор бўйлаб лифтгача бўлган харакат;
- 2 – лифтдаги харакатланиш;
- 3 – подъезддан чиқишида зинапоялар бўйлаб харакат;
- 4 – горизонтал йўл бўйлаб харакат;
- 5 – қияликка қараб харакат;
- 6 – мактаб стадионининг югуриш йўлкаси бўйлаб харакат;
- 7 – зинапоя бўйлаб харакат.

### Лойихани тавсифлаш учун қўлланиладиган физик ўлчамлар рўйхати:

Физик ўлчамлар (катталиклар)	Белги, ишора	Ўлчов бирилларни	Ўлчаш усуллари
Ўтилган йўл	$s$	Метр	Кадамимизнинг ўртача узунлигини аниклаймиз ва уни кадамлар сонига қўпайтирамиз
Вакт	$T$	Секунд	Секундомер ёрдамида тўғридан-тўғри ўлчаш

Лахзалик тезлик	$v$	Секундига метр	Кисман
Үртача тезлик	$v_{cp}$	Секундига метр	Кисман
Тезлашиш	$A$	Секундига метр	Кисман
Бурчак тезлиги	$\omega$	Секундига радиан	Кисман
Марказга интилүвчи тезлашиш	$a_{ii}$	Секундига метр	Кисман

**Механик ҳаракат моделини танлаш ва ва унинг қўлланилиш шарт-шароитларини тавсифлаш:**

Траектория майдони	Ҳаракат моделининг номлари	Танловни асослаш
1.	Тўғри чизикли текис тезланиш	Ўтилган масофа катта эмас, у факат етиб олиш учун етарли
2.	Тўғри чизик бўйлаб текис тезланиш	Етиб олиш ва лифтда ушланиб колиш кичик вақт оралигини эгаллайди, уни белгилаш кийин
3.	Тўғри чизик бўйлаб текис тезланиш	Зинапоядан тушиш осон, бунда Ернинг тортиши майдони “ёрдам беради”
4.	Тўғри чизик бўйлаб текис ҳаракатланиш	Катта участкада белгиланган тезлиқда ҳаракатланиш
5.	Тўғри чизик бўйлаб текис тезланиш	Учинчига ўхшаш вазият
6.	атроф бўйлаб доимий ҳаракат тезлиги	Ҳаракат миқдори эмас, тезлигининг йўналиши ўзгаради
7.	Тўғри чизик бўйлаб текис секинлашиш	Зиналардан кўтарилишда аввал етиб олишга интиламиз, сўнг ҳаракат вақтида тезликни бой бера бошлаймиз

Бир ўлчамли ҳаракатда оптималь тезликни ўлчаш. Оптималь тезлик – ўзингизни меъёрий даражада яхши ҳис қиласидан максимал тезлик.

**Эксперимент материаллари** (тўлдириш учун жадвал):

А) Бир ўлчамли ҳаракат учун

Ўлчаш	Йўл участкаси			
	t, с	s, м	t, с	s, м
1				
2				
3				
4				
5				
Ўртача				

Б) Текис тезланиш харакати учун:

Майдон параметри №			
t, с			
s, м			
a, м/с <sup>2</sup>			
v <sub>max</sub> , м/с			

В) айланы харакат учун:

Майдон	t, с	s, м	Y, м/с	ω, рад/с	a <sub>ii</sub> , м/с <sup>2</sup>

### Олинган натижалар таҳлили. Графиклар.

Олинган натижаларни тадқик қиласиз:


харакатнинг максимал тезлигини ёзамиз;


машғулотта кечикмасликни кафолатладиган йўналишимизнинг минимал вақти (максимал тезликда харакатланиш зарур):

ўртача тезликни аниқлаймиз;

оптималь тезликда харакатланилганда йўналишимизга сарфланадиган вақтни аниқлаймиз:

вақт бўйича  $a(t)$ ,  $S(t)$  ва  $V(t)$ , кинематик ўлчам ўзгариши графигини ишлаб чиқамиз, графиклар намуналарини қўйида келтирамиз:





Графикларни дафтарда, ватман қофозда ёки тақдимот шаклида ифодалаш мумкин.

#### 4. Рефлексия.

Бир қанча майдонлар оралиғидаги масофани ўлчаш учун түгри ўлчовга мурожаат қилиш мумкин.

Улардаги ҳаракат тавсифини янада аникроқ белгилаш учун унчалик катта бўлмаган майдонларнинг ҳаракат троекториясини бўлиб чиқиш мумкин.

Тадқиқот натижалари бўйича кискача хуласалар чиқаринг.

#### Мавзу №2. «Табиат ва техникада ишқаланиш»

(Ўртача тезлиқда бажаришга мўлжалланган лойиха)

**Мақсадлар:**

**Билишга оид:** ишқаланиш кучи тушунчасини ўзлаштириш, ишқаланиш кучининг юзага келиш сабабларини аниқлаш, ишқаланиш кучи нимага боғлиқ, унинг табиати, кўринишлари ва б.;

**Ривожлантирувчи:** ўзлаштирилган формула ва тушунчаларни амалий қўллаш малакалари;

**Тарбиявий:** эгалланган билимларни кундалик ҳаётда, турмушида, инсон ҳаёт ҳафсизлигини таъминлаш учун қўллаш.

**Методлар:** лойиҳалар методи (гурухли лойиҳалар), моделлаштириш.

**Техник воситалар, ўқитиши воситалари, қўшимча материаллар:** компьютер, видеопроектор, лаборатория жиҳозлари ва б.

**Ташкилий шакли:** ўкувчиларнинг гурухли ишлари. Лойиҳаларни бажаришга сарфланадиган вақт - 4-5 машғулот, унга вазифа топширилган машғулот ҳам киради.

**Лойиҳанинг вазифалари:**

1) кишиларнинг ушбу ҳодисани қўллаш ва ундан фойдаланишга оид тарихий тажрибаларини ўрганиш;

2) ишқаланиш кучи табиатини аниқлаш, ишқаланиш кучининг алоқадорлиги ва конуниятларини билиш;

3) ишқаланиш кучининг алоқадорлиги ва конуниятини тасдиқловчи тажриба-синов ўтказиши;

4) ишқаланиш кучининг меъёрий босим кучи билан, бир-бирига тегиб турувчи сиртларнинг хусусияти билан ҳамда жисмлар нисбий ҳаракатининг тезлиги билан алоқадорлигини исботловчи кўргазмали тажриба-синов ҳақида ўйлаш ва уни ўтказиш;

5) турмушда ва техникада ишқаланиш кучидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.

**Асосий тушунчалар:** 1) ишқаланиш кучи, ишқаланиш коэффициенти, гадир-будир, тинч ҳолатдаги ишқаланиш, сирпаниш ишқаланиш, тебраниш ишқаланиш, суюк ишқаланиш, ҳаракатнинг нисбий тезлиги;

### **Муаммоли саволлар:**

1. Ишқаланиш кучининг табиати қандай?
2. Ишқаланиш кучи нимага боғлик?
3. Ишқаланиш коэффициенти нима, у нимага боғлик?
4. Ишқаланиш кучининг қандай турларини биласиз?
5. Ҳавода ва суюкликларда ишқаланиш мавжудми?
6. Ишқаланиш қачон фойдали, қачон зарарли?
7. Ишқаланишдан майший турмушда ва техникада қандай фойдаланилади?

### **Тавсия этиладиган ахборот манбалари:**

Куйида ўкувчиларга тадқиқот ишида кўмаклашадиган бир канча веб-сайтларнинг манзиллари келтирилди:

1. Крот Ю.Э. Физика и информатика в таблицах и схемах: лучше, чем учебник! / Ю.Е.Крот, С.Н.Маярчук. – Р/н/Д: Феникс, 2006. – 221 с.
2. Перельман Я.И. Большая книга занимательных наук: Алгебра, геометрия, физика, головоломки, задачи, опыты. Сборник. – М.: АСТ: Астрель, 2009. – 541 с.
3. Хребтов В.А. Физика. – СПб: ИД «Литера», 2006. – 160 с.
4. Энциклопедия Кирилла и Мефодия [Электронный ресурс] – URL: <http://vellisa.ru/multimediyayu-megaentsiklopediya-kirilla-i-mefodiya-onlayn>
5. Класс!ная физика [Электронный ресурс] – URL: <http://class-fizika.narod.ru/>
6. Формулы [Электронный ресурс] – URL: <http://www.fxyz.ru/>
7. Энциклопедия Кругосвет [Электронный ресурс] – URL: <http://www.krugosvet.ru/>
8. Сила трения (видео) [Электронный ресурс] – URL: <http://www.youtube.com/watch?v=fGOENLTpDbM>
9. Силы трения. [Электронный ресурс] – URL: [ens.tpu.ru/POSOBIE\\_FIS\\_KUSN/](http://ens.tpu.ru/POSOBIE_FIS_KUSN/)
10. [Электронный ресурс] – URL: prosto – o-slognom.ru/fizika/k-trenie.htm

### **Ўкувчиларнинг лойиҳавий фаолият йўналишлари:**

**Лойиҳа №1 “Ишқаланиш нима?”** *Вазифалар:* ишқаланиш нима эканлиги ҳақидаги саволга жавоб бериш, ишқаланишиш вужудга келтирувчи сабабларни, ишқаланиш кучи таъсирининг ҳавфли оқибатларини аниқлаштириш

**Тавсиф:** Ўқувчилар қўйидаги саволларга жавоб беришга харакат киладилар: ходисанинг моҳияти нимада, ишқаланиш жисмнинг ҳаракатига қандай таъсир кўрсатади? Ўқувчилар ишқаланишнинг фойдали ва зарарли жиҳатлари ҳакида шаҳарда яшовчилар билан ижтимоий сўровнома ўтказишлари мумкин. “ишқаланиш устидан суд” саҳна кўринишини ташкил этишлари мумкин. Натижаларни тақдимот, саҳна кўриниши шаклида тақдим этиш, фото ёки видеорепортаж тайёрлаш мумкин.

### **Лойиха №2. “Ишқаланиш кучи”**

**Вазифалар:** Ишқаланиш кучи формуласидан хулоса, ишқаланиш кучи ва коэффициентига боғлиқ бўлган ва бўлмаган омилларни аниқлаш, ишқаланиш кучини аниқлаш усусларини излаш. Ишқаланиш кучининг қандай турлари бўлишини аниқлаш.

**Тавсиф:** Ўқувчилар топган маълумотлари ва тажриба-синов ёрдамида ишқаланиш кучининг мавжудлигини исботлайдилар ва унинг турлари ҳамда алоқадорлигини аниқлайдилар. Фаолиятнинг маҳсули кўргазмали эксперимент, видеофильм, тақдимот, таҳлил бўлиши мумкин.

### **Лойиха №3. «Жисмга таъсир этувчи ишқаланиш кучини тажриба-синов йўли билан аниқлаш»**

**Вазифалар:** Жисмга таъсир этувчи ишқаланиш кучининг қийматини тажриба-синов йўли билан аниқлаш. Ишқаланиш кучининг жисмга тегиб турувчи қисмлар, нагрузкалар, сиртларнинг ҳолатига боғлиқлигини аниқлаш.

**Тавсиф:** Ўқувчилар ишқаланиш кучининг ахамиятини тажриба-синов йўли билан аниқлайдилар, ўқитувчи берган варақаларни тўлдирадилар. (к. илова № 2). Фаолиятнинг маҳсули кўргазмали тажриба-синов, тақдимот, таҳлил бўлиши мумкин.

Илова №2

#### **Тажриба-синов иши**

Мавзу:

**Мақсад:** сирпаниш ишқаланиш кучи ҳолатининг қўйидаги омилларга боғлиқлигини аниқлаш:

- юкламага;
- ғадир-будур сирт майдонига;
- ғадир-будур материалларга (куруқ сиртларда).

Жиҳозлар: 40 Н/м қаттиқ пружинали лаборатория динамометри; думалок кўргазмали динамометр (ўлчаш даражаси – 12Н); ёғоч брусколар – 2 дона; юклар тўплами; ёғоч таҳтача; металл қатлами бўлғи; текис чўян бруск; муз; резина.

#### **Тажриба-синов натижалари**

1. Сирпаниш ишқаланиш кучининг юкламага боғлиқлиги.

Тажриба №	1	2	3
м (г)			
F <sub>tp</sub> (Н)			

2. Ишқаланиш кучининг ғадир-будур сирт майдонига боғлиқлиги.

Тажриба №	1	2	3
S (см <sup>2</sup> )			
F <sub>тр</sub> (H)			

3. Ишқаланиш күчининг ғадир-будур сиртнинг нотекис бўлишига боғлиқлиги:

Ёғочни ёғочга (сиртни қайта ишлашнинг турли усуллари).

Ч	1 нотекис	2 силлиқ	3 текислаш
F <sub>тр</sub>			

Ишқаланиш коэффициентининг қийматини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$F_{\text{тр}} = \mu \cdot N, \text{ орқали } \mu = \frac{F_{\text{тр}}}{N} = \frac{F_{\text{тр}}}{mg}$$

№ п/п	Ғадир-будур материаллар (курук сиртларда)	Ишқаланиш коэффициенти (харакатда)	Жадвал қиймати
1	Ёғочни ёғочга (ўртача)		
2	Ёғочни ёғочга (толалар орқали)		
3	Ёғочни металлга		
4	Ёғочни чўянга		
5	Ёғочни музга		

Натижалар: \_\_\_\_\_

#### **Лойиха №4. “Маишӣ турмуш ва техникада ишқаланиши”**

**Вазифалар:** Маишӣ турмуш ва техникада ишқаланиш кучи хусусиятларидан қандай фойдаланишини билиш.

**Тавсиф:** Ўқувчилар ишқаланишдан фойдаланишга қаратилган қурилмалар ва уларнинг ҳаракат принциплари ҳакида маълумот йигадилар. Фаолият маҳсули буклет, тақдимот, қурилма модели, фото ёки видеопортаж бўлиши мумкин.

#### **Лойиха ҳимоя қилингандага ўқитувчи бериши мумкин бўлган саволлар.**

1. Ишқаланиш кучи нима? У қандай ҳарф билан ифодаланади? Қандай бирликлар билан ўлчанади? (**Жавоб:** бир жисмнинг бошқа жисм сиртида ҳаракатланганида пайдо бўладиган ва ҳаракатга қарши йўналган куч ишқаланиш кучи деб аталади, F<sub>тр</sub> [H]).

2. Қандай машхур кузатиш ва тажрибалар ишқаланиш кучи мавжудлигини кўрсатади? (**Жавоб:** автомобилнинг тормозланиши, шкафни суришнинг кийинлиги, арқон бўйлаб кўлни туширганда уни куйдириш мумкинлиги ва х.к.).

3. Ишқаланишнинг қандай турлари мавжуд? (**Жавоб:** тинч ҳолатда ишқаланиш, сирпаниш ишқаланиш ва думаланиш ишқаланиш. Шунингдек, оддий ишқаланиш ҳам мавжуд, масалан, сувда ва ҳавода).

4. Кучни ўлчайдиган асбоб қандай аталади? (**Жавоб:** динамометр).

5. Динамометр ёрдамида биз оғирлик кучини ўлчаймиз. Ишқаланиш кучини динамометр билан қандай ўлчаш мүмкін? (Жавоб: сиртнинг бўйлаб динамометр ёрдамида жисмни бир текисда жойини ўзгартириб).

6. Ишқаланиш хосил бўлиши сабабларини айтинг. (Жавоб: сиртнинг текис бўйлмаслиги ва молекулаларро ўзаро тортинши кучи).

7. Ишқаланиш кучи қандай йўналтирилади? (Жавоб: четга, қарама-карши харакат орқали ёки жисмда харакат кўзғашга интилиш туфайли);

8. Ишқаланиш фойдали ёки зарарли бўлишига мисоллар келтиринг. (Жавоб: инсон юрганида – фойдали, машина қисмлари харакатланганида улар қизиб, деталлар ейилади – бу унинг зарарига мисол бўла олади).

9. Ишқаланиш кучини ошириш усулларини таклиф этинг. (Жавоб: жисмга ортиқча юклама, сирт ғадир-будурлигининг ортиши ва б.).

10. Нима сабабдан кишида айрим юқ ташувчи автомобилларнинг орка гилдиракларини занжир билан ўраб кўйишидади? (Жавоб: ишқаланиш кучини ошириш ва яланг муз устида автомобилни сурилиб кетишдан саклаш мақсадида).

11. Биз ишқаланишининг ортиш сабабларини кўриб чиқдик, уни камайтиришнинг қандай усулларини биласиз? (Жавоб: суртиладиган мой, силлиқ шакл, подшипниклар).

12. Нима учун баланддан сувга шунгир экан, сузувчи горизантал эмас, вертикал ҳолатда сувга тушишини хоҳлайди? (Жавоб: хўл ишқаланиш кучини камайтириш ва ўз харакатига силлиқ шакл бериш мақсадида).

13. Велосипедчилар ўз харакат тезликларини ошириш учун нима қиладилар? (Жавоб: маҳсус кийимлар кийиб, горизантал ҳолатда харакатланадилар).

14. Нима учун шиша устида муз устида учгандек коńьки билан учиб бўлмайди.? Ахир ойна музга қараганда анча силлиқ-ку? (Жавоб: Коńьки ва муз орасида ишқаланиш натижасида хўлланиш вужудга келади, у суртиладиган мой каби вазифани бажаради (муз эрийди). Бу сирпанишга шароит яратади. Шиша эса хўлланиш хусусиятига эга эмас).

### Мавзу №3. "Жисм оғирлиги. Вазнисизлик.

#### Кундалик хаётда ва экстремал вазиятларда жисм оғирлиги"

(кисқа муддатли лойиха)

##### **Мақсадлар:**

**Билишига oid:** Мулоҳаза юритиш, Ньютон қонунлари ва динамика бўйича масала ечиш алгоритмини ўзлаштириш;

**Ривожлантирувчи:** Жисм оғирлигини ҳисоблашда аниқ вазиятларда Ньютон қонунларини татбиқ этиш кўнкимларини шакллантириш (динамика бўйича масала ечиш алгоритмига мувофиқ масала ечиш жараённида);  
**тарбиявий:** Ньютон қонунларининг амалий аҳамиятига нисбатан ишончни шакллантириш, ушбу қонунлардан кундалик турмушда ва экстремал вазиятларда фойдаланишга ўргатиш.

**Түшүнчалар мазмуну:** "Жисм оғирлиги", "вазнсизлик", "юклама"; Ньютоннинг иккинчи ва учинчи қонуни; динамика бўйича масала ечиш алгоритми

**Методлар:** Лойихалар методи (информацион ва тадқиқотчилик лойихалари), моделлаштириш.

**Техник воситалар, ўқитиш воситалари, қўшимча материаллар:** видеопроектор; компьютер; чоп этилган материаллар

"Механика бўйича масала ечиш алгоритми".

**Ташкилий шакли:** ўқувчиларнинг гурӯҳ таркибида бирга ишлашлари. Лойихани ишлаб чиқиши топширигини ўқувчилар лойиха ҳимоясидан икки ҳафта илгари оладилар. Ўқувчиларни лойиха ҳимоясига тайёрлаш, яъни тадқиқотчилик иши (зарур материалиларни танлаш, муҳокама, натижаларни жиҳозлаш) учун 4-5 дарс ажратилиди.

**Ишлаб чиқиладиган муаммо тематикаси:**

1. Лифтнинг тезкор ҳаракатида жисм оғирлигининг ўзгариши
2. Уча бошлаган космик комада жисм оғирлигининг ўзгариши
3. Бўртма кўприда ҳаракатланётган автомобиль оғирлигининг ўзгариши
4. Мотоциклда “цирк гумбази остида сакраётган” каскадер оғирлигининг ўзгариши

**Тавсия этиладиган ахборотлар манбаси:**

1. Крот Ю.Э. Физика и информатика в таблицах и схемах: лучше, чем учебник! / Ю.Е.Крот, С.Н.Малярчук. – Р/н/Д: Феникс, 2006. – 221 с.
2. Перельман Я.И. Большая книга занимательных наук: Алгебра, геометрия, физика, головоломки, задачи, опыты. Сборник. – М.: АСТ: Астрель, 2009. – 541 с.
3. Хребтов В.А. Физика. – СПб: ИД «Литера», 2006. – 160 с.
4. Энциклопедия Кирилла и Мефодия [Электронный ресурс]. – URL: <http://vellisa.ru/multimediyayna-megaentsiklopediya-kirilla-i-mefodiya-onlayn>
5. Класс!ная физика [Электронный ресурс]. – URL: <http://class-fizika.narod.ru/>
6. Формулы [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.fxxyz.ru/>
7. Энциклопедия Кругосвет [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.krugosvet.ru/>
8. Вес, невесомость и перегрузка [Электронный ресурс]. – URL: <http://sch119comp4.narod.ru/02.htm>
9. Интернет-учебник [Электронный ресурс]. – URL: <http://foxford.ru/wiki/fizika/nevesomost-peregruzka>
10. Учебник Физика 7 - 9 класс [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.fizika.ru/kniga/index.php?>

**Ўқувчилар лойихавий фаолиятининг йўналиши:**

**Лойиха №1 “Лифтда ҳаракатланаётган жисм оғирлигининг ўзгариши”**

**Вазифа:** Лифтда юқорига чиқиб, пастга тушаётган пассажирнинг оғирлигини ўрганиш ва унинг оғирлиги ўзгаришини аниқлаш.

**Тавсиф :** Ўқувчилар ёки таъсриба-синов ўйли билан, ёки аналитик тарзда вертикал тезлашувдаги жисм оғирлигининг формуласини чиқариллари лозим.

Улар күргазмали тажриба-синов ўтказишлари, шунингдек, видеофильм, тақдимот кўрсатишлари, фото- ёхуд видеорепортаж тайёrlашлари мумкин.

### **Лойиҳа №2 “Старт вақтида косманавт қандай юкламани хис этади?”**

*Вазифа:* Космик аппарат старти ва ерга кўнишида косманавт оғирлигининг ўзгаришини ўрганиш.

*Тавсиф:* Ўқувчилар топган маълумотлари асосида космонавтлар қандай юкламаларни хис этишлари, улар учишга қандай ҳозирлик кўришларини билиб оладилар. Фаолият маҳсули күргазмали тажриба-синов, видеофильм, тақдимот, фото ёки видеорепортаж, космонавтлардан интервью олиш кабилар бўлиши мумкин.

### **Лойиҳа №3 «Автомобилни қабариқ (бўртиб турган) ёки ботик (ичига кирган) кўприкда ҳаракатланиши»**

*Вазифа:* Тажриба-синов ёки аналитик йўл билан қабариқ ёки ботик траекторияда жисм оғирлиги қандай ўзгариши ва унга оид формулани келтириб чиқаришга ўргатиш.

*Тавсиф:* Ўқувчилар тажриба ёрдамида ёки формулага асосланиб, жисм оғирлигининг ўзгаришини исботлайдилар. Фаолият маҳсули күргазмали тажриба-синов, тақдимот, видеофильм, фото ёки видеорепортаж бўлиши мумкин.

### **Лойиҳа №4 “Жонсиз ҳалқа”**

*Вазифа:* Циркда мотоцикл ҳайдовчи ёки самолет учувчининг «жонсиз ҳалқа»ни амалга оширишдаги хатти-ҳаракатларини ўрганиш.

*Тавсиф:* Ўқувчилар цирк аттракционининг ишлаши ёки учувчининг юкори пилотаж фигурасини бажариши билан боғлиқ ҳаракатларини ўрганадилар. Фаолият маҳсули буклет, тақдимот, видеоролик, фото ёки видеорепортаж бўлиши мумкин.

### **Лойиҳа ҳимоя қилингандা ўқитувчи бериши мумкин бўлган саволлар.**

1. Қандай шароитларда жисм оғирлиги шу жисмсга таъсир этаётган оғирлик кучи модулига тенг бўлади? (*Жавоб:* жисм тинч турган ҳолатда).

2. Ипда осилиб турган тарози тоши оғирлика эгами? Агар ип кесилса, оғирлик нимага тенг бўлади? (*Жавоб:* оғирликка эга, агар ип кесилса, тарози тоши вазнсиз ҳолатда бўлади).

3. Ҳовлида ўсиб ётган дараҳтнинг оғирлиги мавжудми? (*Жавоб:* мавжуд, у ерга тортилиб туради).

4. Тошни юкорига вертикал ҳолда отиши. Ҳавонинг қаршилигига қарамай, учиб бораётган тош қачон вазнсизлик ҳолатида бўлади? Агар тошни бурчак остидан горизонтга отисла, жавоб ўзгарадими? (*Жавоб:* Бутун учиб бории давомида. *Ўзгармайди*).

5. Нима учун юкламани хисобга олиш зарур? (*Жавоб:* баҳтсиз ходисалардан сакланиш ва механизмларни синдириб кўймаслик учун).

6. Вазнсизлик ҳолатида жисмнинг ерга тортишиш кучи йўқоладими? (*Жавоб:* Йўқ, у доимо мавжуд бўлади).

7. Қачон юклама ҳосил бўлади? (*Жавоб:* жисм юкорига тик йўналишида тезланиш билан ҳаракатланганида ёки ичига ботган троектория бўйлаб ҳаракатланганда).

8. Жисм оғирлиги унинг қаерда эканлигига боғлиқми? (Жавоб: Жисм оғирлиги формуласига Ернинг шакли (экватор, кутб)га алоқадор ҳисобланган эркин тушиш тезлиги кириши сабабли, жисм оғирлиги жисмни Ернинг қайси жойида турганига боғлиқ бўлади).

9. Эслаб кўринг, қачон ўзингизда юкламани ҳис қилгансиз ёки қачон вазнсизлик ҳолатига тушгансиз? Жавоб: «Америка тоғлари» аттракционида, сувга сакраганда ёки парашют билан сакраганда.

10. Космонавт қачон юкламани ҳис этади, қачон вазнсизлик ҳолатига тушади? (Жавоб: ердан кўтарила бошлаганда юкламани ҳис этади, Ер атрофи орбитаси бўйлаб ҳаракатланганда вазнсизликни ҳис қиласди).

#### **Мавзу 4. «Механика ва инсон организми»**

(узок муддатли лойиха)

##### **Мақсад:**

**Билишга доир:** Инсон организми функцияси ва тузилишини кузатганда механика қонунининг татбиқини кўрсатиш, механика бўйича материалларни мустахкамлаш (масалан, спорт билан шугулланиш, скелетнинг тузилиши, юрак иши, нафас олиш ва б.).

**Ривожлантирувчи:** Тафаккурни ривожлантириш.

**Тарбиявий:** Ўкувчиларнинг билишга қартилган қизиқишлигини шакллантириш: ўзингни англа, ва сен дунёни англайсан.

##### **Лойиханинг вазифалари:**

1) Мазкур мавзу бўйича йил давомида маълумотлар тўплаш ва умумлаштириш.

2) Лойихада инсон организмидаги механик ҳодиса масалаларини ёритиши.

3) Спортчилар учун механика қонунларини ҳисобга олган ҳолда, саломатликини сақлаш, спортда эришган ютуқлари ва натижаларини яхшилаш бўйича тавсияларни шакллантириш.

**Методлар:** лойихалар методи (информацион, ижодий ва тадқиқотчилик лойихалари)

**Техник воситалар, ўқитими воситалари, қўшимча материаллар:** видеопроектор; компьютер; фотография, видеоклиптар, "Механика бўйича масалалар ечишнинг мумкин бўлган алгоритми" ҳақида чоп этиладиган материаллар

**Ташкилий шакли:** ўкувчиларнинг гурух таркибида биргаликда ишлаши. Ўкувчилар лойихани ишлаб чиқиши бўйича топширикни ўқув йилининг бошида олишиади. Ўқитувчи болаларга мавзуларни ўрганишида у ёки бу қонун ёхуд ҳодиса инсон организми билан алоқадор бўлиб, унга таъсир кўрсатишига эътибор қартиш зарурлигини таъкидлайди. Лойиханинг химояси якуний умумлаштирувчи дарсда ўқув йили сўнгидаги амалга оширилади. Лойихалар тематикаси ўқитувчилар билан йил давомида муҳокама қилинади.

##### **Ишлаб чиқиладиган муаммолар тематикаси:**

1. Физик нуктаи назардан инсон скелети ва мушаги тузилиши

2. Юракнинг тузилиши ва ишлаши

3. Вестибуляр аппарат. Тезлашишнинг инсон организмига таъсири

4. Коннинг томирлар бўйлаб харакатланиши. Бернулли конуну
5. Спортчиларга саломатликни саклашга оид маслаҳатлар.

#### **Тавсия этиладиган ахборотлар манбаи:**

1. Крот Ю.Э. Физика и информатика в таблицах и схемах: лучше, чем учебник! / Ю.Е.Крот, С.Н.Маярчук. – Р/н/Д: Феникс, 2006. – 221 с.
2. Перельман Я.И. Большая книга занимательных наук: Алгебра, геометрия, физика, головоломки, задачи, опыты. Сборник. – М.: АСТ: Астрель, 2009. – 541 с.
3. Хребтов В.А. Физика. – СПб: ИД «Литера», 2006. – 160 с.
4. Энциклопедия Кирилла и Мефодия [Электронный ресурс]. – URL: <http://vellisa.ru/multimediyanya-megaentsiklopediya-kirilla-i-mefodiya-onlays>
5. Класс!ная физика [Электронный ресурс]. – URL: <http://class-fizika.narod.ru/>
6. Формулы [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.fxyz.ru/>
7. Энциклопедия Кругосвет [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.krugosvet.ru/>
8. Презентация на тему «Физика в человеческом теле» [Электронный ресурс]. – URL: <http://ppt4web.ru/fizika/fizika-v-tele-cheloveka.html>
9. Герман, И. Физика организма человека [Электронный ресурс]. – URL: <http://adverbum.org/ru/node/361>
10. Учебник Физика 7- 9 класс [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.fizika.ru/kniga/index.php?>
11. Занимательная физика в организме человека [Электронный ресурс]. – URL: <http://eорhelp.runeorhelp.runeopenclass.ru/node/318695>

#### **Ўкувчилик лойихавий фаолияти йўналиши:**

##### **Лойиҳа №1. “Инсоннинг таянч-харакат ва мушак тизими”**

*Вазифа:* Инсон скелети ва мушак тизимини ўрганиш.

*Тавсиф:* Ўкувчилик физик нуқтаи назардан инсон скелети ва мушаги тузилишини изоҳловчи материалларни танлайдилар. Улар кўргазмали тажрибасинов ишларини ўтказишлари, шунингдек, видеофильм, тақдимот кўрсатишлари, фото ёки видеорепортаж тайёрлашлари, инсон скелети моделини кўрсатишлари мумкин ва б.

##### **Лойиҳа №2. “Юрак қандай ишлайди?”**

*Вазифа:* Физик нуқтаи назардан инсон юрагининг тузилиши ва ишлашини ўрганиш.

*Тавсиф:* Ўкувчилик топган маълумотлари кўмагида ва ўрганган физик конунлари ёрдамида инсон организмидаги асосий механизм хисобланган юракнинг қандай тузилганини ўрганадилар. Вена ва кон томирларида коннинг қандай айланиши кабиларни билиб оладилар. Фаолият маҳсулни видеофильм, тақдимот, фото ёки видеоматериаллар, медицина ходимларидан интервью олиш, юрак моделини ишлаб чиқиши кабилар бўлиши мумкин.

##### **Лойиҳа №3. «Вестибуляр аппарат нима? Тезкор харакат инсон организмига қандай таъсири кўрсатади?»**

*Вазифа:* Вестибуляр аппарат хақида маълумотлар топиш ва унинг ишлашини физик нуқтаи назардан изоҳлаш.

**Тавсиф:** Ўкувчилар вестибуляр аппаратнинг ишлашини физик нұқтаи назардан ўрганадилар, ушбу аппаратнинг фаолиятини текширувчи тестларни күрадилар ва б. Фаолият маҳсули кўргазмали тажриба-синов, тақдимот, видеофильм, фото ёки видеоматериаллар, учувчи ёки космонавтлар билан интервью ўтказиш бўлиши мумкин.

**Лойиха №4. “Қоннинг томирлар бўйлаб ҳаракатланиши қандай амалга ошади?”**

**Вазифа:** томирлар бўйлаб қоннинг ҳаракати ва у физиканинг қайси қонунига бўйсинашини ўрганиш.

**Тавсиф:** Ўкувчилар инсон организмидаги қон тизими ҳақида маълумотлар тўплайдилар. Фаолият маҳсули буклет, тақдимот, видеофильм, видеоролик, медицина ходимидан интервью олиш, қон тизими моделини ишлаб чиқиши кабилар бўлиши мумкин.

**Лойиха №5. «Физикларнинг спортчиларга тавсиялари»**

**Вазифа:** Спортнинг ҳар хил турларида физиканинг қайси қонунлари кўлланилишини ўрганиш ва юксак натижаларга эришиш учун улардан фойдаланишига оид тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Тавсиф:** Ўкувчилар у ёки бу спорт турининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотлар тўплайдилар ва юксак натижаларга эришиш учун физик нұқтаи назардан тавсиялар ишлаб чиқадилар. *Фаолият маҳсули* буклет, тақдимот, видеоролик, фото ёки видеоматериаллар, таникли спортчилар билан интервью ўтказиш кабилар бўлиши мумкин.

**Лойиха химоясида ўқитувчи фойдаланиши мумкин бўлган саволлар.**

Лойиха тематикасига мос физикадан ўрганилган бўлимлар бўйича барча саволлар.

#### IV. 8-СИНФ УЧУН ФИЗИКАДАН ЛОЙИХАЛАР

##### Тақвимий режалаштириш

##### I чорак

Дарс №	Дарс мавзулари	Соат-лар	Ўтказилиш муддати	Сана	Изоҳ
1-дарс	Кириш. Электр зарядлар. Ибн Синонинг электр ходисаси ҳақидаги қарашлари.	1			Лойихалар учун топшириқлар
2-дарс	Электроскоп ва Электрометр. Электр ўтказгичлар ва ўтказмовчилар.	1			
3-дарс	Электр зарядлар	1			Лойиха химояси
4-дарс	Зарядларнинг ўзаро таъсири. <b>Кулон конуни. Кулон конунинг кашф этилиш тарихи</b>	1			Лойиха химояси
5-дарс	Масалалар ечиш	1			
6-дарс	Электр майдон. Электр майдон кучланганлиги.	1			
7- дарс	Масала ечиш	1			

8- дарс	Назорат иши – 1	1			
9- дарс	Конденсаторлар	1			
10-дарс	Масала ечиш	1			
11-дарс	Ўтказгичларда электр зарядларининг тақсимланиши	1			
12-дарс	<b>Табиатдаги электр ходисалари. Электр зарядлари атрофимизда.</b>	1			Лойихалар химояси
13-дарс	Электр ҳакида дастлабки маълумотлар.	1			Лойиха учун топширик
14-дарс	<b>Ток манбай: кечча, бугун ва эртага</b>	1			Лойихалар химояси
15-дарс	Металларда электр токи	1			
16-дарс	Электр кучланиши. Кучланишини ўлчаш	1			
17-дарс	Масала ечиш	1			
18-дарс	Назорат иши – 2	1			

**II чорак**

Дарс №	Дарс мавзулари	Соатлар	Ўтказилиш муддати	Сана	Изоҳ
19-дарс	Ток кучи. Ток кучини ўлчаш	1			Лойиха учун топширик
20-дарс	Масала ечиш	1			
21-дарс	Лаборатория иши №1. Электр занжирини йигиш, занжирнинг турили кисмларида токнинг кучи ва кучланишини ўлчаш	1			
22-дарс	Электр каршилик. Солишима каршилик	1			
23-дарс	<b>Занжирнинг бир қисми учун Ом қонуни. Ом қонунининг кашф этилиши тарихи</b>	1			Лойихалар химояси
24-дарс	Масала ечиш	1			
25-дарс	Назорат иши – 3	1			
26-дарс	Лаборатория иши №2. Амперметр ва вольтметр ёрдамида ўтказгич каршилигини аниклаш	1			Лойиха учун топширик
27-дарс	<b>Резисторлар. Реостатлар. Потенциометрлар</b>	1			Лойихалар химояси
28-дарс	Лаборатория иши: №3. Ток кучини реостат ёрдамида ростлаш	1			
29-дарс	Ўтказгичларни кетма-кет улаш.	1			Лойихалар учун топширик
30-дарс	Ўтказгичларни параллел улаш	1			
31-дарс	Масала ечиш.	1			

32-дарс	Назорат иши - 4	1			
---------	-----------------	---	--	--	--

### III чорак

Дарс №	Дарс мавзулари	Соат-лар	Ўтказилиш муддати	Сана	Изоҳ
33-дарс	Лаборатория иши: № 4. Ўтказгичларни кетма-кет ва параллел улашни ўрганиш	1			Лойихалар химояси
34-дарс	Электр энергияси ва уни хисоблаш	1			Лойихалар учун топширик
35-дарс	Электр токининг куввати	1			Лойихалар химояси
36-дарс	Токининг иссиқлик таъсири ва унинг амалда кўлланилиши. Жоул-Ленц конуни.	1			Лойихалар химояси
37-дарс	Масала ечиш	1			
38-дарс	Электр плиткалар	1			
39-дарс	Бино (хонадон)даги электр занжирни. Қиска туташув	1			Лойихалар учун топширик
40-дарс	Бино (хонадон)да электр занжирини улаш	1			Лойихалар химояси
41-дарс	Электр асбоблар билан ишлашда хавфизлилк қоидаларига риоя қилиш. Электр асбоблар	1			Лойихалар химояси
42-дарс	Назорат иши – 5	1			
43-дарс	Суоқликда электр токи	1			Лойиха учун топширик
44-дарс	Фарадейнинг биринчи конуни	1			
45-дарс	Фарадейнинг иккинчи конуни	1			
46-дарс	Электролиздан фойдаланиш	1			Лойихалар химояси
47-дарс	Газларда электр токи	1			
48-дарс	Мустакил бўлмаган ва мустакил разрядлар	1			
49-дарс	Электр разрядларининг турлари ва уларни кўллаш	1			Лойихалар химояси
50-дарс	Электромагнит. Магнетизм ҳақида дастлабки маълумот	1			
51-дарс	Магнит майдони	1			Лойихалар учун топширик
52-дарс	Назорат иши – 6	1			

### IV чорак

Дарс №	Дарс мавзулари	Соат-лар	Ўтказилиш муддати	Сана	Изоҳ
53-дарс	Электромагнитлар	1			Лойиха химояси
54-дарс	Лаборатория иши №5. Энг оддий электромагнит	1			

	курилмаси ва унинг ишлашини синааб кўриш				
55-дарс	<b>Электромагнит релени ўрганиш ва унинг кўлланилиши</b>	1			Лойиха химояси
56-дарс	Электрға электромагнит майдони таъсири	1			
57-дарс	<b>Ўзгармас токининг электр двигателлари</b>	1			Лойиха химояси
58-дарс	Лаборатория иши №6. Ўзгармас ток электр двигателларини ўрганиш	1			
59-дарс	Назорат иши – 7	1			
60-дарс	<b>Ўзгарувчан индукция токи</b>	1			Лойихалар учун топширик
61-дарс	Ўзгарувчан ток. Микрофон. <b>Фавқулодда вазиятлар ва кутилмаган холатларда уни ошириш.</b>	1			Лойиха химояси
62-дарс	Ўзгарувчан ток генератори	1			
63-дарс	Электростанциялар ва уларнинг типлари. <b>Энергетика тизимида ҳалолат.</b>	1			Лойиха химояси
64-дарс	Трансформаторлар	1			Лойиха учун топширик
65-дарс	Лаборатория иши №7 Трансформатор қурилмаси ва ишлашини ўрганиш	1			
66-дарс	<b>Электр энергиясини узатиш</b>	1			Лойихалар химояси
67-дарс	Назорат иши – 8	1			
68-дарс	Экскурсия «Электр ва магнетизм ҳамда уларнинг ўзаро алоқаси»	1			Узок муддатли лойиха химояси

### Мавзу 1. «Электр зарядлари атрофимизда»

(Ўртача муддатда бажариладиган лойиха)

#### *Мақсадлар:*

**Таълими:** Табиат конуниятининг ягоналиги, тирик ва нотирик жисмлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик;

**Ривожлантирувчи:** мустакил тафаккур юритиш малакаларини ўстириш;

**Тарбиявий:** ўқувчиларда билишга оид қизиқишлиар ҳамда ҳаётий фаолият хавфсизлигига оид билим асосларини шакллантириш.

#### *Лойиханинг вазифалари:*

1) Табиий электр ҳодисаларининг турли-туманлиги, турлари ва типларини ўрганиши;

2) Яшиннинг хусусиятларини аниқлаш, уларнинг таъсиридан ҳимояланиш методларини ўрганиш;

3) Электрлашни техникада кўллаш соҳасини аниқлаш;

4) Электрлашнинг салбий оқибатларидан ҳимояланишнинг зарурлиги масаласини кўриб чиқиш.

**Методлар:** лойиҳалар методи (информацион, ижодий ва тадкиқотчилик лойиҳалари).

**Техник воситалар, ўқитиши воситалари, қўшимча материаллар:** видеопроектор; компьютер; видео ва фото-материаллар, плакатлар ва б.

**Ташиклий шакли:** ўқувчиларнинг гурух таркибида бирга ишлашлари. Лойиҳани ишлаб чиқиши хақидаги топширикни ўқувчилар “Электрлаштириш” мавзусини ўргана бошланган пайтда оладилар. Лойиҳани ишлаб чиқиши муддати – 1 ой. Умумлаштирувчи дарс “Электр ҳодисаси” бўлими якунлангандан сўнг ўтказилади.

**Ишлаб чиқилаётган муаммонинг тематикаси:**

1. Табиятдаги электр ҳодисаларининг турли кўринишлари.
2. Яшин турлари. Яшин таъсиридан ҳимояланиш.
3. Электрлаштиришнинг техникада кўлланилиши.
4. Электрлаштиришнинг фойдаси ва зарари.

**Тавсия этиладиган аҳборотлар манбаси:**

1. Крот Ю.Э. Физика и информатика в таблицах и схемах: лучше, чем учебник! / Ю.Е.Крот, С.Н.Малярчук. – Р/н/Д: Феникс, 2006. – 221 с.
2. Перельман Я.И. Большая книга занимательных наук: Алгебра, геометрия, физика, головоломки, задачи, опыты. Сборник. – М.: АСТ: Астрель, 2009. – 541 с.
3. Хребтов В.А. Физика. – СПб: ИД «Литера», 2006. – 160 с.
4. Энциклопедия Кирилла и Мефодия [Электронный ресурс]. – URL: <http://vellisa.ru/multimediyayu-megaentsiklopediya-kirilla-i-mefodiya-onlayn>
5. Класс!ная физика [Электронный ресурс]. – URL: <http://klass-fizika.narod.ru/>
6. Электрические явления в природе: молния [Электронный ресурс]. – URL: <http://biblio.fond.ru/view.aspx?id=479295>
7. Живое электричество [Электронный ресурс]. – URL: <http://electrik.info/main/fakty/29-ryby-jelektrogeneratory-ili-zhivoe.html>
8. Образовательный портал «Вектор» [Электронный ресурс]. – URL: [http://vektor.moy.su/index/fizika\\_8\\_klass/0-63](http://vektor.moy.su/index/fizika_8_klass/0-63)

**Ўқувчилар лойиҳавий фаолияти йўналишлари:**

**Лойиҳа №1 “Табиятда электр ҳодисасининг турли кўринишлари”**

*Вазифа:* Яшиннинг хусусиятини ўрганиш, Шимол ёғдуси ва бошқа табиий электр ҳодисалари.

**Тавсиф:** Ўқувчилар табиятдаги электр ҳодисалари хақида материал йигадилар, унинг хусусиятлари ва инсонга таъсирини аниқлайдилар. Улар шунингдек, видеофильм кўрсатишлари, тақдимот намойиш этишлари, фото ёки видеорепортаж тайёрлашлари мумкин.

**Лойиҳа №2 “Яшин”**

*Вазифа:* Яшиннинг хусусиятини ўрганиш, яшин турлари, шахарда ва очик жойларда яшиндан сакланиш имкониятлари.

*Тавсиф:* Ўқувчилар топган маълумотлари ёрдамида булутларда ёлқинланишнинг вужудга келиши, яшин турлари (масалан, шарсимон яшин) нималигини аниқлайдилар, шаҳарда ёки очик жойларда яшиндан сакланиш юзасидан тавсиялар берадилар. Фаолият маҳсули видеофильм, тақдимот, фото ёки видеоматериаллар, тиббиёт ходимлари билан интервью ўтказиш кабилар бўлиши мумкин.

### **Лойиха №3. «Турмушда ва техникада электрлаштириш»**

*Вазифа:* Турмушда ва техникада электрлаштириш ҳодисасининг қўйланиши, электрлаштиришнинг инсон учун фойдалари ва зарарли томонлари хақида маълумотлар топиш.

*Тавсиф:* Ўқувчилар мавзу юзасидан маълумотларни топадилар. Ишлаш жараёнида электр ҳодисасидан фойдаланиладиган, мустақил ишлаб чиқилган мавжуд модель ёки курилмани кўрсатишлари мумкин. Фаолият маҳсули кўргазмали тажриба-синов, тақдимот, видеофильм, фото ёки видеоматериаллар кабилар бўлиши мумкин.

### **Лойиха №4. «Электрлаштиришнинг инсонга фойдаси ва зарари»**

*Вазифа:* Электрлаштиришнинг қандай фойда ёки зарар келтиришини аниқлаш.

*Тавсиф:* Ўқувчилар мазкур йўналишда маълумотлар топадилар. Фаолият натижаси буклет, тақдимот, видеоролик, фото ёки видеоматериаллар, тиббиёт ходими билан интервью ўтказиш кабилар бўлиши мумкин.

### **Лойиха ҳимоясида ўқитувчи фойдаланиши мумкин бўлган саволлар.**

1. Электр заряди нима? (*Жавоб:* Электр заряди – бу физик катталик бўлиб, жисм ёки заррага хос хусусиятлар кучли электромагнит орқали ўзаро таъсирга киришади).

2. Электр майдони нима? (*Жавоб:* Электр майдони — материянинг алоҳида ўзига хос кўриниши ҳисобланиб, атрофимиздаги мавжуд электр билан зарядланган элементар заррачалар (электронлар ва протонлар) дан иборат. Электр майдони орқали бир электр зарядининг тургун, кўзгалмас таъсири бошқа тургун, кўзгалмас электр зарядига таъсир кўрсатади. Мазкур таъсир Кулоннинг машхур конунига мувофиқ амалга ошади).

3. Зарядлар ўзаро қандай таъсиранадилар? (*Жавоб:* Икки хил зарядлар мавжуд: ижобий ва салбий. Ўзаро таъсир оқибатида номдош зарядлар бир-бирини итаради, турли номдаги зарядлар эса бир-бираига интилади).

4. Нима учун яшин ургандан сўнг ёмғир тезлашади? (*Жавоб:* яшин ургунга қадар томчилар зарядларнинг электр майдонида тутиб турилади).

5. Нима учун автомобилга тушган яшин йўловчиларга зарар келтирмайди?

(*Жавоб:* Яшиннинг юкори частотали токи машина корпусининг ичкарисига кирмай, сиртидан ўтади).

6. Нима учун яшинда ерга ётиб олиб бўлмайди? (*Жавоб:* ерга тушган ток разряди юкорига кўтарилади. Бунда кўл ва оёқлар ўртасидаги потенциалда катта фарқ кузатилади).

8. Коронгидаги шерст нарсага тегингандага, нозик учқунчалар сачрайди Нима учун? (*Жавоб:* Электр разряди юз беради).

9. Нега бензовозга ерга тегиб турувчи метал занжир уланади? (Жавоб: ерга дахлдор шиналарни электрлаштиришда разряддан қочиш учун).

## **Мавзу 2: «Бино (хонадон)даги электр занжири»** (мини – лойиха)

### **Мақсадлар:**

**Таълимий:** ўқувчиларнинг бино(хонадон)даги электр занжири ҳақидаги билимларини кенгайтириш ва долзарблаштириш, ўқувчиларнинг электротехник лойиҳаларни ишлаб чиқиши бўйича билишга қаратилган изланиш фаолиятини ташкил этиш;

**Ривожлантирувчи:** мустақил тафаккур юритиш, инженер-конструкторлик қобилиятлари ва ахборот саводхонлиги малакаларини ривожлантириш; ;

**Тарбиявий:** ютуқлардан завқланиш ва мустақиллик ҳиссини қўзғаш орқали ўқувчиларда билишга қизиқиши ва коммуникатив кўникмаларни шакллантириш.

### **Лойиҳанинг вазифалари:**

1.Ўз квартираси ёки хонасининг электр схемаси лойиҳасини тузиш.

2. Зарур жиҳозларни танлаш.

3. Схема куйидаги шарт-шароитларни таъминлаши зарур:

I. Ёритиш алоҳида виключателли иккита (100 Вт ли) лампада амалга оширилади;

II. Чўғланма лампаларнинг куйиб қолиши ёки улардан бирини ўчириб қўйиш;

III. бошқа приборларни ёкиш учун иккита розетка бўлишини назарда тутиш;

IV. сарфланаётган энергияни ўлчаш учун приборни улаш;

V. қисқа туташув (замикания) пайтида занжирни ток манбаидан автоматик узиш;

VI. ток манбайи кучланиши 220 В;

4. Электр схема учун ток кучини, занжирнинг турли қисмлари кучланиши ва 1 соатда кетадиган энергияни ҳисоблаш.

**Методлар:** лойиҳалар методи (ижодий ва тадқиқотчилик лойиҳалари)

**Техник воситалар, ўқитиши воситалари, қўшиимча материаллар:** видеопроектор; компьютер; қоғоз, қаламлар, маркерлар, чизғич шаблони, плакатлар ва б.

**Ташкилий шакли:** ўқувчиларнинг индивидуал ишлари. Ўқувчилар лойиҳани ишлаб чиқиши ҳақидаги топширикни “Электр занжирлар” мавзусини ўрганишни бошлаган пайтларида оладилар. Лойиҳани ишлаб чиқишига кетадиган муддат 2 та машғулотдан иборат, бунга топширик берилган машғулот ҳам киради. Кейинги машғулотда лойиҳалар топширилади. Жиҳозлаш: зарур ҳисоб-китоблар амалга оширилган чизма кўринишида.

### **Муаммоли саволлар:**

1. Бино (хонадон)нинг электр занжири қандай тузилган?

2. Қиска туташув пайтида занжирни узишни қандай қилиб назарда тутиш мүмкін?

3. Занжирнинг турли қисмларида кучланиш ва ток кучини қандай ўлчаш мүмкін?

4. Сарфланган электр энергиясини қандай хисоблаш мүмкін?

#### **Тавсия этиладиган ахборотлар манбаи:**

1. Крот Ю.Э. Физика и информатика в таблицах и схемах: лучше, чем учебник! / Ю.Е.Крот, С.Н.Малярчук. – Р/н/Д: Феникс, 2006. – 221 с.

2. Перельман Я.И. Большая книга занимательных наук: Алгебра, геометрия, физика, головоломки, задачи, опыты. Сборник. – М.: АСТ: Астрель, 2009. – 541 с.

3. Хребтов В.А. Физика. – СПб: ИД «Литера», 2006. – 160 с.

4. Энциклопедия Кирилла и Мефодия [Электронный ресурс]. – URL: <http://vellisa.ru/multimediyay-megaentsiklopediya-kirilla-i-mefodiya-onlayn>

5. Класс!ная физика [Электронный ресурс]. – URL: <http://class-fizika.narod.ru/>

6. Правила выполнения электрических схем [Электронный ресурс]. – URL: [http://www.znaytovar.ru/gost/2/GOST\\_270275\\_ESKD\\_Pravila\\_vypol.html](http://www.znaytovar.ru/gost/2/GOST_270275_ESKD_Pravila_vypol.html)

7. Разводка электрики в квартире. Электрические схемы освещения. Диагностика электрической схемы — помещений. [Электронный ресурс]. – URL: <http://zapiski-elektrika.ru/>

8. Начальный курс электрика [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.rtsh.ru/manual.electrician.htm>

9. Принципиальные схемы электрика [Электронный ресурс]. – URL: <http://electrikkpro.ru/shemyi/>

#### **Ўқувчилар лойихавий фаолияти йўналиши:**

Кўриладиган лойихалар – булар аниқ электр занжирлари моделлари. Ўқитувчи ўқувчиларга албатта аввал бажарилган лойихаларни намуна сифатида кўрсатиши зарур. Ўқувчилар ўқитувчининг назорати остида бино (хонадон) чизмасини чизадилар, унга тегишли электр асбоблар ва уловчи проводларни белгилайдилар, ишни уйда якунлайдилар. Кейинги дарсда ўқувчилар ўз лойихаларини химоя киладилар, йўл қўйилган хатоларни таҳдил этадилар. Лойиханинг электр схемасига оид топшириғи қоғоз варағига маркер ёки қалам билан чизилади. Лойихани жуфтликда бажариш ҳам мүмкін. Бундай вазиятда ўқувчилар ўзлари бажаридиган вазифани аниқлаб олишлари керак. Ўқувчиларнинг бири конструкторлик вазифасини бажариши, бошкаси тадқиқотчиликни амалга ошириши мүмкін.

#### **Лойиха ҳимояси вақтида ўқитувчи томонидан қўлланилиши мүмкін бўйлган саволлар.**

1.Ўзгармас электр токи қандай қонунга бўйсинади?

(жавоб: Омнинг занжир қисмининг ўтказгич (проводник) охиридана кучланишга қарам ток кучи ва бу ўтказгичнинг каршилиги ҳакидаги қонуни. Жоул-Ленц қонуни токнинг ўтказгич (проводник)га иссиқлик таъсирини тавсифлайди).

2. Мазкур конунлар амалий жиҳатдан қаерда ва қандай амалга оширилади?  
*(Жавоб:* барча электротехник қурилмалар Ом конуни асосида ишлайди: музлаткич, чангюткич, телевизор ва б., ишлаб чиқариш станоклари, электр транспортлар. Жоул-Ленц конуни асосида иситувчи жиҳозлар ажратиб чиқарадиган иссиқлик микдори аниқланади, масалан, дазмол, электр чойнак, электр плитаси ва б.)

3. Электр занжирини йиғишнинг қайси усулларини биласиз? (Жавоб: кетма-кет ва параллел).

4. Занжир элементларини улашнинг қайси турлари амалиётда кўлланади?  
*(Жавоб:* Хонадаги барча маиший электр асбоблари параллел уланади, шу сабабли улар бир хил кучланишида 220 В билан ишлайди, агар улардан бири қатордан чиқса, бошқа қолганлари ишлайверади. Турли хоналардаги электр лампалар ҳам параллел уланади, шу сабабли уларни бир-бирiga алокадор бўлмаган холда ёкиш мумкин. Арча безак-маржонларидағи электр лампалари ҳавфисизлини таъминлаш мақсадида кетма-кет уланади, Шу сабабдан безак-маржон (гирлянда) битта лампаси куйид колса ҳам, ўчиб қолади.

5. Занжирни киска туташувдан химоялаш учун қандай асбобдан фойдаланилади? (Жавоб: предохранител).

6. Бино (хонадон) электр занжири орқали сарфланган электр энергиясини ўлчаш учун қайси асбоб кўллананиди? (Жавоб: ўзида амперметр, вольтметр ва соатни жамловчи электр ўлчагич).

7. Электр энергияни қандай қилиб тежаш мумкин? (индивидуал жавоблар).

### **Мавзу 3: «Электр энергиясини ишлаб чиқиш, узатиш ва ундан фойдаланиши»** (киска муддатли лойиха)

#### **Мақсадлар:**

**Таълими:** Электр энергияни ишлаб чиқиш, истеъмолчига етказишнинг турли усуллари ҳақида тасаввурларни шакллантириши.

**Ривожлантирувчи:** Коммуникатив ва билишга қаратилган ўкув компетентлигини шакллантириши.

**Тарбиявий:** Ўкувчida дунёқарашга оид нуқтаи назарни тарбиялаш.

#### **Вазифалар:**

1) “Трансформаторни ўзгарувчан ток занжири кучланишини қайта ишловчи қурилма сифатида ўрганиш, ток занжири кучланишини пасайтирувчи ва оширувчи трансформаторлар ва электр энергиясини узатишида ундан фойдаланиш.

2) Ўкувчиларнинг электр станцияларининг турлари ва хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларини тизимлаштириши.

3) Электр станцияларини куриш ва уларнинг ишлаши билан боғлиқ экологик муаммолар, атроф мухитни муҳофаза қилиш ҳақидаги тушунчаларни шакллантириши.

**Методлар:** лойихалар методи (ижодий, информацион ва тадқиқотчилик лойихалари)

**Техник воситалар, ўқитиши воситалари, құшиимча материаллар:** видеопроектор; компьютер; қоғоз, маркерлар, плакатлар, фото ёки видеоматериаллар ва б.

**Ташкилий шакли:** ўкувчиларнинг гурухли ишлари. Лойиҳани ишлаб чиқиши ҳақидаги топширикни ўкувчилар “Ўзгарувчан ток генератори” мавзуси үрганилган дарсда оладилар. Лойиҳани ишлаб чиқиши муддаты 3 – 4 машғулотдан иборат бўлиб, унга топширик берилган дарс ҳам киради.

### **Муаммоли саволлар:**

1. Трансформатор нима ва у нима учун кўлланилади?
2. Қачон пасайтирувчи ва қачон оширувчи трансформатор кўлланади?
3. Электр станцияларининг қайси турларини биласиз?
4. Электр энергияси қандай узатилади?
5. Ушбу худудда электр станцияси қурилишини қандай лойихалаш мумкин?

### **Тавсия этиладиган ахборотлар манбаи:**

1. Крот Ю.Э. Физика и информатика в таблицах и схемах: лучше, чем учебник! / Ю.Е Крот, С.Н.Малярчук. – Р/Н/Д: Феникс, 2006. – 221 с.
2. Перельман Я.И. Большая книга занимательных наук: Алгебра, геометрия, физика, головоломки, задачи, опыты. Сборник. – М.: АСТ: Астрель, 2009. – 541 с.
3. Хребтов В.А. Физика. – СПб: ИД «Литера», 2006. – 160 с.
4. Энциклопедия Кирилла и Мефодия [Электронный ресурс]. – URL: <http://vellisa.ru/multimediyay-megaentsiklopediya-kirilla-i-mefodiya-onlayn>
5. Классическая физика [Электронный ресурс]. – URL: <http://class-fizika.narod.ru/>
6. Трансформатор – устройство и принцип действия [Электронный ресурс]. – URL: <http://electroandi.ru/>
7. Трансформаторы [Электронный ресурс]. – URL: [http://toe.stf.mrsu.ru/demo\\_versia/Book/part/part4/glava11\\_1.htm](http://toe.stf.mrsu.ru/demo_versia/Book/part/part4/glava11_1.htm)
8. Виды электростанций (обзор) [Электронный ресурс]. – URL: <http://allbest.ru/>
9. Электростанции [Электронный ресурс]. – URL: <http://school-collection.edu.ru/>
10. Передача электроэнергии [Электронный ресурс]. – URL: [af-fiz-1586.narod.ru/](http://af-fiz-1586.narod.ru/)
11. Интерурок [Электронный ресурс]. – URL: [interneturok.ru/](http://interneturok.ru/)
12. Как передается электроэнергия от электростанций к потребителям [Электронный ресурс]. – URL: <http://electrik.info/>

### **Ўқувчилар лойиҳавий фаолияти йўналиши:**

#### **Лойиҳа №1 «Трансформаторнинг тузилиши ва ишлаши»**

**Вазифа:** Трансформаторнинг тузилиши ва ишлаши, унинг турлари ва қўлланилишини ўрганиш.

**Тавсиф:** Ўқувчилар трансформатор, унинг турлари ва қўлланилиши ҳақида маълумот тўплайдилар. Трансформаторни ишлатиш ҳақида кўргазмали тажриба-синов ўтказиш мумкин. Фаолият маҳсулни кўргазмали тажриба-синов, видеофильм, тақдимот, буклет, фото ёки видеоматериаллар ва б . бўлиши мумкин.

#### **Лойиҳа №2 «Генераторнинг тузилиши ва ишлаши»**

**Вазифа:** Генераторнинг тузилиши ва ишлаши, ундан электр энергия ишлаб чиқариш учун фойдаланилишини ўрганиш.

**Тавсиф:** Ўқувчилар генератор ва унинг ишлаши ҳақида материал ийғадилар. Генераторни ишлатиш ҳақида кўргазмали тажриба-синов ўтказиш мумкин. Фаолият маҳсули кўргазмали тажриба-синов, видеофильм, тақдимот, буклет, фото ёки видеоматериаллар бўлиши мумкин.

#### ***Лойиха №3. «Электр станциялари ва уларнинг турлари»***

**Вазифа:** Электр станцияларининг турлари, уларнинг ишлаши, электр станциясини ишлатиш учун энергия манбалари ҳақида маълумотлар топиш ва б.

**Тавсиф:** Ўқувчилар электр станцияларининг турлари ва ишлаш принциплари ҳақида материал тўплайдилар. Фаолият маҳсули видеофильм, тақдимот ёки буклет, фото ёки видеоматериаллар бўлиши мумкин.

#### ***Лойиха №4. «Электр станциялари ва уларнинг турлари»***

**Вазифа:** Электр станцияларининг турлари ва уларнинг ишлаши, электр станциялари ишлаши учун энергия манбалари, ишлаб чиқилган энергияни истеъмолчига узатиш ҳақида маълумотлар топиш.

**Тавсиф:** Ўқувчилар турли электр станциялари, уларнинг ишлаш принциплари ва истеъмолчига электр энергияни узатишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида материал тўплайдилар. Фаолият маҳсули видеофильм, тақдимот, буклет, фото ёки видеоматериаллар бўлиши мумкин.

#### ***Лойиха №5. «Ушибу ҳудуд учун электростанция лойиҳаси»***

**Вазифа:** тегишли жой харитасини кўллаб, чўл зоналари, юқори тоғли туманлар, ҳалқ ҳўжалиги обьектлари учун электр станцияси куриш лойиҳасини ишлаб чиқиши.

**Тавсиф:** Ўқувчилар тегишли жой харитасини кўллаб, икlim шароити ва энергетика сарфи, электр станциясидан фойдаланишининг экологик хавфсизлиги кабиларни хисобга олган холда, электр станциясининг тури ва жойлашуви, шунингдек, энергияни истеъмолчиларга узатиш усулларини лойиҳалаштирадилар. Фаолият маҳсули чизма ва макет билан ифодалунувчи аник инженерлик лойиҳаси бўлади.

#### ***Лойиҳа ҳимоя қилинганда ўқитувчи бериши мумкин бўлган саволлар:***

1. Нега электр энергиясини узоқ оралиқка электр узатишнинг юқори вольтли линиялари орқали берилади?

2. Тармоқда кучланиш юкорилиги 100 марта ортиқ бўлса, электр энергиясини қиздирилган ўтказгич орқали узатишда уни йўқотиш қанчага камайди?

3. Нега электр энергиядан фойдаланилганда тармоқдаги кучланиш камайди?

4. Трансформаторнинг ишлаши қайси физик ходиса билан боғлиқ?

5. Генераторнинг ишлаши қайси физик ходиса билан боғлиқ?

6. Трансформатор қандай тузилган?

7. Трансформация коэффициенти нимани кўрсатади?

8. Электр станциясининг қайси типи бир қадар экологик тоза ҳисобланади?

9. Электр узатиш линияси нима?

10. Электр станциясини куриш учун нимани билиш керак?

## **Мавзу 4. Табиатда ва техникада электромагнит ҳодисаси**

(узок мұддатлы лойиха)

### **Мақсадлар:**

**Таълими:** Ўтилган мавзу бүйіч турли назарий билимлар ва манбалардан фойдаланиб, фаннинг ривожланиш тарихидан мисол көлтирган ҳолда, электр ва магнетизмнинг боғлиқлигини күрсатып, электромагнит ҳодисасининг табиатда намоён бўлиши ва техникада қўлланишини ўрганиш.

**Ривожлантируучи:** Тафаккурни ривожлантириш.

**Тарбиявий:** Ўкувчиларнинг билишга қаратилган қизиқишлигини шакллантириш

### **Лойиҳанинг вазифалари:**

- 1) Мавзу бүйічай йил давомида материал йиғиши ва умумлаштириш.
- 2) Лойиҳада куйидаги масалалар ёритилади: электр ва магнит ҳодисаси, магнитлар, магнит ва электр майдонининг ўзаро таъсири, Ернинг магнит майдони, инсон организмининг магнит майдони, электр ва магнит ҳодисаси ҳакида тарихий маълумотлар, турмушда ва техникада электромагнетизмдан фойдаланиш.

**Методлар:** Лойиҳалар методи (информациян, ижодий ва тадқиқотчилик лойиҳалари)

**Техник воситалар, ўқитиши воситалари, қўшишча материаллар:** Видеопроектор; компьютер; фотография, видеоклиптар, такдимот, лаборатория жиҳозлари.

**Ташкилий шакли:** Ўкувчиларнинг гурух таркибида биргаликда ишлашлари. Лойиҳани ишлаб чиқиши ҳакидағи топширикни ўкувчилар ўкув йилининг бошида оладилар. Ўқитувчи мавзуларни ўрганишда электр ва магнит майдонининг ўзаро алоқадорлиги, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларига, шунингдек, янги маший курилмалар яратиш ва мавжуд курилмаларнинг қандай тузиғанлигини ўрганишда ўтилган мавзулардан қандай фойдаланиш мумкинлигига эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлайди. Лойиҳа ҳимояси ўкув йилининг сўнггида яқуний умумлаштирувчи дарсда амалга оширилади. Лойиҳа тематикаси йил давомида ўқитувчи билан бирга муҳокама қилиб борилади.

### **Муаммоли саволлар:**

- 1) Электр зарядлари хусусиятларидан қандай фойдаланиш мумкин?
- 2) Сунъий магнитни қандай ҳосил қилиш мумкин?
- 3) Уйимизда магнит кучи (куввати) мавжудми?
- 4) Ер – катта магнит,
- 5) Инсон организмидә магнит ҳодисаси
- 6) Электрнинг магнетизм билан ўзаро алоқадорлиги
- 7) Электромагнит ҳодисаси бүйіч тарихий материаллар.

### **Тавсия этиладиган ахборотлар манбаи:**

1. Крот Ю.Э. Физика и информатика в таблицах и схемах: лучше, чем учебник! / Ю.Е.Крот, С.Н.Малярчук. – Р/н/Д: Феникс, 2006. – 221 с.
2. Перельман Я.И. Большая книга занимательных наук: Алгебра, геометрия, физика, головоломки, задачи, опыты. Сборник. – М.: АСТ: Астрель, 2009. – 541 с.

3. Хребтов В.А. Физика. – СПб: ИД «Литера», 2006. – 160 с.
  4. Энциклопедия Кирилла и Мефодия [Электронный ресурс]. – URL: <http://vellisa.ru/multimediyayaya-megaentsiklopediya-kirilla-i-mefodiya-onlayn>
  5. Классная физика [Электронный ресурс]. – URL: <http://class-fizika.narod.ru/>
  6. Формулы [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.fxyz.ru/>
  7. Наглядная физика [Электронный ресурс]. – URL: <http://infotriumf.by/>
  8. Краткая история [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.ufo.obninsk.ru/>
  9. А.Н. Матвеев Электричество и магнетизм [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.alleng.ru/d>
10. Электричество и магнетизм [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.krugosvet.ru/>

### **Ўқувчилар лойиҳавий фаолияти йўналиши:**

#### **Лойиҳа №1. “Электр ва магнит ҳодисаси”**

*Вазифа:* Электр ва магнит ҳодисаларининг ўзаро алокадорлиги, фарқи ва ўхшаш жиҳатлари хамда ўзаро таъсирини ўрганиш.

